



# МирТемир

АСАРЛАР

УЧ ТОМЛИК

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1971

# МирТемир

ИККИНЧИ ТОМ

ШЕЪРЛАР ВА ПОЭМАЛАР

РАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЕТИ

Тошкент — 1971

\* \* \*

Индекс 7-4-3



\*

# ШЕЪРЛАР

\*





## СЕНИ УЛУҒЛАЙМАН

Сени улуғлайман, монолит партиям!  
Еруғ шу кунимиз, порлоқ эртамиз,  
Торни кўтаролган пўлат елкамиз,  
Сени улуғлайман,  
Сочи оқарса ҳам йигит партиям!

Энг оғир жангларда ёвқур ва ўктам,  
Кетда қолди кўп жар, кўп қалтис довон.  
Асрлик орзулар иродангда жам,  
Сенинг ижодингдир шу улуғ замон.  
Сенинг ҳар сўзингда баҳор муждаси,  
Сени деган дилда қолурми гумон?  
Сенинг ижодингдир шу бахт ўлкаси,  
Бу боғлар мангулик кўрмагай хазон!

Асрлар учдилар сўхта ва дилхун,  
Сен машъала тутдинг олис йўлларга.  
Чўккан тошдай ғойиб эди бахт бурун,  
Бахт калитин бердинг қадоқ қўлларга.  
Заҳматларинг беиз кетмади охир,  
Сўзинг оғизларда қўшиқ ва шиор.  
Ашаддий ёвлар ҳам тан берар ҳозир,  
Боримиз мўл бўлди, йўғимиз-чи бор...  
Гўдаклар юзида гулларнинг ранги,  
Қишда гунча очар даштларда баҳор.

Бу бахтга қўнолмас ўтмишнинг чанги,  
Эрта, бўлгуси кун тагин беғубор.  
Не-не мард қурбонлар эсда ҳали ҳам...  
Чексиз Ватан — элнинг кўз қорачиғи,  
Тенглар ўртасида тенг республикам —  
Умр ифтихори — юрт ярашиғи!  
Уфқим тонг нурида балқиганида,  
Қийғос очилганда бўлиқ пахтазор,  
Сойлар соҳилларга чалқиганида,  
Дала — гўё қишда қирчиллама қор...  
Бизга у байрамга хос кийим-кечак,  
Тинчимиз бузганга кафанлик бўлсин.  
Бепоен юртимиз тўла гул-чечак,  
Яна бўстон бўлсин, чаманлик бўлсин!

Икки улуғ дарё қиргоқларида  
Саодатнинг сўлмас боғлари ёрқин.  
Кенг ўлканинг яқин-узоқларида  
Коммунизм тонги чоғлари ёрқин.  
Сени улуғлайман монолит партиям!  
Ёруғ шу кунимиз, порлоқ эртамиз,  
Тоғни кўтаролган пўлат елкамиз,  
Сочи оқарса ҳам йигит партиям!  
Алп сиймонгга талай қиёс изладим,  
Пастда қолиб кетди не-не тик қоя,  
Порлоқ даҳонгга ҳам бир мос изладим,  
Не-не зукколар ҳам фақат бир соя!  
Ақлинг қаршисида томчидир денгиз,  
Эллар отасисан, эллар оғаси...  
Даҳонг океанлардан теран ва чексиз,  
Коммуна асрининг сен алп дарғаси...  
Сени улуғлайман!

1955.



## БОБОЖОН...

—«Нима ола келдинг, бобожон,  
Не келтирдинг улкан шаҳардан?  
Қундуз, Холдор, мен ва Болтажон  
Йўлга чиқдик эрта саҳардан.  
Кўринасан нега тажангроқ,  
Қарашинг ҳам нечун сал совуқ?  
Ғарам-ғарам чопдик-ку янтоқ,  
Қучоқ-қучоқ юлдик чирмовуқ.  
Қўшиқ айтиб берайликми ё,  
Очилсин-да ахир қобоғинг.  
— Қувнанг,— дердинг,— бўлманг дилсиёҳ,  
Қани, бобо, ўша сабоғинг?»

Қалдиргочдай шўх вижирлашар,  
Бобо ортиқ боқолмас мунгли.  
Кўнгли тошар, ҳар зум бир яшар:  
Гўдак кўнгли — подишо кўнгли...

Чол кўзида ғурури аён,  
Ажиб сурат олар қўйнидан.  
Икки қўллаб тутар шу замон,  
Гўдакларнинг қучиб бўйнидан.

Бу Лениннинг сурати эди,  
Совгаларнинг қиммати эди.

Ноёб совға ўша кечқурун  
Дарчадан ҳам анча баландроқ,  
Уй тўридан олди соз ўрин.  
Кўз узолмас кенжа қизалоқ:  
— Бу ким,— дейди узоқ термилгач,—  
Айтиб беринг, бобо, бу ким?— дер.  
Мийиғида бобоси кулгач:  
— Айтиб берай, эшитгин жим,— дер:

Қизим, сочларингни тараб ўраман,  
Билиб қўй, шу киши энг улуғ бобонг.  
Унинг далдасида даврон сураман,  
Инқилоб!— деб ўша илк бор урган бонг..  
Удир доноларнинг асл доноси,  
Буюк бахт тилсимин очолган шоввоз.  
Жами гўдакларнинг улуғ бобоси,  
Тенги йўқ устоз..  
Сизга аталгандир, кўзим, ҳарна бор,  
Боғлар, чаманзорлар, сўлим майдонлар.  
Ёруғ кошоналар нечоғлиқ пойдор,  
Сиз ўсасиз бунда, эй болажонлар.  
Сизга — улуғ сарой, гулзор, хиёбон,  
Сизга — чексиз бу юрт, баракаю қут,  
Навбат кутиб турар не-не биёбон,  
Қақроқ ўзанлардан оқизгайсиз сут.  
Удир бўронларда тик турган дохий,  
Удир улуғ бобо, жажжи қизгинам!  
Удир биздай қўшчи чоллар паноҳи,  
Ҳали туғилганмас ўшандай одам...

## СОЙ БҮЙИ — ЯЛАНГ ҚУМЛОҚ

Сой бүйи — яланг қумлоқ,  
Сой бүйига юр, ўртоқ,  
Қумдан саройлар қуриб,  
Сойларни чўлга буриб,  
Бўзда яратайлик боғ,  
Бобом кўнгли бўлсин чоғ.

Сой бүйи — яланг қумлоқ,  
Сой бүйига юр, ўртоқ,  
Чарчагунча югуриб,  
Ҳамма ишта улгуриб,  
Тўлқинларда юзайлик,  
Балиқлардан ўзайлик.  
Уссак-унсак қувноқ, соғ,  
Бобом кўнгли бўлур чоғ...

1956.

## ГИЛОС

Гилос кўчати экин, дер бобом,  
Ҳовли чеккасида ана жой ҳам бор,  
Гилос соясида оласан ором,  
Меҳнатинг сира ҳам кетмайди бекор.  
Худди ўзинг каби ўсар кўчатинг,  
Икки-уч йил ўтмай аниқ кўргайсан:  
Бекорга бўлмабди жиндак меҳнатинг,  
Мевасин егайсан, завқин сургайсан.

Гилос кўчати эдим бу кўклам,  
Ариқ олиб, тагин бўшатдим, бобо.  
Яхши ўғитларинг ёқади бирам,  
Яхши орзунгни ҳам ушатдим, бобо!

1956.

## ПИЕЛА

Қурултойга борганда холам,  
Ола келди менга ҳам тортиқ.  
Фируза ранг чинни пиёлам —  
Совғаларнинг баридан ортиқ.  
Фируза ранг чинни пиёлам —  
Токчамизнинг асл чиройи.  
Фируза ранг чинни пиёлам —  
Чой ичганга арзир киройи...

1956.

## ҚАЙРАҒОЧ

Сув бўйида садақайрағоч,  
Юз кишилик мўл сояси бор.  
Энига ҳам етмас тўрт қулоч,  
Бир ғалати ҳикояси бор:

Эмиш бурун, юз йил бурунроқ  
Шу қишлоқдан ўтмиш чол дарвеш.  
Елғиз экан, соч-соқоли оқ,  
На ўғли бор, на қиз, на ёр, хеш.

Сув бўйида дам олибди чол,  
Кейин, ерни ковлаб, таёгин —  
Уша жойга тиқибди дарҳол...  
Эслай олмас ҳеч ким у ёгин.

Уша таёқ, кўклам экан-да,  
Аста-аста ёзибди куртак.  
Тагин ҳар йил кўклам келганда  
Бўй чўзибди, дема бу эртак.

Бўй чўзибди, йил ўтган сайин  
Улғайибди, кучга тўлибди.

Сояси мўл, салқини майин,  
Шундоғам дов, полвон бўлибди.

Эголмайди ҳозир бўронлар,  
Бўронларга ўзин қилар пеш.  
Бунда ором оларкан жонлар,  
Эсланади ўша чол дарвеш.

1956.

## КУЛ БУЙИДА

### I

Яшил шаҳар ёнбошида  
Зумрад кўл кўрдим.  
Зумрад кўлнинг нақ қошида  
Қумлоқ чўл кўрдим.  
Зумрад кўлда оппоқ-оппоқ  
Қайиқ ўйини.  
Айланади апоқ-чапоқ  
Саҳро қуюни...  
Тунёгида мавж урарди  
Нав-ниҳол ўрмон.  
Кўл бўйида тик турарди  
Бир шоир ўғлон.  
Менга деди: «Меҳмон оға,  
Бўлмангиз ҳайрон.  
Баъзан шамол сердағдаға,  
Ўшқирар бўрон,  
Хумдон каби қизир тупроқ  
Қуёш тафтида,  
Олов тўкар ўчоқ-ўчоқ...  
Саҳро кафтида —  
Кўл балқийди мисли симоб,  
Мисли қўрғошин.  
Ҳар қатрада ўйнар офтоб,  
Нақ юз лак яшин.



Лекин бўрон дағдағаси  
Уткинчи бир дўқ.  
Бўлсанг арзир садағаси,  
Қаранг зумрад чўқ...  
Қаранг, мавжи қандай сулув,  
Қандай кенг бағри.  
Асли ўзи шифоли сув,  
Кўк яланг сағри.  
Бўлган экан бу жой бир кез —  
Каттакон тузлоқ.  
Оқ кийиклар бунда тез-тез  
Соларкан сўқмоқ...  
Келар экан туз ялашга  
Тунда сиртлонлар,  
Келар экан туз ковлашга  
Ташна карвонлар...  
Қаранг, ҳозир қандай жонбахш  
Бу ёшлик кўли.  
Чўл ҳуснига зумрад бир нақш,  
Қардошлик кўли...»

## II

Утирар кўл қирғоғида  
Кўзи қалпоқли —  
Биров хаёл қучоғида,  
Бобом спёқли...  
— Ота, — дедим, — шоирона  
Хаёлларга гарқ,  
Бахт завқига қона-қона,  
Эй, сен, озод Шарқ! —  
Утирибсан мисли қоя  
Қумли соҳилда,  
Сирми ёки бир ҳикоя,

Не тўлқин дилда?  
Зумрад кўлнинг қирғоғида  
Қўзи қалпоқли —  
Теран хаёл қучоғида  
Бобом сиёқли —  
Нуроний чол, саҳро ўғли...  
Бошлар ҳангома.  
Кўнгли йигит каби чўғли...  
Олидан нома —  
Етқизолган ўктам, ҳорғин,  
Барзанги полвон,  
Ўзи, кўзи, сўзи ёрқин,  
Хушвақт бир инсон:  
— Мен умримда тўрт хон кўрдим,  
Талай бий кўрдим.  
Элни фақат нолон кўрдим,  
Асабий кўрдим.  
Аримади манглай шўрим,  
Чўл кездим саёқ...  
Кимга етсин менинг зўрим?  
Кўлимда таёқ —  
Бий моллари сурув-сурув,  
Тўрвам кўрмас нон,  
Чўпон эдим, ошим оғу,  
Шўрлик, нотавон.  
Кўл бўйида ўша кунлар  
Эсимга тушди.  
Чўзиқ оҳлар, мунгли унлар  
Эсимга тушди.  
Яшил ўрмон бўлура ҳали  
Кўл айланаси.  
Ез кунлари дам олгали  
Қушлар панаси...  
Чиройига чирой қўшур

Кун ўтган сари,  
Ойдин тунда рақсга тушур  
Сув парилари...  
Қиш қўйнидан бахт сингари ёз учиб келур,  
Гала-гала сухсур, сўна, гоз учиб келур,  
Янги-янги қўшиқ, ялла, соз учиб келур,  
Бўронларнинг дайди дўқи оз учиб келур...  
Қайиққа туш, мавжларда кез,  
Қулоч от, меҳмон!  
Ўзингни ўз уйингда сез,  
Завққа бот, меҳмон!  
Мен дедимки: ўз уйим-ку,  
Меҳмон эмасман.  
Ўз уйим-ку, ўз тўйим-ку,  
Сийга келмасман;  
Эл ўртада, юрт ўртада,  
Тупроқ ўртада.  
Бахт ўртада, қут ўртада,  
Қирғоқ ўртада.  
Мулк ўртада, мол ўртада,  
Дарё ўртада.  
Сув ўртада, бол ўртада,  
Саҳро ўртада.  
Мен ҳам сенга бир фарзандман,  
Эй, сен, озод Шарқ!  
Шўх хаёлда мен ҳам бандман,  
Бахт завқига фарқ...

1956.

*Қорақалпоқ.*

## АМУ БАЛИҒИ

Қадим Шарқ бозори янглиғ эич, тиқин...  
Бурчак-бурчакларда одамлар йиғин.  
Бозор чеккасида шинам бир хона,  
Оқ тутун юксалар осмонга қадар.  
Димоқни қитиқлар сеҳргар бир дуд...  
Қозонда буг ёр балиқ шўрваси...  
Товоқда қовурма, оқ ва биққа гўшт,  
Опа мағрур дейди:  
Бу Аму дарёнинг тамли балиғи,  
Балиқнинг лаққаси, ўбдон ёғлиғи!  
Амудай серҳиммат дарё камдан-кам,  
Бизнинг қайиқчилар,  
Бизнинг балиқчилар  
Дунёда камдан-кам, билмоғон, ўктам!..

1956.

## КЕГАЙЛИДАН...

Бир қиз кўрдим бугун шаҳар боғида,  
Кегайлидан келган сулув, дедилар.  
Не йигитлар куяр унинг доғида,  
Асов жайрон янглиғ қиз шу, дедилар.  
Шарқ тундайд қора эди кўзлари,  
Бердақ шеъри билан айтсам: қир бурун.  
Атрофида бўз йигитлар парвона,  
Қия боқмас, йигит бағри бўлур хун.  
Унинг фазилати ҳусними, десам,  
Элига таниғлик чорвадор экан.  
Қорақалпоқ сулувлари ичида  
Баландпарвоз, асл бир шунқор экан.  
Менга ҳозир қиз мақтамоқ эп эмас,  
Мен отаман, йиллар кетди, сочим оқ...  
Бу гўзални қизим десам арзийди,  
Ота, деса кўнглим бўлур қандай чоқ.  
Юксал тағин, қанотинг ёз, Ойжамол,  
Майли шеърлар ёзай сени ардоқлаб.  
Агар йўлинг туша қолса Тошкентга,  
Йўлларингга кўз тутиб,  
Қўлларингга гул тутиб,  
Пешонангдан бир ўпайин, меҳр сақлаб.

1956.

## БАРҚУТ...

Барқут бұлар экан ҳар хил, во ажаб!  
Бахшилар баҳорги яйловни кўриб,  
Чучмўма, қоқининг сутини сўриб,  
Тўрғай қўшиғидан, булбул куйидан,  
Жону жониворнинг баҳор тўйидан  
Маст бўлиб, дейдилар: бу — баҳор, қут бу.  
Майса эмас, яхлит яшил барқут бу!  
Барқут бұлар экан ҳар хил, во ажаб.  
Отаси шаҳарга кетар чоғида,  
Тонг шафағи ўйнаб гул дудоғида:  
— Қизил барқут келтир!— дейди қизалоқ...  
— Қизил барқут!— дейди бўй етгани ҳам,  
Келинлар қомати барқутдан там-там...  
Барқут камзуллардан беллар бир тутам,  
Юзларда барқ урар қирмизи барқут,  
Сувда чинорларнинг илдизи барқут.  
Юлдузсиз тунларда Шарқ осмони ҳам,  
Навқирон Нукуснинг хиёбони ҳам—  
Яшил барқутдан.  
Барқут бұлар экан ҳар хил, во ажаб...  
Бу кеч мен шаҳарнинг бир чеккасида,  
Барқут ранг чорвоқнинг қоқ ўртасида.  
Айрилмас дўстларнинг шўх даврасида —  
Сут-мас, қатиқ эмас, ё қимиз эмас.

(Албатта шеърим ҳам ҳазилсиз эмас)  
Ажиб шароб ичдим тўла бир коса...  
Шароблар шароби экан, хулоса.  
Бу — Нукус шаҳрининг ширин шароби,  
Рангида барқ урар саҳро офтоби,  
Барқут пиво экан, ўзи ҳам муздек,  
Ранги қора барқут, тами қимиздек.  
Хаёлингни элтар чиройли қиздек...  
Туғилиб тушга ҳам кирмайин шароб,  
Неча-неча алдаб чўлларда сароб,  
Саратонда муздек томчи сувга зор —  
Ташна дудоқларга — оби ҳаёт бу,  
Бол бу, новвот бу!..  
— Қани, соқий, тўлдир барқут пиводан,  
Ҳамма шаҳарларни ахтаргин, майли,  
Бир косадан чеҳра ёнади гул-гул,  
Бунақа шаробни топишинг мушкул  
На қадим Урганчдан, на-да Хевадан!

1956.

## ЕНГАЖОН

(Ҳазил)

— Енгажон!— дедим.

— Қайним-ов!— деди.

— Берроқ кел!— дедим.

— Айнима!— деди.

Давра қувноқ эди, суҳбат шўх эди,

Кўнғилда зарра ҳам губор йўқ эди.

Ешлик эсга тушди, авжида ҳазил,

Ҳазилга кўп қулай эди бу манзил.

Кўз тикиб, оҳ чекиб:— Енгажон, дедим.

Берроқ кел, садаға сенга жон, дедим...

— Қайнижон, инимсан, қайним-ов,— деди.

Эси паст боладай айнима,— деди.

1956.



## ҲОДИСА

(Ҳазил аралаш)

Автобус тиқин эди,  
Хўжайлидан келардик.  
Елларга йўл бермасдан,  
Асфальт йўлда елардик.  
Бирдан менинг тиззамга  
Ўтириб қолди аёл.  
Қимирлашга ўрин йўқ,  
Бурилишга йўқ мажол.  
Тиззамда ўтирар у,  
Ўзим сураман хаёл:  
Ўзимнинг бахтим бор-да,  
Балки бир соҳибжамол...

Ахир авайлаб секин:  
— Ҳай-ҳай, яхши қиз, дедим,  
Йўл бўлсин, узоққами,  
Оғриди-ку тиз дедим.  
Шу чоқ қайрилди аёл,  
Ияклари буришиб,  
Яноқлари тиришиб:  
— Ҳазиллашмай ўлақол,  
Ҳа, қараб тур, мен сени...  
Деди-ку жеркиб мени.  
Чиқиб кетди қора тер.

Ёрилсайди кошки ер,  
Ташлар эдим ўзимни,  
Зўрга эплаб сўзимни,  
Дедим: сулув женгеше,  
Тизим оғриб кетди-ку,  
Жон ҳалқумга етди-ку.  
— Топибсан женгешенгни,  
Эслармисан ачангни?  
Катта бувинг тенгиман,  
Наҳот, бўлсам женганг ман?  
Яна босди қора тер,  
Қани, тарс ёрилса ер...

Лекин элтди боз хаёл,  
Қуриса ҳамки мажол,  
Қимир этмай ўтирдим,  
Кўнглимда шундай дердим:  
— Майли, баттар бўлсин тиз,  
Майли жувон, майли қиз,  
Майли хунук, ё сулув,  
Майли айрон, ёки сув,  
Майли юзинг буришиқ,  
Майли лабинг қуришиқ,  
Майли битта тишинг йўқ.  
Бор-йўғидан ишинг йўқ.

Тизвамда ўтиравер,  
Дилга меҳр тўлдиравер,  
Сени өзгу тимсолдай,  
Тенгсиз соҳибжамолдай  
Куйлаганим куйлаган,  
Сийлаганим сийлаган.

Чунки, ахир онасан,  
Элимда дурдонасан...

Ишонмасанг меҳримга,—  
Менинг ҳазил шеъримга,—  
Ич, десанг онт ичайин,  
Елғиз Аму кечайин...

**1956.**

## ДУСТ ҚАБРИДА

Аҳмад, келдим ахир зиёратингга,  
Бош яланг тик турдим уч-тўрт дақиқа.  
Бош эгмадим гўё юксак зотингга.  
Ундай тушунчалар, биласан, сийқа.  
Сен вали эмассан ё эзгу бир зот,  
Оддий бир ўғилсан қорақалпоққа.  
Шаънингга у сохта мадҳиялар ёт,  
Юракдан банд эдинг туққан тупроққа.  
Бахтиёр шу тупроқ фарзанди Аҳмад,  
Шу элнинг камтарин, туғма куйчиси.  
Шу халқ даласида кўтаргандинг қад,  
Қайғурса — қайғудош, тўйда — тўйчиси.  
Ажаб йиғит эдинг, кўнглинг беғубор,  
Кулгинг тонгдай ёруғ, қаҳринг — қаҳратон.  
Эсиз, қирчин кетдинг, қиздай гул дийдор,  
Ўлимнинг ногихон босқини ёмон!  
Эсиз, қирчин кетдинг, Аҳмад — бўз ўғлон,  
Афсус, эсламоққа эмассан қодир...  
Тошкент боғларида кездик бир замон,  
Сен учун мен ёлғиз эслайин ҳозир.  
Сухбат қураб эдик қўшиқдан, создан,  
Яралажак яхши дoston ҳақида,  
Сирлашардик севги, ғамза ва ноздан,  
Бахтимиз ҳақида, замон ҳақида...

Аму қирғоғида кезгандик бирга,  
Олиб қочган эди асов тулпорлар.  
Бизни етакларди сирли қасрга  
Қум тепалар ошган катор маст норлар.  
Ҳар вайрона қалъа, ҳар қадим қўрғон  
Бизни бошлар эди олис ўтмишга...  
Лекин ҳар жилвада — шу янги замон,  
Билардик: эл бахти қайтмас шум қишга...  
Яшил кўчаларда, мен келган саҳар,  
Бўз йигитлар кўрдим — юришар тўп-тўп.  
Булар — иниларинг ҳам ўринбосар.  
Кечир, дўстим, дилни мунг босмасин кўп!  
Аҳмад, келдим сенинг зиёратингга,  
Бош яланг тик турдим уч-тўрт дақиқа.  
Бош экканим — шеърин маҳоратингга,  
Ўзга тушунчалар, биласан сийқа.  
Элинг ёдидасан, азамат ўғил,  
Эл меҳри, дўст меҳри билмайди сарҳад...  
Бошингга бир даста қўйдим қизил гул,  
Бу — меҳрим белгиси... тинч ухла, Аҳмад!

1956.

## ШАҲАР

Бу юртда ҳар тепа — бир шаҳар ўрни...  
Не-не боғлар қолган қумлар тагида,  
Кукунларда ухлар не-не саройлар...  
Одам меҳнатидан эртақдагидай  
Шарбат булоқлари равон бу жойлар,  
Минг қалъа ўлкаси... Қадим Хоразм,  
(Сувсиз минг ариққа солгин андак разм)  
Асрлар зарбидан ҳали чўкмаган,  
Белин букмаган —  
Миноралар бошлар ҳў олисларга...  
(Кўнгил, жой бўшатма ғариб ҳисларга),  
Ахир шу тупроқда, шу қирғоқларда,  
Ахир шу қум босган кўк яйлоқларда  
Боболар хоки...  
Чингизнинг аёвсиз, қаттол идрок  
Не бало солмади бу юрт бошига?  
Одам даҳосига, ақл қуёшига  
Доғ солди босқинлар...  
Доғ солди тождорлар, хонлар ғавғоси.  
Хонлар ғавғосидан —  
Элнинг манглай шўри, тақдир жафоси...  
Қумлар ўртасида бир шаҳар кўрдим:  
Навқирон, тарихи — бир варақ келмас,  
Чўккан туялардай, гўё, тунов кун,

Дўнглар, қум тепалар эди бу қирғоқ...  
Ташналар ташнаси эди бу диёр...  
Қумлар ўртасида бир шаҳар кўрдим:  
Навжувон, сулув, соз, ярқироқ шаҳар,  
Бахти — тошқин Аму, шўх — қувноқ шаҳар.  
Мовий осмон ҳам лол яшиллигидан,  
Кўчалари йигдай, хиёбони мўл,  
Сувлари шарқирар кечаю кундуз,  
Билим саройлари оппоқ ва баланд,  
Яшил теракларнинг барқут қўйнида  
Чиройли ҳовлилар, боғлар, бўстонлар,  
Шаҳар чекасида гул — гулзорлик боғ,  
Кечалар — кундуздек ёруғ, чароғон,  
Бунда музика шўх, қўшиқлар жаранг.  
Кезар оқшомлари қувноқ қўшоқлар...  
Завод ишчиси ҳам, ёш ўқувчи ҳам,  
Мўйноқ балиқчиси, колхозчи жувон,  
Партия ходими, пионер ўғлон,  
Кекса профессор, ширакайф уста,  
Кезади оқшомлар шўх, қўшоқ-қўшоқ.  
Булар — шу шаҳарнинг қурувчилари,  
Булар — шу шаҳарнинг эгаларидир...  
Эрта, бўлғуси кун Аму бўйида,  
Муборак ва азиз Аму наҳри бу,  
Қорақалпоқ элин ўрта шаҳри бу!

1957.

## САҲРОЙИ

Етакда туяси, келар эди чол,  
Сийрак, оқ соқоли елпирар елда.  
Тугал аср кўрмиш энг олис элда —  
Подачи, туякаш, мерган ва қарол...

Етакда туяси, келарди секин,  
Кўзларда ютоқлик, чатнаган лаби,  
Олис бир замондан чўнг элчи каби  
Дарҳайрат боқади... чор атроф экин,  
Чор атроф боғу роғ... Тушми ё ўнгги?  
Бари рост экан-а! Чекинмиш қумлар..  
Чекинмиш сароблар, қора самумлар..  
Ярқирайди шаҳар — узоқ йўл сўнги.

Етакда туяси, келар илк бор чол,  
Сийрак, оқ соқоли елпирар елда,  
Норғул бир йигитнинг қуввати белда,  
Мерган кўзларида аён юз савол.  
Йўқ, бу хаёл эмас, эртак ҳам эмас,  
Айтганлари тўғри; бу — ўша Нукус..  
Эртаклардан гўзал, чиройли, тўкус..  
Саратон, ҳар қалай, бўғмоқда нафас.

Кўзларда ютоқлик — қатма-қат сарой,  
Минг бир деразада қуёш зарраси.



Жами шаҳарларнинг зўри, сараси —  
Чол наздида — Нукус... Қандай сўлим жой!  
Беш мири чўзади шарбатфурушга,  
Муздек лимонаддан ҳўплар бир қултум,  
Битта-битта ҳўплар... Кўз узмас бир зум  
Яшил кўчалардан... ўхшамас тушга!  
Ютоқ кўзларини узолмайди чол.  
Саратон, ҳар қалай, ёндирмоқдайди...  
Шаҳарга суқланар ҳўплаб гўё бол,  
Асрий ташналикни қондирмоқдайди...

1957.

## САЖДА ЭМАС

Кезади тинмағур чол...  
Тилининг тагида нос...  
Бу — карвонсарой эмас  
Еки Бозоркент.  
Бу — пойтахт... Савлати ҳам  
Худди пойтахтларга хос,  
Катта майдон тўрида  
Улкан монумент...

Хиёбонлар оралаб  
Келар чол оғир-оғир:  
Унг қўлини кўтариб  
Тўғри қуёшга,  
Улкан бир одам турар...  
Лол бўлмай нетсин ахир,  
Бундайин кўрмаганди  
Келиб шу ёшга...

Кекса қалбида тўлқин...  
Жовдирар икки кўзи.  
Бир зум ўрнида тўхтаб,  
Қарар наридан.  
Дарров пайқаб олди чол:  
Бу — ўша, ўзи! Ўзи!

Бу дунёнинг ҳеч ўлмас  
Одамларидан!..

Бир зум... Сел чоғидаги  
Ирмоқдай шошиб-пишиб,  
Ё саҳрода тонгдаги  
Ел каби елиб;  
Кекса дилда қувончи  
Булоқдай тошиб,  
Монумент қаршисида  
Тўхтади келиб.

Монумент қаршисида  
Тикка туриб қолди у,  
Дил тўлқини жовдироқ  
Жуфт кўзда кезар.  
Қўйнидан сураёт олди  
Ушанинг ўзи... Ёҳу!  
Не ёшда-ю ўзини  
Гўдакдай сезар..

Кўзи ўнгидан ўтди  
Умрининг узоқ йўли:  
Ешлик... Ёт эшикларда  
Тентирагани.—  
Бобо юрти — у олис,  
У сўлим орол кўли...  
Уздан кичикларнинг  
Сенсирагани.

Бой иши — фармон эди,  
Камбағал иши — армон.  
Эсида фармонбардор  
У шўрлик чоқлар.

Эсида она сўзи:  
«Бўрилар емас сомон!»  
Елкага ноҳақ, ноҳос  
Тушган таёқлар.

Эсида йигитляги,  
Кишиларнинг подаси,  
Йўлбарс учраб, бир ўзи  
Олишганлари.  
Йўлбарсга эга бўлиб  
Элатнинг бекводаси,  
Тузук боқ, ҳой теват!— деб  
Койишганлари.

Эсида йигитликда  
Шимирган ишқ бодаси,  
Балиқчининг қизини  
Илк бор суйгани.  
Наздида — дунё қизнинг  
Энг сулув ва соддаси,  
Қалин мол тўлолмайин  
Ениб-куйгани.

«Сулув — сулувмас, — дер эл,  
Севганинг — сулув!»  
Қовушсайди... ўтарди  
Йигит беармон.  
Ит қўрққанни талармиш...  
Йигитда нетсин қўрқув?  
Туянинг бўйни хунук,  
Бойнинг ўйини ёмон!

Қовуннинг энг тотлисин  
Ит булғаб кетгани рост...

Қизнинг энг сулувини,  
Пучуқ бўлса ҳам,  
Моли бор олиб, дилни  
Дуд чулғаб кетгани рост,  
Не гўзаллар вақт етмай  
Топарди барҳам...

Эсида — қирқ ёшида  
Элат-элат оралаб,  
Бир тул билан охири  
Қовушганлари.  
Ғариблик дил мулкани  
Ўйиб, санчиб, яралаб,  
Гоҳи тотув, гоҳида  
Совушганлари...

Кейин ўн олтинчи йил...  
Эл-юрт қўзғолонлари...  
Большевик сўзин илк бор  
Эшитган пайти.  
Октябрь бўронлари...  
Октябрь суронлари...  
Элнинг кўзини очиб,  
Пишитган пайти.

Биров — тўйиб сакрайди,  
Биров — совуқда тўнғиб,  
Озод кунлар келиши  
Бўлмади осон.  
Лекин эрк олган элнинг  
Иши йил сайин ўнғиб,  
Игна ютган ит каби  
Бетоқат боён;

Асли қийшиқ дарахтнинг  
Кўланкаси ҳам қийшиқ...  
Бойлар умид узмади  
Хўжайинликдан...  
Лекин жангу жадалда  
Кундан-кун пишиқ,  
Қорақалпоқ бахт топди  
Оғайниликдан.

Олтин — ўтда билинар,  
Йигит эса — меҳнатда,—  
Қирқ йил озод элида  
Бўлди у чўпон.  
Қари-ю ҳали тетик,  
Умри обдон ҳурматда,—  
Фарзанд кўрди, уй кўрди,  
Мол, ўтов, чопон.

Молни топганлар боқиб,  
Ўтинни чопган ёқиб,  
Тер тўккан роҳат кўрар  
Замон — шу замон.  
Кундан-кун бойлик оқиб,  
Аллакимлар тутоқиб,  
Еруғ бахт завқин сурар  
Замон — шу замон.

...Бошини ерга қадар  
Эгади чол бир нафас,  
Бир нималар пичирлар...  
Юракда балқиш.  
Наҳот шу сажда бўлса?  
Йўқ, асло сажда эмас,

Бу фақат кекса дилда  
Жўш урган олқиш.

Кекса бу заҳматкашнинг  
Миннатдорлиги,  
Меҳри, теран севгиси —  
Кексаларга хос;  
Ленин замонасида  
Бахтиёрлиги,  
Ленинга чин ҳурмати  
эди бу, холос.

1957.

## БУЛУТ

### I

Кўк юзида паға булут — оқ булут,  
Оқ булутдан сут ёғарми ёки қут?  
Паға булут — яхши кўклам элчиси,  
Ҳаволарда ёмғир иси, сел иси...  
Кўк юзида дам қалдироқ, дам сукут,  
Ёрмай ўтма, паға булут — оқ булут!  
Ёғиб ўтсанг — тизза бўйи ўт бўлур,  
Ўт бўлур, ҳам сут бўлур, ҳам қут бўлур.

### II

Кўк юзида паға булут — оқ булут...  
Бир қарасанг — осмон тўла оққувлар,  
Бир қарасанг — баланд қорли чўққилар,  
Бир қарасанг — кўз илғамас оқ барқут.  
Кўк юзида — ёруғ, ойдин бир рўё...  
Уста рассом чизмиш ажиб манзара —  
Тепа-тепа пахта — беғубор, сара,  
Кузги хирмонларнинг акслари гўё...

1957.





Дарē жими́р-жими́р, осмон ложува́рд,  
Боғлар му́драмоқда, дала бепоён.  
Куйла, тўлиб-тошиб, кўрмагин ҳеч дард,  
Куйласанг балқийди замину замон;  
Боғлар му́драмоқда, дала бепоён.

Сувда қалқиб ўйна́р кумуш таиғалар,  
Ёруғ тун шарпаси келар Амудан.  
Чўчитмасин тўқай, ҳўв кўланқалар,  
Кўнглим қўшиқ истар сендай сулудан,  
Ёруғ тун шарпаси келар Амудан.

Ойдинда чечаклар кўрки ўхшовсиз,  
Куйла, куйлаш учун ойдин — соз маҳал.  
Ўзим тўқиб берай сенга, яхши қиз,  
Бердақ тўқийламай кетган шўх газал;  
Куйла, куйлаш учун ойдин — соз маҳал...

1957.

## ТОНГДАН ҲАМ ЧИРОЙЛИ

Бу кеча ухлолмай тонггача юрдим,  
Тонг отишин кутиб, қирғоқда турдим.  
Тонг отди, тонг билан қумлоқ соҳилда  
Тонгдан ҳам чиройли бир қизни кўрдим.

Тонг шуъласи — сочин ҳар бир толаси,  
Юзлари гўёки тоғлар лоласи.  
Ҳусни — тонг ҳуснидай тоза ва тенгсиз,  
Сулув табиатнинг сўлим боласи.

Тонг билан дарёда чўмилар эди,  
Кўнғир тўлқинларга кўмилар эди.  
Уйқусиз кечанинг касофатими,  
Кўзларим дам-бадам юмилар эди...

Ана юза-юза келди қирғоққа,  
Қирғоқда тик туриб, қарар йироққа...  
Гўзалликнинг тирик ҳайкали эди,  
Қуёш балкиб чиқди уни кўрмоққа...

1957.

## ҚОРА СОЧ

Дарёнинг у бетида,  
Хўжайлининг четида  
Кичик бир шинам ҳовли —  
Кетмайди хаёлимдан.  
Унда шўх бир қиз бола,  
Сочи — қора шалола,—  
Ақлимни олиб айёр,  
Хабар олмас ҳолимдан.

Дарёнинг бу бетида,  
Эски Нукус четида —  
Жамолига интизор,  
Куним ўтар тун каби.  
Оқариб кўринади,  
Кўкариб кўринади  
Қора соч юрган диёр —  
Сеҳр каби, афсун каби...

Мен ўзим думбул, нодон...  
Жар солар гўё жаҳон:  
—«Туя нози туфайли —  
Тарсеки жепти шекеси!»<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Туя нози — «Туяга ноз қил деса, бир таноб экин епти, такага ноз қил деса, тол шохига осилпти». Қорақалпоқ халқ м-қоли.

Тунда уйқу йўқ менда...  
Узга қайғу йўқ менда...  
Оҳ, Хўжайли, Хўжайли!—  
Хўжайлининг бекаси!

Тонг каби бахт кетидан,  
У шодмон вақт кетидан  
Қувлайинми беқарор  
Еки буткул унутай?  
Кечирармикан борсам,  
Дилимни роса ёрсам...  
Кечирарми у дилдор  
Е дардим ичга ютай?

Силкинади якка тут;  
Кўк юзи қалин булут —  
Бир зумда чақмоқ чақиб.  
Олов ёқай, дегандек.  
Олтин томчилар бўлиб  
Ипак қамчилар бўлиб,  
Ҳам қалдироқ тутақиб,  
Чўлга ёғай, дегандек.

Уйғотдими қалдироқ?  
Ҳар қалай тоқатим тоқ...  
Сим қоқ-чи кўнгил учун,  
Қора соч — жоним эркам;  
—«Усган элинг эсдами,  
Хипча белинг эсдами?  
Қайтмай юрибсан, нечун,  
Тугал тўрт ой ўтса ҳам!»

1957.

## СУЛУВ ЁЗ

Сулув ёз, бағри кенг, юзи ёруғ ёз,  
Нечоғлиқ файзу гашт, ҳикмат мўл сенда!  
Далалар кўрмаму чечаклар серноз,  
Очиқ хазинасан — ҳиммат мўл сенда!

Чўлласанг — чўпон бор, оч қолсанг — деҳқон...  
Чўпон ҳам, деҳқон ҳам тинчимас ёзда.  
Эл куни — ер билан! Тер тўкар инсон —  
Пойга чопмоқ учун қорда-аёзда...

Игна ҳам — уришни билсанг яроқ-да...  
Чумолидай тинмас эл эртадан-кеч.  
Биров сув бошида, биров ўроқда,  
Ҳаракат қолурми баракатсиз ҳеч!

Солдовчилар сурон солар қирғоқда...  
Чопиқчилар тўп-тўп қилишар тушлик,  
Ялла садолари йироқ-йироқда,  
Саратон. Манглай тер ва кўнгила хушлик...

Туш чоғи жимирлаб олис жийдавор,  
Подани кавшатиб, мудрайди чўпон,  
Оқшом... Ҳориганга — ҳаловат тайёр,  
Салқин тун қўйнида ухлар биёбон...

*1957, Қорақалпоқ.*

## ЮЛДУЗ

(Ернинг биринчи сунъий йўлдошини кўрганда)

Сўнгсиз фазоларнинг зилол чўққисида  
Ажойиб бир юлдуз учиб юрибди.  
Жимиллаб-жимиллаб осмон кўзгусида,  
Қитъадан қитъага кўчиб юрибди.

Олтин излар ташлаб мовий самоларга  
Учар, учар, учар йўлдош ва йўлчи,  
Чексиз коинотга, олис дунёларга  
Гўё куррамиздан тўнғич бир элчи.

Сўнгсиз фазоларда чўғ каби ял-ял,  
Ажойиб бир юлдуз учмоқда дуркун,  
Асрлар жумбоғи шу юлдузда ҳал,  
Совет қудратидан бу фақат учқун,  
Бу фақат учқун!

1957.

## БУ ШУНДОҚ УЛКАН ЮРТКИ...

Эй кўнглим, оламдан суюнчи сўра,  
Довонлар, тоғлардан елдай учиб ўт.  
Лозимдир — оламини гулларга ўра,  
Тикка қирғоқлардан селдай кўчиб ўт.

Сен эй, сарҳад билмас эфир мавжлари,  
Дунёга ей: бугун қутлуғ айём, де.  
Сен эй, мавжга тўлиқ илҳом авжлари,  
Парвоз эт, паҳлавон элга салом, де!

Республикам юзи — пахтасидай оқ,  
Тонг каби ярқироқ ёруғ замонда...  
Бизга ҳар нимадан саз ва азизроқ  
Шу юрт, шу мамлакат бутун жаҳонда.

Бир-бирига оғайни —  
Ўн беш мард, норғул йигит,  
Қуда-қудагай, қайни —  
Бирдай қўли гул йигит.  
Берида боғу роғлар,  
Бери ўрмонларга бой,  
Берида олтин тоғлар,  
Бери дарё қора мой,  
Бери чексиз буғдойзор,  
Берида молу яйлов,

Бири улкан пахтакор —  
Пахтаси нақ Олатов...  
Бирида мўл-мўл шароб...  
Не-не завод, фабрика.  
Барчасида бир китоб...  
Барчаси бирдан эга:  
Бу юртда нимаки бор —  
Барининг молу мулки.  
Бир-биридан бахтиёр —  
Ўртада ўйин, кулги...  
Бу шундоқ улкан юртки,  
Бойлигига олам тор,  
Бу шундоқ улкан юртки,  
Номдорлар аро номдор.  
Ватанга лойиқ ўғил  
Ўзбегим — республикам,  
Ўил бўйи меҳнатдасан —  
Мазмуни олам-олам.  
Бўз даштларга кўк либос  
Кийдирасан баҳорда,  
Пахтадан қўл йиғмайсан  
Дўлда, ёмғирда, қорда;  
Бульдозер жиловини  
Тепалар сари буриб,  
Не жарларни тўлдириб,  
Тунда трактор суриб,  
Экасан ва тикасан,  
Асрайсан болажондай,  
Пахтазор сенинг учун  
Хазина тўкар кондай...

Қор ва муз панжасидан  
Битталаб тердик пахта,



Кўкрак керсак арзийди;  
Тоғу тоғ бердик пахта.  
Пахтакорлик ота касб,  
Кончидай меҳнаткаш юрт,  
Кўкрак очиқ, қўл қадоқ,  
Паҳлавон, заҳматкаш юрт,  
Не билан ўлчаш мумкин  
Элнинг ўлчовсиз азмин,  
Тўйи ҳам меҳнатидай  
Суронли, дуркун, вазмин...

Кўр кўрганни кўрмас ҳам,  
Гупурган ҳам йўқ эмас,  
Тузимиз еб тузлуққа  
Тупурган ҳам йўқ эмас:  
Йўртоқ йўлдош бўлғайми  
Йўрга зоти билан ҳеч,  
Бургут сирдош бўлғайми  
Қарга зоти билан ҳеч!  
Йўлимиз Ленин йўли,  
Қардошлармиз қардошлар,  
Тўйларда тўйдошлару,  
Қайғуда — қайғудошлар,  
Замон биру амал бир,  
Хирмон биру шамол бир,  
Вайсайверсин жаноблар,  
Бизда шавкат, камол бир!

Чопағон ва учағон  
Давронга лойиқ халқим,  
Тупроғи бут, мўл-текис —  
Жаҳондай ёйиқ халқим!  
Тўйга тўйлар улашсин,  
Куйга куйлар улашсин,

Кун сайин ғалабани  
Ғалабалар қувлашсин.  
Шу бўстон саҳнидаги  
Чаманлар чамани бўл,  
Пахтакор Ватанисан,  
Пахтакор Ватани бўл!

1958.

## ЛАРЗА

...Емғир ёғса, тупроқнинг қат-қати бўшаб,  
Қуйма қоялар ҳам шишадай ушаб,  
Ел ушлаб,  
Тоғ қулаб,  
Ернинг қатларига ларза тушади...  
Замбарак ўқининг зарби беўлчов,  
Лова ўчоғидай очар минг қудуқ.  
Бир зумда кўтарар не алғов-далғов.  
Табиатнинг тили бир зумда дудуқ,  
Азим тепаларга ларза тушади...  
Булутлар қуюлса, чақса чақмоқлар,  
Сурон солса агар зўр қалдироқлар,  
Яшин тегса агар —  
Юз йиллик чинорга ларза тушади...  
Агар сен, севгилим, жиндак маъюслансанг,  
Ойдек юзларингда кўрсам жиндак ғам,  
Кўзларингни босса жиндек мунг изи —  
Менинг юрагимга ларза тушади...

1958.

## ҚИРҚ БИР...

Замонлар мудроқ юртим,  
Ҳорғин ва чарчоқ юртим,  
Қудрат ва илҳом олдинг ленинчи инқилобдан.  
Қирқ бир йил уйғоқ юртим,  
Бахтига иноқ юртим,  
Меҳр, байроқ, ном олдинг эрк аталмиш китобдан.  
Эсингдами тоқлигинг,  
Шўрлик ва тарқоқлигинг,  
Қутқазолди рус оға ора йўлда гирдобдан.  
Бас бўлди чанқоқлигинг,  
Ямоғу қуроқлигинг...  
Минг ўргилсак арзийди партиядек офтобдан!

1958.

## УЛУҒ ИНҚИЛОБ

Бахт ўзинг, давр ўзинг, даврон ҳам ўзинг...  
Улмас ғояларнинг олмосдек тиғи,  
Беомон ҳам ўзинг, омон ҳам ўзинг,  
Эй тинчлик жарчиси, эрк суянчиги,  
Улуғ инқилоб!

Ёруғлигинг бирдай яқин, йироққа,  
Эй, улуғ Лениннинг порлоқ закоси...  
Сени тилга олсак, турар оёққа —  
Бутун ер курраси, меҳнат дунёси,  
Улуғ инқилоб!

Эй, сен Нозимона оташин илҳом,  
Ҳамид рубобида эй жаранг мақом,  
Меҳнаткаш дунёга хос соғинч калом,  
Шеър фасли, бахт куйи, янғироқ айём.  
Улуғ инқилоб!

Сен ўлка бошига қўйдинг гулчамбар  
Бахт аталмиш сўлмас гул-чечаклардан,  
Шу янги дунёдир бизнинг шоҳ асар...  
Сулувроқсан шеърдан ҳам эртақлардан,  
Улуғ инқилоб!

Умр кечар бир қуёш, бир кўк тагида...  
Бу Ватан ўзи кенг, ёруғ жаҳондир.  
Меҳнаткаш ўзбекнинг дов юрагида —  
Сенга меҳри чексиз жўшқин уммондир.  
Улуғ инқилоб!

1958.

## СЕНГА, РЕСПУБЛИКАМ..

Сенга, сенга ардоқлим —  
Республикам, олқишлар,  
Сенга жўшқин илҳому  
Авжи баланд таронам!  
Сенга, сенга ҳурматим,  
Дилимдаги болқишлар,  
Орденлик заҳматкашим,  
Бобо деҳқон — мардонам!  
Элимсан — тупроғимсан,  
Қадим ота юртимсан,  
Машъала чароғимсан,  
Олтин пахтазоримсан.  
Тўқис-тўқин боғимсан,  
Баракамсан — қутимсан.  
Девкорлар даврасида  
Мардимсан — девкоримсан.

Шавкатим, фаҳрим менинг,  
Денгизу наҳрим менинг,  
Юрагим, бағрим менинг —  
Пахтакор Республикам!

Йиллару йилномалар  
Соврилган йўқ шамолга,

Ҳақиқат бўлди бугун  
Тушлару афсоналар...  
Улғайиб қадди расо,  
Етмакдасан камолга,  
Қайда ғариб хоналар?  
Қайдан бу кошоналар?  
Қайдан келди бу қудрат,  
Учағонлик, бардамлик,  
Қайдан бахт? Қайда қолди  
Ўтмишларнинг офати?  
Қайдан келди бу шавкат  
Ўзғирлик, пешқадамлик?  
— Партия шарофати,  
партия шарофати!  
Ёрти эмас бутуним!  
Ёрқиним, ёруғ куним!  
Қўшигим, қалб тўлқиним —  
Пахтакор Республикам!

Не-не асрий бўзларга  
Беролдик ҳаёт ва кўрк,<sup>11</sup>  
Мирзачўлнинг эртаси  
Бугундан чиройлироқ,  
Не-не даштлар бошида  
Садалардан яшил бўрк,  
Яхлит боғ бўлур чоғи  
Унчалар эмас йироқ.  
Пахтаг, кадр-қимматинг,  
Жаҳон-жаҳон шарафинг,  
Юзингнинг ёруғлиги,  
Кўнглингнинг оппоқлиги.  
Ватан хазинасида  
Хирмон-хирмон садафинг...



Кўксингдаги қўш орден  
Бахтингнинг порлоқлиги.

Қўллари қадоқ халқим,  
Кўзлари чақноқ халқим,  
Йўллари порлоқ халқим,  
Пахтакор Республикам!

Қандингни ур, арзийди,  
Қишда изғирин демай,  
Ёзда гармсел демай,  
Тер тўкдинг пешанадан.  
Не тўғонлар боғладинг  
Селларни кўзга илмай,  
Минг ўргилса бўлади  
Сени туққан онадан...  
Балли, азамат юртим,  
Давлатинг оша берсин,  
Ғалабанг қутлуғ бўлсин,  
Азамат юртим, балли!  
Маҳоратинг, қудратинг  
Амудай тоша берсин.  
Улкан тўйга ярашур,  
Шўх қўшиқ, яли-яли.

Яхшилиқ, соғлиқ бўлсин,  
Тўй, вақтичоғлиқ бўлсин,  
Белинг боғлоғлиқ бўлсин —  
Пахтакор Республикам!  
Ордендор Республикам!

1958.

## ҚОРАҚАЛПОҚДА ТОШКЕНТНИ СОҒИНИШ

Бир ой ўтмайин, қаранг, дилда соғинч туйғуси,  
Кўз ўнгимда чўнг шаҳрим чарх урар юз бўёқда;  
Соғинганда қочаркан кечанинг сут уйқуси,  
Ҳолбуки мен ҳарқалай ардоқдаман бу ёқда...  
Чарчаганда муборак, ботир Аму ёқаси,  
Ё жийда тўқайларнинг соя-салқин орқаси,  
Ҳолбуки мен ҳам ахир айрилмас жигарбандман...  
Истасам қўлда қармоқ, ё тўр... Аму лаққаси,  
Ё кўлмакда тонггача бақалар вақ-вақаси...  
(Ёпирай, бу кўлларнинг ҳеч тинмагур бақаси)  
Соғинч важига бовар қилмай дейман ҳарчанд ман,  
Тонг чоғидан созини қўлга олар тўрғайлар,  
Ёки қамишзорларда турналарнинг қий-чувси...  
Ҳар нечук сўлим жойлар...  
Ҳар нечук қирғовулга ошён бўлган тўқайлар.  
Кечалари чўпонлар айтган қўшиқ, ҳой-ҳойлар.  
Тун чоғи Орол кўли юлдузларнинг кўзгуси...  
Ҳарқалай қолабмайман бепарво, беписанд ман.  
Яшил Орол Мўйноғи,  
Тўлқинлар оғушида наҳангларнинг ўйноғи,  
Қизкетганининг қайноғи,  
Чучмўманинг қаймоғи...  
Саноксиз қўраларнинг тиззадан ўт яйлоғи.  
Ҳатто чексиз қумлоғи,

Қумларнинг ўртасида тўкин мевазор боғи...  
Чўпонларнинг суҳбати, дўст бахши чўпчаклари,  
Таниш-билиш ўсмирлар — эртанинг куртаклари,  
Саҳронинг ном топилмас бўтаси — чечаклари,  
Қарағайгул, бўтакўз, чирмовуқ, печаклари,  
Хўжайлининг айрони, Нукуснинг муз пивоси,  
Чимбойнинг бол-меваси,  
Қоракўли, теваси,  
Қорақалпоқ халқининг менга азиз шеваси...  
Қад кўтарган саройлар,  
Янги ГЭС, янги сойлар...  
Елкасида етмиш йил юки бор етти йиллик,  
Бугун беш — эрта эллик —  
Етти йиллик азмига белбоғлиқ паҳлавонлар,  
Машинага суворий Ойхон, Гулсанамжонлар,  
Бекмуротлар, Сармонлар,  
Харқалай заҳматкашу дилкаш, етук инсонлар...  
Соғинтирган не бўлди?  
Хаёлим парвозини овунтирган не бўлди?  
Гилоснинг эгизаги,  
Олманинг қимизаги,  
Қовунинг босводиси ё эса оқпўчоғи,  
Шафтолининг сулувлар ёноғидай ёноғи,  
Марғилон луччагими, Мирзачўл ҳандалаги,  
Е эса Андижоннинг ўша шакарпалаги,  
Қуванинг анорлари,  
Асаканинг Чўнтаги — яшил узумзорлари,  
Анҳор чинорларининг самовий яшил бўрки,  
Ҳаммаси шу кунларда шаҳримнинг жаннат кўрки...  
Соғинтирган не бўлди?  
Хаёлим парвозини овунтирган не бўлди?  
Тўқима комбинатнинг лорсилдоқ жувонлари,  
Е ишчи шаҳарчасин қалин хиёбонлари,  
Е Ғалаба боғида базмлар, ёруғ тунлар.

Ёруғ тун қучоғида кўшиқлару, ўйинлар,  
 Ё мрамар чашмаларда салқин, кумуш қуюнлар,  
 Ё Комсомол кўлида биллур, ойдин тўлақиналар...  
 Соғинтирган не бўлди?  
 Мана мен яйловдаман,  
 Кундузи айронхўрлик, тушдан кейин овдаман,  
 Тошкент вақти, соат бир.  
 Чексиз яйлов кўкида шўх овозлар... Бу не сир?  
 Яйловнинг қулоғи динг, чўпонлар қулоғи динг,  
 Чигиртка чирилламас, эшитилмас бирон гинг;  
 Тошкент овози янграр кенг яйлов осмонида,  
 Навоий ғазаллари, созчининг камонида —  
 Олти мақомдан андак...  
 Ҳофизларнинг санъати гўё сархуш этгандак...  
 Наинки фақат яйлов, наинки фақат чўпон,  
 Наинки, радиода янграса фақат осмон,  
 Йўқ, бу овоз жаранги бамисоли янғироқ,  
 Кезади олис-олис, кезади йироқ-йироқ...  
 Амунинг у қиргоғи,  
 Бадахшоннинг у ёғи —  
 Бу тинчлик овозига ҳамиша солар қулоқ...  
 Бутун Шарқ осмонида янграйди бу шўх овоз,  
 Бу кўклам, бу овоздан садо берар тўкин ёз.  
 Инсон бахти, шўх кулги, келажак кун ишончи,  
 Озод элим қувончи...  
 Балки ҳозир ўтмоқда Навоий кўчасидан,  
 Ҳайкал рўбарўсидан,  
 Ёки Пушкин боғининг кечмоқда ўртасидан  
 Не-не эллардан кўноқ,  
 Тошкентликлар қўл силкиб, кузатар тагин қувноқ,  
 Бу кўчалардан ўтар фаллоҳлару, ҳаммоллар.  
 Тоғчилар, қурувчилар, қаламкашлар, адиблар,  
 Ё юртига таниғлик ҳақимлару, табиблар,  
 Ҳатто шоҳлар, қироллар,

Вазирлар, президентлар...  
Улар билан ўтади Навоий кўчасидан  
Олис юртлар, шаҳарлар, харитада йўқ кентлар...  
Улар билан ўтади Навоий кўчасидан  
Олис эътиқодлару, олис-олис имонлар,  
Ҳа, шаҳримда, эҳтимол, ҳозир тагин меҳмонлар...  
Бири ўтар лол, ҳайрон,  
Ўзгаси хижолатда,  
Ё шайтоний ҳолатда,  
Утгасин қалби вайрон.  
Еки ёқасин ушлар,  
Ё дилдан ўзин муштлар,  
Ё чиндан дилин хушлар.  
Бу юрт — кўзи ўнгида гўёки ёруғ тушлар...  
Бири ўтар — дилида дўстлик гурури баравж,  
Қулөқларида ҳануз иғволардан бадғовур...  
Елғон экан ҳайтовур,  
Кўз ёшлари урар мавж...  
Бу ер ўзбек юртининг қадим шаҳри, алп шаҳри,  
Ҳа, ўзбек нони бутун, дастурхони ёзуғлик,  
Кўрганларнинг очилар зеҳни ҳам бўғиқ баҳри,  
Чўнг хонадон, зўр карвон, йўлларида ёруғлик.  
Бунда ҳукмрон бахт, эрк!  
Бунда қанот қоқмоқда илмнинг ўбдон чўнги.  
Фалокатлар йўли берк!  
Шундай ёруғ бугуни, яна ёруғроқ сўнги!

\* \* \*

Мен қардош тупроғида, нетай, ой тўлмай туриб.  
Соғиндим, республикам —  
Шавкатим, шўх санъатим,

Бобо шаҳрим — Тошкентим!  
Ғуборинг кўзга суриб,  
Тиз чўксам-да, бўлгай кам,  
Тарихларга ёдгор қуламас монументим!

1957.

## БИЗГА КЕЛИНГ

(Гомер оҳанида)

Азиз Москва, азиз Москва,  
Юртимизнинг снабош шаҳри,  
Сочлари оқ, тарихи чўнг,  
Бу оламнинг мангу ёш шаҳри,  
Шавкатингни ойлар, йиллар  
Куйласак ҳам барибир оздир,  
Фозил бахши дostonидай  
Ҳам теран, ҳам баланд парвоздир..  
Сен — техника мўъжизасин  
Яратолган москваликсан.  
Давр бонгини кенг оламга  
Таратолган москваликсан,  
Эй, меҳнаткаш, эй заҳматкаш,  
Эй билагон, азамат ога!  
Эй, Лениннинг ўзин кўрган,  
Кўзин кўрган валломат ога!  
Сен билан юз кўришган кун  
Дунёда энг яхши, ёруғ кун,  
Селдай тошқин қувончимиз —  
Дийдорингга тўйганлик учун!  
Қатордаги дўстинг каби  
Ардоқладинг, заб қарши олдинг,  
Кучоқ очдинг, қалб меҳридан  
Гўё бизга поёндоз солдинг,

Балли, дўстлик, оғайнилик  
Бундан ортиқ бўлармиди ҳеч!  
Бизга ҳам бир келинг, дўстлар  
Кўз тутайлик йўлга эрта-кеч.  
Дунёмизнинг умрига тенг  
Бизнинг дўстлик, қардошлик умри,  
Дунёмиздай теран ва кенг  
Бизнинг дўстлик, қардошлик умри.  
Меҳмон бўлиб келинг бизга,  
Камалакдай гўзал баҳорда.  
Куз бошидан шарбат оқар  
Ўлкамизда сойдаи, анҳордай.  
Майли, ёзда, қуёш ёлғиз  
Девон қурган ойларда келинг,  
Майли, дала оқ денгиздай  
Тўлқин урган ойларда келинг.  
Чексиз чўллар ўртасида  
Сўлқиллаган ўзбек тупроғи,  
Мамлакатнинг тўкин-сочин,  
Эртақдан ҳам сўлимроқ боғи,  
Тоғларимиз шаббодаси,  
Чексиз, яшил боғлар салқини,  
Гулзорларнинг беҳишт ҳиди,  
Атласларнинг чўғдай ёрқини,  
Қоракўлнинг ҳафтранг хили,  
Ипакларнинг тур-тур ноёби,  
Ҳар қатраси офтоб тафти —  
Ўзбек элин ширин шароби,  
Қардошликка, дўстликка хос  
Тузатилган катта дастурхон,  
Созу суҳбат кенгаш, гурунг,  
Ўйин-кулги, шўх қўшиқ, дoston,  
Неки бўлса сизга пешкаш —  
Сизни андак хушвақт қилгуси!



Бизга меҳмон бўлиб келинг,  
Бизга меҳмон бўлиб келинг,  
Сизни андак хушвақт қилиш —  
Бизни бешак хушбахт қилгуси!

*1959, Москва, февраль.*

## ДУСТИМНИНГ УМР ЙЎЛДОШИ

Дўстимнинг умр йўлдоши ўлди баҳор бошида,  
Қирчиллама ёшида...

На жигар, на юраги,  
Дардга чалинмиш эди шўрликнинг қўш буйраги.  
Хол сўраб борган эдик, ётар эди тўлғаниб,  
Ётар эди тўлғаниб, гўё оловда ёниб.

Дўстимнинг умр йўлдоши қирчиллама ёшида —  
Ўлди баҳор бошида...

Дарахтлар барг ёзмишди, эпкинда шовилларди.  
Булутлар орасидан қуёш ҳам ловилларди.

Қайдан бу тарқоқ булут?  
Кечаси шамол, жала бежиз учирмабди қут,  
Кечаси кўк қалдираб, узлуксиз чақмоқ чақиб.

Гўё осмон тутақиб,  
Жала роса қуйганди,

Гўё она табиат бир мотамни туйганди...  
Дўстимнинг умр йўлдоши ўлди баҳор бошида,  
Қирчиллама ёшида.

Тобути енгил эди, лекин мотами оғир  
Жуда ёш эди, ахир!

Кексалар букилганди, йигитлар майишганди,  
Бу мотам зиллигидан қобирға қайишганди.  
Икки ўғли ва дўстим борар тобут олдида,  
Не кунлар, не армонлар ҳозир унинг ёдида.

Ногаҳони ўлимдан дод дегудай тоқатсиз,  
Тобут борар изма-из,  
Елкама-елка борар.  
Унсиз бу нолаларга ҳамма қайрилиб қарар...  
Йиғламаган ким қолди?  
Дўстимнинг умр йўлдошин тупроқ бағрига олди...  
Дўстимнинг умр йўлдошин (не чора!) кўмиб  
келдик,  
Қайғуга чўмиб келдик.

Ҳа, қийин...  
Кимга қийин?  
Икки гўдакка қийин.  
Лекин ўлим енгилган кун ҳам келади кейин...  
Дўстимнинг умр йўлдоши қирчиллама ёшида —  
Ўлди баҳор бошида.

1959, 28 апрель,

## ҚАЛДИРҒОЧ

Нили муборакнинг сайроқ элчиси,  
Не йўллардан чанг бор қанотларингда:  
Шўр дарёдан нам,  
Эркесвар оҳанг бор баётларингда,  
Не-не диёрларнинг баҳор атри ҳам,  
Эллар йўлчиси...

Шипда уянг бугун, қўл чўздирмадим,  
Қўналғанга қўну, ўқи валфажри...  
Ҳатто бир гиштни ҳам сал буздирмадим,  
Зигирдек қалбингда бир йилнинг ҳажри.

Сувларга тўш уриб, ўйна, қанот ёз,  
Сендан қолишмасин қўшалогинг ҳам.  
Қўшалоқ умрнинг маъноси на соз,  
Тагин бола очгин ва бўлма ҳеч кам!

Кузда кетиб, тагин кўклам чоғида —  
Келарсан, азизим,  
Йўллар, тинч йўлларнинг тинчроғи, ҳозир,  
Булбулга жўр бўлиб бахтим боғида  
Куйларсан азизим,  
Бу эл тинч элларнинг тинчроғи ҳозир!

Нили муборакнинг сайроқ элчиси,  
Тагин гуркирагай юртим ёзлари,  
Янграгай шўх ёзнинг янгроқ созлари,  
Йўлда қут ўчирмас ўқ овозлари...  
Келавер ҳар кўклам,  
Қанотлик ҳамдам —  
Эллар йўлчиси!

1959.

## ОЛМАОТАНИНГ ҚИШИ

Бу йил олма бирам битибдики,  
Тарам-тарам, ширалик, қизил,  
Кўмири оламини тутгудек...  
Ғалласи дунёга етгудек.  
Бу йил шундоқ ажиб, улкан йил.  
Қор ёғмоқда нақ оққув пати...  
Ҳаво енгил, нафас ҳам енгил.  
Жилғаларда муз салтанати,  
Табиатнинг сеҳрий санъати,  
Бу йил шундоқ ажиб, кўркем йил.  
Кўзим олар-олислар оппоқ,  
Олам кирмиш қор оғушига,  
Ботмиш ширин қиш уйқусига,  
Қор ёғмоқда... боғзорлар ҳам оқ...  
Олатовнинг шох чўққисига  
Ўзбек пахтасини босиб қўйгандек.  
Олмазорлар, арчазорларга  
Теракзорлар ва чинорларга —  
Елпиратиб осиб қўйгандек.

\* \* \*

Бу йил шундоқ ажиб, ёруғ йил.

1959, декабрь, Олмаота.

## ЭЛУ ЮРТ МАҚТОВИ

Менинг бахтим, менинг шавкатим,  
Бобо юртим, она тилимсан.  
Фахрим — социалистик миллатим,  
Менинг совет ўзбек элимсан.  
Қалбим, меҳрим, муҳрим, давлатим,  
Ардоқлигим, кўрким, савлатим,  
Кўш орденли жумҳуриятим,  
Излай-излай топган йўлимсан.  
Достонларим дебочасида,  
Кўшиқларим овозасида,  
Каттакон шарқ дарвозасида  
Эркин элим, қандоқ сўлимсан!  
Саратоним, совурим, чиллам,  
Боғу роғим, тутзорим, пиллам.  
Кўрғошиним, таги мўл тиллам,  
Ипагимсан, қоракўлимсан.  
Бекободда пўлат қуйғувчи,  
Газлида ер қаърин ўйғувчи,  
Етмиш тилни бирдек суйғувчи,  
Ҳаёт унган даштим — чўлимсан!  
Марғилонда атлас тўқувчи,  
Мирзачўлда комбайнер, сувчи,  
Коммунизм дарсин ўқувчи —  
Ғанишер, Турсуной, Мелимсан.

Манглай тери билан оқ юзим,  
Куёшдан нур эмган юлдузим,  
Кўҳна шарққа ёруғ кундузим,  
Довон ошган тонгги елимсан.  
Қозоқ билан қадимдан қондош,  
Туркман билан туғаси жондош,  
Янги дунё билан замондош,  
Заҳматкашим, бахти мўлимсан.  
Тождик билан акаю ука,  
Пешонадан тер тўка-тўка,  
Меҳнат қилар пахтакор ўлка —  
Меҳнаткашим, қадоқ кўлимсан.  
Қирғиз билан жияну тоға,  
Тоғларида қор паға-паға,  
Жиянларга жонлар садаға...  
Кўш белбоғлик толмас белимсан.  
Озар билан йўлларда йўлдош,  
Арман билан ҳамиша қўлдош,  
Грузин билан айрилмас қардош,  
Тоза дилим, ёруғ кўнглимсан.  
Украина — бу элга қуда.  
Қондош бўлдик... Яқинлик шу-да!  
Меҳри дилда биллур кўзгудай,  
Отам, онам, синглим, ўғлимсан.  
Белорусга меҳри бир жаҳон,  
Жангда бирга солдик дов, сурон.  
Тўйлар бирга, тўкис дастурхон.  
Дўстга-дўсту, ёвга — ўлимсан.

Болтиқ бўйларида юрганман,  
Рига балиқчисин кўрганман,  
Бошим яланг, узоқ турганман  
Улуғ Райнис сағанасида.  
Улкан сафда ўн беш баҳодир,



Не жумбоқлар ечишга қодир,  
Барига рус ога пешводир  
Ҳар юксалиш поғонасида.  
Йигит ёшда ўн беш эгизак,  
Ўн беш байроқ — оламга безак.  
Замонларга ибрату ўрнак  
Байроқ ўн беш, лекин байроқдош.—  
Қанча элу элат жигарбанд,  
Қариндошлик — тик қоя монанд.  
Минг иблис ҳам беролмагай панд...  
Бари бир қалб, бари сабоқдош.  
Бу улкан юрт, Москва бош шаҳри,  
Асрларга асрдош шаҳри,  
Қадим шаҳри, мангу ёш шаҳри,  
Эрку бахтга пўлат пойдевор.  
Дарё, денгиз, ўрмон эгаси,  
Бугдой, пахта хирмон эгаси,  
Кон эгаси, даврон эгаси —  
Кончи, деҳқон, бобо чорвадор.  
Етти йиллик юкини ортиб,  
Асрларнинг танобин тортиб,  
Бахт яратар қўлин қабартиб,  
Тинчлик — дўстлик юртидир бу юрт,  
Бири олим, бири талаба.  
Бунда ҳар кун — улкан ғалаба.  
Мағиз-мағиз тўлган ғалаба  
Тупроғини, арзир, кўзга сурт.  
Доно Ленин мамлакати бу.  
Алп меҳнатнинг баракати бу.  
Атомларнинг чўнг ҳикмати бу...  
Омон бўл, Рус, эллар оғаси!  
Баланд тоғлар боши қор кўрсин,  
Умринг мангу гулбаҳор кўрсин.  
Қуёш каби ярқираб турсин

Партиямиз — йўллар дарғаси!  
Машъал бўлиб етти йилликлар  
Келаверар қирқлар, элликлар.  
Коммунизм бўлур шоҳ асар...  
Юз яшагум юрт бахтин ўйлаб.  
Дўстлик сўзи — сўзларнинг нақши.  
Ҳеч сўз борми бундан ҳам яхши!  
Ўз юртимда мен ҳам бир бахши,  
Урим кечар дўстликни куйлаб.

1959.

## БУЛУТ

Ёзда яйловимиздан  
Аҳён бир ўтар булут,  
Аҳвол сўрамай биздан,  
Олислаб кетар булут.  
Кўкатлар талпингандай,  
Кўчатлар талпингандай,  
Қараб қолар кетидан.  
Қўй-қўзилар маърашиб,  
Гўё томчи талашиб,  
Чопишар қир четидан.  
Мен ҳам кўкка кўз ташлаб,  
Баралла гурунг бошлаб:  
— Чақмоғингни чақ,—дейман.  
— Бу олис яйлоғимга,  
Бу олис аймоғимга  
Сел-сел бўлиб оқ,—дейман.

1959.

## ЖУЖА

Эргаштириб бир тўп жўжа,  
Қўшнимизнинг қўрасидан  
Чиқиб келар она товуқ,  
Жуда баджаҳл, жуда ўжар.  
Тутай десам сарасидан,  
Йўл бермайди сира ёвуқ.  
Бувим дер: Ендоша кўрма,  
Бир жўжа ҳам олдирмайди.  
Ҳаддингдан сен оша кўрма,  
Ҳеч қаровсиз қолдирмайди.  
Мен қарайман олисроқдан:  
Бир-биридан сулув жўжа,  
Бири худди оппоқ рўжа,  
Ўзгаси нақ юз қуроқдан.  
Бири ола, бири сарғиш...  
Бу ёнидан ўтгим келур,  
Биттасини тутгим келур.  
У ёнидан ўтгим келур,  
Уттасини тутгим келур.  
Лекин ўтиб кетаман жим,  
Ранжимасин, ахир бувим,  
Кимга даркор ахир қарғиш...

1960.

## ОНАГИНАМ...

Товонимга чақир тиканақдай ботгувчи —  
гашлик.

Бедаво сизловиқдай сизлатгувчи —  
гашлик.

Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён,  
Чучварага чеккувчи —  
гашлик.

Мени ўйлаб нотавон ва нимжон,  
Ғашимга теккувчи —  
гашлик.

Суякларимни сирқиратиб,  
оч теватдай ғажигучи,  
Кўзимга ёш тирқиратиб,  
жигилдонимда аччиқ бўзадай ачигучи  
гашлик...

Дунёга қайта келишимга кўзим етсайди,  
Йигит ёшим тўлмаи туриб,  
Айрилиқ зайлида қоқ ёғочдай қуриб  
Жон берган онамни кўришимга  
кўзим етсайди,  
Тиззасига бир нафас бош кўйишимга  
кўзим етсайди,  
Оналик меҳрига ўбдон тўйишимга  
кўзим етсайди.





## УКРАИНАМСАН

Хирмон-хирмон ғаллам, ноним — нонхонам,  
Дил қўйса — қўйгулик Украинамсан.  
Давлат хазинамда порлоқ дурдонам,  
Ҳамиша суйгулик Украинамсан.  
Қора олтин конлар — олам довуғи,  
Оламлар довуғи — Днепр ёруғи,  
Днепр ёруғида Ленин йўриғи;  
Не дурдона, эл дер: зап хазинамсан!  
Сенинг тупроғингда қолди ёлғизим,  
Олий дарсхонангда улғаяр қизим.  
Қудам, қайинбекам, барно болдизим.  
Бажаним, Оксанам, Остап, Зинамсан.  
Эсдан чиқармиди лой ўра — хандақ?  
Чўлларингда бўлди ёвузлик абжақ.  
Дўстлигимиз — Ленин ғоясидай ҳақ...  
Хазинам, дафинам, мўл ганжинамсан!  
Тоғларни кўтаргай дўстликнинг кучи!  
Дўстлик кучи — янги жаҳон қурғувчи,  
Ёзилажак шеърнинг бу ҳали учи...  
Меҳри Днепрдай тошқин сийнамсан,  
Украинамсан!

1960.



## ҚИРҒИЗИСТОН

Ўтлоқлар тиззадан, даралар сулув,  
Қўлларида юзар суқсур ва оққув,  
Қаёнига борма — булоқ тиниқ сув,  
Қаёнига борма — омон-омон бу —  
Қирғизистон бу!

Доланинг оқини кўрдим бу юртда,  
Зумрад кўк тоқини кўрдим бу юртда,  
Жўмард бир соқийни кўрдим бу юртда...  
Иссиқкўл эмас бу — чексиз осмон бу —  
Қирғизистон бу!

Қишлари оппоғу ёзлари салқин,  
Қирғиз кўзларида ярқирар ёлқин.  
Меҳнат, манглай тери оқин ва оқин,  
Юз элдан келганга илиқ ошён бу —  
Қирғизистон бу!

Бунда той-той момик, ёпоги, тивит,  
Бунда олма, ипак, мовут, каноп, чит,  
Бунда ҳар ёш қирғиз Манасдай йигит,  
Ўзи ажиб, сўлим, яшил жаҳон бу —  
Қирғизистон бу!

Чўққиларда сакрар чўнг мугуз олқор,  
Ҳар кўли, дарёси ўзи бир Чалқор,  
Олмаси қаҳрабо, тоғлари оқ қор,  
Она табиатдан заб армуғон бу —  
Қирғизистон бу!

Қуёш бағишламиш унга етти ранг,  
Қўзилари берар элтиру санг-санг,  
Тулки, қарсоқ, қоплон қутулар аранг,  
Тоғлар мамлакати — қутлуғ макон бу —  
Қирғизистон бу!

Кимки инсоф билан беролса баҳо:  
Бу юртда Манасдай чўнг ҳикмат — даҳо.  
Юз йил чилим чеккан ўпкага даво...  
Қонот сингари умрзоқ дoston бу —  
Қирғизистон бу!

1960.

## «ЧАГАЛАЙ»

Қойил бўлдим бунда «Чағалай» зотига,  
Ултирғизар экан оқ қанотига;  
Тўлқинга тўш уриб,  
Узи ҳам тўлқиндай расо жўш уриб,  
Элтар экан чексиз кўл ўртасига,  
Кўлнинг ҳам ложувард — кўк ўрдасига...  
Кўк ўрданинг оқсоч тўлқини ажиб;  
Уйин чоғи қирғоқ тошини ғажиб,  
Оқсоч тўлқинларнинг ўйини ажиб...  
Тўлқинлар бу ерда нақадар тиниқ,  
Тўлқинда кун тиғи чил-чил, юз синиқ.  
Тагида чўнг шаҳар аён кўринур  
Олис, норасида даврон кўринур,—  
Боғу боғзорлари аниқ шунчалар,  
Ҳануз ярқираган янглиғ гунчалар...  
Қадим фалокатдан симобдай балқиб,  
Хира кўзгу каби хира ялтираб,  
Тўлқин оғушида тўлқиндай чалқиб,  
Титраб-қалтираб,  
Ажойиб бир шаҳар аён кўринур,  
Олис ва чақалоқ даврон кўринур.  
Ана кўчалари...  
Тош девор, қўрғон,  
Ана қийшиқ-қинғир йўллар, сўқмоқлар,

Хануз барҳаётдай жафокаш инсон,  
Чинорлар, кўприклар, тандир, ўчоқлар,  
Минорлар, гумбазлар, яшил пештоқлар,  
Шаҳар чеккасида яшил қишлоқлар,  
Тўлқин оғушида тўлқиндай чалқиб,  
Қадим фалокатдан симобдай балқиб,  
Аён кўринади...  
Эҳтимол ану...  
Кекса Шарқнинг қадим тўкин бозори,  
Ану балки улкан шаҳар мазори,  
Юракка гулгула тушади... Ёҳу!  
Ану балки мактаб ё китобхона,  
Ҳар қалай бу шаҳар, бу ўлик шаҳар,  
Бу кўҳлик шаҳар —  
Сув тагида гўё алп бир соғона...  
Ўтмишнинг ўзидай кекса бир тиасим...  
На боши, на кети, на отоқ, на исм.  
Қойил бўлдим бунда «Чағалай» зотига,  
Ўлтиргизар экан оқ қанотига,  
Тўлқинга тўш уриб,  
Ўзи ҳам тўлқиндай роса жўш уриб.  
Элтар экан чексиз кўл ўртасига,  
Кўлнинг ҳам ложувард — кўк ўрдасига...

1960.



Кезар бўлсанг боғингда,  
Пичирлагум мисли барг.  
Куйиб сенинг доғингда,  
Бўлмасайдим жувонмарг...

Бу дунёда ҳеч ким йўқ сенга мендай маҳлиё,  
Умидим бор — қарагунг ахийри қиё-қиё...

Эпкин бўлиб саҳарда,  
Гулзорингда кезурман.  
Қўшиқларим авж парда,  
Ғунчаларинг узурман.

Насим каби сездирмай,  
Кипригингга тўқингум.  
Озор бермай, бездирмай,  
Суратингга чўқингум...

Қуш бўлиб қочар бўлсанг, тарлон бўлиб  
қувгайман,  
Тоғларда шаршарадек ғуборингни ювгайман.  
Ҳар мушкул, ҳар хатарда ҳар балодан сақлагум,  
Қайрилсанг-қайрилмасанг ўлгунча ардоқлагум.

Тонг пайти юлдуз мисол оқ сийнангда ёнгайман,  
Емғирда камалакдай юз рангда товлангайман,  
Кўркиннга тикилгайман то кўзимда бор зиё,  
Ўзинг билмайсан, сенда шунчалар меҳри гиё!

Мен сени тинчитмайман  
Ва лекин инжитмайман...

1960, июль, Қирғизистон.

## ҚИРҒИЗ ХАЛҚИГА

### I

Кўк гумбазин силкитгандай қалдироқ,  
Тоғдан тушар шўх шоввалар оқини.  
Бўз қирларда — сув мавжида шўх-қувноқ —  
Лов-лов ёнар ёруғ тонглар ёлқини.  
Экинзорга жой бўлибди не ёбон.  
Жаранг берар ёр-ёр ўлка бўзларида.  
Чироқларда порлоқ сўнгсиз хиёбон —  
Кўркин кўрар ҳаво ранг сой кўзларида.  
Зафар куйи бонг сингари янғироқ,  
Бағри бутун, юрти бутун, нон бутун.  
Ленин чизмиш йўл яқину ярқироқ,  
Ишонч бутун, давр бутун, даврон бутун.

### II

Чор деворлар ўрнида комбинатлар қуролган  
Бахти ёрқин — бут халқсан;  
Борса-келмас чўлларда комбайнлар суролган —  
Тупроғи ҳам қут халқсан;  
Тарихнинг жиловини ўз измига буролган —  
Дарёлари сут халқсан;  
Сафдан қолмай коммуна чўққисига юролган —  
Бургут, ҳа, бургут халқсан...

*1960, июль, Фрунзе.*

## МАХТУМҚУЛИ ТҮЙИДА УЗБЕК КУЗАСИ

Ҳайбатда ярқираб, кўз қамаштирар  
Чинни косалару бир чинни кўза.  
Қараганинг сайин эс адаштирар,  
Ҳар қайси гуёки яхлит фируза.  
Нақшлари чиннисоз дилидай ёрқин...  
Ўзбек тўёнаси каттакон тўйга.  
Ял-ял ёнар эди фируза ёлқин,  
Мен ҳам лола қарардим, чўмгандим ўйга:  
Ўзбек тупроғидан ясаалмиш чинни,  
Нечоғлик нафосат заррин хатида,  
Истасанг бол тўлдир, истасанг — шинни,  
Нечоғлик фусун бор эл санъатида!  
Нечоғлик даҳо бор, нечоғлик маъно,  
Нечоғлик жило бор сеҳр қудратида,  
Шундоқ бир кўзани, қайдам, Бобиршоҳ  
Кўролганми чексиз салтанатида!

Буида не эллардан ўтирар кўноқ:  
Буида етти иқлим йўлчилари бор,  
Ҳинду, Чину Мажор, Болқону Қозоқ,  
Турк, Слав ҳам Мўғул, Татару Болқор..  
Кўзадан кўз узмас эди кенг зал ҳам.  
Гўё Махтумқули туғилган кунда —  
Дунё адиблари бўлган эди жам,



Туркманлар тўйида, шундай тўкинда;  
Санъат саройида, оқ қошонада,  
Фузулий, Хайёмнинг шўх даврасида,  
Юз Хотамдан сахий шу тўйхонада —  
Низомий, Пушкиннинг чўғ даврасида  
Давронга ярашиқ шоднёнада,  
Гўё шеър шаробин элексир мисол  
Зумрад косаларга лим-лим тўлдириб,  
Барчани этиб лол,  
Қардоши тўйига завқ, файз келтириб,  
Улашарди жами қўноқларга жом —  
Навоний бобом...

*1960, ноябрь, Ашхобод.*

## БАРҲАЕТЛИК...

Отчопарда сайлу томоша бор-ди,  
Меҳмонлар ўтирар олис, яқиндан,  
Уртада ёзиғлик улкан гиламда  
Бел олишар туркман курашчилари.  
Бир чеккада авжи пойга, қийқириқ,  
Кўпик сочиб келар сулув той-тулпор,  
Гўё бўз шунқор.  
Осмон бўйлаб ўтди шу дам кумуш қуш,  
Парашютлар тўлди тўй осмонига,  
Парашютлар тушди сайил майдонига.  
Иннайкейин, гўёки тонгда ёруғ туш  
Пайдо бўлди кўкда ажиб вертолёт.  
Қўнди у майдоннинг кун ботарига,  
Ундан тушиб келди ҳаммага таниш,  
Туркман тупроғининг ёниқ шоири...  
Элу юрт лол, ҳайрон... кўз узмас ундан.  
У бўлса кўкракка қўлини қўйиб,  
Эл ҳам қўноқларнинг кўркига тўйиб,  
Бош эгиб ҳаммага берди-ку салом.  
Унга тулпор тутди икки туркман чол,  
Бошларида улкан қўзи қалпоқлар,  
Жиловдор икки чол етагида у  
Йўл олди меҳмонлар турган чортоққа.  
Кетидан келарди сонсиз суворий,

Туркман ўлкасининг чавандозлари.  
Саф тузиб келарди гўё чўнг лашкар,  
Шоир ҳам тўхтади чортоқ ёнида,  
Эгнида бешмати, қўзи қалпоғи,  
Белида белбоғи, оппоқ япоғи,  
Шеърини бошлади оғир, салмоқдор,  
Еҳу, бу овозда қандай қудрат бор,  
Тингларди оломон, меҳмонлар жимжит,  
Тингларди кенг майдон, кекса-ю йигит,  
Туркман гўзаллари на табассумкор,  
Қулоқ солар эди жимжит шу маҳал,  
Тингларди бепоён туркман қумлари,  
Тингларди олисдан Амударё ҳам,  
Тингларди гўёки шу улуғ жаҳон...  
Шеърини тугатди шоир... илжайди,  
Чапаклар, оламини тутди чапаклар,  
Қизлар кулгусидан сочди чечаклар,  
Кексалар мўъжиза кўргандай гўё,  
Кўзларин узолмай туришарди ганг...  
Сўнг бошланди тағин пойга-ю ўйин,  
Отлар оёғидан кўтарар қуюн,  
Ким маррадан ўтса ва олдин келса,  
Шоир қўлларидан оларди соврун.  
Туркман ўз шоирин қадрлар шу тарз...  
Гўёки армонли, улкан бу шоир,  
Зор йиғлаб, оҳ уриб ўлган бу шоир —  
Не-не замонлару давронлар оша,  
Жаҳонлар оша —  
Не-не балолардан ўтиб келганди,  
Ленин замонига етиб келганди,  
Еруғ бир оламга келган эди соғ,  
Меҳмонлар вақти чоғ,  
Элин вақти чоғ,  
Дилларда қолмаган эди зарра доғ...

Махтумқули шеърининг шарбатин ичиб  
қондим,  
Юз элнинг шоиридай мен ҳам дилимдан  
ёндим,  
Юз элнинг шоиридай мен ҳам дилда  
қувондим,  
Юз элнинг шоиридай —  
Шеърнинг ўлмас кучига мен ҳам дилдан  
инондим...

*1960, ноябрь, Туркменистон.*

## АЛЕР

Қиш бу йил қандоқ яхши,  
Олам оппоқ, беғубор,  
Юртимиз — юртлар нақши...  
Алёр, жўралар, алёр!  
Қандоқ гўзал ёруғ тун,  
Файзи — оламдек пойдор,  
Дилларда шодлик жўшқин...  
Алёр, жўралар, алёр!  
Либос кийибди қордан  
Чексиз дала — пахтазор,  
Яхши мужда баҳордан...  
Алёр, жўралар алёр!  
Ҳаёт сўлим ва қувноқ,  
Бизда бир кабутар бор,  
Қанотлари қордан оқ...  
Алёр, жўралар, алёр!

\* \* \*

Зафарлар завқ бағишлар,  
Улкан тўй, гўзал айём.  
Эски йилга олқишлар,  
Янгисига чўнг салом!  
Енгилмас ўлка учун,

Соз йил учун лиммо-лим!  
Акаю ука учун,  
Алп эл учун лиммо-лим!  
Юлдузларга элимдан  
Илк-аввал учувчилар,  
Юз бир сомон йўлидан  
Тилсимот очувчилар,  
Коммунанинг тонг чоғи —  
Соғлигига лиммо-лим!  
Еруғ бахт қароргоҳи  
Борлигига лиммо-лим!

Бахтдан куйла, ватандош,  
Бундоғ Ватан қайда бор!  
Довонлардан қатлаб ош...  
Алёр, жўралар, алёр!  
Бахтдан куйлайлик, жонон,  
Коинотдай барқарор —  
Бу даврон, қутлуғ даврон...  
Алёр, жўралар, алёр!  
Бахтдан куйлайлик, жигар,  
Дунёда партия бор,  
Ҳар дақиқа — бир зафар...  
Алёр!

1960, 31 декабрь.



## ГАВҲАР...

Олтин санаяпсиз чоғи, афандим,<sup>1</sup>  
Олтин санаяпсиз гурбат забтида.  
Лекин фаҳм этмабсиз, биз киму сиз ким,  
Фақат ўртанибсиз алам таптида.  
Ҳамёнингиз тўлиқ...

шубҳа на ҳожат,

Сотқинлар ҳамёни ҳамиша тўлиқ.  
Соппа-соғ одамдай ёзармишсиз хат,  
Лекин биламанки, афтингиз сўлиқ.  
...Йўлимиз — коммуна, яширмаймиз, ҳа!  
Инсоний орзулар — бизнинг орзулар,  
Зафар айёмлари, қувноқ қаҳқаҳа...  
Янглишмасам — сизни қақшатган шулар!  
Жаврайсиз, асрлик чақадай сийқа.  
Бўхтонлар тўқийсиз — мағзи оғулар.  
Биз-чи?

довон ошдик биз ҳар дақиқа.

Тўғонлар ошгандай баҳорги сувлар...  
Қўйинг, сиз мунчалар вайсаманг, жаноб,  
Қандай оҳангга жўр жавраяпсиз-а!  
Узингиз нотавон, қалбингиз нотоб,

---

<sup>1</sup> Бир саёқ афанди ўзбек совет адабиётига талай бўхтон ёғдирганини эшитиб қолганимда ёздим.



Орзунгиз жирканчу...

авраяписиз-а!

Қора тер тўқасиз ким учун, нечун,  
Билмайсиз, бу — бизга аниқ нақадар.  
Гўё ўлкамизда ҳукмронмиш тун...  
Кўр ҳам кўрмоқда-ку бедард эй, овсар!

\* \* \*

Олтин санаяписиз, лекин ҳей тақсир,  
Менда бир гавҳар бор — гавҳарми-гавҳар.  
Айтиб бера қолай, эмас-ку бу сир,  
Тенг бўлолмас унга дунё-дунё зар...  
Куёв жиғасига қўндирса арзир,  
Не куёв, арзийди шоҳлар тожига,  
Не тожлар, қуёшдек ёндирсак арзир,  
Бермасман дунёнинг юз йил божига.  
Тунларни ёритар чилчироқ мисол,  
Хатто қуёш унда жилосин кўрар.  
Шуълалари оқар минг булоқ мисол,  
Янги даврон унда даҳосин кўрар.  
Бу — озод юртиму ёрқин ҳаётим,  
Менинг ўзбек деган чўнг қулағ отим,  
Олам лол бўлгулик созим — баётим,  
Ёруг келажгим, умидларимдир.  
Чинакам шеъриму адабиётим,  
Эрта тугилajak Ҳамидларимдир...

\* \* \*

Шундоқ, афандим,  
Уқдингизми — биз ким ва ўзлари ким...

1960.

## УЙҒОН, ШОИР...

(X. Ҳакимзода сағанасида)

Тонглар ажиб балқиб отар  
Қашқа тоғнинг ортидан;  
Найзалари тешиб ўтар  
Қора булут қатидан.  
Тўкади гул шудрингларни  
Қанот уриб шўх сабо;  
Тонг аямай сочар зарин,  
Қуёш кулар, заб ҳаво...  
Уйғон, шоир, назар сол!

Яшил диёр ҳуснига боқ:  
Товланади юз бўёқ.  
Чечаклар кўк, пушти ва оқ,  
Сойда лак-лак дур, мунчоқ.  
Кўз узолмас, одам ҳайрон,  
Нақадар соз, дилрабо;  
Чўққиларда сакрар жайрон,  
Этагида най-наво...  
Уйғон, шоир, назар сол!

Оқ булутлар аста-аста  
Тоғдан тушиб келади,

Карвон тузиб даста-даста,  
Учиб-учиб келади.  
Нафас ўтмай йироқлардан  
Чақмоқ чақар, ажабо,  
Нафас ўтмай ирмоқлардан  
Сувлар оқар нақ дарё...  
Уйғон, шоир, назар сол!

Очилар кенг водий кўрки,  
Соз табиат қучоғи.  
Қандай тиниқ бу юрт кўки...  
Меҳнат ва бахт ўчоғи...  
Севар эдинг, куйлар эдинг,  
Ардоқлардинг нечоғлиқ.  
Бугун қандай қутлуғ элинг,  
Бугун қандай ардоқлик...  
Уйғон, шоир, назар сол!

Сен турган тоғ чўққисидан  
Ёруғ осмон кўринур;  
Ёруғ осмон янглиғ Ватан —  
Қутлуғ жаҳон кўринур.  
Қутлуғ жаҳон кўкрагида  
Озод инсон кўринур;  
Қирчиллама ва бахтдийда —  
Ўзбекистон кўринур...  
Уйғон, шоир, назар сол!

Ўзбекистон — ёруғ орзу —  
Эзгу, порлоқ ниятинг;  
Кекса Шарққа биллур кўзгу

Уйғоқ жумҳуриятинг...  
Келажаги юз бор қутлуғ,  
Заҳматкаш, пахтакор эл;  
Меҳнатда — аял, қалби ёруғ,  
Эрки — дарё, бахти сел...  
Уйғон, шоир, назар сол!

1960, Ҳамзаобод.

## ҚОЗОҒИМ

Қалиним, жигарим, кўзда қароғим,  
Олатов бошида гавҳар чироғим,  
Аждар кушандаси — олмас яроғим.  
Жаҳонга бергусиз тўкин қазноғим.  
Қардош қозоғим!

Абайнинг ўзидай заҳматкаш устоз,  
Жамбулнинг созидай бургут парвоз соз,  
Қаҳри келганида — қаҳратон аёз.  
Меҳри кулганида — ёруғ сахий ёз.  
Олмаотам, Сувноғим, Чимкент, Сўзоғим,  
Қардош қозоғим!

Узинг ёруғ тонгдай чўнг — ёруғ йўлсан,  
Дарёларинг янглиғ тошқин, бой, мўлсан.  
Муҳитга бергусиз забаржад кўлсан,  
Баҳорда ёмғирсан, куз чоғи дўлсан, —  
Чолқорим, Болқошим — сутим, қаймоғим,  
Қардош қозоғим!

Яйловлари каби кенг қалб ағаси,  
Хазина қазмоқда қозоқ чегаси,  
Тоғлар кўтармоқда алпдай елкаси.  
Юртининг хўжаси, элин бекаси.

Бўз саҳро эркаси, тоғлар эркаси,  
Миллиардлар яратган олтин аймағим,  
Қардош қозоғим!

Дийдорингга тўйдим... Шаҳарим пешкаш.  
Дилимда йўқ эди, ҳам қолмади гаш,  
Нечоғлик суюксан, нечоғлик дилкаш,  
Оғажон, тоғажон, эркажон, эркаш,  
Нонхонам, дурдонам, дўстим — иноғим,  
Қалби қайноғим —  
Қардош қозоғим!

*1960, сентябрь, Тошкент.*

## ҚАЙДАДИР БУЛОҚ...

Қайдадир булоқ бор тоғлар бошида —  
Кумуш балиқларнинг сўлим ўлкаси,  
Тошларга урилиб тушмоқда оқ сув,  
Тўлқинлари тиниқ ва порлоқ инжу.  
— Қайларга шошасан покиза оқим?  
— Улкан денгизга,—  
Улкан денгиздаги чиройли қизга...  
Салқин оғушимда ёйиб қулочин,  
У менинг мавжимда ювади сочин,  
Ташна лабларига бўламан дармон,  
У менга мунтазир, менга нигорон.  
— Ҳа, сенга мунтазир фақат у эмас,  
Чексиз денгиз эмас, чексиз сув эмас,  
Уша қиз сингари ташна ирмоқ ҳам,  
Уша денгиз янглиғ чексиз тупроқ ҳам,  
Сенга мунтазиру, сенга нигорон...

1960.

## ОЛТИН ҚҰНҒИЗ

Ғув-ғув учиб олтин қўнғиз,  
Қора тунда худди юлдуз,  
Ё булутли кунда чақмоқ,  
Гулзоримга қўнар эркин.  
Мен келаман секин-секин,  
Тикиламан унга узоқ.  
Чақнаса ҳам худди юлдуз,  
Ўзи жуда эпсиз қўнғиз,  
Капалакдай чарх уролмас,  
Юмаласа ҳеч туролмас,  
Укам кўрса — тутиб олар,  
Қутисига дарров солар.  
Йўқ, укамга тутқиэмайман,  
Қўнғиз томон ўтказмайман,  
Суқланолмас бўёғига,  
Ип боғлағай оёғига,  
Майли, ҳар кун учиб келсин,  
Гулзоримга тушиб келсин,  
Олтин қўнғиз, олтин қўнғиз,  
Чақмоқ каби ёрқин қўнғиз.

1961.



## БАЛИҚ ОВИ

Бизнинг қишлоқ тоғ бағрида,  
Тоғ бағрида — боғ бағрида,  
Этагида чопқиллар сой.  
Ёзда тиниқ,  
Кузда тиниқ,  
Сувда қуёш юз бир синиқ,  
Кўклам чоғи сой бутун лой.  
Қирғоғида жамбул, ялпиз,  
Қучоғида балиғи мўл.  
Ултираман баъзан ёлғиз,  
Сувга тушмай усти-бош ҳўл:  
Қармоғимга илинмайди,  
Сузмоқдами ё чопмоқда,  
Сув тагидан не топмоқда?  
Юз тикилсанг билинмайди...

Ташлай қолсам нон ушоғин,  
Югуришиб келар талай,  
Улгуришиб келар талай.  
Илинсайди улканроғи,  
Элтар эдим жон бувимга.  
— Ҳай, ростданми, ҳай, балиқми,  
Тангаликми, чақаликми?

Балли, дерди, уқувимга...  
Илинмайди лекин ҳозир.  
Бундан кейин тўр ташлайман,  
Ташласам ҳам зўр ташлайман,  
Қўлга тушар бари охир.

*1961.*

## ТУРҒАЙ

Ез боши, далалар соз,  
Уз кўркини ёймиш ёз,  
Чечакларда ҳали ноз,  
Кўллар тўла суқсур, фоз,  
Оқ булутлар чўғланиб,  
Тонг отар яллуғланиб,  
Кўл осмони буғланиб,  
Кўринар гўё саёз.  
Шу вақт аллақайлардан,  
Қайдам, қандай жойлардан,  
Даштданми ё сойлардан  
Янграб кетар шўх овоз,  
Ҳеч ўхшаши йўқ овоз,  
Тут барги кесганлардан,  
Сувга чим босганлардан  
Ун чиқмас, тинглашар жим.  
Ким у ўзи, қани, ким?  
Қушлар ҳам қилмас парвоз.  
Жонворлар ҳам тингларди.  
Боғбон ҳам, пахтакор ҳам,  
Шоликор, чорвадор ҳам,  
Бутун одам тингларди,  
Гўё олам тингларди,  
Қандоқ тинмагур овоз!..  
Мен чопиб чўлга чиқдим,  
Ҳеч ким кўринмас эди.

Каттакон йўлга чиқдим,  
Ҳеч ким кўринмас эди.  
Кейин боқдим осмонга:  
Куй таратиб жаҳонга,  
Кўк осмон чўққисида,  
Мовий ранг кўзгусида,  
Бир нуқтада пириллаб,  
Бир нуқтада чириллаб,  
Нуқтадай бир қуш учар,  
Гўёки беҳуш учар...  
— Ҳой,— дедим,— ўзинг кимсан,  
Бунчалар бетинимсан,  
Жавроқисан бунчалар,  
Ўйноқисан бунчалар,  
Тинмай тушиб ўйинга,  
Лол этасан куйинга?  
— Мен-ку, мен тўрғай,— деди.—  
Кўк юзи соз жой,— деди.  
Дема, чала кўринар,  
Бутун дала кўринар.  
Кўк юзида чириллаб,  
Юз бир қўшиқ тўқисам,  
Бир нуқтада пириллаб,  
Кенг водийга ўқисам—  
Емонми, ҳой, шўх ўғлон?  
Ҳаётни мақтаганим,  
Тонгни ардоқлаганим—  
Емонми, ҳой, шўх ўғлон?  
— Ҳа, тонгни ардоқлагин,  
Ҳаётни ҳам мақтагин,  
Учиб-ўйнайвер,— дедим.—  
Куйлаб қувнайвер,— дедим.

1961.

## УТПАРАСТ СИНГАРИ...

Кўклам, ёшлигимдай ардоқлим, шўхим,  
Ҳар йили, ҳар йили интизорингман.  
Лоладан аланга, гуллардан чўгим,  
Утпараст сингари беқарорингман.

Ёшлигим гул даври қайтиб келгандай,  
Қушлар қўшиғининг авжи парвозда.  
Айтилмаган қўшиқ айтиб келгандай,  
Манглай терларимнинг мақтови созда.

Кўкламдай Ватанда боғлабман қанот,  
Кўклам хаёлидай учагон ўзим.  
Кўкламдай сержило, ярқироқ ҳаёт,  
Совет ватандоши — чўнг инсон ўзим.

Бахтингни куйлайвер, жумҳуриятим,  
Мангулик кўкламда тўкис ҳаққинг бор.  
Эй, менинг бор-йўғим, ёруғ ниятим,  
Нечоғлик эзгусан, суюк, улуғвор...

Кўклам, ёшлик каби тансиғим, шўхим,  
Ҳар йили ошиқу интизорингман.  
Лоладан аланга, гуллардан чўгим,  
Утпараст сингари беқарорингман

1961.

## БАЛИҚЛИК БУЙИДА

Табиат бу жойда нечоғлик жўмард,  
Ҳовуз тағларида қайнар чашмалар.  
Чашмалар шилдири сўйлайди налар?  
— Бир ҳўплам ич,— дейди,— кўрмагайсан  
дард!

Табиат бу жойда нечоғлик сулув,  
Инсон табиатнинг ўғли бу жойда.  
Минг булоқ жўш урар жарда-ю сойда;  
— Бир қултум ичгин,— деб,— жилдирайди  
сув.

Ким билур етти қат ернинг қаъридан—  
Не тилсим — дафина тотини ювиб,  
Биллурин мавжлари мавжларни қувиб,  
Еруғликка чиқар тоғлар бағридан.

Биллурин мавжлари қандай шифокор,  
Қондиради одам чанқоқлигини,  
Қондиргудек олам чанқоқлигини,  
Бу мавжларда сир бор, мўъжизалар бор.

Табиат бу жойда нечоғлик жўмард,  
Инсон — табиатнинг ўғли бу жойда,  
Боғу роғ, экинзор, жарларда, сойда,  
Меҳнаткаш юртдошим, кўрмагайсан дард!

1961, *Олмос қишлоғи.*

## ОҚСОҚОЛ

Бир оқсоқол кўрдим — бўйи чинордек,  
Эгнида банорас, кўкраги очиқ,  
Қора чақмоқ каби ял-ял қорачиқ,  
Билакларда йўлбарс қуввати бордек.

Кўчалардан ўтар секин, салмоқдор,  
Хар одими ерга титроқ солгудай,  
Ернинг танобини тортиб олгудай,  
Ошкор бир савлат, ботирлик ошкор.

Йўллардан ўтади — биллур шаршара,  
Жарлар, ёнбағирлар, довонлар таниш.  
Мевазорлар таниш, қўрғонлар таниш,  
Ун олти ўғил-қиз, қирқ бир невара.

Йўллардан ўтади — гўё бобойга  
Она табиатнинг ўзи таъзимкор,  
Одамлардай гўё саломга тайёр,  
Бобойни кўрганда тўлар чиройга.

Белида тўрт белбоғ, қўлида асо,  
Шу жойларнинг тўнғич ҳукмронидек,  
Ўтмиши, бугуни, пок виждонидек  
Ақли луқмонлардан тўлиқ ва расо.

Қора терга ботиб экаркан гўза,  
Эгнидаги тўни эди юз ямоқ.  
Булоқ бўйларида қақраркан томоқ...  
Бахт у пайт тупроққа кўмилган кўза.

Қора терга ботиб яратаркан боғ,  
Лекин мевасини татий олмасдан,  
Ноласи учаркан олис Олмосдан,  
Соқол оқаргунча дил бўлмабди чоғ...

Йўллардан ўтади — тоғ янглиғ ўмров,  
Ҳали не юкларни кўтаролгудек,  
Ҳали не тоғларга панжа солгудек,  
Ҳали ҳам юртида мисоли кам дов.

Меҳнаткаш инсонга хос кўрк ва савлат,  
Табиатдай барҳақ, барҳаёт, эзгу.  
Ҳа, пийри бадавлат деганлари шу,  
Юз бир шоҳдан ортиқ пийри бадавлат.

*1961, март. Олмос қишлоғи.*



## ҚОР ҚҰМСАШ

... Олмаота атрофи — қорасондан қор...  
Чўққиларга ошдим, сойларга тушдим,  
Ез оғи кўкалам жойларга тушдим  
Нед-неча бор.  
Қор олдим қозоқнинг Олатогидан,  
Олатог бағрида олма богидан,  
Олмаота сойининг қўш қирғогидан,  
Қорасондан қор...

\* \* \*

Қиш-қишлигин қилса нетарди ахир,  
Соғингани билса нетарди ахир,  
Биз томон ҳам жилса нетарди ахир,  
Қандоқ сири бор!  
Ўзбек тупроғида келдим тунов кун,  
Бизнинг далаларда ҳануз чанг-қуюн,  
Чанг боснамай ёғар ҳатто узун тун.  
Бу кимга даркор?

\* \* \*

Бевақт ёғинлардан безор бизнинг юрт,  
Бевақт оқинлардан безор бизнинг юрт...  
Вақтида ёғсайди, дердим: кўзга сурт!  
Кўринай демайди қишнинг қораси.

Қиш келди-ю, лекин қори келмади,  
Қиш ойининг кумуш ёри келмади,  
Қиш тонгининг жаранг тори келмади...  
Недир чораси!  
Ўзбек тупроғидан келдим тунов кун,—  
Она табиатга жуда юкиндим,  
Она табиатдан жуда ўтиндим:  
«Қор ёғдиргин,— дедим,— қалин қор ёғдир,  
Қорли қиш гўзалу покиза, соғдир,  
Қорли қиш гавҳардай ёрқин, бедоғдир.  
Қорли қишдан аймақ дили ҳам,  
Яйлоқ дили ҳам  
Ташна тупроқ дили ҳам чоғдир...  
Қор ёғдиргин,— дедим,— қалин қор ёғдир!»

\* \* \*

Қор, ахир, чиройлик баҳордан мужда,  
Яхши баҳор эса — оқ қордан мужда...  
Ернинг қат-қатига қор сингмас экан,  
Қиш уйқусин олиб, ер тўнгмас экан,  
Бобо деҳқон айтар — ер ўнгмас экан...  
Собит оға деди: қордан ола кет,  
Майли, самолётга озроқ сола кет,  
Қорли қиш торини, майли, чала кет!  
Қуллуқ, дедим мен.  
Ўзгина қор олдим сой қирғоғидан,  
Ўзгина қор олдим олма боғидан,  
Қор олдим Қозоқнинг Олатоғидан.  
Хушвақт эдим мен.

\* \* \*

Булутлар оралаб учар пўлат қуш,  
Осмон юзи гўё уфқи оқ бир тўш,  
Осмон қатларида тоғу тош кумуш,

Бунда қат-қат булут кезар беюмуш...  
Пойтахтим устига келди самолёт,  
Мен ҳалиги қорни сочиб юбордим,  
Ерим ҳарорати эритдимкин,  
Ҳовур бўлиб учди қор учқунлари,  
Товур бўлиб учди қор учқунлари,  
Ҳовурдан, қарасам, булут бўлибди,  
Уша кун кечқурун шаҳрим устида,  
Тупроғим, далаю наҳрим устида  
Сепалаб ёғишга тушди сал ёмғир.  
Ёмғир кетидан-чи, тушди илк қор ҳам...

\* \* \*

Олмаотадан илк қор келтиргандайман,  
Ҳам чиройли баҳор келтиргандайман...

\* \* \*

Қор, ахир, чиройлик баҳор муждаси,  
Тошқин сой, сув тўла анҳор муждаси,  
Қор, ахир, ёруғ ёз куним муждаси,  
Қор, ахир, қордай мўл унум муждаси,  
Қор, ахир, мўлчилик ҳам, тўкинчилик,  
Қор, ахир, ўт-ўлан ёғи бут илик...

\* \* \*

Олмаотадан илк қор келтиргандайман...

*1961, февраль,  
Олмаота — Тошкент.*

## ОБОЙ — БОБОЙ

*Ҳайкали ёнида*

Олатов чўққисига кўнгандай ота бургут,  
Олмаота ўртасида турибди у барҳаёт.  
Гўё ҳамон элига сўйлар ҳикмат ва ўғит,  
Ҳамон ўланлар тўқиб, ўқимоқда ўлмас зот.

Қозоқ ўз давронида ўтмишига дов солиб,  
Асрининг қудрати-ю, ҳукмини юргизибди.  
Қадим қора тупроқнинг теран қўйнидан олиб,  
Шу юксак чўққисига типпа-тик турғизибди.

Ана у доим уйғоқ, манглайида ёруғлик,  
Бургут кўзлари қарар парвоз кўзлаб осмонга.  
Шоирона сиймо-ю, доҳиёна улуғлик,  
Кўз узмай рози боқар чексиз Қозоғистонга.

Ана янги шаҳарлар, кентлар, мўл-кўл қишлоқлар,  
Ана қорли чўққилар, саноқсиз сурув, пода.  
Ана сўнгсиз саҳролар, чапанзорлар, яйловлар,  
Туш-тушга учишади кумуш қушлар ҳавода.

Ана қон, бўз тупроқлар очмоқда не хазина.  
Қозоқ у армон қилмиш қозоқликка етмоқчи.  
Билан қояларидан ошиб зинама-зина,  
Табиат тилсимларин битталаб забт этмоқчи.

Қозоқнинг эртасига ишонади алп оқин,  
Қозоқ йиғласа — йиглаб, кулса — қаҳқаҳа урар.  
Қозоғи ёруғ йўлда, коммуна асри яқин,  
Қардошлар қаторидан қолмайди — аниқ кўрар.

Қор ёғар, жала қуяр ё довул солар ҳой-ҳой,  
Аёзми, қайноқ ёзми ёки сулув, тўқин куз,  
Уз ўрнида, энг тўрда тик турар Обой — бобой,  
Кўзларида гўёки акс этар ёруғ кундуз.

Олатов чўққисига қўнгандай полвон бургут,  
Олмаота ўртасида турибди у барҳаёт.  
Гўё ҳамон элига сўзлар ҳикмат ва ўғит,  
Ҳамон ўлан тўқиб, ўқимоқда ўлмас зот...

1961.

## МУХТОР ОҒА МОТАМИДА

Йиғла, қозоқ юрти, кўз ёшингни тўк,  
Айрилдинг карвонинг бошида нордан.  
Не нор, юксак учган тенгсиз шунқордан,  
Тобути ёнида нор сингари чўк,  
Айрилдинг Мухтордан...

Элининг алп ўғли, алп қозоқ ўғли,  
Кўз юмди мангулик... оқ, ҳей кўз ёшим,  
Оқаргин эй бевақт оқарган бошим,  
Сеҳргар меҳнатнинг чўнг, уйғоқ ўғли,  
Ҳам қандоқ ўғли!

Нечоғлик тинмағур, дадил нечоғлик,  
Закоси ярқираб пешонасида,  
Қаламқаш санъатнинг кошонасида  
Қурди бир обида — тоғдай салмоқлик,  
Нурлик, бўёқлик...

Йиғла!.. Йўқ, йиғлама — кўз ёшингни арт,  
Фақат эртанинг ҳам қайғусини е,  
Қалам тутганларга қараб дангал де:  
Сен ҳам Мухтор каби тер тўкмоғинг шарт,  
Бўлди алифбе!

1961.

**СОБИТ ОҒА ОЛТМИШ ЕШГА  
ТЎЛГАНИДА ВА ТОШКЕНТГА ҚУНОҚ БЎЛИБ  
КЕЛГАНИДА АЙТГАНИМ**

*Ҳазилроқ*

Собит оға, бу гал ҳам  
эриб кетсанг бўлмасми,  
Бўзларингдан бир бўлак  
бериб кетсанг бўлмасми,  
Қўноқлик давронини  
суриб кетсанг бўлмасми,  
Хоразм ва Сурхонда  
юриб кетсанг бўлмасми,  
Фарғона боғларини  
кўриб кетсанг бўлмасми?

Тошкентдами, Тўйтепа —  
сенга улкан уй қилсак,  
Ҳар йилингни бир китоб  
ё ҳикматли куй қилсак,  
Юз йилга тўлганингда  
Самарқандда тўй қилсак,  
Жаҳонга татигулик  
шарафинг бўй-бўй қилсак,  
Узумзорлар шарбатин  
сўриб кетсанг бўлмасми?

Кетар бўлсанг — не илож,  
қолар бўлсанг — қол, майли,

Китоблар юклаб берай,  
Йўқ демайин ол, майли,  
Атласлар ортиб берай,  
самолётга сол, майли,  
Чуст дўппи, шойи белбоғ —  
олмасанг увол, майли,  
Беш-ўн йиллик бодадан  
уриб кетсанг бўлмасми?

Ҳазилим ҳам чиним шу:  
жиянлик ҳаддим бор-да,  
Майли, кетсанг — омон бўл,  
келгин қиш ё баҳорда,  
Сени кутиб олгаймиз  
гулзор ё олмазорда,  
Гўдакдай чўмилгайсан  
Чирчиқда ё Анҳорда,  
Собит оға, бир оз кун  
юриб кетсанг бўлмасми?

1961.



## ГУЛ КҮЧАТ

Оқсоқол, соғ бормисиз,  
тинч-омонни элу юрт,  
Бўзларда кузлик қалай,  
қор қалай Олатовда.  
Мўлми айрон, мўлми сут,  
мўлми қимрон, мўлми қурт,  
Тўрт тулигинг тугалми  
тоғ ораси — яйловда?  
Қўзиларинг маграшиб,  
қулунлар кишнашдами,  
Қалай Қарағанда-ю  
қора гавҳар, жез конлар,  
Юртдошлар ботирлардай  
тер тўкиб ишлашдами,  
Бу йил ҳам Олатовдай  
уюлгайми хирмонлар?  
Қўноққа чақирибсиз,  
ардоқлабсиз, юз қуллуқ!  
Туiproғингизга қўндик,  
ўрайи келиб бугун,  
Дўстлик дастурхонига  
кирмасин ҳеч теват суқ.  
Арзимас совғам ҳам бор,  
На сават бу, на тугун,

Гижинг арғимоқ эмас,  
тўн ёки белбоғ эмас.  
Ё қундуз бўрк, ё қамчи,  
Ё женгайга кўйлаклик,  
ё чўлпи, болдоқ эмас,  
Ё йилқичи бобойга  
чою чилвир арғамчи;  
Йўқ, сизга ола келдим  
гул кўчат бу — бир бойлам,  
Биламан, юртингизда  
гулзорнинг йўқ саноғи  
Ва лекин бундақаси  
аҳтимолки сизда кам,  
Очилганда дейсизки,  
бўй қизнинг қўш ёноғи...  
Булар жонон Фарғона,  
жонон Сир қирғоғидан,  
Сиздан сир тутиб нетай,  
Ужмоқ кўрк Наманганнинг  
янги сўлим боғидан...  
Ўзим ўтқазиб кетай  
Бемисол Олмаотанинг  
тенгсиз хиёбонига,  
Қозғурт этаклари-ю  
юз сой қирғоғига ҳам.  
Қарқара қирларига  
ҳам Ленин майдонига,  
Туркистон боғига ҳам...  
жўн совға эмас совғам:  
Менга нону туз берган  
юртнинг дилидан сийлов,  
Қирқ достон — Гўрўғлининг  
Чамбил белидан булар.  
Уша ўзбек бобонинг

қадим элидан сийлов,  
Қардошлик, қондошликнинг  
тошқин селидан булар...  
Кўклам тушлари янглиғ  
шаффоф, мисоли чақин,  
Чотқол чашмаларидай  
тиниқ, зилол, ярқироқ.  
Биринчи бўса янглиғ  
юракка солар ёлқин,  
Айтиб қўяйин бироқ:  
Агар бу гул кўчатлар  
илк кўкләм уйғонмасдан,  
Кўкламнинг нақ ўзидай  
барқут барғлар ёзмаса,  
Илк ёмғир алласида  
етти ранг ёй ёнмасдан,  
Юртингизнинг кўркини  
кўрк билан тўлғазмаса,  
Гунчалар кўзингизни  
ўйнатолмаса агар,  
Очилиб сочилса-ю  
ва лекин ҳидсиз бўлса,  
Дилингизга дарёдай  
меҳр солмаса агар,  
Ҳиди анқиса-ю, гар  
дийдори дидсиз бўлса,  
Йўлчиларнинг дилини  
чўғдай ёндиролмаса,  
Тепасида булбуллар  
ўқимас бўлса қўшиқ,  
Ошиқлар ташналигин  
доим қондиролмаса,  
Оқинлар ҳам парвона  
тўқимас бўлса қўшиқ,

Найзагайлик селдан сўнг  
камалакдай товланиб,  
Кўкчатов тонгларидай  
болқиб-болқиб турмаса,  
Атлас қарз олмиш ранги  
жимирлаб, юз хил ёниб,  
Суқсур кўл сувларидай  
юз бир чалқиб турмаса,  
Ҳар гал кўрганингизда,  
жимжит турганингизда,  
Жиянинг ўлкасини  
эсга соломас бўлса,  
Янги чаман яратиб  
чексиз чаманингизда,  
Доим ишқ шеvasин  
создай чалолмас бўлса,  
У вақт хабар бер дарров,  
қўпоргайман битталаб,  
Боқмагайман на боғбон,  
на боғ қоровулига,  
Тагларидан ўт қалаб,  
Кулларин учиргайман  
саҳронинг довулига...

Лекин бундақа кўчат,  
тогай, камёб жаҳонда,  
Парвариш қил, ҳар кўклам  
очар саноқсиз гунча.  
Асли Ўзбекистонда,  
насли Қозоғистонда,  
Сўлмагай ва ўлмагай,  
тургай жаҳон тургунча!

1962.

## ҚИМИЗ

Олатов этагида кезардим оқшом ёлғиз,  
Сарвизор соялари. Жилға-ю, сойлар равон,  
Оқ ўтов орқасида ўчоқ ёқар сулув қиз...  
Гўёки туш пайтида ошган янглиғ қўш давон,  
Хеч нари ўтолмасдан, аста-аста ёндошдим,  
Йўлчиликнинг расми-да: айрон, дедим, озгина!  
Тортинчоқ, асов экан — гўё эрдан адашдим,  
Ўзи қорачагина, ўзи дилнавозгина...

Айрон дегандим, аммо келтирди корсон қимиз,  
Корсон тўла қимизни ичдим, қайдам қанча вақт.  
Шошмайин шимираддим, олисдан жилмаяр қиз,  
Шошмайин шимираддим, жилмайиши қандай бахт...

Шошмайин шимираддим, мен-ку ташна эмасдим,  
Қандайдир ташналигим қонгандай эди лекин.  
Жилмайиб тагин корсон тутса ҳам йўқ демасдим,  
Уни ҳам ичар эдим шошмайин, секин-секин.  
Секин-секин... ва лекин тап-тайёр бўлдим сархуш,  
Аҳён-аҳён жилмаяр, жилмаярди ҳамон қиз.  
Кўзларимда бу олам гўё эртақ ва ё туш,  
Ҳа, шундоқ ажиб қимиз:  
Олис яйловлар ҳиди, номсиз чечаклар ҳиди,  
Она сутидай тоза, маъжундан сирлироқ куч.

Гүё юз бир жаннатнинг кавсар таъми анқийди,  
Уша қизми, кўринар кўзимга биракай уч...

— Уч опа-сингилмисиз,— дедим,— бирдай  
сулувсиз...

Олатов чўққисидан қайтди шўх қаҳқаҳаси.  
Какликдай куларди қиз,  
Куларди қийиқ кўзлар, топнамас андақаси.

Гап ўша қизда эмас, гап анави қимизда,  
Ўн саккиз яшаримда илк бор ўпгандай мастман.  
Гап ўша қимиздами, йўқ, ўша сулув қизда,  
Наинки маст, дев каби норғулман, забардастман.

Ахир, қуллуқ, дедиму тушдим келган сўқмоққа,  
Ҳеч нари кетолмасдим, қараймиқан қайрилиб?  
Келиб туринг,— дермикин,— келиб туринг

қўноққа...  
Келиб туринг,— демади. Кетдим ночор айрилиб.  
Оҳ, Олатов қимизи! Оҳ, Олатов қимизи!  
Не дардлар давосисан, ҳа, не дардлар давоси,  
Оҳ, сен Олатов қизи! Оҳ, сен Олатов қизи!  
Сен қутлуғ армонимсан, кўнглим кўркинг

шайдоси!

1962.

## КОНЧИ ЧИРОҒИ

Менга тортиқ қилдингиз  
кончининг чироғини,  
Қуллуқ, эй кончи оға,  
унутмайман бир умр.  
Бу чироқ ёруғида  
қазиб оласиз кўмир,  
Елпиратиб ўлкада  
ботирлик байроғини.  
Яратасиз ҳаётнинг  
қора олтин тоғини.

Сиз чироқ ёруғида  
ер тагига тушасиз,  
Қора гавҳар уясиз,  
Эртақдаги дев мисол.  
Сиз ватан давлатига  
не-не давлат қўшасиз,  
Боболар тушида ҳам  
қилмаган эди хаёл.  
Девкорсиз, азмингизга  
бу бобо чўллар ҳам лол.

Бебаҳо тортиқ учун  
юз бор қуллуқ айтсам оз,

Чироғингиз ҳамиша  
ёритгай кетар йўлим,  
Бир қўлимда жаранг соз,  
Сўнгги нафасимгача  
чироқ тутгай бир қўлим,  
Сўнгги нафасимгача  
ёп-ёруғ ўнгу сўлим.—

Ҳам сиздай тиним билмай  
ижод теранларидан,  
Она ер қатларидан,  
тоғ ошиб, давон ўтиб,  
Шеърят олмосларин  
излагум қурум ютиб,  
Битта-битта ажратиб  
олгум тимсол баридан,  
(Мақтаниш туюлмасин  
айтганим илгаридан.)

Ва ўша гавҳарларни  
сизга қилгайман совға,  
Кўзларга қувонч бўлсин,  
дилингизга ёруғлик,  
Қора гавҳар ошиқи —  
кончи дўст, кончи оға,  
Яна олқиш ва қуллуқ,  
Яна олқиш ва қуллуқ!

1962.



## ҚАРҚАРАЛИК

Қарқаралик, қайдан келдинг қошимга,  
Қайдаги савдони солдинг бошимга.  
Қайдаги савдони солсанг бошимга,  
Қота кўрма қатрон менинг ошимга!

Қош устига қўндирибсан қарқара,  
Қора сочинг қора тунда шаршара,  
Тўлқинида кошки ўзим чўмилсам...  
Шайдойингман, гар қарама, гар қара!

Қарқаралик, излаб келдим, йўл олис.  
Олис йўлда чўл олису кўл олис.  
Бир қарагин, кўзгинангдан билайин:  
Дермикинсан яқин ёки бўл олис!

Қарқаралик, сойларингни кечгум бор,  
Сувларингни шароб каби ичгум бор.  
Олислардан келдиму гап ўзингда,  
Майли десанг, қарқарангга кўчгум бор.

Қарқаранинг ўрдаги-ей, ғози-ей,  
Езлари-ю, кузларининг сози-ей.  
Е «ҳа»си бор, ё «йўғи» бор, не билай,  
Уртаворди қарқаралик нози-ей.

1962.

## КЕЛГИН

Тонгларнинг жилосидай  
Пирпираб алвон келгин,  
Бўзтўрғай навосидай  
Куйлаб беармон келгин,  
Боғларнинг шоввасидай  
Шарқираб равон келгин,  
Сочларинг тараб-ўриб,  
Ваъдага жонон келгин.

Ой кечанинг қўйинга  
Ноз ила кирганида,  
Осмон кўк қўйлагига  
Инжулар терганида,  
Турғун сувлар эпкинга  
Бўсалар берганида,  
Ҳей, лаблари қирмизи,  
Келгин, шу замон келгин.

Арчазор тоғ ораси,  
Тўшайлик кўк ялпиздан,  
Дардим-ўтинчим ўлан  
Бу кеча сендек қиздан,

Яйлов оқшоми бўлур  
Миннатдор иккимиздан,  
Хар келишинг бир эртақ,  
Жонгинам омон келгин.

**1962.**

## РАШК

Сиз қозоқ тупроғида очилдингиз, аячам,  
Чўпонлар орасида ўқияпсиз ўланлар,  
Кончилар даврасида тўқияпсиз ўланлар,  
Саратон саҳаридай жилмаясиз, соз бирам!  
Қуёшдай ёрқин қалбнинг ёрқин меҳрин улашиб,  
Янграмоқда янгроқ соз.  
Уланларки, жаранги авж пардада қувлашиб,  
Зебуннисо учун ҳам ёймоқдасиз шўх овоз.  
Ҳа, нақ шундоқ аячам,  
Пионер қиз, ўғлонлар, оқсоқоллар, оналар,  
Не тош юраклар бўлди ҳозирдан парвоналар...  
Ҳаммаси сизга ошиқ, бир имо қилур сарсам...  
Лекин бу чекдош элнинг тошқин меҳри, севгиси,  
Е қардошлик туйғуси, саҳройи соф кулгуси —  
Менинг сизга оғалик меҳримдан ўтар бўлса,  
Менинг тоза меҳримни биров унутар бўлса —  
Билинг, дилим куйгуси,  
Ҳа, бу ҳам рашк туйғуси!

*1962, май, Қозоғистон.*

## ТОРТИҚ

Ойнакўл-ку, ойнадай тоза,  
Мўлдир-мўлдир, ўта тиниқ сув,  
Дунё бўйлаб шундоқ овоза —  
Ёзда муздек, қишда илиқ сув...

Ойнакўлни этдилар тортиқ  
Менинг юртим шоирасига.  
Муносибди, эмасди ортиқ  
Сўз иқлимин соҳирасига:

«Ойнакўлда ҳар кун тонг пайти  
Юзингизни кўрарсиз, олинг,  
Бу қозоқнинг қадимги байти,  
Уқиб, эслаб юрарсиз, олинг!»

Не ҳам дейлик, зап чечан йигит,  
Тортиғи ҳам, сўзи ҳам расо,  
Лойиқ совға тополмай мен хит,  
Тебранамаман чолдай беасо.

Қозоқ — бой эл — кўлу тоғи кўп,  
Қозоқ ери — худ ярти жаҳон.

Оқар сув ҳам, кен ҳам, боғи кўп,  
Не муносиб, қани, Эркешжон?

Ҳаммаси бор, эркам, ўзингда...  
Ҳа, жигарлик меҳримиз қолсин.  
Кундуз янглиғ ёниб кўзингда,  
Бизни доим эсингга солсин!<sup>1</sup>

1962, Кўкчатов.

---

<sup>1</sup> Кўкчатовда Эркеш деган шоир йигит, Зулфияхонимга Ойна-кўлни тортиқ этдим, деганда мен шу жавобни ёзгандим.

## ТУҶСОН ИККИ

Сокин кўл сингари сокин эй кўнглим,  
Пўртанадек чайқал, гуркира бугун.  
Фаргона тонгидай ёрқин эй кўнглим,  
Ёрқин байроқлардай пирпира бугун:  
Ҳазилакам эмас тўқсон икки ёш...  
Кўз тикканди, ахир, исёнкор Инсон,  
Ҳа, узоқ кутганди шу қоя бардош,  
Шу ғариб, шу кекса, заҳматкаш жаҳон,  
Баҳор каби ҳаёт яратмоқ учун  
Эрта баҳор чоғи келди дунёга.  
Не байрам, мўъжиза яратдик дуркун,  
Юлдуз учун юлдуз тўла фазога...

Балки эрк офтобдай кулмасди бундоқ,  
Гар кечроқ келса.  
Балки бахт қучоққа тўлмасди бундоқ,  
Гар кечроқ келса...  
Порлармиди, қайдам, не-не эзгу ном  
Келмаганда у.  
Насиб бўлармиди порлоқ шу айём  
Келмаганда у...

Айрилиқ, ёлғизлик, олис сургунлар,  
Қаттол қаҳратонлар буколгани йўқ.

Не чигал жумбоқлар, не-не тугунлар  
Ақли, меҳнатида сир қолгани йўқ.  
Ўзи айтганидай яратдик тенгсиз,  
Безаклик дунё.  
Кўзи очиқ олам боргай изма-из,  
Чечаклик дунё...

Ев ёқадан олди, ит-чи — этакдан,  
Улимлардан ҳатлаб ўтдик довонлар,  
Лекин юрт айнимаёй юрди етакдан,  
Коммуна асрига йўллаб карвонлар.  
Шунчалар ҳам тансиқ бўлурмиди юрт,  
Тўкмасайдик тер;  
Оламга ярашиқ бўлурмиди юрт,  
Ютмасмиди ер?

Сокин кўл сингари сокин эй кўнглим,  
Пўртанадек чайқал, гуркирагин, ҳа!  
Фарғона тонгидай ёрқин эй кўнглим,  
Ёрқин байроқлардай пирпирагин, ҳа!  
Ҳазилакам эмас тўқсон икки ёш...  
Асрлар ўтгуси, у ҳаёт қолгай.  
У — мангу олов қалб, у — алп асрдош,  
Мангу қолар экан коинот, қолгай!  
У бошлаган даврон — даврон бўлгуси,  
Ўша даврон юз бир дoston бўлгуси,  
Ҳаҳон у ўйлаган ҳаҳон бўлгуси,  
Ҳаҳон у дегандек омон бўлгуси!

1962.



Қоронғилик... жон олгудай қўрқинч ва шаддод,  
 Қора ваҳима.  
 Қарсиллаган қора аёз, қора гирдибод,  
 Дил қийма-қийма...  
 Ел нолакор — ҳар гўшада гир-гир парвона,  
 Ғарибона инграшидан титрар кенг борлиқ.  
 Гўё тинмай тўқимоқда чигил афсона,  
 Не афсона, юз саргузашт мунглуғ ва зорлиқ.  
 Елми ўзи — инграган ким, уввос тортган ким,  
 Е иблисининг қаҳқаҳалари?  
 Юрак узиб, чўзиб-чўзиб, дод тортган ким,  
 Е қиёмат дағдағалари?  
 Олис чўлда оч бўрининг увлашими ё,  
 Е томуғда осийларнинг танг ғарғараси?  
 Қамишзорда қоплоннинг ов қувлашими ё,  
 Е бетийиқ базмларнинг маст ноғораси?  
 Нола тинмас — қақшагандай яқин ва йироқ,  
 Нола янграр ё занжирбанд арслон наъраси.  
 Е денгизда пўртана бор — титрашда қирғоқ.  
 Е кишанлик инсон наъраси?  
 Е Кўҳиқоф девларининг жангги, сурони,  
 Е ўткинчи ва каззоб бонг, беҳуда товуш,  
 Е минг йиллик бир уйқунинг бўғиқ фиғони,  
 Е босириқ туш?

На босириқ, на алдоқ бонг, на ҳорғин хаёл,  
На наҳқаҳа, на тамуглар учирган қут бу,  
На дев жангги, на қиёмат, на йиғлоқ шамол...  
Асрий оғир уйқусида тебранган юрт бу:  
Занжирларнинг узилишлари —  
Ботирларнинг тебранишидан,  
Зиндонларнинг бузилишлари —  
Тангриларнинг ингранишидан,  
Қалбаларнинг қарс-қарс қулаши —  
Эксизларнинг дадил куйидан,  
Жаллодларнинг сўнгги увлаши —  
Қўзғалишнинг қаттол тўйдан  
Янграётган тўнг чақириқ бу.  
Тонг отмоқчи, қуёш чиқмоқчи,  
Қайсар бонг бу, чўнг чақириқ бу,  
Қоронғилик тахтин йиқмоқчи.  
Чунки Ленин бонг урганди бугун исёнга,  
Қалдироқдай садо солди бу бонг жаҳонга...

1962.

## АМАКИМ

Тўққиз юз ўн еттида  
қайғиб келди амаким,  
Жанггоҳдан берироқда  
кесибди бир йил ўрмон.  
Лениндан эшитганин  
айтиб келди амаким:  
— Бошланди бўлак замон!  
Оқ пошшони тахтидан  
рўйирост йиқдик, депти,  
Заводлар — ишчиники,  
ер — ооч сурганники.  
Қоронғи бир давронини  
гўрига тиқдик, депти,  
Саройлар, кошоналар  
ғишт териб қурганники.  
Меҳнаткаш мусулмонлар,  
тенглигингни ол, депти,  
Қамчилар ўйнатмасин  
ортиқ бошда хўжайин,  
Россия етаклайди,  
йўлни тўғри сол, депти,  
Амакимнинг ўзига  
уқтирипти атайин.  
Туркистонга қайт, депти,

Кўрганингни айт, депти,  
Ҳозир замон эгаси  
    меҳнаткаш халқ, қилгин фарқ.  
Туркистон уйғонган-ку,  
    нақ уйғонар пайт, депти,  
Уйғонади бутун Шарқ!  
Тўққиз юз ўн еттида  
    мен етти яшар эдим...  
Амаким яшаган қаср —  
    ер таги эсга тушди.  
Гўр эдим, думбул эдим,  
    ҳали хархаша эдим.  
Амакимнинг жумбоқдай  
    эртаги эсга тушди:  
— Ленинни кўриб келдим,  
    Не суҳбат қуриб келдим.  
Золимларнинг тақдирин  
    қилғаймиз чикка-пукка.  
Нуқул шунақа дерди,  
    Эрлар ичида эр-ди,  
Шу эртагидан кейин  
    ёзилди аскарликка...

1962.

## ЛЕНИН ЖИЛМАЙИШИ

Ойларнинг яхшиси, ойлар чиройи,  
Ойларнинг эркаси шу апрель ойи.

Олам кўз уқалаб қиш уйқусидан,  
Уйғонар муҳаббат, уйғонар чечак;  
Кўк янграр қушларнинг шўх қийқувсидан,  
Ҳар ёруғ тун ўзи бир тугал эртак.  
Сувлар тошқинидан далалар рози,  
Юлдуз кўзлагандай хаёл парвози.

Кўкракка уради кўклам эпкини,  
Қўшининг бошида тунар пахтакор,  
Усмирлар юзига тошар сепкили,  
Бу ой ҳикматлари ой дегунча бор...  
Оқ булут ўтади енгил, учағон,  
Илиқ томчиларга чўмилар жаҳон.

Дил ўйнар эпкинда ўйнаган баргдай,  
Ғунчалар устида юз хил капалак;  
Олис оламларга қопқо ё арқдай  
Осмонда товланар ажиб камалак.  
Мана шундай ойда оламга келмиш,  
Оламнинг жамоли — одамга келмиш.

Она оғушида ухлаб, эҳтимол,  
Жилмайгандир илк бор маъсум чақалоқ,  
Она тилаги бир: ўссин безавол!  
Она кўнгли шундоқ — қутлуғ, доим оқ...  
Йигирманчи аср, йигирманчи йил,  
Йигирманчи йилнинг нақ апрелида —  
(Лениннинг туғилган куни, яхши бил!)  
Совга тайёр бўлди Туркистон элида,  
Нима денг? Йигирма вагонлик карвон —  
Бугдою нўхат бор, мош, мағиз, туршак,  
Ёнғоқ, олмақоқи, майизу баргак,  
Темир излар оша жилмакда равон;  
Кўл ёки қуруқ сой, ё ғариб эгат,  
Кўринмас чўлларнинг олис қирғоғи,  
Тиним билмай борар бекатма-бекат,  
Ахир, шу — йўлларнинг энг тўғрироғи!

— Сизга, янги Шарқнинг байрам совғаси,  
Сиз — эй инқилобнинг улкан дарғаси!  
Дедилар Ленинга, — антиқа карвон,  
Бугдою нўхату мош, мағиз, туршак,  
Ёнғоқ, олмақоқи, майизу баргак  
Ва озод, янги Шарқ меҳри бир жаҳон!

Шошиб қолгани йўқ, ишонарди, ҳа,  
Кечалар уйқусиз ўйлаганлари,  
Минбарлардан куйиб сўйлаганлари  
Яратажак Шарқда қувноқ қаҳқаҳа...  
Баъзилар айтгандай рўдапомас Шарқ,  
Югрик от кетида елган туямас,  
Қозондан юққулик қора куямас,  
Шарқликдан шарқликни қилайлик-да фарқ.  
Эмиш Шарқ бошқа-ю, ғарб бошқа... бекор!  
Эмиш Осиеда синф йўқ, бир миллат...

Синф жанларида юз ранг, юз иллат,  
Ҳақиқатда Шарқ ҳам Ғарбдай эрка зор.

Шошиб қолгани йўқ, ўйларди холис:  
Шарқ тақдири ҳатто сургунларда ҳам,  
Қувғинларда ҳам  
Унинг хаёлидан кетмаган олис.

Ун еттинчи йилнинг қаҳатчилиги,  
Қуриганди ўбдан Шарқнинг илиги,  
Боласин сотгани чорак оқшоққа  
Шаҳристондан тушиб келарди чоллар,  
Тўлиб кетган эди ўлка қашшоққа,  
Тиланчи, чоракор, дайди ҳаммоллар.  
Боғидан бол оққан боғбон, ўтмай ёз,  
Шафтоли қоқига зор қолар дилхун,  
Атлас мўъжизасин яратган устоз  
Жулдур ва юпун.  
Қўралаб қўй боққан — сўёлмас қўзи,  
Уриниб суриниб ўтар ризқ-рўзи...

\* \* \*

Ленин юборганди ўшанда ошлиқ,  
Юз вагондан ошиқ.  
Бўлиб берган эди парча нонини  
Нондай азиз, танти Русия тупроғи;  
Бўлиб берган эди дастурхонини  
Чархланиб турганда очлик тирноғи...

Шошиб қолгани йўқ, биларди расо,  
Шарқ тақдири ҳатто сургунларда ҳам,  
Босириқ туш янглиғ у тунларда ҳам —  
Хаёлида эди доимо.

Ленин бир жилмайиб қўйди шу зум, бас,  
Порлаб кетганидай бўлди қуёшлар.  
— Кўпдан бери бундоқ жилмайган эмас! —  
Дерди бир-бирига кекса сафдошлар.  
Ленин бир жилмайиб қўйди ўша пайт,  
Кўз ўнгидан ўтди Эдил бўйлари,  
Усомирлик йиллари, бошқирд тўйлари,  
Пойгалар, курашлар, ўлан, қўшиқ, байт.  
Уролдан нарида қадим Туркистон,  
Унда қанот қоқар қўшбошлик қузгун,  
Жигарин чўқилар, тинмай сўрар қон,  
Наҳот қолса ҳароб ва бузгун!  
Унда пахтакор бор, боғбону боғ бор,  
Меҳнаткаш кўксиди асрлик доғ бор.  
Етмагандай гўё ўз хўжайини,  
Энг асил ерларин босиб олишар,  
Чор тўралари ҳам кесиб пайини,  
Бошларига қат-қат бало солишар.  
У ҳам жафокаш юрт, қутқарсак агар,  
Бутун шарққа машъал бўлмасми магар?

Ҳа, шундоқ бўлғуси, рус ишчисидан  
Ҳеч қачон ёмонлик кўрмас янги Шарқ.  
Ғубор ҳам қолмағай қуллик ҳиссидан,  
Ўз офтоби янглиғ бахти урар барқ.  
Из қолмас саллалик лоуренслардан,  
Иблисга муллалик қила олгувчи,  
Пайтин пойлаб туриб, фитна солгувчи,  
Миллатфуруш ўша песлардан!

Гўё илгаридан билиб тургандай,  
Билиб, ўйлаб, бичиб, режа қургандай,  
Ленин жилмайиб дер муддаосини:  
— Питер гўдаклари учун тарқатинг,



Москва гўдаклари учун тарқатинг  
Янги Шарқнинг илк совғасини!  
Ҳа, Ленин жилмайиб қўйди ўша пайт,  
Янги Шарқ меҳрига тўйди ўша пайт,  
Юзида аёнди қалби, дунёси,  
Борлиқнинг ўзидай чексиз маънилик.  
Қалбида аёнди ўлмас даҳоси,  
Даврони сингари ёрқин янгилик.

Тарихларда қолди ўлмас иши ҳам,  
Ўша кунги антиқ жилмайиши ҳам...

1962.

## ШАМДОН

Бебаҳо эсдалик шу шамдон, шу шам,  
Ленин ёзар экан баъзан тун бўйи:  
Фақат Россиямас, нотинч шу олам,  
Одамзод тақдири — ўйлаган ўйи.

Эзгу лойиҳалар, қутлуғ декретлар...  
Паҳлавон бир меҳнат гувоҳи шамдон.  
Бирин-кетин тўламиш варақлар, бетлар:  
Сулҳ, кўмир, қорамай...  
Сут тансиқ, кам дон;

Балки Мирзачўл ҳам, дорилфунун ҳам,  
Чексиз Шарқ ва эркин Урта Осиё...  
Милт-милт пилиллаган шу кўримсиз шам  
Яратмиш жаҳонга етқулик зиё...

1962.

## ОЛИС ФАРҒОНАДАН

Ўқ — ўз мерганидай заҳарли эди.  
Довуллаарга қарши юролган довул,  
Филдай куч ҳам наҳот таслим бўлса-я,  
Ўқ — ўз мерганидай хатарли эди...  
Оқ тўшакда ётар гўдакдай беҳол,  
Кўзларида фақат ўчмас бир учқун,  
Кўзларида фақат чексиз ақл, ҳикмат.  
Еҳу, ўн тўртларнинг ёвуз босқини,  
Пўртаналар, довлар,  
Ўпқонлар, говлар,  
Янги бир дунёнинг дунё ташвиши,  
Мотамлар, бўронлар, буколмаган қалб  
Наҳот санамоқда сўнг қулларини;  
Ўқ — ўз мерганидай заҳарли эди...

Сув келтирар ёки дору Надяси,  
Миннатдорлик пичир сўзларди фақат,  
Бутун айтар сўзи кўзларда фақат.  
Уни бир кўрмоққа туш-тушдан келур  
Денгизчи ё ишчи, ёки ҳунарманд,  
Е қуролаш сардор, ё яёв деҳқон,  
Кўнглин кўтармоқлик ҳаммада армон.

Олис фарғоналик олис йўловчи,  
Игна билан қудуқ қазгандай оғир,

Боболар санъатин Ленин асрига  
Кўз нурида элтмиш суюк санъаткор  
Совга деб келтирди Ленинга атаб  
Уйғонган элининг олов севгиси,  
Фарзандлик, жондошлик, қалби белгисин;  
Неча йил уйқусиз кўз нурин тўкиб,  
Хунарини тўкиб яратмиш сийлиқ:  
Нақшлари ярқирар баҳор тушидай,  
Бир бутун — яралмиш минг бир бўлакдан.  
Шарқнинг ўзи янглиғ сирли ва жозиб,  
Шарқнинг ўзи янглиғ олис ва яқин,  
Шарқнинг ўзи янглиғ содда, пурҳикмат.  
Шарқнинг ўзи янглиғ кекса, навқирон.  
Болишга суяниб, кўз узолмайди.  
Улкан халқ санъатин алвон барқидан.  
Ҳа, санъат қадрига етар эди у,  
Ҳа, меҳнат қадрига етар эди у,  
Пичирлаб дейдики: «Ижозат йўқ-да,  
Қошки сўзлашолсам фақат бир муддат,  
Хунарманд ҳолидан бўлсам хабардор,  
Юрагимни айтсам, хап, ҳақим қўймас...

Бениҳоя олқиш устага мандан,  
Энг яхши тилаклар, соғлиқ, сўнгсиз бахт,  
Санъатига омад — энг кераклиги!»  
Ва тагин болишга қўяр аста бош,  
Уйқуда жилмайган гўдак сингарин...

Ўзбек санъаткорин ўша совғаси  
Ленин хонасида турипти ҳануз,  
(Эртақдай хонтахта, саккиз қирралик,  
Эртақдай чиройли ажиб уч курси)

Ёзувин ўқидим, ажиб ҳуснихат,  
Ёзилибди араб алифбосида:  
—«Инқилоб дарғаси, доҳий Ленинга  
Олис Фарғонадан арзимас совға!»

1962.

## САҒАНА

Кечаси келдилару,  
Кетма-кет елдилару,  
Икковин қишлоқдан тутиб олдилар,  
Икковин бўйнига чилвир солдилар,  
Тиканли сўқмоқдан ҳайдаб қолдилар...

Невараси ҳали ўндами, ўн бир,  
Бобосининг ёшин худо биледи,  
Невараси борар безгакдай дир-дир,  
Бобоси билдирмай ёшин силади.  
Ўзидан қўрққани учун эмас, йўқ,  
Ўзи минг балони кўрган, минг боло...  
Ҳақат норасида учун дилда чўғ,  
Ҳақат шу бегуноҳ... Дариг, вовайло!  
Ўғли аскарликда мерган қирағай,  
Ўқи хато кетмас, тағин қиличбоз.  
Босмачи қирони, доврўғи — ҳай-ҳай,  
Тағин чавандоз...  
Кечаги тўқнашда ер тишлаганмиш  
Қўрбошининг ўзи, ҳа, ўзгинаси.  
Қишлоқдаги айғоқ кишкишлаганмиш.  
Яхши, қочиб қолди шўрлик энаси.  
Лекин кўлга тушди неварая-ю чол,  
Фидокор ўғлидан рози-ку, эсиз,

Невараси бевақт топарми завол,  
Йўқ, номард олдида бу ҳам чўкмас тиз...  
Невара бошмини силайди секин,  
Бўйнида чилвиру тоғ сўқмоғида.  
Невараси нохос суринар, лекин  
Инграмас...

Қўчқорнинг қўзичоғи-да!

Унгурга киришар кечаси бир вақт.  
Бўйинларда чилвир, қўллари боғлиқ.  
Унгурда гулхану тўрда бир карахт,  
Карахт бир аждаҳо... қўрқинч нечоғлиқ!  
Кўзларида ёнар ўчи, газаби:  
— Ҳа, уларми,—дейди,—тутинг тушовда!—  
Гўдақдан бешбаттар титрар асаби,  
Кўзи оловда...  
Уйлар: балки излаб келгай ўғлини,  
Балки қўлга тушгай ё таслим бўлгай.  
Аямағум ислом олтин пулини,  
Ким тирик келтирса, қопчиғи тўлгай!  
Лениндан сўз ўқиб келганмиш кофир,  
Аскар эди, ҳозир командир — бошлиқ.  
Наҳот ўч ололмай ўлурман охир,  
Уқ ҳам, йигит ҳам оз, қолмади ошлиқ.—

Невара-ю бобо харсанг тагида:  
— Отам бизни излаб келурми, бобо?  
Қалтироқ қўзғалар чол юрагида,  
Уйлар, фарзанд доғи — дарди бедаво...

Бир ҳафта ўтади, келмас отаси,  
Бола ҳам, бобо ҳам сомондай сариқ.  
— Наҳот азиз эмас ёлғиз бўтаси?  
Кўз ёши ариқ.

— Келмагани маъқул,— дейди чол  
дилдан,—

Сўзда турмас таслим бўлса ҳам номард:  
Аскар ўраб олди ўнгдану сўлдан!  
Қочар пайт икковин қилдилар гард-гард,

Сурхон саҳросида Шарққа йўл солиб,  
Баландга юрсангиз тоғ сўқмоғидан,  
Не-не ойдин булоқ орқада қолиб,  
Сув ичсангиз ўнгуру муз булоғидан,  
Ўнгуру этагида бир сағана бор,  
Ёмон кўздан сақлар қоя панаси,  
Бир зум бош эгмайин ўтмангиз зинҳор,  
Бу — икки қурбоннинг тош сағанаси.

1962.



## КУБА ОРОЛИДАН...

Куба оролидан бир тўп ўспирин,  
Мўйловлар сабза-ю, кўзлари қора,  
Кўзлари ҳам гапми — ўзлари қора,  
Чойхонада суҳбат қураб кечқурун.  
Шошмай аччиқ-аччиқ ичилар кўк чой,  
Ёз чоғлари сўлим «Фурқат» боғида.  
Фурқат диёрининг оқшом чоғида  
Гулларда нечоғлик фусун ва чирой.  
Ўзбек қўшиғига солишар қулоқ,  
Даврада йўрғалар абжир ўйинчи,  
Гўёки дилида тошар суюнчи  
Булоғу булоқ...  
Куба оролидан бир тўп ўспирин,  
Ўйинга тушади, қўшиққа ҳам жўр,  
Дугору чилдирма — машққа ҳам жўр,  
Чойхонада қувноқ базм кечқурун.  
Булар меҳмон эмас ё йўловчилар,  
Эрталаб дарсхона очади қучоқ,  
Кундузлари сабоқ кетидан сабоқ,  
Билим дарёсида ёш солдовчилар...  
Тракторнинг тили нечоғлик оғир,  
Ёдга олишмоқда пахта илмин ҳам,  
Асл йигит учун қирқ ҳунар ҳам кам,  
Куба учун бу-ку жуда кам ҳозир.

Баъзан сайр этишса — узумзор чексиз,  
Қовунни севишар гўёки банан,  
Дўстлардан аямас ўзбек туз ва нон,  
Пахтазори эса, яшил бир денгиз...  
— «Юртингиз чиройли, бойсиз чинакам,  
Бундай меҳнаткаш юрт сира йўқолмас.  
Дўндирад экансиз дўстликни бирам,  
Яхшилик, дерларки, ерда ҳеч қолмас!»

Куба оролидан бир тўп ўспирин,  
Қора сочлар кўрки ўзбакӣ дўппи,  
Қора юзлар лўппи, пахталик гуппи,  
Ё дарс, ё даладан қайтар кечқурун;  
Чойхонага келмай ухлашмас бироқ:  
— Сиз кўрган кун бизнинг ёрқин келажак,  
Кундан-кун ўша бахт яқин келажак...  
Куба-ку, йироқ,  
Лекин диллар яқин ўзбек элига,  
Ёдимизда тургай дўстлик вафоси;  
Олқиш бўлсин юз бор Ленин йўлига,  
Элларни ёритмиш ёруғ даҳоси!

1962.

## ҚИШ ЭДИ...

(Қўшиқ)

Қиш эди, гул камёб, ўша кечқурун  
Илк бор келтирдим мен қиттак кўк шиша.  
Эсда қолгулик тун, эсга олгулик тун...  
— Атирдек анқигин, дедим,— ҳамиша!  
Наврўзи олам-да...— Далалар кўм-кўк...  
Чечаклар имлашар овлоқ-овлоққа.  
Кўнглим, қиш губорин, дедим, аямай тўк,  
Бирдан атир ҳиди урди димоққа...  
Ялпиздан, жамбулдан ва бўтакўздан,  
Юз хил гул — чечакдан анқиса атир,  
Садқа бўлай шундоқ сеҳргар наврўздан,  
Баҳорги эртақдан анқиса атир.  
Эрта кўклам ҳақи, ўшани ёд эт,  
Хаёлингдан ўтсин жажжи кўк шиша,  
Ўша тун, ўша қиш, бўсани ёд эт,  
Кейин атир янглиғ анқи ҳамиша...

1962.

## СОЧ ОҚЛИГИ — КҰНГИЛ ОҚЛИГИ...

Сезардинг-ку ахир васлинг кўйида  
Юрар йўлларингда пойлардим сени,  
Ё хиёбон, ё кўл, ё сой бўйида...  
Ёлғиз, ёлғиз, ёлғиз сайлардим сени!  
Гоҳ ваъда берардинг: «Келурман бир ров».  
Ўша мажнунона, ғариб ҳар оқшом,  
Не соч, ич-ичимга тушарди қиров...  
Оқиб кетди сувлар, ўтди кўп айём,  
Сочим ҳам соқолим оқарди секин.  
Инсоф қил: «Сабабчи ўзим» дегил-да.  
Бир гал дил очолмай ўтдим мен лекин,  
Ўртанган дил учун бир гал эгил-да.  
Соч оқлиги — эмиш — кўнгил оқлиги...  
Жумбоқ каби тағин сўрашинг нечун?  
Эй, олтин ёшлигим бебошвоқлиги,  
Эй, сен ғойиб кун!

1962.

## САККИЗИНЧИ...

Қирмизи сайҳонмиш... Қирмизи сайҳон...  
Кавказ тоғларининг сўлим гўшаси.  
Бунда юз ранг чечак, чаманзор, райҳон,  
Гўё саккизинчи жаннат кўчаси.  
Йўқ, йўқ... Саккизинчи жаннат нақ шу жой.  
Нечоғлиқ дилрабо, яшил афсона.  
Жарда шарқирайди оқ кўпикли сой,  
Қуёш қараши ҳам маст, ошиқона...

Саҳроғи боболар армон этмиш юрт  
Балки шу гўшадир, шу яшил оғуш.  
Боболарим учун чангин кўзга сурт,  
Боболарни ўйлаб, дил, бўлма нохуш!  
Сен ҳам мўмин банда, ким дер норасо,  
Сен ҳам дўстга асло бермадинг озор.  
Жаннат сенга, билсанг, жуда ҳам раво,  
Сенинг ҳақинг бор...

Эмиш, мўмин банда фақат ўлганда  
Жаннатга тушармиш. Қадимий алдоқ.  
Не ажаб, эликка расо тўлганда,  
Сен жаннатга тушсанг ва бўлмасанг тоқ.

Қирмизи сайҳонмиш... Қирмизи сайҳон...  
Кавказ тоғларининг сўлим гўшаси.  
Димоққа тўлади гул иси, райҳон,  
Жаннат кўчаси...

*1962. Красная Поляна.*

## БИБИ МАРЯМ

Чинакам сулуvsиз, чинакам барно,  
Тенги кам сиймо.  
Кўзингизда асрий ва сирли маъно,  
Мужассам зако.  
Жумбоқдай хилқатсиз, сўз йўқ, бибижон,  
Яратканнинг ўзи яратиб қўйиб,  
Ўзи шайдо бўлиб, ўзи саргардон,  
Томоша қилармиш аршидан тўйиб.  
Яратканнинг йигит чоғимикан ё,  
Йигитлик шунақа — оташдай бераҳм,  
Чақмоқдай бевошвоқ, тошқиндай бефаҳм —  
Лекин кўзингизда бир олам ҳаё;  
Осмондай гумбаздан мана ҳозир ҳам,  
Қарар кўзларингиз, самовий кўзлар,  
Тангри маъшуқаси, о Биби Марям,  
Бу мунглуғ қарашлар не ҳикмат сўзлар?  
Нима демоқчисиз, шиквами ё арз,  
Сочингиз тарқатар еллар гувиллаб,  
Нима пичирлайди денгиз шувиллаб,  
Юз минг, йил шувиллар бу ахир шу тарз;  
Денгиз-ку, ирмоқмас ёки жилғамас;  
Ё соғинтирдими араб саҳроси,  
Ё Байтулмуқаддас, ё Нил дарёси,  
Жаҳон кенг, бибижон, кўзлар илғамас!

Термилиб қарайсиз, мана ҳозир ҳам,  
Елкангизда ўйнар чақалоқ Исо,  
Гўё ерда эмас, ушбу калисо,  
Тўртинчи осмонда... Ё Биби Марям,  
Пайқармидингизки, шу тийрак ўғил,  
Шу етим оламга солур гулгула,  
Не қадим худолар соч юла-юла,  
Унга бўлғай қул...

Одамзод топинмиш минг йил бузоққа,  
Одамзод топинмиш минг йил оловга,  
Осмонга, бўронга, қайнар булоққа,  
Ёки қуёш ёйган тонги яловга...  
Шу етим одамни юз бир худодан  
Айнита олишин билармидингиз,  
Айтинг, эй Исодай ўғил туққан қиз,  
Айтинг ўша гумбаз, ўша самодан.

Қулаб тушди Зевс ҳам, Лоту манот ҳам,  
Иблисдан тап тортмас бўлди одамзод,  
Лекин олам қолди ўшандай ношод,  
Ўзингиздай мунглауғ қолди ҳаёт ҳам.  
Сизга ярим жаҳон топинар эмиш,  
Ҳа, сиздайни ҳурмат қилмаслик душвор,  
Сизда малакларда йўқ бир сиймо бор,  
Қалблар сизга қушдай толпинар эмиш...

Томошачи эдим денгиз бўйида,  
Зиёратга келдим, чўқин, дедилар,  
Жонингни жонига суққин, дедилар,  
Сиз жуда баландда, мен-чи, қуйида,  
Ҳа, сизни севмаслик душвор, бибижон,  
Лекин кечиргайсиз, шукурким юз бор,  
Бу иллатдан қалбим покиза, омон,



Агар йигит қалбим севган ўша ёр  
Дуч келиб қолсайди шу олис ёқда,  
Жаннат қирғоқда,—  
Дарҳол топинардим ўшанга, балки.  
У шундай дунявий, шундай гўзалки,  
У менинг илоҳам...  
Кечиринг, Биби Марям!..

*1962. Абхазия.*

## ЖАВОБ УРНИДА

Ҳали юзга йўл олисроқ,  
андак ошдим эликдан,  
Битта-битта гўрда кўрдим  
бахтим гўрковларини;  
Луқмон ёшни кўрганда ҳам  
қайтармадим селликдан,  
Куйлай бергум юртлар юрти —  
юртим мақтовларини!  
«Юртим — қандай бемисолсан,  
довсан, экинз-чексизсан,  
Ишондимки: беҳишт — хаёл,  
беҳишт — фақат афсона.  
Юртим — мангу безаволсан,  
эзгуликка эгизсан,  
Юрда беҳишт яратганга  
яратгум бор тарона!  
Бекободда домналарнинг  
юз саратон яллуғи,  
Машинасоз бесабр кутган  
тапсиз пўлат оқинлар,  
Бухоронинг Урол томон  
учган кўкни ёруғи,  
Илҳоммасми кончиларнинг  
кўзларида чақинлар?»

Мадад олай жигарбандлик,  
эллаар қардошлигидан,  
Қора кунда, яхши кунда  
бирдек кўз-қошлигидан,  
Пахтакорнинг манглай тери,  
қоя бардошлигидан,  
Қора тоғнинг қарилги,  
Чотқолим ёшлигидан.  
Навойнинг дарёлиги,  
Машрабнинг мажнунлиги,  
Мажнуннинг мафтунлиги,  
Отонинг гўёлиги,  
Огаҳий жўшқинлиги,  
Сайхуннинг Жайхунлиги,  
Кўкчатовнинг кўкламлиги,  
боғларим яшиллиги,  
Саксовулнинг ним сояси,  
ажриқзор пайхони ҳам,  
Тошкўмирнинг тун жилоси,  
инжунинг асиллиги,  
Қумлоқларнинг кўммалари,  
тўқайлар сайхони ҳам —  
Илҳомимга қанот бўлсин  
Андрян парвози,  
Ҳалиманг лайлолиги,  
Лайлонинг адолиги;  
Бу Фаҳримнинг жаранг сози,  
У Фаҳримнинг овози,  
Ҳақиқатнинг ҳар ушоқда  
нурдай ҳувайдолиги...  
Тақир эмас, бинокорга  
керакли лой бўлгум бор,  
Ҳақир эмас, кўлмак эмас,  
баҳорги сой бўлгум бор,

Фақир эмас, етти жаҳон  
севгулик жой бўлгум бор,  
Охир эмас, илож бўлса  
шу йил, шу ой бўлгум бор.  
Олмаликда мисгарлару,  
бўз қирларнинг бугдойи;  
Қирғиз дўстнинг манаслиги,  
Манаснинг аллигидан,  
Ёзаверай ғирромларнинг  
Африқога сазойи,  
Капиталнинг замонамга  
ўласи чаплигидан.  
Марказкомнинг бурролиги,  
қайтмас, тўғри йўллиги,  
Ўз пайтида қаттиққўлик,  
ўрнида қўшқўллиги,  
Теранлиги, эранлиги,  
Ленинга ўғиллиги —  
Илҳом бергай то ўлгунча  
бардамлик, норғуллиги.  
Коммунизм ёрқинлиги —  
амину омонлигим,  
Коммунизм яқинлиги —  
замину замонлигим,  
Илҳом бергай ватандошлик,  
соҳиби давронлигим,  
Меҳнаткаш инсонлигим!

1962.

## ПАРДАЛИК

Сени излаб келдим... Соғинганман-да.  
Эсингдами баҳор, беғубор кундуз,  
Уйламаган жойда бўлдик юзма-юз,  
(Мен-ку, одамзодга ошиқ, жўн банда...)  
Шу қадим шаҳрингда қинғир кўчадан  
Келардинг бепарво, юзинг пардалик...  
Шаҳринг — саломимга бергандай алик,  
Қўшиқлар янграрди... Шунда дафъатан  
Қадимдан тегажоқ, шайдойи шамол  
Пардангни кўтариб, қочди йироққа.  
Қамашди кўзларим... Ухшаб чақмоққа  
Бир ярқираб ўтди тўлин ой жамол.  
Бир нафас кўзинга тушди кўзгинам,  
Хайҳот, у кўзларда ҳайрат, қора чўқ,  
Йўқ, у кўзлар чўғи ногаҳоний ўқ...  
Бир зум туриб қолдим беҳушдай мен ҳам.  
Сендақасин сира кўрмаган эдим  
На қадим Самарқанд, на Туркистонда,  
На бедор ўқиган юзлаб дostonда.  
Кўзларим сўрарди ҳайрон: кимсан, ким?  
Сен тўхтовсиз ўтдинг гўёки шўх сой,  
Сенга шайдо эди йўлдошларинг ҳам,  
Сени ўз қўйнига олди ўша дам  
Тор кўча гўёки тоғда қапчиғой.  
Бир нафас кузатдим изингдан лол, жим,

Ўз-ўзимга дердим: наҳот бу оҳу  
Ҳали ҳам тузоқда? Чидарликми бу?  
Айтингиз, бу ким?  
На билагузуклар, гавҳар балдоқлар,  
На атлас кўйлакнинг қичиқ бурмаси,  
Юлдуз кўзларингнинг туғма сурмаси,  
На тақинчоқлар,  
На хипча белдаги бу бахмал нимчанг,  
На шоҳи рўмол —  
Пари чиройингга бўла олур хол,  
Пари чиройингга қўндирилмас чанг...  
Йўқ, бу безаксиз ҳам тенгсизсан, тенгсиз.  
Ҳа, сен безаксиз ҳам шундоқ сулувсан,  
Сен баҳорги тушсан, булоқда сувсан,  
Бундақа чиройга арзир чўксанг тиз...  
Сен ўзинг одамзод кўрки — безаги,  
Фақат, нетай, ҳануз кўркинг пардалик,  
Салом берар бўлсам олмасдинг алиқ,  
Эй, олтин водийнинг жаннат чечаги!  
Ҳатто қуёшга ҳам севги солгудай  
Жамолинг, эсизки, булутда ҳануз,  
Хаёлинг, эсизки, булутда ҳануз —  
Юз шоир хаёлин бандга олгудай...  
Мен ҳануз қуйингда саргардон овчи.  
Сен асов жайрондай ғойиб бўлдингү,  
Ҳамон сўроқлайман: қайдасан, сулув!  
Ўйлама: бу одам юборгай совчи,  
Йўқ, ҳаётдан ҳақинг ол, демоқчийдим.  
Ёрқин шу йилларнинг сўлим боғида,  
Ёрқин эрта куннинг тонги чоғида  
Сен ҳам эрка бир сөз чал, демоқчийдим.  
Сени излаб келдим... Соғинганман-да!

1962.

## БОҚИШИ

### Қўшиқ

Кўнглимга чўғ солди, чўғ солди, нетай,  
Жавдираб-жавдираб жайрон боқиши.  
Ханжарсиз жон олди, жон олди, нетай,  
Уша позик адо, жонон боқиши.

Хаёлим оҳангдон ишқ ҳавосига,  
Кўзим тўймади ёр таманносига,  
Кимга борай бундоқ дард давосига,  
Кўз ўнгимдан кетмас пинҳон боқиши.

Дўстлар, тик айтишга шашту тилим йўқ.  
Севги китобидан менда билим йўқ.  
Дилда армоним шу — ўзга дилим йўқ,  
Биладим, ростми ё ёлғон боқиши.

Уйласам — ортгандай ҳар кун камолим,  
Қошки сеза қолса соҳибжамолим,  
Деса: айтавергини, эй тили лолим,  
Дилимда қўймасди армон боқиши..

1963.

## БАРНО

*Қўшиқ*

Тонг палласи кел боғимга,  
Чечаклардан узгин, Барно,  
Бахтдай тўлиб қучоғимга,  
Сочларингга тизгин, Барно.

Қуйлашайлик тўлиб-тўлиб,  
Кетма, боғим қолар сўлиб,  
Саҳар чоғи суқсур бўлиб,  
Сарҳовузда юзгин, Барно.

Уқий ҳуснинг китобини,  
Толай севгим жавобини,  
Тингла кўнглим рубобини,  
Кўнглинг билан сезгин, Барно.

Ёрқинроқсан раънолардан,  
Ваъдаси бемаънолардан,  
Вафоси йўқ барнолардан  
Вафо билан ўзгин, Барно!

1963.



## ОПОҚИ...

*Бир қишлоқи ўсмирнинг бошидан кечирганлари*

Ҳа, қайтиб келмасин у оғир палла,  
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла...

Узунлар — узилиб, калта чўзилиб,  
Не-не бардоши бор диллар бузилиб,  
Олис кентимизнинг қуриб тинкаси,  
Ғариб оқшомларда гўдак ингаси...  
Ҳар куни кимгадир келар қорахат.  
Кўзлари — шабнамлик гўё қарағат.  
Камчил арпа нон ҳам, ҳатто зогора,  
Шўх, шаддод гўдак ҳам чалмас ноғора,  
Шўх, шаддод гўдаклар — жўн аравакаш.  
Эшик тиқиллаган уйда диллар ғаш;  
Борарди дунёда энг оғир бир жанг,  
Ҳар қалай кентимиз ҳоли анча танг...  
Эсда опогойим, менинг опоқим,  
Заҳматкашу дардқаш, апоқ-чапоғим,  
Отам жангда эди, ўлганди онам,  
Хувиллаб қолганди ҳовлим, тўрт хонам,  
Аммамнинг уйига кетгим келмовди,  
Бўсагадан нари ўтгим келмовди,  
Гўё отам эрта уйга қайтардек,  
Тагин эркалардек, чўпчак айтардек,  
Елғиз ётар эдим, қўшни опоқим,

Онам бор кезде ҳам апоқ-чапоғим —  
Мени боласидай ювиб тарарди,  
Кир-чирим юварди, яхши қарарди,  
Ҳар қалай қолмасдим эрта ё кеч оч,  
Евғон ё қатирма, ёки қовурмоч...  
Унинг гўдаклари билан ўйнардим,  
Нимани чайнашса — шуни чайнардим.

Узунлар — узилиб, калта — чўзилиб,  
Не-не бардоши зўр диллар бузилиб,  
Кунлар ўта берди — отам дараксиз,  
Аҳён қолар бўлдим тузсиз, хўраксиз,  
Ахир опоқимнинг боласи талай,  
Талайга бир ўзи қарар ҳар қалай,  
Далага ҳам бориб келгувчи ўша,  
Уйга ҳам фарқ терда елгувчи ўша,  
Эчки соғувчи ҳам опоқим ўзи,  
Учоқ ёқувчи ҳам опоқим ўзи,  
Қозон ювгувчи ҳам, пиширгувчи ҳам.  
Не бўлса — пишириб, улашгувчи ҳам...  
Билмадим, кечаси ухлардимикин,  
Ёки эру ўғлин йўқлардимикин?

Ҳа, қайтиб келмасин у ёвуз палла,  
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла...

Эрта кўклам, ёғин мўл ёғди шу йил,  
Гўё биратўла кўл ёғди шу йил,  
Ўша кўл устига дўл ёғди шу йил,  
Гўё ҳеч қуримас дўл ёғди шу йил...  
Етти кун чиқолмай қолди опоқим,  
Опоқим бўлганда — апоқ-чапоғим.  
Сотгани ҳам буюм қолмади чоғи.  
Сандиғида борди кумуш сочбоғи,

Сочбоғи ҳам худди афсона эди,  
Отаданми, эрдан тўёна эди.  
Уни тақар эди ҳайитда, тўйда,  
Кейин сақланарди сандиқда-уйда...  
Балки севгисининг соз хотираси,  
Балки кўклам, балки ёз хотираси,  
Балки бувисидан ё онасидан,  
Севимли совғадир дугонасидан...

Ҳар қалай олинди сандиқдан сочбоғ,  
Пайқадим: чамаси кўнгли эди доғ.  
Худди жўнаётган каби мазорга,  
Опоқим жўнади олис бозорга.  
Оқшом қайтиб келди чарчоқ ва сўлғин.  
Қўлида чорак мош, ёсмуқ бир тугун.  
Қозон осди, лекин қанчалар мунглуғ,  
Дилидаги дарди тийран ва улуғ,  
Бироқ, билдиргуси келмасди бизга,  
Кумуш сочпопукка ўч ёлғиз қизга,  
Ўзи сўлғин, бироқ кулар дудоғи...  
Ҳей, кумуш сочбоғи, кумуш сочбоғи!

Не билай, сеҳрли тумормикан ё,  
Асло унутилмас ёдгормикан ё?

Бизни овулгандай ичирлар эди,  
Не ичирлар эди, не сирлар эди:  
— Эслироқ боласан, зийраксан бирам,—  
Деди менга,—ўйлаб юрма сира ҳам,  
Келиб қолар ётанг, опоқ амакинг,  
Майли келганлардай оқсоқ амакинг,  
Бир эмас, тўрт бўлар кумуш сочбоғим!  
Мана шундай девди менга опоқим.

Отamu амаким қайтиб келмади,  
Ё биров суюнчи айтиб келмади,  
Опоқим ҳам, эсиз, кетди оламдан,  
Гўё ўч оларди олам одамдан...

Мен анча улғайиб қолдим чамаси,  
Опоқимдан қолган фарзанд ҳаммаси —  
Менинг қаровимда, менинг уйимда,  
Ишласам — ишимда, тўйда — тўйимда...

Баъзан ўйланаман, тажанг бўламан,  
Баъзан кўзим тинар, ман ганг бўламан,  
Дейман: бўлмасайди шу уруш, шу жанг,  
Ким тажанг бўларди, ким бўларди ганг...

Балки ўлмас эди отам, амаким,  
Керак бўлмас эди айтиб бермагим,  
Балки ўлмас эди тенгсиз опоқим,  
Сочбоғдан айрилган апоқ-чапоғим...

Ҳа, қайтиб келмасин бадбахт у палла,  
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла.

1963.

## ФИДЕЛЬ ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДА

Оловли оролнинг ленинчи ўғли,  
Оловли оролнинг ақли ва ҳуши,  
Оловли оролдек оловли, чўғли,  
Пўртана қуши,  
Қирғоқда тик турар мисоли ҳайкал,  
Бургут кўзларида порлар-ҳайронлик.  
Хурмойи сиймоси ёришар сал-пал,  
Дилида тошқин бор, дил ҳаяжонлик...

— Тўғри, мўъжиза кўп, ғаройибот кўп  
Ўзбекнинг қадимий чанқоқ даштида:  
Эртақдай ақлингни олар экан хўп,  
Одам алп меҳнатнинг яшар гаштида.  
Гўзаллик имлайди ўнгу сўлингдан,  
Богзору пахтазор қўшалок-эгиз.  
Сойлар, яшил кентлар чиқар йўлингдан,  
Кетида чайқалар — бу қандоқ денгиз?

Фиделга жавоб дер етук, билагон,  
Неча сувда оққан оқсоқол сувчи:  
— Биз очган иж дарё — дарёи Логон,  
Шундан бери бўлдик дарё қурғувчи.  
Ўнлаб дарё қурдик, кам эмас кўл ҳам.  
Қўлимиздан келди денгиз қурмоқлик.

Эллар бирлигидан нима бор кўркам,  
Шундоқ зўравор куч дўстлик — иноқлик!

— Ҳали чағалайни кўриб, тонг қолдим,  
Тонг қолғулик эди бу ҳол ҳар қалай.  
Тик туриб атрофга узоқ кўз солдим,  
Чўлда чағалай...  
Сири бор экан-да, денгиз бор экан,  
Денгиз бўлганда ҳам қандоқ денгиз денг:  
Тупроққа севгиси улуғвор экан,  
Не севгилар унга бўлолмайди энг...  
Эҳтимолки чўлда сув ҳидин олиб,  
Кечиб не тоғлардан, не-не ўрмондан,  
Не-не ўт нафаслик даштдан йўл солиб,  
Келмиш чағалайлар олис уммондан...

Оловли оролнинг оловли ўғли,  
Пўртана қуши,  
Денгиздай чайқалиб оловли кўнгли,  
Денгиз жамолида эди эс-ҳуши:  
Тоғлар этагида товланар, ёнар,  
Мунча ҳам жилвакор, олислар кўм-кўк.  
Нозли келин янглиғ баалқар, тўлғанар.  
Инсон қудратига, эй олам, тиз чўк!  
Бир зумда кирасан неча хил рангга,  
Баҳорги тушмисан ёки афсона?  
Қуёш келганида худди тепангга,  
Ҳар қатранг ялтироқ, йирик дурдона...  
Тўғри, кўрмагандим ҳатто тушда ҳам,  
Лекин ишонардим инсон кучига.  
Ленин ўлкасида зўр-эркин одам,  
Минг қуллауқ одамга куч бергувчига...  
Тўғри, бу Лениннинг ўша декрети.  
Орзу китобидан кичик боб бу ҳам.

Орау китобининг балки бир чети.  
Йўқ, ўзбек чўлида пиқилоб бу ҳам!

Оловли оролниг ҳалол фарзанди,  
Пўртана қуши,  
Қойил турар эди савлатлик, танти,  
Қора кўзларида мавжлар кумуши...  
Уйларди: меҳнатнинг эрка келини,  
Кўзгусида осмон рангги этар акс.  
Жамлаб ҳар баҳорнинг юз бир селини,  
Юз бир ирмоқ бўйлаб тушгай ёзда рақс.  
Юз бир ирмоқ бўйлаб чопгай тўлқини,  
Тупроқ оғушига кирар жон мисол.  
Тупроқ оғушига кирар ҳар кунни,  
Тупроқ томирида жўшар қон мисол.

Ҳали қирғоқ лаби қумлоқ, яланғоч,  
Ишонаман: тенгсиз боғзор ўсгуси,  
Яшил жиља тўкар хилма-хил оғоч,  
Не-не самумларнинг йўлини тўсгуси!  
Ҳа, жаннат гўшаси бўлур бу қирғоқ,  
Жаннатни яратган хаёл-ку, ахир.  
Бу чинакам жаннат, сирмас ё жумбоқ,  
У жаннат орзуси тилсимлик, оғир..

Оловли оролниг алп етакчиси,  
Пўртана қуши,  
Озодлик кемасин дов эшкакчиси:  
Кулар, йўрилгандай кўп йиллик туши.  
— Муҳитни кўрганман, бу денгиз лекин  
Тўлқинда тебратиб, айтгандай алаа.  
Буни яратгувчи бобоси Ленин,  
Тўлқинлик бу давр, шундоқ бу палла!

Ўзбек тупроғининг кўркисан, денгиз,  
Ўзбек тупроғининг кўрки бўлиб қол.  
Элнинг гурурисан, эркисан, денгиз,  
Элнинг гурури ҳам эрки бўлиб қол!  
Силагум, ўпгум бор, ёрдай қучгум бор,  
Қойилман жўмард эл, мард сувчиларга.  
Денгиз, сувларингни сувсаб ичгум бор,  
Қойилман ленинчи қурувчиларга...

Фиделга олисдан мен қарар эдим,  
Бир зум ўйлаб қолди мисли чўнг ҳайкал,  
Хаёлини пайқаб, денгизга дедим:  
— Чайқал!

1963, май.



## ТАРСАКИ

*Воқеий*

Тирик етим... Қандай оғир тирик етимлик!  
Балки бундоқ ўксимасди онаси бўлса,  
Суянчиғи, соябони, папаси бўлса,  
Шу сабабдан босар баъзан тошдай зил жимлик.  
Харсанг тошдай жимлик босар, лекин бу —  
ўтмиш...

Қани ҳозир онажони тирилиб келса,  
Бўйгинангдан ўргилай, деб керилиб келса,  
Йигитчанинг юрагида қолмас эди қиш.  
Қиш ғубори қолмасди, ҳа, чунки Бўтажон —  
Ҳозир она керилгудек ёш машинасоз,  
Не зангори аргумоқлар ясайди шоввоз,  
«Бўтажон!» деб ардоқлашар, эмас «Сўтажон»...  
Ҳеч ким уни Сўта демас... Деб кўрсинлар-чи!  
Лекин баъзан отасига дуч келар ўғил,  
Юз айтганда ота экан — куяр, бўлар кул,  
Юрагини бир эсдалик музлатар гарчи.  
Юрагини муз босгандай бўлди бугун ҳам,  
Дуч келди-ю, ўта кетди қиё боқмайин,  
Ўзга йўлдан юрса нетар ўртаб — ёқмайин,  
Ота-бола эканларни билган эмас кам.  
Ҳа, билганлар оз эмас-ди, лекин не илож?  
Дуч келганда ўтар-кетар девона мисол,  
Кўз ташламас ота ҳатто ўтса бемажол,

Кўз ташламас ота ҳатто кийдирса ҳам тож,  
Кийдирса ҳам, ийдирса ҳам... ажабо бу гал  
Бўта йиғлар, эридими юракдаги муз?  
Ота йиғлар, не қилсинки, ўзи қора юз:  
Ўлганда ҳам,— ўйлар ота,— куймасми сал-пал?  
Куймасмикин? Зийрак эди ўзи, сўқпадоқ,  
Гўдакликда аримасди юздан кулгуси,  
Келар эди қоровул ҳам шофер бўлгуси,  
Ювош эди, бурро эди, шўх эди, қувноқ...  
Қувноқ эди, шўх эди, ҳа... Ҳозир-чи, жимжит.  
Кўзларига қарагани ҳаддим йўқ ҳозир,  
Кўзларидан қадалгандай дилга ўқ ҳозир,  
Ота!— деса, бунча кутиб, бўлмас эди хит.  
Ити бўлиб, эшигини пойлаб ётардим,  
Ёмонликни сира-сира кўрмасдим раво,  
Сирқов бўлса елиб-йўртиб топардим даво,  
Керак бўлса, ўзимни ҳам ўтга отардим.  
Ҳовлисини супурадим муносиб кўрса,  
Чопқиллардим ёш боладай имосига ҳам,  
Истамасдим ғубор қўнсин сиймосига ҳам.  
Қайта тошиб, кўпирардим ҳолимни сўрса!  
Эсиз, эсиз... болажондан айриладим тирик,  
Қайда қолди неваралар кўрмоқ орзуси,  
Қайда қолди даври-даврон сурмоқ орзуси?  
Ўзим расво, ўзим пастман, виждон бўш, чирик...

Бўта бўлса ўзни ташлар келиб тўшакка,  
Гангиб, чангиб юзи тубан ётади узоқ,  
Типирчилар нақ бўғзига тушгандай тузоқ,  
Ҳарорати қирқдан ошиқ, ловиллар чакка...  
Тағни эслар, юз гал балки, хира тортмас эс:  
Ота — бадмаст, уйда — сурон, биқсир тамаки.  
Оҳ, инсофсиз... Уша тепки, сўнгги тарсаки,  
Онасига ўшқирганди: манжалақи, пес!

Ўшқирганди, она-бола кетишганди, ҳа,  
Кўп ўтмайин жон бағишлаб она армонда,  
Бўта гўё ёлғиз қолди бутун жаҳонда,  
Ўлганда ҳам келмайлик деб битишганди, ҳам...  
Кейин, кейин... Далда бўлди мунглауғ холаси,  
Кейин, ота бўшаган йўқ янги қайлиқдан,  
Аҳён келса, ўгай она тинмас: «Чиқ! Чиқ!» дан,  
Ўксиз гўдак, ноинсофнинг шўрлик боласи.  
Етимхона, ундан кейин ҳунар мактаби,  
Ундан кейин улуг даргоҳ — машинасозлик,  
Нагз ҳунар-да, эгни-боши қишлигу ёзлик,  
Дастгоҳидай берч ва чайир йигит асаби.  
Ақчаси бор, уйи ҳам бор, хола ҳам текни,  
Юрагида гоҳи-гоҳи меҳр ҳам тошар,  
Отасини излагудай баъзида шошар,  
Илғаса бас — ҳоври тушар ва лекин секин.  
Барини ҳам унутарди, бари ўтган гап,  
Лекин ўша бедод оқшом, ўшқирик ҳануз,  
Она еган қоқ тарсаки дилни қилар муз,—  
Эсласа бас, ўша нафас тағин бўлар чап.

Тарсакининг алами-ю, бедармон йиғи —  
Ўлганда ҳам кетармикан, қайдам, аччиғи...

1963.

## УСТОЗГА АТАГАНИМ

Шеър — ҳикмат дарёси, сеҳр дарёси,  
Жумбоқдай битталаб ечолсам дейман.  
Илму ишқ дарёси, меҳр дарёси,  
Қониб-қониб мен ҳам ичолсам дейман.

Қўйнинг бир хазина — бебаҳо дурдан,  
Тозалигинг ўтар тоза биллурдан,  
Яралибсан гўё бир дарё нурдан,  
Нуригни нур бўлиб қучолсам дейман.

Хайратда қарайман, дил тошиб-тўлиб,  
Сендан сув ичганлар қолмайди сўлиб,  
Мен ҳам шу дарёда бир тўлқин бўлиб,  
Чўллардан сел каби кечолсам дейман.

Жонларнинг озиғи — сўзнинг ётиғи,  
Сўзим бўлса элнинг қўшиқ ё тиғи,  
Кўнглимни титратмас асло ёт йиғи,  
Доим хушвақт даврон қучолсам дейман.

Кўкламда қўйилар не-не ирмоқ, сел.  
Тўқайларда кезар елпиб-елпиб ел,  
Баҳра олар, қонар ҳам тупроқ, ҳам эл,  
Соҳилларда мен ҳам соз чалсам дейман.

Тўлқинида юз бир қуёш жилоси,  
Ҳар қатраси не-не дарднинг давоси,  
Бўйларида ўсар меҳригиёси,  
Мавжига тўш уриб, учолсам дейман,

Жайҳунмисан, қайдам, ё теран Сайҳун?  
Ҳар қалай тошқинсан, жўшқинсан, жўшқин,  
Она тупрогимга зарурсан ҳар кун,  
Мен ҳам қониб-қониб ичолсам дейман.

1963.

## ДОРУЛФУНУН ХИЕБОНИДА

Сенда кезарканман, тушади ёдга  
Ўсмирлик йилларим ва дорулфунун —  
Тоб беролмай ёруғ бир гирдибодга,  
Чекинарди у вақт жаҳолат, жунун...  
Хиёбон! Юз йиллик чинорларингки,  
Боболардан ёдгор, салқин, соялик.  
Яшил гумбазлару миноларингки,  
Ҳар қайси саргузашт ва ҳикоялик.  
Оташин ўсмирлик гувоҳи бўлар!  
Сирдош бир чинор ҳам бор орангизда.  
Эҳ-ҳе, оқиб кетди не оқин сувлар,  
Бугун мана тагин мен даврангизда...  
Ёш келинлар янглиғ ўралибсиз-ку  
Бугун сахий қишнинг оқ ипагига,  
Не чоғли бўйдорсиз, серсаваат, сулув!..  
Келдим аста таниш чинор тагига,  
Бошим эгиб турдим, қор ёғар эди,  
Икков пичирлашдик, сўрашдик соғлиқ,  
«Эҳ-ҳа, сен ҳам қордай оқсан-ку!» деди.  
Бошланди бетовуш ҳазил, вақтчоғлиқ.  
«Сен-чи, ўшамисан? Сен — ҳамон ўша,  
Қор қўйнида тагин қирчиллабсан заң.  
Ҳамон ўша сўлим ва холий гўша...»  
— Сўйла, нима гап?

«Эсингдами, у вақт келардим ҳар кеч.  
Баъзан келар эдим ҳатто эргалаб.  
Кимни кутганимни билармидинг ҳеч,  
Соцларим оқарар эди битталаб».

— Нега?

«Кўргандинг-ку, ўша илк севгим,  
Уша илк севганим келмайин қолса,  
Не соч, ўзлинг ҳам оқарарди жим,  
Не қилай, ишқ шундоқ савдолар солса...  
У вақт тўрт ёнингда пастқам кўчалар,  
Осмондан ёғарди кеча-кундуз чанг.

Қора кўлкаларда мудраб кечалар,  
Ёруғлик сўқмоққа тушарди арапг.  
У вақт ариқлардан оқарди безгак,  
У вақт қатраларда яшарди ришта.  
Жонга ваҳм соларди қадимий эргак...»

— Бугун бари ўзга, бари саришта!

«Ака ука билан пичоқлашарди  
У вақт Регистоннинг холий четида.

Зулмат ва жаҳолат қучоқлашарди  
Синёб кетида...

Ола чопонларинг қани, ажабо?

Қани сур тумандай кезган хаёлот?

Қайда не жонларга чанг солган вабо.

Қани у ҳаёт?

Тўрт ёнингда баланд ва оқ кошона,

Кўркингда барқ урар ёруғ бир олам,

Савлатингда аён қутлуғ замона,

Соҳиби давронинг — меҳнаткаш одам!

Эй азиз хиёбон, менинг ёшлигим

Сенда қолган эди, ростми, ёдга ол.

Шеър у ҳикмат билан илк сирдошлигим

Сенда қолган эди...»

Шу зум битта чол,

Чинордай чол келиб қолди ёнимга,  
Ҳа, ўша гулчи-ку, боғбон, донишманд.  
Юрагим тор келиб ҳаяжонимга,  
Дедим: «Салом бўлсин, азиз Самарқанд!  
Сенда қолган эди менинг ёшлигим,  
Ўзимга қайтиб бер, Самарқанд бобо!  
Сенда қолган эди қалам қошлигим,  
Ўзимга қайтиб бер, донишманд бобо!»  
Шу кез дорулфунун эшикларидан  
Хиёбонга тўлди ёшлар оқини.  
Бари олтин даврон бешикларидан,  
Кўзларида чақнар билим чақини.  
Ҳайрон ва бахтиёр қарайман жимжит,  
Қўлини кўтариб шундоқ деди чол:  
— Ёшлигинг изловчи, ҳей оқсоч йигит,  
Ёшлигингни ол!  
Ҳа, мен ёшлигимни ва шўҳлигимни  
Шу навқиронларнинг кўзида кўрдим.  
Ўша нақ севгимни, қалб чўғлигимни  
Шу ёш жононларнинг юзида кўрдим.

Шеърга сизмай қолди бахтиёрлигим...

*1963, 25 декабрь, Самарқанд.*



## СИРДАРЕ

Сирдарё ўланлари,  
Жарангла довон-довон,  
Сирдарёдай тўлқинлан.  
Қўшигим — безаволим.  
Сирдарё осмонида  
Қанот ёз мисли тарлон,  
Эй, учағон хаёлим!

Сирдарё соҳиллари —  
Кўз илгамас асрий дашт,  
Ардоқлик ўлка бугун —  
Ясоғлик ва тежоғлик.  
Ҳар куни — шўх бир ялла,  
Лол қолғулик саргузашт,  
Ҳар қадами тежоғлик —  
Шу сабабдан бежоғлик.

Юртимнинг яшил кўрки,  
Шавкати, баракаси —  
Она дарё, қут дарё,  
Сахий дарё, сут дарё,  
Не дарёлар укаси,  
Не дарёлар акаси,  
Бахти мангу бут дарё...

Кенг қулоч, қадим тупроқ —  
Кўҳлик баҳор чечаги,  
Таги мўл хазина-ю,  
Тупроқнинг олтин қўри,  
Хавф солмас алмисоқнинг  
Гирдибодлик чўпчаги,  
Ҳеч ким ортиқ айтолмас:  
«Тақир чўл, манглай шўри...»

Экинзор, яшил яйлов —  
Қовжироқ эмас бугун,  
Говмишлар пода-пода,  
Баркаш-баркаш елинлик.  
Сароб янглиғ алдоқчи  
Ва йироқ эмас бугун,  
Янги кентлар, шаҳарлар  
Гўдак бозор — келинлик...

Келинлари сут соғар,  
Булоқ-булоқ оқар сут,  
Боғма-боғ учар, сайрар  
Қушлари чулдур-чулдур.  
Кўчаларнинг ёқаси  
Толзорлару қатор тут,  
Эй, сен меҳнаткаш инсон —  
Кўнглинг гул, қўлинг гулдир!

Неча эл, неча элат —  
Меҳнат, тўй, гулгун турмуш,  
Туғишганлардай яқин,  
Қалин жигар, қўлдош, дўст.  
Ленин ўйлаганлари  
Бунда салтанат қурмиш,

Пахтакору чорвалор —  
Кун сайин бекаму кўст...

Шафақ дуррали қизлар —  
Толма белу чилвир соч,  
Машинларга суворий,  
Ёз кетида — қишлари.  
Гўзалликлар имлашар  
Йўлчига боқиб қийғоч,  
Чечакларки, кўкламнинг  
Ёрқин жилмайишлари...

Ўтмишни эслагим йўқ,  
Дилим бўлмасин хира:  
Чоракор — чораккина,  
Бой бобом — хирмон-хирмон...  
Емон ёлчимас, дерлар,  
Яхши алжитмас сира,  
Эй элим, нонинг бутун,  
Юзинг шафақли ширмон...

Юртимнинг яшил кўрки,  
Шавкати, баракаси,  
Она дарё, қут дарё,  
Сахий дарё, сут дарё,  
Не дарёлар укаси,  
Не дарёлар акаси,  
Бахти мангу бут дарё...

1963, май, Етгисой.

## ЧҰЛ КЕЧАСИ

Чексиз чўл юзига тушади аста  
Олис шалоладай оқшом салқини,  
Кўкка тўлиб кетар юз ранг гулдаста:  
Пилпиллаб сўнади қуёш ёлқини.  
Кун бўйи қора тер тўкиб, уриниб,  
Хирмонни тўлдирган қизлар, жувонлар,  
Донгил йўл чангида елиб, суриниб,  
Бекатга югурган шофер ўғлонлар,  
Кема дарғалари, бригадир, ошпаз,  
Хирмондан жуда ҳам рози тарозбон —  
Ҳордиққа шошилар, қозонлар жаз-жаз...

Қорага бурканар поёнсиз ёбон.  
Штабларда чироқ ёнар шу нафас,  
Кўкда жимирлашар юлдузлар тўп-тўп.  
Кўкдаги юлдузлар билан басма-бас  
Чўл юзида ёнар чироқ жуда кўп...  
Ёйрай, бу қандоқ тинмагур чироқ?  
Юзади, юзади, юзади ҳамон.  
Чироқларга тўла яқин ва йироқ,  
Чироқларга тўла тўрт томон...  
Чироқлардан ёруғ олгандай саҳро,  
Ҳаволарда янграр кеча гур-гури,  
Ажиб бир қўшиққа лиммо-лим дунё...  
Бу — улкан бир жангнинг тинмас сур-сури!  
Ҳа, булар бесаноқ зангори кема.  
Зангори кемалар ёққан чироқдир.

Ёруғ юлдузлардан асло кам дема,  
Балки порлоқдир!  
Кун бўйи тинмаган азиз дарғалар  
Юз теримчи учун хирмонлар уйиб,  
Тагин пахтазорда уйгоқ йўрғалар,  
Кеча салқинига шаробдай тўйиб,  
Пойгачи тулпорин совутганидай,  
Кўкёл тулпорига қиттак дам бериб,  
Ошиқ тушда ўзин овутганидай,  
Уйқу оғушида бир нафас эриб,  
Тагин тулпорларга солишар жилов,  
Ботирлик меҳнати Ватанга сийлов...

Эй, зангори тулпор, зангори тулпор,  
Мушкулумни осон қилган мўъжиза!  
Сенда замонларнинг сеҳрий кучи бор,  
Ҳар пайкалда хирмон уйган мўъжиза!  
Порлай бер, порлай бер чўл қучоғида,  
Эй, кўзга тўтиё, ёруғ чироқлар!  
Сизнинг ўрнингиз бор кўз қароғида,  
Дарғалар дилидай ёллуғ чироқлар!  
Ўктам азмингизда, ботир дарғалар,  
Пахтакор юртимнинг эртасин кўрдим.  
Зангори тулпорлик моҳир дарғалар,  
Сизда эрта куннинг эгасин кўрдим.  
Шундай кун келади, уқдим чироқдан,  
Қалдироқдай доврўқ, боғи таралгуси,  
Тоғ-тоғ хирмонларни лак-лак чаноқдан  
Фақат шу кемалар йиғиб олгуси!  
Эй, мушкулум осон этган мўъжиза,  
Эй, танти чавандоз, эй, мард дарғалар!  
Эй, эрта достонин битган мўъжиза.  
Шавкатга юқтирманг ҳеч гард, дарғалар!

1963, 11 октябрь, Сирдарё.

## ОЛХУРИ

Нақ никоҳ оқшомида  
Ясанган сулув янглиғ,  
Оқ шойи кўйлақдайдинг,  
Кўргандим баҳор чоғи,  
Кумуш табассумларинг  
Кўнглиннга кўзгу янглиғ,  
Маст этарди офтобнинг  
Эҳтиросли қучоғи.

Ез бўйи йигит боғбон  
Юз ўргилиб бўйингдан,  
Бутаб, тараб, ардоқлаб,  
Ҳеч сувсатиб қўймади.  
Ез бўйи димоғи чоғ  
Сенинг атир бўйингдан,  
Тўлишган жамолиннга  
Юз қараса тўймади.

Олтин куз ҳам келибди,  
Шоҳларинг шигна емиш,  
Қуёшда ярқирашар  
Йирик ёқут доналар.  
Боғбон йигит меҳнати  
Қандай серҳикмат эмиш.

Сават-сават теришар  
Келинлару оналар.

Тўйларнинг тансиқ кўрки,  
Чиройли куз меваси,  
Ширинликда гўёки  
Бўй қизларнинг дудоғи,  
Дудоқдек ардоқламоқ  
Ошиқ боғбон шеваси,  
Фахр этса арзигулик  
Бу кентнинг чексиз боғи.

*1963, Сирдарё.*

## БЕҲИШТ

Чўлда не яшил шаҳар,  
Не оқ саройлар кўриб,  
Шўрлик бобом яшаган  
Ер таги ёдга тушди.  
Юлғунзорда — экинзор,  
Ҳовлиқма сойлар кўриб,  
Ўтмишинг бир армонли  
Эртаги ёдга тушди:

Эмиш юз йил бел буку,  
У дунёни ўйлагин,  
Бу дунё — ёлғон дунё,  
Бир нафаслик, ўткинчи.  
Тақдирингдан нолима,  
Ҳақни дилдан қўймагин,  
Ўзганинг давлатига  
Суқланиб бўлма кунчи.

Эмиш қодир мавлон  
Мўмин бандаси учун  
Етти кўкдан баландроқ  
Яратмиш етти беҳишт;  
Кўнглинг неки тусаса —  
Шай туради гуногун,



Саройларки ёқутдан,  
Забаржаддан ҳар бир гишт.

Нозик адо, хилча бел,  
Фусункор не там-там қиз,  
Ариқларда кўпириб  
Оқар бол, оқар шароб.  
Фаришталар турармиш  
Саф чекиб ва чўкиб тиз...  
Нечоғлиқ сўхта армон,  
Қандай сеҳрли сароб!

То ўлгунча бахт излаб  
Не боболар, ҳе аттанг,  
Ўшандай алдоқларга  
Дилдан инопиб кетмиш.  
Чўлдаги чечаклардай  
Чанқоқ, диқнафас, гаранг,  
Бадбахтлик дўзахида  
Ўртаниб, ёниб кетмиш.

Сўз йўқ, сўлим афсона,  
Бонг ёки аччиқ бода,  
Сўз йўқ, не боболарни  
Тутолмиш ошиқ ва маст,  
Ун уч аср бахт кўзлаб  
Шўрликлар у дунёдан,  
Яшай берган ярим оч,  
Ярим юпун, дилшикаст...

О, улуғ Ленин асри,  
Меҳнат ва бахт даврони,  
Одамзод зеҳнини сен  
Чархлай олдинг яроқдай.

Беҳишт ярата олди  
Бугун асрим инсони,  
Меҳнат доврӯги юксак,  
Ярқираши байроқдай.

Чўлда не яшил шаҳар,  
Не-не оқ сарой кўрдим,  
Хаёлий беҳишт эмас,  
Сулув, чинакам беҳишт;  
Мирзачўл ўлкасини  
Юз беҳиштан бой кўрдим,  
Нечоглиқ кўркам беҳишт,  
Қай беҳиштан кам беҳишт?

Олмазорларда кезгин,  
Анорзорларда юргин,  
Беҳишт нафаси бунда,  
Қут косаси лиммо-лим,  
Меҳнаткаш шу инсондай  
Меҳнат завқини сургин,  
Тенг тер тўкар сувчи ҳам,  
Бобо деҳқон, ёш олим.

Баридан оқ момифи —  
Фахри, пешана тери,  
Нондан азизроқ, эзгу,  
Юз газнадан қимматли.  
Бунда мардларнинг марди,  
Бунда эрларнинг эри,  
Ҳар пахтакор хотамдай  
Жўмард, танти, қимматли.

Ўша еттала беҳишт,  
Майли, бўлсин ўзига,

Бизга азиз — меҳнаткаш  
Одам яратган дунё.  
Кўз очиқ, ишониш йўқ  
Ушаларнинг сўзига,  
Бизга Ленин йўриғи  
Бебаҳодан бебаҳо!..

1963, Сирдарё.

## УҚИМИШЛИ

Ҳазил

Бир овулда етти қиз,  
Еттови ҳам теримчи.  
Текис сулув, миқти қиз,  
Енгайлари иримчи;  
Етти қизга кўп сирдош,  
Тушларин йўрар енгай,  
Баъзан ҳалим, баъзан ош,  
Андак фол кўрар енгай.  
Баъзан рост, баъзан ёлғон,  
Бир гап айта солади,  
Еттовига қоқиб жон,  
Кўнгилларин олади.  
Севади ўз қизидай,  
Еттовлон ҳам яқини.  
Қизидай, қирмизидай,  
Еттов қўймас ҳақини.

Бир ўқишган ҳаммаси,  
Бири ўланга иноқ,  
Бири кашта устаси,  
Бири чечан, қақилдоқ.  
Бири қийғир ўйинчи,  
Ўзгаси чалар дутор,  
Барчасининг суюнчи,

Барчасининг ишқи бор.  
Ишқи бор, лекин нетай,  
Еттови кўз тиккан ёр,  
Очиқроқ айтиб кетай,—  
Овулда бир йигит бор;  
Сулув ё нотик эмас,  
На полвон, на яғриндор.  
Ҳеч кимдан ортиқ эмас,  
Еттов ўшанга хуштор.  
Еттови ҳам енгайга  
Айрим-айрим айтар сир;  
Еттов хуштор Кўпайга,  
Севги ўқишар бир-бир.  
Енгай қолмай деб довга,  
Бир чора ўйлар эди.  
Ахир бир кун еттовга  
Дангал шундақа деди:  
«Ҳой, сиз қора қошларим.  
Бахт кўринглар, ўлманглар!  
Еттала сирдошларим,  
Айтсам, хафа бўлманглар.  
Еттовинг ҳам дардинг бир,  
Бир севгида куясиз:  
Бир-бирингга айтмай сир,  
Бир йигитни суясиз.  
Элдан ортиқми Кўпай,  
Еттовинг ҳам тегиб ол!»

Қиқирлар хушҳол енгай,  
Ҳам хушҳол, ҳам андак лол.

«Вой шўрим!»— дер Ўғилжон,  
«Вой шўрим!»— дер Биражаб,

«Вой шўрим!— дейди Гулжон,—  
Вой ўлмасам! Вожаб!»  
«Вожаб!»— дер Олтиной,  
«Вожаб!»— дейди Холбу.  
Бир зумда қанча вой-вой,  
Бир зумда: «Вой, не ҳол бу?»  
Айтиб бер, енгай, қани,  
Бу қандоқ бўлди ахир?  
Лақиллатиб юргани  
Уялмабсиз-да, тақир?  
Унчалик сир ҳам эмас,  
Еттовлон ҳам билардик,  
Ҳозир аён бўлди, бас,  
Биз нима ҳам қилардик.  
Бизни авраб олганми,  
Кўнглимиз бирдек боғлиқ,  
Ё жодугар бўлганми,  
Севиб қолдик нечоғлиқ?  
Ичкансиз ҳовуч-ҳовуч  
Чўлдаги не булоқдан,  
Кийиклари ҳурковуч  
Олис-олис яйлоқдан,  
Тўйлардан, йиғинлардан  
Не ҳангома уққансиз,  
Соғ қолиб қирғинлардан,  
Ўн олтини туққансиз.  
Сизда гап кўп, енгайжон,  
Кўнглимиз ваҳимада,  
Нега севдик еттовлон,  
Сири ахир нимада?  
Бирдек шайдо қилса-я.  
Наҳот бир балоси бор?  
Сиримизни билса-я,

Ё меҳригиёси бор?»  
Енгай оқ рўмолини  
Иягидан ўтқазиб,  
Тагин ташлар фолини,  
Еттовини ўтқазиб:  
«Бе, на меҳригиёси,  
На сеҳри, кимиёси,  
На кўздаги зиёси  
Ё бирон тўғиёси...  
У фақат ўқимишли,  
У билмаган китоб кам,  
Шу важдан эсли, ҳушли,  
Унда не-не ҳикмат жам.  
Баъзан мумдай тўлқиши,  
Юз ҳикоя тўқиши,  
Баъзан болдай балқиши,  
Ошиқона ўқиши,  
Баъзан кўлдай чалқиши.  
Дилларга ўт ёқиши,  
Ўз ўрнида олқиши,  
Ўз ўрнида чақиши,  
Ҳамиша топқирлиги,  
Сувдай ёд кўп газали,  
Той каби чопқирлиги,  
Ёқимлигу мазали...  
Еттовингни боғлаган —  
Ўша билағонлиги,  
Еттовингни доғлаган  
Ақлининг равонлиги!  
Бошимни оғритмайин,  
Қани, баринг жўнаб қол,  
Севгингни қаритмайин,  
Еттовинг ҳам тегиб ол!»  
Енгай қиқирлаб кулар,

Ҳайрон боқишар булар.  
Бир овулда етти қиз,  
Еттови ҳам теримчи.  
Бари олмадай қирмиз,  
Енгайи сал иримчи.  
Қаттақон теримдан сўнг  
Бир тўй бўлиши аниқ,  
Қайси бирин иши ўнг,  
Еттовлон бағри ёниқ...

*1963. октябрь, Еттисой.*



## ДЕНГИЗ ТИНЧИМАДИ — БИЗ ТИНЧИМАДИК...

Денгиз тинчимади — биз тинчимадик,  
Олам уйқуда-ю, нечун биз уйғоқ?  
Денгизда жазава, денгизда тўлғоқ,  
Денгиз бир нимадан олгандай ҳадик,  
Тепа-тепа келур гулдурос тўлқин,  
Чайир қояларга чанг солмоқчидай.  
Сапчишар, гўёки ўч олмоқчидай...  
Кўчкин булутларда ўроқ ой сўлғин.  
Ўроқ ой чўқмоғи денгиз бағрида,  
Шу сўқмоққа тушсак борардик қаси?  
Битта сир аён:  
Сўқмоқнинг у боши — гирдоб қаърида...  
Не ваддан ғазаблик, нечун асабий,  
Нега кўм-кўк сувлар бугун булоник?  
Бир нима аниқ:  
Ҳаяжонда денгиз — оламнинг қалби...

Бўзариб отмоқда тонг йироқларда,  
Опроқ тўлқинларнинг мажнуни мисол,  
Ёки излагандай сирли бир висол,  
Уйқусиз ўтди тун соз қиргоқларда.

Денгиз тинчимади — биз тинчимадик...

1963, Қрим — Кўктепа.

## СЕН БАРГИДА

Сен баргида бўлсанг, мен шохидайдим,  
Уйламаки, узлаг боргоҳидайдим,  
Ё машраб, ё Ҳайём паноҳидайдим...  
Йўқ, мен ҳақиқатнинг даргоҳидайдим,  
Сен баргида бўлсанг, мен шохидайдим.

Ҳа, мен шохидайдим, агар силкинсам,  
Баргдай узилишинг аниқ эди, ҳа,  
Ҳазонингга кўнглим қониқ эди, ҳа.  
Ҳаттоки шох билан қўшала синсам...  
Баргдай узилардинг агар силкинсам.

Баргида юравер, фингшиб гоҳида,  
Майли, маймун янглиғ тақлидга ёпиш,  
Иблис билан топиш, ел билан чопиш...  
Мен шохида қолай, ўша шохида...

Қолай ҳақиқатнинг ўз даргоҳида!

1963.

## ЧОЛЛАР

Чоллар ўтирибди боғнинг тўрида,  
Олмазор тўрида, кўркам сўрида...  
Балиқлар базмига кўзгу сарҳовуз,  
Суви жилдир-жилдир, шабадаси муз,  
Сокину савлатли, соябон сада,  
Сира ёндошолмай гармсел зада;  
Чоллар ўтирибди қуриб чордана,  
Давраси арзийди десак шоҳона;  
Яктаклари оппоқ, соқоллар оппоқ,  
Бошларда чуст дўппи, кўзлари чақноқ,  
Чаккаларда ёнар райҳон ё лола.  
Чайир қўлларида гардун пилла,  
Ичишади сипо ва секин кўк чой,  
Дастурхони тўкин, суҳбатлари сой,  
Қорамтир юзларда қуёшнинг қўри,  
Умрзоқ бахт бермиш меҳнатнинг зўри,  
Сўзлашар чўлга илк келган кунлардан,  
Қора аёзлардан, қум қуюнлардан,  
Асов бўронлардан, муз шамоллардан...  
Тайсал кўргани йўқ чўл бу чоллардан,  
Соҳибкор, билагон, меҳнаткаш, ўктам,  
Дунёнинг ўзидай кекса, ҳикмат жам,  
Булар чўлда боғ-роғ яратганлардан,  
Оқ момикдан не тоғ яратганлардан,

Элимга таниқли, ардоқли чоллар,  
Хамиша беллари белбоғли чоллар;  
Замон зиё тўкмиш булар дилига,  
Булар жуда етук тупроқ тилига,  
Дунёга бергусиз тансиқ еридан,  
Гавҳар ундиришар манглай теридан...  
Ким айтар: оламни қари билмайди,  
Қари билганини пари билмайди!  
Эл бахти — ўз бахти — булар меҳнати,  
Элнинг юрагида булар ҳурмати,  
Ҳар бири донишманд бир бобо деҳқон...

Ҳа, дунёнинг кўрки инсон-да, инсон!

1964.

## ЧУЛ ЧЕЧАКЛАРИ

Қўлимга тутдилар бир боғлам чечак,  
Епирай, бу қандоқ оромбахш ранглар.  
Ҳар қайси баргидан бир куй жаранглар,  
Ешликнинг ўзидай шўх, соғлом чечак...

Теваракка боқдим, теварак-ку чўл,  
Қайда ўсди экан, гулзори қайси,  
Кўчат ўтқазिशган баҳори қайси,  
Парвариш берибди қандоқ азиз қўл!

Дедилар: бунчалик бўлма ҳайрон, лол,  
Тенгсиз бу чечаклар — чўл чечаклари,  
Меҳнаткаш, ижодкор қўл чечаклари,  
Ололсанг шулардан барқ ол ва ранг ол!

Дедим: ишонаман инсон азмига,  
Қошки шеърларим ҳам шу чечаклардай,  
Ярқироқ, фусункор шу эртақлардай  
Кўрк бўлса тўйларга, бахтлар базмига!

*1964, Сирдарё.*

## МАНГУ ОЛОВ

Эгил, бир нафас эгил,  
Менинг оппоқ бошим, ҳей!  
Пирпираб турганидай  
Қутлуғ ва ял-ял ялов,  
Бунда ёнар бир олов,  
Мангу — мангулик олов,<sup>1</sup>  
Сукут сақла бир нафас,  
Кўзда милт-милт ёшим, ҳей!

Бу чўнг обида таги —  
Номи ўчмаслар жойи,  
Бунда мангулик ухлар  
Қалби оташ қурбонлар;  
Ленинчи инқилобга  
Булар бари фидойи,  
Эрк ва бахтга жонларин  
Аямаган инсонлар,—  
Таъзимкор ўт, танишу,  
Нотаниш юртдошим, ҳей!

Ухлашар, ором олар —  
Оромга ҳақлари бор —

---

<sup>1</sup> Инқилоб қурбонлари монументи пинжида мангу олов ёниб турганини кўрганда ёганим.

Мангулик қучоғида;  
Мангуликнинг ўзидай  
Мангу ёнар шуъладор  
Самарқанднинг боғида;  
Эслаб ўт, кимёгар,  
Тўқувчим, наққошим, ҳей!

Булар кўзида оташ  
У кун сўнмиш бизни деб,  
Кўкракларида синмиш  
Золим замон сўнгуси;  
Булар кетмиш бизни деб,  
Сиздай ўғил қизни деб,  
Мангу бахт жаннатлари —  
Шу қонлардан унгуси;  
Эгилгин ўғлим, қизим,  
Севгим, ёстиқдошим, ҳей!

Ерлар, кўклар, фалаклар  
Бош эгсалар арзийди,  
Булутолари қоқ ёрган  
Хаттоки чақинлар ҳам;  
Ёрқин, саз келажаклар  
Бош эгсалар арзийди,  
Юз гирдоб қудрати ҳам,  
Минг дарё, оқинлар ҳам  
Эгил, бир нафас эгил —  
Эгилмаган бошим, ҳей!

Буларнинг хотираси  
Замондай ёруғ, янги.  
Замондай салобатли,  
Замондай мангу тургай.

Булар азмидан кўкка  
Қўёлдик-ку узанги,  
Абадул-абад ёнгай,  
Зулматни қувгай, сургай..  
Шу оловдай ёна ол,  
Ёрти аср ёшим, ҳей!

Эгилиб ўт ҳамиша  
Азиз ватандошим, ҳей!

*1964, июнь, Самарқанд.*



## ЧАНҚОҚЛИК

Кечалар мижжа қоқмай,  
Кўз нурларим тўкилиб,  
Сигара тутунига  
Упкам чўмилса ҳамки,  
Яхши қўшиқ ишқида  
Сийнам ҳатто сўкилиб,  
Юраккинам қурумга  
Юз гал кўмилса ҳамки,

Пайсаллашга вақтим оз,  
Тер тўкаман, жиламан,  
Майли аёз, майли ёз,  
Чўққига интиламан.

Яратмоқ, қурмоқ учун  
Келдик ахир жаҳонга,  
Ғафлатдан тоқатим-тоқ,  
Ҳушим йўқ уйқуга ҳеч.  
Инсонликни унутмоқ  
Гуноҳмасми инсонга?  
Хасталик баҳонамас,  
Йўлдан қўйманг, қолмай кеч!

Кузги япроқ бўлгим йўқ,  
Хазоним олис ҳали,  
Ҳали жуда кўнглим тўқ,  
Давроним олис ҳали.

Қуёш тошқинларини  
Сипқоргум мисли шароб,  
Шўх боладай чўмилгум  
Ҳаёт дарёларида,  
Гангитолмас тилсимлар,  
Алдаёлмас ҳеч сароб,  
Учгум ҳали бахтимнинг  
Еруғ фазоларида.

Мени нотавон деманг —  
Сочимнинг оқлигидан.  
Кексаликда бу жаранг —  
Қалбим чанқоқлигидан!

Майли, ҳансираб қолай,  
Имиламайин лекин,  
Кетда қолмоқнинг ўзи  
Юз ўлимдан ёмонроқ.  
Ҳалол нон ошаб-яшай,  
Бир ушоқ емай текин,  
Меҳнаткаш норт олдида  
Юзим бўлсин доим оқ...

Кеккаймоққа ҳавас йўқ,  
Бўлолмайман ҳавойи,  
Меҳнатсиз бир нафас йўқ,  
Мен илҳомга шайдойи.

Уз эркининг эгаси —  
Инсонга ошиқлигим  
Элимга сир эмас-ку  
Уша қирчин ёшимдан.  
Заминга ошиқлигим —  
Замонга ошиқлигим —  
Улгунча барқ уради  
Ҳар зум ичу тошимдан,  
Зар сочгувчи дарёмдай  
Даштларга дармон бўлгум.  
Жуманбулбул бобомдай  
Қўлда соз билан ўлгум.

*1964, Самарқанд.*

## НАЙ

Най оҳанги келади айни саҳар палласи,  
Сайрагандай ғойиб қуш,  
Ё мунглағ она куйи — айни саҳар алласи  
Илиқ ва юмшоқ оғуш.  
Най овози келади булоқ сувидай равон,  
Эртанми ё айни туш,  
Ҳаёт чўққиларига юксал деб доvon-довон,  
Ундагандай бу товуш...

Най оҳанги келади эшилиб ҳар шўх оқшом,  
Хилватга чорлар гўё.  
Ишқ боғларига имлар ё ёрдан яхши пайғом,  
Шундоқ суюк, бебаҳо...  
Най оҳанги тинмайди дара-ю жилғаларда,  
Дўнғларда ўша наво,  
Боғларда, яйловларда, булут — қасирғаларда  
Уша най, ўша ҳаво...

Най овози учади эксиз-чексиз осмонга  
«Гиря»ми ёки «Гулёр»?  
Най овози учади — шиква тўлар жаҳонга,  
Қандоқ узун, нолақор...  
Қулоқ солинг дардли соз, мунгли бу соз зорига,  
Йиғлар ва йиғлатар зор.

Қулоқ солмабди биров шунча вақт озорига...  
Бунда мўл ҳикоят бор...

Най овози учади қандоқ шўху дилнавоз,  
Етти фалак тоқидан баландроқ янғироғи.  
Най овози учади — қандоқ сўлим, қандоқ соз,  
Шу сўлим садоларда гўё олам қулоғи.

Қуббон кўлидек сермавж, баравж ва жозибадор,  
Қандоқ сир бу, ажабо, мўъживами ё тилсим,  
Наҳот жўн шу чалғуда шунчалар куч-қудрат бор?

Ажабо, бу сеҳргар соз устаси ўзи ким?  
— Санъаткор элимнинг бир жигарбанди....

Илҳом парисининг суюк фарзанди!  
Қўлингдан тушмасин шу олтин чалғу,  
Шу оташин соз,  
Куйга шайдо элда ягона орзу:  
Най чалгин, энг ками, тагин эллик ёз...<sup>1</sup>

1964.

---

<sup>1</sup> Сайиджон Калон ўғлининг 50 ёшига бағишлаганим.

## КҮНГЛИМ

Селдан кейин ҳар гал ўша камалак,  
Селдан кейин ҳар гал ярқирар фалак,  
Селдан кейин ҳар гал тушади тоғдан  
Сочлари жингалак, ўша шўх малак...  
Тоғдан тушмай қолса, ёнаман гашда,  
Жийдаш кўнглимдадир,  
Кўнглим Жийдашда...

Кўллар инжусидай жилвакор кўл бу,  
Олам кўзгусидай беғубор кўл бу.  
Соҳилда кутаман бесабр ҳар оқшом,  
Соҳиллари сирли, сеҳри бор кўл бу.  
Нетайки илинжим шу паривашда...  
Жийдаш кўнглимдадир,  
Кўнглим Жийдашда...

Кўзимдан кетмас ҳеч нозик адоси,  
Сухбати, ўлани, савти-садоси,  
Кўлдай тиниқлиги, селдай шўхлиги,  
Гулдай нафислиги... бўлдим гадоси!  
Ўзи ҳам заб чечан, дилдор, дилкаш-да...  
Жийдаш кўнглимдадир,  
Кўнглим Жийдашда...

Бунда табиат ҳам қиз янглиғ тоза,  
Ишқим бўлмасайди ахир овоза.  
Бахтимга тор гўё шу чексиз қирғоқ,  
Ёху, гўзалликка борми андоза?  
Мени боғлаб олмиш ёлғиз қарашда...  
Жийдаш кўнглимдадир,  
Кўнглим Жийдашда...

*1964, Иссиқкўл.*

## ЕЗ ҒМҒИРИ

Ез ғмғири ғғади сим-сим...  
Боғлар чангин юваяпман, дер,  
Чўл таптини қуваяпман,— дер —  
Қулоқ солсам қўшиғига жим.  
Сим-сим ғмғир, оби раҳмат-ку:  
Ирмоқлардан жилға бўл, майли,  
Жилғалардан сойга тўл, майли,  
Оби раҳмат — бу баракат-ку.  
Пахтакорнинг кўнглини чоғ эт,  
Ғўзаларнинг ол ғуборини.  
Ҳозирданоқ чал куз торини,  
Офатларни йўлатма, доғ эт!  
Экинзорни ҳафтранг товлантир,  
Сувчиларнинг юзин силаб ўт,  
Фақат яхши тилак тилаб ўт.  
Чорвадорнинг кўзин қувонтир...  
Сим-сим ғмғир, сирли соз мисол.  
Пичирлайди она табиат.  
Сахийлиги ортгандай қат-қат,  
Ғўё дейди: ол, ол, олиб қол!..  
Унутма, ҳой шоирингни ҳам,  
Кўкрак тўла нафас олайн.  
Ғўзалликни куйга солайн,  
Ез ғмғири, кузги баракам!

*1964, Самарқанд.*



## АРАЗЛИК

*Кўшиқ.*

Ултирибман тўқайда ёлғиз,  
Арча кўмир, қирғовул кабоб,  
Ёнимда на қайлиқ, на болдиз,  
На бир ютум қирмизи шароб.

Ултирибман тўқайда ёлғиз,  
Утламоқда тушовлик йўрғам.  
Санчилгандай жонга жуводдиз,  
Томоғимдан ўтмас бир тўрғам.

Ултирибман тўқайда ёлғиз,  
Уйламангки, бирон ғаразлик,  
Уртада сўз қочди, бир оғиз,  
Аразликман, жиндак аразлик.

1964.

## ҚУШИҚ

Фасли баҳор, қир лолазор,  
Тўрғай учар сор устина.  
Лолазорда куйла, дилдор,  
Рубоб чалай тор устина.  
Не бор висолингдан ширин,  
Еноқда холингдан ширин,  
Бўстонлиқ болидан ширин,  
Олма ҳиди нор устина.  
Бир — сен, бир — мен, кўл қирғоғи,  
Яшил яйлов — оқшом чоғи  
Оқшом чоғи — висол боғи,  
Ой ҳам қўнар дор устина.  
Беншқлар дарди дард эмас,  
Ишқ фақат оҳи сард эмас,  
Ёрни ранжитган мард эмас,  
Қор ёғгуси қор устина.  
Элдан айрилган бегона...  
Ёрдан айрилган девона,  
Ёр, ўлгунча мен парвона,  
Ёр севмайман ёр устина.

1964.

## СУВ ВА СУЛУВ

Етилган жувои каби  
Ҳансирар бўла тупроқ.  
Чанқоқ ва чатноқ лаби:  
Сув!— дейди,— сув бер кўпроқ!  
Пахтазор эксиз-чексиз,  
Жаннатдай барқ урарди,  
Эгатларда битта қиз  
Сув суғориб юрарди.  
Сўлқилдоқ, дўндиққина,  
Яланг оёқ, қорамтир.  
Кўз чақмоқ, пучуққина,  
Ҳар одими гўё сир:  
Ташналаб ғўза шув-шув  
Барг силкиб, пичирлашар,  
Бир-бирига иноқ-ку,  
Имлашар ва сирлашар:  
Сув — сулувдан сулувроқ,  
Сулув — сувдан сулувроқ...

Завқ тошар юрагида  
Сувнинг жилдирашидан,  
Ҳар туп ғўза тагида  
Уйнаб пилдирашидан:  
Пайқайди: бу — саратон.

Ҳар қатра сув — бир чаноқ.  
Жилмайиб қиз ногаҳон,  
Қизарар гулдай ёноқ.  
Янграйди олислардан  
Дўриллаган бир овоз;  
Дилда жўшқин ҳислардан  
Хабардордек сахий ёз,  
Таниш овоз, бўйдоқ роз,  
Бу — ишқининг алласи.  
Ишқим,— дер,— сабр эт бир оз,  
Ғанимат сув палласи!..  
Сув — сулудан сулувроқ,  
Сулув — сувдан сулувроқ...

*1964, Самарқанд.*

## УШАНДОҚ...

Расадхона эмиш шу харсанг девор...  
Бир вақт Самарқанднинг энг юксак жойи,  
Замон мўъжизаси, билим саройи,  
Тоғ жуссали, сўлим, улуғвор.

Расадхона эмиш шу харсанг девор,  
Кечалари юлдуз гадоси бўлиб,  
Самовий гўзаллик шайдоси бўлиб,  
Термилармиш уйғоқ у тождор.

Сулувлар кўзидек тенгсиз, ярқироқ,  
Юлдузларки, кўкнинг гавҳар чечаги,  
Бирн юз асрлик, бири кечаги,  
Бир-биридан сирли ва йироқ.

Сулувлар кўзидек пир-пир доимо,  
Еки ёмишларнинг ёруғ хатидек,  
Еки хумоларнинг ёллуғ патидек,  
Доимо ваъдакор шўх имо...

Ҳар янги юлдузга қўйиб янги ном,  
Ўадвалига битиб бир-бир шарҳини,  
Дарк этармиш учқур фалак чарҳини,  
Кўкка интиқ, риёзатга ром.

Одам фахри эмиш сўлим Самарқанд,  
Олам фахри эмиш тождор аллома,  
Ҳар кеча заҳмати бўлак ҳангома,  
Кундузи ҳам тинимсиз гарчанд.

Юлдузни ўшандоқ севолса киши!  
Ўшандоқ юксакка толпин, ҳей ўғлон,  
Агар толпинмасанг, бу — ўша жаҳон —  
Араванинг эски тиркиши...

Бобо меросига бўлолгин эга,  
Сомон йўлларида кезарсан, балки.  
Тиришганинг зарби шундоқ дангалки,  
Ҳатто тошга қоқармиш чега...

*1964, Самарқанд.*

## ДИЙДОР

Бекатмиди, работмиди,  
Кентмиди ё карвонсарой?  
Ё расмона шаҳармиди,  
Қалъамиди, не гузаргоҳ?  
Баланд, ёруғ, қатор-қатор  
Не кошона? Бу қандоқ жой?  
Ҳар қалай бу юз қалъадан  
Ардоқлироқ улуғ даргоҳ.<sup>1</sup>

Кириб келди баланд пештоқ  
Дарвозадан Ўзбекистон,  
Пойтахтлик ишчи синфи  
Кутиб олди очиб қучоқ...  
Кенг зал тўри, чўнг саҳнада  
Ленин ўзи турар шодон,  
Ажабланмас, сал жилмаяр,  
Меҳр оташи ўчоқ-ўчоқ.

Ленин кўрар: қучоқлашар  
Соғинишган оға-ини,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг 40 йиллик тўй кунлари, Москвада Лихачёв номидаги автозавод ишчилари даврасига ўзбек адиблари ва санъаткорлари меҳмон бўлиб борганида ёзганим.

Ҳол сўрашар, кўзларидан  
Аримайди ним кулгулар.  
Бир-бирининг дийдорига  
Сира тўймас, гапнинг чини,  
Қалин дўст-да ахир булар!

Яқин юз йил, балки кўпроқ  
Балога дош бермиш бирга,  
Пўлат янглиғ тобланмишу,  
Синовлардан ўтолмиш мард.  
Яқин юз йил туз татишиб,  
Эрк учун бош бермиш бирга,  
Еруғ, эзгу туйғуларга  
Кўнолган йўқ бир аср гард.

Туйғуларки, тоғлардаги  
Булоқлардай биллур ва пок,  
Оғир кунда бир-бирига  
Талай-талай чўзишган қўл.  
Оғир кунда талай-талай  
Бирга диллар бўлганди чок,  
Бу йиғласа, унисининг  
Бағри эвик, ёқаси ҳўл.

Уч юз йиллик қарам вақтда  
Дарддошлиги ҳамишайди.  
Бирини ажал зарбли гурзи,  
Ўзга бири олчин тўқмоқ.  
Зулам дорларин қулатарда  
У болта-ю бу тешайди,  
Бирини донғил йўл бўлганда,  
Ўзга бири худди сўқмоқ



Бир-биридан ўрناق олди,  
Сабоқ олди, ўрганди кўп,  
Шу сабабдан қирқ ёшини  
Қилса арзир юртга кўз-кўз.  
Соқ туришар икковлон ҳам:  
Дўст кўзига тушмасин чўп!  
Шу сабабли қутлауғ тўйи  
Жарангдор куй, айтгулик сўз.

Ленин эслар: қирқ йил аввал  
Кўрган эди анча забун,  
Ленин эслар: завол эмас,  
Камолига йўқ эди шак.  
Неча қатла шу халқ учун  
Бўлган эди жигари хун,  
Қўллаганди гангиб қолса,  
Ёки бўлса олазарак.

Билардики, ёвуз қузгун  
Сололмайди нохос човут,  
Ҳар ўткинчи ва найрангбоз  
Қўёлмайди ортиқ тузоқ.  
Эзгу бахтин қўриб турар  
Бурро қилич ва қурч совут,  
Билардики, жаҳон қойил  
Бўлмоғи ҳам эмас узоқ.

Донғил йўлда жавлонига  
Жаҳон қойил, баракалла,  
Сиймосида аён бахти,  
Ёрқин куни, чўнг келажак...  
...Кенг саҳнада бирин-кетин  
Қувноқ ўйин, янгроқ ялла,

Гўё кўклам тонгида туш,  
Еки ажиб, дилбар эртак.

Ленин хушвақт қўлин силкиб,  
Жилмаярди такрор бу кеч:  
— Ҳей, валлакат ишчи синфи  
Кўп розиман, нима ҳам дей, 4  
Тўғри йўлда кетмоқдасан  
Тўғри йўлдан айнима ҳеч,  
Тўғри йўлда кетмоқдасиз  
Меҳнат ўғли ўзбеклар, ҳей!

*1964, 16 декабрь, Москва.*

## ТУН

Пойтахтга келар эди  
Янги шарқдан тўрт элчи —  
Бобо деҳқон, чорвадор,  
Темирчи ва ҳунарманд,  
Шошар, оталаридан  
Олмоқчи гўё энчи,  
Йўл азоби беписанд,  
Гўр азоби беписанд:  
Лениннинг нақ ўзига  
Арзи ҳол айтишмоқчи,  
Лениннинг дийдорига  
Бир тўйиб қайтишмоқчи.

\* \* \*

Уйлашар: шубҳасиз у —  
Норғул, сипо, девқомат,  
Оқпошшони йиқарми  
Анов-манов паҳлавон?  
Кўрдилар, лол бўлдилар:  
Аломатдан аломат,  
Урта бўйлик, гўлабир,  
Кенг манглай, дилкаш, бийрон.  
Йўқ, Ленин на паҳлавон,

На вали фавқулодда,  
Миқти-ю, алпу лекин  
Камсуқум, танги, содда.

\* \* \*

Қипчақий кўзларида  
Исён, минг йил ғуссаси,  
Тағин улуғликка хос  
Кўрағонлик ва олов.  
Наҳот оддий шу сиёқ —  
Шунча доно, шунча дов,  
Наҳот бир давр юкини  
Кўтаролса жуссаси...  
Ўтмишни ёддан билар,  
Ҳозирдан кўп хабардор,  
Келажак ҳам измида,  
Шундоқ ғалати сардор.

\* \* \*

Мана ўртада Ленин,  
Бешовлон қураб гурунг.  
У сўраб: пахта мўлми,  
Сув мўлми, қалай чорво?  
Ипак кимда, дон нучук,  
Нега кам ёпоғи, юнг?  
Юрт эгаси ҳозир — сиз,  
Бўлманг бундоқ бепарво!  
Чачвон ёнгуси қачон,  
Наҳот ўша ярашиқ?  
Токай шубҳада қийнар  
Сизларни ёлғон-яшиқ?

\* \* \*

Узоқ суҳбат сўнгида  
Не чигиллар бўлди ҳал:  
Қўли қадоқ шарқ учун  
Бир эшелон газлама,  
Бундан ошиғига ҳам  
Бормиди у вақт чама!  
Кетар чоқда оталар  
Удумга келди гал:  
Ахир, қўярда қўймас  
Кийгишиди булар тўн,  
Унчалик камёб эмас,  
Унчалик эмасди жўн.

\* \* \*

Эҳтимол, бу удумга  
Дуч келмиш биринчи гал,  
Кўзларида ним кулги,  
Ҳозир беўлчов ҳушқол.  
Ҳаяжонини босиб,  
«Қуллуқ!»— дер эгилиб сал,  
Ҳозир Ленин гўёки  
Осиёлик оқсоқол.  
Агар олмаса, булар  
Ранжишини биларди,  
Билгандан тўртовини  
Шундоқ рози қиларди.

\* \* \*

Кечагина кўз очмиш  
Ахир асрий уйқудан,  
Шўрлик, дилшикаст, ҳалол,

Еруғликка тим чанқоқ.  
Эски дунё кўппакдай  
Тортқилашда қўрқувдан,  
Бошларида ноинсоф  
Чақмоқчи яна ёнғоқ.  
Эполетлик амалдор,  
Тубжойлик гирром тўра —  
Инқилоб ваҳмасидан  
Тағин иноқроқ жўра.

\* \* \*

Ҳали бу эл ёдида  
Отлиқ казак қамчисн,  
Яраланган йўлбарсдай  
Дилларини ўртар ўч.  
Кечагина узилмиш,  
Қарамлик арғамчиси,  
Эрк учун оловга ҳам,  
Сувга ҳам тушар кўч-кўч.  
Еруғликни бир кўрган  
Қайтмас қоронғиликка,  
Эрк гаштини бир сурган  
Бўйин эгмас қуалликка.

\* \* \*

Янги шарқ элчилари  
Кетди-ку, ахир боя,  
Эгнида тўн, тик турар  
Хаёл суриб у ёлғиз:  
...Қалбингни чўқий олмас  
Қўшбош қузғун ялмоғиз,  
Йўқ, ортиқ у фалокат

Сололмас совуқ соя.  
Ортиқ хор инграмайсан,  
Ўзбекия<sup>1</sup> тупроғи,  
Бўлғайсан шарққа улғи  
Ва мангу эрк маёғи!

\* \* \*

Эй, ноёб ва қутлуғ юрт,  
Суюк, серҳикмат деҳқон,  
Менга тўн кийгиздингу,  
Ҳали ўзинг юз қуроқ.  
Жаҳонни кийинтиргунг,  
Қуллуқ дер ҳали жаҳон.  
Толғуси бахтинг туроқ,  
Ерқинроқ ва эзгуроқ.  
Эй жафокаш, уринчоқ,  
Чайир ва қора косиб,  
Мўъжизакор дастгоҳлар  
Сенга қандоқ муносиб!

\* \* \*

Надюша томоша қил;  
Шу бир тўн сўлим ва соз...  
Кўз одимга аввало  
Келур пиллачи аёл,  
Тўқувчи ва тикувчи  
Гўдак ё юз яшар чол...  
Узоқ фалсафаси бор...  
Бир ҳунарки, мисли оз...  
Бу — меҳнаткаш, чўнг халқнинг  
Менга дилдан сийлиги,

---

<sup>1</sup> Ленин таъбири.

Одам отадай қадим  
Шарққа хос сахийлиги!

\* \* \*

Биллурданми ўриши,  
Нурданмикан арқоғи,  
Ё кўкда камалакдан  
Тўрт қулоч узишганми?  
Ё хумо патларими,  
Ё қуёш ранг япоғи,  
Ё юртида илк баҳор  
Нақшини чизишганми?  
Доно элнинг сеҳргар  
Санъатидан томчи бу,  
Заҳматга иноқ дилдан  
Энг холис пайғомчи бу!

\* \* \*

Бундан сўнг сира-сира  
Ёвузга емтик бўлмас,  
Ёвларининг жонини  
Суқ ўртар тутун тахлит.  
Дилда армони қолмас,  
Камчил ё кемтик бўлмас,  
Бахти ҳам, тупроғи ҳам  
Мангу пойдор ва яхлит...  
Ғубор қолмас бу йўлда  
Бағрининг лахтасидан,  
Олам жаранглар ҳали  
Ипағу пахтасидан!

1964, декабрь, Москва.



## МЕН КЕТГАНДА...

Мен кетганда авжидайди айни куз,  
Пишиқчилик файзидайди дала-туз.  
Саҳар пайти карсилларди тўрлама,  
Бир палакдан узар эдик худди юз.  
Мен кетганда етилганди ғўза ҳам,  
Чўнг хумларда кўпирарди бўза ҳам,  
Бир косадан маст бўлишар туядек,  
Синар эди хум ҳам, не-не кўза ҳам.  
Мен Тошкентга шайлангандим тугал ой,  
Кетар куним санқиб юрдим сойма-сой.  
Кўкрагимга, қайдам, тушди қандай ўт,  
Босолмаса на муз айрон, на кўк чой.  
Бир қоп пахта терган эдим харж учун,  
Оқшом ўтиб, бўлди ахир ярим тун.  
Аравасин қўшганида амаким,  
Онам юм-юм йиғлар эди жигар хун.  
Кейин қучиб, пешанамни силади,  
Қўлин очиб, не яхшилик тилади;  
Бувим билан қолди дуо ўқишиб,  
Не аломат кун бўлур — ким билади...

Пичирларди: «Майли, мулла бўлиб қайт,  
Зора келса мен ҳам жиндак яйрар пайт.

Болагинам, кўрмай санинг доғингни,  
Белбоғингга тумор тикдим, қўшиб байт».

...Қайтдим, лекин қани ўша ғамдийдам,  
Тополмадим излаб ҳатто изин ҳам.

1965.

## АНҒИЗ

Йўл-йўлакай бепоён анғиз,  
Пода-пода кезар тувалоқ.  
Салт ғунанда ўтаман ёлғиз,  
Суқ киргудай қарайман узоқ.  
Солланишар семиз қўзидай,  
Бошоқ чақар кезиб дўнг, чўнқир.  
Туслари ҳам чўлнинг ўзидай,  
Бедана пат, жимжима, қўнғир.

Йўл-йўлакай бепоён анғиз,  
Гала-гала кезар булдуруқ.  
Қирдан ошсам, ям-яшил полиз,  
Наҳот борсам полизга қуруқ...  
Кун ботгунча бошоқ чақишар,  
Биққалиги ўшшар товуққа.  
Тўхтасам, бас чўчиб боқишар,  
Йўлатмайди сира ёвуққа.  
Биттасига човут сол, дерсиз,  
Ўлжалик бор ўранғайлиққа...  
Қўшотарим йўқ эди, эсиз,  
Не важ айтгум бугун қайлиққа?

1965.

## ҲАЛИ ҲАМ...

...Онам нон ёпади бӯғриқиб-бӯртиб,  
Дам-бадам куяди қўли енгсакда.  
Чивиқ тойчам гижинг, йўргалаб-йўртиб,  
Ҳадеб айланаман шу теваракда.

Нари кетолмайман ўчоқ бошидан,  
Югурук бўлса ҳам тойчам нечоғлиқ.  
Мазалироқ баъзан қийма ошидан,  
Ҳар гал битта патир менга атоғлиқ...

Ялпизлик, райҳонлик ё жиндак жизза,  
Сўлқилдоқ, юмалоқ, чўғдай ва қумоқ,  
Гоҳи бўлсам ҳамки кимдандир изза,  
Синиб ётса ҳатто кичик аргумоқ,

Менга ўша патир тегса бўлди, бас,  
Отланиб, овлоққа жўнайман дарров.  
Айқми ё қоплон — менга писандмас,  
Патир тўқлигида ўлжалик-да ов.

...Дилда армон қолди, умрга татир,  
Не кунлар бор экан манглайгинамда.  
Қишлоқда ёдимга тушди шу патир,  
Ҳали ҳам таъми бор танглайгинамда.

*1965, Туркистон.*

## ОВ

Мингашиб тойга,  
Е қапчиғойга,  
Еки бедана  
Қалин, соз жойга,  
Балиги пана  
Ейилма сойга —  
Кетсак-чи икков,  
Ов яхши-да, ов...

Сойда суқсур кўп,  
Қамиш кўлда ғоз,  
Тустовуқ тўп-тўп,  
Тўқай қандоқ соз.  
Қорли қапчиғай,  
Алқор эмас оз.  
Гижинг, йўрға той,  
Этайлик парвоз.  
Кетайлик икков,  
Ов яхши-да, ов...

Тоғларга ошсак,  
Дўлана, четик.  
Қирга ёндошсак,  
Йигитдай тетик

Бобо чўпонлар —  
Бўлгаймиз қўноқ,  
Тоғда ўрмонлар...  
Кезайлик ўртоқ,  
Кетайлик икков,  
Ов яхши-да ов...

*1965, Қорамурт.*

## ҚАЛДИРҒОЧ

Чексиз кўк тоқларида қалдироқ қарсиллаши...  
Қалдирғоч қайтибди-да.  
Кўклам қучоқларида кенг олам ларсиллаши...  
Қалдирғоч қайтибди-да.  
Яшил ипаклик киймиш тоғ сиртлари, не-не бўз,  
Қалдирғоч қайтгани шу.  
Камалак ястангандай ер кўркин қилар кўз-кўз,  
Қалдирғоч қайтгани шу.  
Эсга тушар гўдақлик — умримнинг кўклам чоғи,  
Қалдирғоч қўшиғидан.  
Эсга тушар шўхлигим — тўпалон сой қирғоғи,  
Қалдирғоч қўшиғидан.  
Ёшлигим диёрига шайдоман ҳануз-ҳануз...  
Қалдирғоч, қўшиққа қўш.  
Фарзандлик бурчим бор-да, эсимда эзгу нон, туз...  
Қалдирғоч, қўшиққа қўш!

1965.

## СОЙ

Лойқа сой — бўтана сой,  
Тошқин сой — пўртана сой,  
Танимадинг шекилли,  
Ҳижрон ҳам тўрт ўн йиллик...

Шошқинсан, бебошвоқсан,  
Доим ўйинқароқсан,  
Қўшиқчисан, қувноқсан,  
Ҳамиша ўшандоқсан.

Мен ҳам тўпалон эдим,  
Шўх, тинмас, бийрон эдим,  
Лойқа — бўтана эдим,  
Олов — пўртана эдим,  
Тиниқиб, тиниб келдим,  
Сени соғиниб келдим...

Танимадинг шекилли...

1965.



## ШУДРИНГ

Тонг белги берганданоқ  
Ўтиб осма кўприкдан,  
Жар кетига чопардим —  
Жар кети ўзга олам.

Тўлдириб чаноқ-чаноқ,  
Гўё сутдек кўпикдан,  
Тутгандек гойиб қўллар —  
Жилвагар кўзга олам.

Гўза япроқларида  
Кўкатларнинг баргида,  
Чечакларнинг бағрида  
Ялтирар лак-лак инжу.

Шўх сой қирғоқларида,  
Ниҳоллар куртагида,  
Сал эпкинда симобдай  
Қалтирар лак-лак инжу.

Ялтирар суйри тепа,  
Ялтирар қир узунчоқ,  
Келилар тақинчоғи,  
Ўзук кўзларими ё.

Чор атроф сабзаларда  
Жимир-жимир кўзmunчоқ,  
Бўй-бўй дилраболарнинг  
Сузук кўзларими ё?  
Йўқ, бу гирён кўзларининг  
ярқироқ замзамаси.  
Кечаси онам тагин  
инглабди-да чамаси...

1965.

## КУКЛАМ ЭЛЧИСИ

Сой қирғоғида  
Е чаманзорда,  
Кўклам чоғида  
Ажаб гашт бор-да...  
Силайди на хуш  
Чўллар ҳавоси,  
Сайраб не-не қуш —  
Севги навоси...  
Ялпиз анқийди,  
Илк кўклам ҳиди!

Ҳаммадан бурун  
Гунча очғувчи,  
Димоққа дуркун  
Атир сочғувчи —  
Дема: гул печак,  
Ўзга чечак бор.  
Чечакми — чечак,  
Кўкиш, фусункор,  
Жимжима хати,  
Гунафша оти.

Нозик ва тамтам,  
Хийла тортинчоқ,

Жимиллар бирам,  
Инжу тақинчоқ,  
Кўклам элчиси,  
Тонглаар кулгуси,  
Жаннатий иси,  
Самовий туси.  
Ешликдай сулув,  
Бинафша-да шу...

Қани, юр қирга,  
Кезайлик пича...  
Терайлик бирга,  
Кун ботгунича...  
Бинафша териб,  
Чакканга таққин,  
Тонг каби эриб,  
Кўзимга боққин.  
Сувда суралай,  
Кўзи қуралай!

Яшил оғушда —  
Қирғоқ адир, бўз,  
Қўшиқ туш-тушда,  
Наврўз-да, наврўз...  
Дамлар ғанимат,  
Қани, юр дилдор,  
Суюк ва қиммат,  
Оламда не бор —  
Ешлик каби шўх,  
Ешлик каби чўқ...

1965.

## ҚҰГИРМОЧ

Буғдой ўроғига ҳали ҳафта бор,  
Хампаларда ун йўқ, унсиз-ку кун йўқ.  
Ўроқ тушгунича кун ўтар ночор,  
Тушда мўриларда ҳатто тутун йўқ.

Ҳар тонг олис қирга кетардик тўп-тўп,  
Тоғдан эсар хушбўй ва салқин сабо,  
Тўргаю бедана ўлан айтар хўп,  
Буғдойзор чайқалар қандоқ дилрабо!

Бошоқлар чайқалар, думбулроқ лекин,  
Думбул бошоқларда ҳали сут донлар.  
Узун узилар пайт, вақт ўтар секин,  
Ўзини тутолмас бобо деҳқонлар...

Бу кез тансиқ ҳатто бир ҳовуч оқшоқ,  
Бу кез кулбаларда кўпроқ кўк шўрва.  
Ҳар ким ўз чекида узади бошоқ,  
Уйга қайтар эдик лиммо-лим тўрва...

Кейин бошоқларни уқалаб, пуфлаб,  
Онам қовуради бизга қўғирмоч,

Талашиб ер эдик пуфлаб ва суфлаб,  
Ҳорғин онажонга жилмайиб қийғоч...

Шундоқ ўтар эди қишлоқ ҳаёти,  
Ҳали ҳам оғзимда қўғирмоч тотти...

1965.

## БУЛОҚ

Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,  
Жар тагида ям-яшил ёзлоқ бор,  
Терак бўйи тик жардан ёллаб туш,  
Жайрон кўзлик, жимжима булоқ бор.  
Зап булоқ-да, чопқиллар, жилдирар,  
Қўнгироқдай ҳамиша шилдирар.  
Тиниқлиги кўк мисол, тансиқ сув,  
Қубба-қубба пилдирар, пилдирар...  
Олисларда Қоратоғ қораси,  
Қара, лекин тоғларнинг сараси.  
Тоғ салқини, тоғ ҳиди созлоқда,  
Чўпон учун олисмас ораси.  
Пода-пода мол ичар булоқдан.  
Қайрағочу тол ичар булоқдан,  
Лтай тушар созлоққа йўлчилар,  
Ҳар ким ичса — бол ичар булоқдан.  
Жар тагида сумбул бор, ялпиз бор,  
Ҳар кун тушда келгувчи бир қиз бор.  
Кўзи ҳайдаб келаман мўлжалда,  
Бир кўрмоққа шошаман, дил хумор.  
Тоғ бошида ёнғоқ кўп, олма кўп,  
Қоқиб, териб, тўрвам ҳам тўлар хўп,  
Баъзан олма тутаман туш чоғи,  
Баъзан олмас бўламан худди чўп...

Чўчигандай жайрон нақ бўрсиқдан,  
Менга қатиқ тутади тўрсиқдан.  
Зарапг коса лиммо-лим, мен бўласам,  
Кўзим ўйнар соқов, суқ, кўр суқдан...  
Қўй қатиғи қилгандай гўё маст,  
Мастлигимда мен дадил, забардаст,  
Янгратади ёзлоқни ўланам,  
Йигит ишқи олдида тоғлар паст!  
Паригинам эғнида йўл-йўл бўз,  
Айрилиқни ўйласам, дилим сўз.  
Вояга ет, паризод, бешикаст,  
Сендан нари бўлсин-да ёмон кўз!

Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,  
Чўлга туташ, ям-яшил ёзлоқ бор.  
Терак бўйи тик жардан ёнлаб туш,  
Жайрон кўзлик, жимжима булоқ бор.  
Жар тагида сумбул бор, кўк ялпиз,  
Узоқ қолдим ўйланиб мен ёлғиз.  
Кўзи ҳайдаб келардим бир маҳал,  
Қайда экан тенги йўқ ўша қиз?

*1965, Туркистон.*



## ГУДАКЛИГИМ

Гўдаклигим тутди бугун  
Қоратоғнинг этагида,  
Ҳаққим бор-да тупроғида,  
Булоғида, чечагида:  
Ҳаққим қолмиш қаймоғида,  
Қовунида, гўжасида,  
Ҳаққим қолмиш эртак мисол  
Битта пари чеҳрасида.  
Чинор тағи, ғарам орти...  
Уйнар эдик иноқ-иноқ,  
Кундузлари аргимчоғу  
Оқшомлари бекинмачоқ...  
Паризоддай ўша қизнинг  
Бир ўпичга паймони бор.  
Излаб келдим, бир ўпгачнинг  
Дунёда не армони бор!

Гўдаклигим тутди тагин  
Қоратоғнинг этагида,  
Яратганга ёлворар эл  
Қўрасида, катагида:  
«Қамишкўлнинг қамишидай  
Буғдой ётар тиралишиб,  
Тўсат дўлми, тугурчакдан

Қолмасайди қийралишиб». Жавоб бергум қариларнинг  
Қайға, деган сўроғига:  
Отланганман олис қирда  
Кузлик бугдой ўроғига.  
Мен ҳам ўргум, боғ-боғлағум,  
Ўтин тергум, ҳайдагум хўн.  
Йўл-йўлакай мен сингари  
Ғўр деҳқонлар борар тўп-тўп.  
Бирин сўзлар кўк сомсадан,  
Бирин нуқул бўғирсоқ, дер,  
Хўн бошида шу бугуноқ  
Бир қўғирмоч қўғирсак, дер.  
Бирин дейди: бувим солди  
Қўлтиғимга тоғорадан,  
Ҳали иссиқ, пиёзлик бу  
Татиб кўр-чи зоғорадан.  
Бирин бошлар дўнан пойға  
Ё тўй куни улоқдан сўз,  
Ўрим пайти шундай қувноқ,  
Гўё ҳайит ёки наврўз...  
Чиранишар уриб тўшга,  
Мақтанишар келиб жўшга,  
Тойдан тушиб йўл оламан  
Олачиққа, бизнинг қўшга.

Гўдақлигим тутди тагин  
Қоратоғнинг этағида,  
Мендай тентак кам дейсизми  
Она юртим эртағида.  
Тентаксойнинг ёқасига  
Нор туяни чўктиргайман,  
Қора қўйнинг қатигига  
Қаттиқ нонни бўктиргайман,

Еки тенгдош чўпонлардан  
Қуртми, сузма, боғлам равоч,  
Е бир кесим олқор эти,  
Жа бўлмаса ёвгон умоч,  
Е тегирмон бўйларида  
Чучмома-ю ковул, қоқи,  
Қоқи есанг, сўгон есанг,  
Ғажир есанг — умринг боқи,  
Еки думбул жуваридан  
Нондай бодроқ, қўрга кўмсақ,  
Тентаксойнинг мавжларида  
Чавоқ мисол эркин чўмсақ,  
Уч-тўрт лаққа илинтирсақ  
Ўроз бобо қармоғига,  
Шу хўрак ҳам жуда тансиқ  
Соғинганнинг томоғига.  
Опа юртнинг ҳатто суви  
Не сирқовга даво, дерлар,  
Оқар сувдан отдай гижинг  
Соғайганмиш не-не эрлар.

Гўдаклигим тутди тагин  
Қоратоғнинг этагида,  
Мен пойгага жўнай бугун  
Амакимнинг этагида,  
Катталардай син айтгайман —  
Ким тулпорн ўзиб келур,  
Бир кунлик йўл, бир қиёмда  
Гўё балиқ юзиб келур...  
«Балли жонивор,— дер амаким,—  
Соврунинг ҳам бир қўра мол,  
Қўра молдан бирига ҳам  
Эга бўлмас отбоқар чол».  
Отбоқар чол олмаса ҳам

Тулпор учун хушвақт жуда,  
Совутгани, ем ва суви  
Кетмабди-да бўш-беҳуда.

Гўдаклигим тутди бугун  
Қоратоғнинг этагида,  
Ҳаққим бор-да, ахир, ҳаққим —  
Тупроғида, чечагида,  
Қўшиғида, навосида  
Онам бедор айтган алла,  
Сайроқ қушлар гавғосида  
Ошиқона бўйдоқ ялла,  
Қулоғимда ҳали-ҳали  
Мунглуғ ўлан, мунглуғ ёр-ёр,  
Шу тупроқда менга висол  
Ваъда қилмиш бир қиз ҳам бор...  
Бир қиз ҳануз қизлигида  
Турармиди, телба кўнглим,  
Ҳа, сенмисан, келдингми, деб  
Сўрармиди, телба кўнглим?  
Гўдаклигим тутди бугун...  
Боболар зап ҳикмат демиш:  
Қарилик ҳам, гап тўғриси,  
Гўдакликнинг ўзи эмиш...

*1965, Туркистон.*

## ЕПИҒЛИҚ НОН

Қатор дўнгми, дейсиз, ё қатор ўтов,  
Баъзиси бақалоқ, ўзгаси чўққи,  
Бостирмами булар эшиксиз, бутов,  
Ёки чинорларми — тарвақай, дуққи?

Эпкинда мавж янглиғ жимирлар дала,  
Улан ҳиди тигиз, ҳозир авжи ёз...  
Бўрон турса тўсат ёки дўл, жала,  
Ё ёмғирдан кейин тойғоқ ё аёз,  
Қисқаси — қиш келса, босса қалин қор,  
Асқотар ўша пайт шу қатор ғарам,  
Қатор ғарамларда ғалати сир бор:  
Ғарамлик — офатга бўлмайди қарам...

Чорвадор ўроқчи ўрган хирмон бу,  
Қўра-қўра молга ёпиғлиқ нон бу...

1965.

## ЧУПОН

Сой вағиллаб оқар, жимжит, ёруғ тун,  
Ўтлоқ ўртасида ёлғиз олачиқ,  
Тўрт томон елига кўкраги очиқ.  
Эшакдай теват ҳам ётибди беун.  
Олисда увларми бўри ё бойқуш,  
Майли, чўнтагида шай турар гугурт,  
Гугуртлик чўпоннинг юраги бургут,  
Майли, -ўраб келсин, бўлмайди нохуш.  
Олов ялиғида ўтирар чўпон,  
Бунда тун ҳар қалай изгириқ, салқин,  
Салқин балосини даф этар ёлқин,  
Уйқуда ўтари — тугал, безиён...  
Қайнар қора қумғон, қайнар шўрваси,  
Тагида пўстагу ёнида чўқмор,  
Белида ханжар бор, чақчада нос бор,  
Пишлоқ, қурт, қатлама тўлиқ тўрваси...  
Қозикда осиглиқ митти аппарат,  
Бураворса борми, куйлар кенг дунё,  
Куйлар, кенг дунёдан сўйлар кенг дунё,  
Баъзан яққалиқдан безор дил фақат...  
Тўнғичи олис юрт чегарасида,  
Чўпонликка мойил эмас кенжа ҳам,  
Чўпон меҳри битта неварарада жам,  
Бутун умид ўша неварасида.

Келиб-кетиб турар, остнда хўтик,  
Ўша ташлаб кетар носми ё кулча,  
Саҳрога мойилроқ ўша ўғилча,  
Байтари нлмига ҳозирдан етук.  
Олов яллиғида ўтирар чўпон,  
Оламни айланиб, хаёл изғийди,  
Тонггача юз йўла мудраб, мизғийди,  
Уйқуда ўтари — тугал, буг, омон.

1965.

## ШУМҒИЯ

Тиззадан тупроқ чопиб,  
Тиззадан жўяк олиб,  
Бобом қовун экканди,  
Жаннатдек бўлди полиз.  
Ҳар палак худ қирқтадан  
Гулу тугунак солиб,  
Саратон яллиғида  
Сув сўрар эди ёлғиз...  
Бобо деҳқон-да бобом,  
Уч гал сув берди, холос,  
Чопиғи тўрт бўлувди,  
Уздик ҳатто хандалак.  
Бобом бир кун полизда  
Кўтарди айюҳаннос:  
«Шумғия!» деб шум кўкат  
Юларди, жони халак.  
Юлган билан бўлмади,  
Юлган билан бўлмади...  
Яшил полизимизда  
Қурий бошлади палак,  
Уйқусиз ўтар тунлар,  
Сал қолдики ўлмади.  
Арвоҳ сингари ориқ,  
Боши ҳам сарак-сарак...



Бутун умид шундайди,  
Йиллик ризқу рўзи-да,  
Саҳарлар қарсиллаши,  
Шинни-ю қовун қоқи.  
Бир алам ёнар эди  
Бобогинам кўзида,  
Сўкиб қўярди тажанг:  
«Ҳа, сени манжалақи!»  
Битта пайдо бўлса, бас,  
Кетар экан кучуклаб,  
Бобом оҳ уриб, дейди:  
«Тегди ўхшар ёмон кўз!»  
Қирқи чиққан оғриқдай  
Авайлаб ва учуқлаб,  
Тополмади ҳеч илож,  
Ранги ҳар кун бўздан-бўз.  
Илдизидан қўпориб,  
Ўт қўйди ахир бобом,  
Полизга шундан кейин  
Зўрға кирган эди жон.  
Ҳар гал бир эслаб дейман:  
— Чучвара санаманг хом,  
Шумгияга ўт қўйинг,  
Улатдан баттар ёмон...

*1965, Самарқанд.*

## ГУЛТОЖ

Мен гул терардим,  
Сенга берардим.  
Тўлиб қучоғинг,  
Ёниб ёноғинг,  
Саралаб, сайлаб,  
Секин, авайлаб,  
Тўқирдинг гултож,  
Тўқирдинг гултож...  
Шодлигинг болқиб,  
Дам-бадам чалқиб,  
Кейин дўндириб,  
Бошга қўндириб,  
Эй лаби писта,  
Дердинг оҳиста:  
«Эсдами эртақ?  
Ухшасам қиттак  
Уша бекага,  
Уша эркага,  
Қолмасди армон...»  
Дердим: «Эркажон,  
Гултож бошингга,  
Попук қошингга  
Ярашмиш бирам!  
Уксима ҳеч ҳам,

Уша эртақдан,  
Уша малақдан  
Сен сулувроқсан,  
Сен улугроқсан.  
Наинки эрка,  
Наинки бека,  
Сен якто қизсан,  
Якто нимаси —  
Сен пошшо қизсан,  
Пошшо нимаси —  
Сен ўзинг гултож,  
Сен ўзинг гултож...»

1965.

## ҚУЧОҚ

Узоқ йўлчиликдан келмовдим қайтиб,  
Е дур тўкилмовди қўйнимдан,  
Эшикдан кирмовдим ё қўшиқ айтиб,  
Лекин тўсат қучдинг бўйнимдан.

Бағрингда бир нафас қировлик бошим,  
Сочларинг исидан дарҳол бўлдим маст.  
Бўғмоқ истар мени дув-дув кўз ёшим,  
Тоғдай зил мунг мавжи шу зум бўлар паст...

Билакларинг ўти, қалбинг ёлқини,  
Гулдек андомингда титроқ бир садо,  
Сузгун кўзлардаги соғинч чақини  
Мени биратўла қилганди адо...

Хаёлимга тушди сўлим Самарқанд,  
Эсрик йигитлигим. Ғўр эдим у чоқ.  
Нечоғлиқ жаннатий, сеҳргар начанд,  
Қадрини билмайин кетганим қучоқ...

Кейин олисларда қўмсадим не вақт,  
Ҳолвадай ҳеч маҳал кетмасди тоти.  
Бадбахт йилларим, ҳей, тиздан дил карахт,  
Эй алдоқчи ишқнинг сармаст новвоти...

Узоқ йўлчиликдан келмовдим қайтиб,  
Инжу тўкилмовди қўйнимдан,  
Эшикдан кирмовдим ё қўшиқ айтиб,  
Лекин тўсат қучдинг бўйнимдан.

Мени олиб бориб-олиб келди дам,  
Самоларга учдим қанотсиз.  
Дилором, жаннатий, ёқимтой бирам,  
Эй сеҳргар дамлар, несиз, ҳайҳот, сиз?

Мен ўларман, лекин шу қучоқ шавқи,  
Олов қучоқ тоти ўйимдан кетмас.  
Минг йилга етгуси нашъаси, завқи,  
Минг йил ўтса ҳамки куйимдан кетмас.

Тупроққа кўмишар, ухлагайман жим,  
Лекин хаёл сен-ла ўша ерда ҳам,  
Эсга тушганингда ҳар гал, бекачим,  
Ағдарилиб тушгум — хушвақт, хотиржам.

Ағдарилиб тушгум кулимсиб тушда,  
Гўё ҳамон ўша оташ оғушда...

1965.

## КЕЛМАГИН...

*Қўшиқ*

Кел дедим — келмадинг ҳеч,  
Жойингдан жилмадинг ҳеч.  
Соғиндим, сомон бўлдим,  
Кўнглимни билмадинг ҳеч,  
Келма, келмагин, майли,  
Йўлда елмагин, майли,  
Кутмайман эрта-ю кеч,  
Жиндак жилмагин, майли,  
Сўнмиш ишқи, демагин,  
Хом хаёлда кулмагин,  
Ишқим батгарроқ ҳозир,  
Майли, бетинч бўлмагин.  
Зап қутулдим, демагин,  
Шубҳага йўл бермагин,  
Етиб бораман ўзим,  
Келма, асли келмагин.  
Етиб бормасам бўлмас,  
Сени кўрмасам бўлмас,  
Дил хушлаб, қўлинг ушлаб,  
Даврон сурмасам бўлмас.

1965.

## ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Кўзимни мурғакликдан очмасайдинг жаҳонга,  
Бурролик бермасайдинг,  
Суқланиш қасқдайди кечалар қаҳқашонга...  
Шайдолик бермасайдинг:  
Қайдан кўрардим ахир ҳаёт уйғонишини  
Ёруғлик қучоғида?  
Кўкатлар, чечакларнинг хушбахт тўлғанишини  
Кўклам қалдириғида.  
Самолар учинини қайдан кўрардим очиқ,  
Сенсиз, қуёш талъатим,  
Эй, ҳаётим илинжи, эй, ҳаётга ярашиқ,  
Эй, сен гўзал санъатим!

Зеҳнимни гўдакликдан тутмасайдинг висонга,  
Оловга солмасайдинг;  
Қайдан тушунар эдим жумбоқдай юз лисонга...  
Юз довга солмасайдинг:  
Қайдан пайқардим, ахир кинот пичирини  
Сония титроғида,  
Заррада зарраларнинг сира ўлмас сирини  
Қўр қуёш ўчоғида.  
Юлдузлар кўчишини қайдан сезардим очиқ.  
Сенсиз, қуёш талъатим,  
Эй, ҳаётим илинжи, эй, умримга ярашиқ,  
Эй, сен гўзал санъатим!

1965.

## ЧИГИТ

Ховлимга ташловдим чигит, ўн дона,  
Пахтакор меҳнатин тагин синай деб,  
Езганим бўлмасин бетуз афсона,  
Тер тўкиб, ўзимни андак қийнай деб.  
Теримга борганман, терганман талай,  
Терим шаҳарликка гўё куз тўйи.  
Теримгача меҳнат чексиз, ҳар қалай,  
Пахтакор тер тўкар ахир йил бўйи...  
Мен ҳам ер ағдариб, сепдим сал ўғит,  
Кўкариб, қўшяпроқ бўлди, ўн дона,  
Ҳар кун ўз-ўзимга қилардим ўғит,  
Ғўзага деҳқондай бўл деб, парвона,  
Тўғри, гулзор ҳам бор, мева дарахт ҳам,  
Барини чопаман, қўймайман сувсиз,  
Ўн ғўза бўй чўзар ҳовлимда кўркам,  
Кўрган қўшиллар ҳам ўтмас кулгусиз.  
Тўрт марта суғордим, чопдим, чилпидим,  
Қўйинг-чи, соғ-омон еткиздим кузга.  
Деҳқондай мағрурман, деҳқондай дидим,  
Ҳар тупида чаноқ — андак кам юзга.  
Уч гал териб олдим, бўлди уч қучоқ...  
Шундан сўнг ўйладим, дўппимни қўйиб,  
Ўн тупдан уч қучоқ — гектардан қандоқ.  
Меҳнатни ўлчадим, рақамга йўйиб.



Ўн тупдан ўн кўйлак бўлса, хонаки,  
Гектардан тўрт элат кийинаркан-да,  
Ҳазилакам деманг, ёки хонаки,  
Каттакон давлат-ку суюк Ватанда!  
Кончи заҳматидан сира эмас кам,  
(Шоир, шеър айтолгин бобо деҳқондек!)  
Бор бўл, заҳматқашим пахтакор ўлкам,  
Оқ пахтам, обрўйим: қутлуғсан нондек!

1965.

## ТОҒДАЙ ТАЯНЧИМ ҲАМ...

Юз қатла ардоқлайман,  
Улуғим ва ардоқлим,  
Йўлбошчим ва етакчим —  
Коммунистик партиям.  
Йўллар танобин тортмиш  
Девкор, қўли қадоқлим,  
Яратгучим, эмгакчим —  
Ленинчи гвардиям!

Тоғдай таянчим ҳам сен,  
Кундай қувончим ҳам сен,  
Эзгу ишончим ҳам сен —  
Ёрқин, азиз, бебаҳо!  
Ҳикмату кимёдай,  
Мангу меҳригиёдай,  
Тонгда тошқин зиёдай,  
Барҳақ, билағон, даҳо!

Минг йиллар жумбоғини  
Рўйирост ечмиш ёрти аср...  
Қани чигирик, омон,  
Жувозу қора чироқ?  
Чўққилар ошганимиз  
На мўъжиза ва на сир,

Уша босириқ тушлар  
Туш янглиғ бугун йироқ!

Осонмас, оғир бўлди,  
Тош чайнагандай оғир,  
Халқим деб кечди жондан  
Не фидокор, жонбозлар.  
«Ушандоқ партия бор!»—  
Дегунча Ленин охир,  
Неча жанг, неча қурбон,  
Неча ёз ва аёзлар...

Юрт ёлчийман деганда,  
Бало тушарди бошга.  
Шубҳа қовурар эди  
Баъзиларни мисли ўрт.  
Наҳотки бахт кўзгуси  
Урилса бехос тошга,  
Наҳот эрк ҳам ўткинчи,  
Наҳот негизлар ҳам мўрт!..

Наҳот олса ёқадан  
Ёв гўё бевақт ажал.  
Чанг солса қора бўжи,  
Ёки малла алвасти.  
Йил касб этган мазмун-ку  
Худди салмоқдор мучал,  
Тағин ёруғ умидлар  
Бўлурми оёқ ости!

Йўқ! Шубҳага ўрин йўқ,  
Сен борсан, қалби чўгли,  
Сен борсан, оздиrolмас  
Ҳар қандоқ иблис панди.

Бари сенинг ироданг,  
Партиям, ота ўғли,  
Чинакам халқ фарзанди,  
Ҳақгўй, аср донишманди!

Ишонч тўлиқ: ёрқинроқ  
Ярқирар бахт бундан ҳам.  
Юрт бўлур тагин кўркам,  
Тенги кам, сўлим, суюк.  
Уринчоқ, қодир экан  
Юртда меҳнаткаш одам,  
Режалар шундоқ содда,  
Тиниқ, ҳаётний, буюк!

Меҳнатчи ўгда куймас,  
Сувда оқмас, бу аниқ...  
Не хазина ётипти  
Биз деб тупроқ тагида.  
Алп элимга муносиб  
Рақам бу, олам қониқ,  
Бари ҳақ, дарё ётар  
Жажжи сувлоқ тагида.

«Уйида йўқ гўжалик,  
Кўнгли тилар хўжалик...»  
Мазахлашарди шундоқ,  
Гала аблаҳ бир маҳал.  
Ҳа, ўзимиз хўжайин,  
Даври даврон режалик,  
Режалик ва донғил йўл,  
Мушкулот режада ҳал!

Дилда яратмоқ ишқи:  
Чўл бўлур пахтага кон,

Яралур не кошона,  
Не янги сой, янги йўл.  
Бўзларда, адирларда  
Пишар чарос ва оқ дон,  
Олтин ҳам, тўрлама ҳам,  
Йилдан-йилга тўкин мўл.  
Байроқларим, саркорим,  
Бошлайвер доим олға,  
Ғурурим ва шарафим  
Ленинчи гвардиям!  
Азмингга, парвозингга  
Коммунизм қўналға,  
Йўлбошчим, пўлат сафим,  
Коммунистик партиям!

*1966, февраль.*

## ОҚИШ...

Сой оқади вағиллаб,  
Жўш уриб ҳам жағиллаб.  
Сой бўйлаб борар биров,  
Кўксида гўё олов.  
Бош қуйи, ўтади йўл,  
Ёқаси ҳам бутун ҳўл,  
Нафаси тиқилгудай,  
Товонда йиқилгудай...

Сой не ваядан вағиллар,  
Не пайқаб у жағиллар?  
Ким бу тинмағур киши,  
Дил ўртар, не қилмиши?  
Севганидан айрилмиш,  
Қанотидан қайрилмиш —  
Йигитмиди ё кекса,  
Наҳот шунча ғам чекса?

Ким бўлса ҳам дили хун,  
Гуссага ботмиш бугун.  
Бугун ўласи изза,  
Дир-дир қалтирар тизза...

Сой-чи, ҳамон вағиллар,  
Жўш урар ҳам жағиллар,  
Оқар, оқар у ҳамон,  
Оқар замин у замон...

1966.

## САЛҚИН САҲАР, ДАРЁ БҮЙИ...

Салқин саҳар, дарё бӯйи,  
Жимжит дунё эсингдами?  
Табиатнинг сўлим тўйи,  
Тонгги рӯё эсингдами?  
Овлоқ, хушбӯй жийда таги,  
Пичир-пичир қалин барги,  
Севгимизнинг шўх эртаги,  
Сеҳрий савдо эсингдами?  
Сулувлигинг сеҳрдан соз,  
Сеҳрдан соз сен сарвиноз,  
Юз эсласам, бари бир оз,  
Меҳру вафо эсингдами?  
Муҳаббатнинг оовлиги,  
Оловдек беаёвлиги,  
Ҳамишалик лов-ловлиги,  
Кўзи шаҳло, эсингдами?  
Оқ булут ҳам оқар секин,  
Кўрса агар нима деркин?  
Бекин! Йўғ-э, тин ол эркин...  
Салқин сабо эсингдами?  
Ёришмоқда олис чек ҳам,  
Тонг фусункор, сулув бирам,  
Ғазал янглиғ жарангдор дам,  
Янгроқ ҳаво эсингдами?



Бошланур тўрғайлар куйи,  
Табиатнинг тонгги тўйи,  
Уша висол, дарё бўйи,  
Ёруғ рўё эсингдами?

1966.

## СОЗ

Кел созингни жаранглат,  
Ҳа, жаранглат, эй санам,  
Ениқ кўнглингни англа,  
Жўр бўлай аста мен ҳам.  
Чал тўлғона-тўлғона,  
Соз сеҳрига чулғона.  
Тинглайчи ёна-ёна,  
Ташнадай қона-қона.  
Чалгин, садаганг кетай,  
Кўнглимни тагин яйрат.  
Чал, сенга газал битай,  
Қуш янглиғ мени сайрат..  
Чал, бу савти садода,  
Билсанг, қандоқ савдо бор.  
Қанот қоқар самода —  
Дил мавжинг, ишқинг ошкор.  
Само ҳам тинглайди соз,  
Куй булутга урар тўш.  
Алжига ол, дилнавоз,  
Тагин тош, ҳа, тагин жўш!  
Қандоғам санъатинг бор,  
Олам файзиёб бўлур.  
Эшитганга илҳом ёр,  
Сел бўлур, симоб бўлур.

Чал, азизим-аяшим,  
Мен ҳам илҳом қучайин.  
Дида қолмайин гашим,  
Юксакларда учайин.  
Чал, чалур чоғинг шу чоқ,  
Чала қолмасин наво.  
Чал, наво бўлмасин тоқ,  
Чал, чолғунг дидага даво.

\* \* \*

Садаф созингни янгат,  
Чал-жаранглат, эй санам.  
Ёниқ кўнглингни ангат,  
Жўр бўлай аста мен ҳам.

1966.

## ҲАР КУН

...Шу муҳташам эшикдан ўтмиш талай у маҳал,  
Шу йўлакда юрмиш у гоҳ у ён, гоҳи бу ён;  
Мана шу ошқултоқда изи қолмиш неча гал,  
Шу саҳнадан қўзғамиш олам қалбида туғён.  
Ҳар кун келасан, дема! Ҳайрон бўлма, мўйсафид,  
Бу жойларда неки бор — тўкис ундан эсдалик.  
Манави гулзорда ҳам доҳиймиздан анқир ҳид,  
Барида мангу бир кўрк — ўша кундан эсдалик.  
Нечоғли али шаҳар бу — эгуларнинг эзгуси,  
Бундоғин топарсанми ахтариб диёр-диёр!  
Эй инқилоб бешиги, эй ғаддор жанг кўзгуси,  
Нева соҳиллари, эй, жозибали, улуғвор...  
Ҳар кун келасан, дема! Ҳайрон бўлма, мўйсафид,  
Бу чинор, бу хиёбон — тўкис ундан эсдалик.  
Уртоқлар мозорида ётибди не-не шаҳид,  
Барида мангу бир кўрк — ўша кундан эсдалик.  
Агар менинг шаҳримдан ёки кўчамдан Ленин  
Бирор марта ўтсайди, биласизми, нетардим,—  
Улай, ҳар кун ардоқлаб, тавоф қилардим секин,  
Ҳар кун кўзга суртардим...  
Ҳар кун кўзга суртардим...

*Июль, 1966, Ленинград.*

## ЕМҒИРЛИК

Оқсарой эшигида —  
(Инқилоб бешиги-да!)  
Ленин тик турар эди, ўраганди оломон.  
Ёмғир ёғарди сим-сим,  
Ёғар жим ва бетиним,  
Бетиним келар одам эзгу Оқсарой томон.  
Тўп кетидан тўп келар,  
Келганда ҳам кўп келар,  
Олисдан ва яқиндан, дунёнинг минг йўлидан,  
Дехлидан, Қандаҳордан,  
Қаҳратондан, баҳордан,  
Арабдан ва Ажамдан, олис Онатўлидан,  
Уммонлар кетидаги,  
Дунёнинг четидаги  
Номсиз не ороллардан, не дарёлар бўйидан...  
Тўп кетидан тўп келар,  
Келганда ҳам кўп келар —  
Чангалзордан, саҳродан, юқоридан, қуйидан...  
Ёмғир ёғарди сим-сим,  
Қўлда шапкаси ғижим,  
Ленин бош очиқ турар Оқсарой эшигида,  
Бари қолгудай ёдда,  
Сабоқдай жўну содда,  
Қуюқ бир суҳбат қураб инқилоб бешигида.

Ховли кўлмак-кўлмак сув, тошганди ариқча ҳам,  
Оқар эди пилдираб.  
Оқар эди жилдираб,  
Ленин жўшиб сўйларди шак қўймай тариқча ҳам,  
Тинглар эди оломон: ёш борди, қари борди,  
Қадоқ кўл ишчи ҳам бор,  
Оқсоқол қўшчи ҳам бор,  
Меҳнаткаш шу оламнинг, айтайлик, бари борди.  
Улимлардан соғ қолмиш кўлсиз, чандиқ аскар ҳам,  
Лениннинг ўз сафдоши,  
Еки чўнг аскарбоши,  
Қизил бўйинбоқ тақмиш Ойтуғмиш ҳам, Асқар ҳам.  
Тинглар эди оломон Лениндан кўз узмайин,  
Емғир ёғарди сим-сим,  
Ёғарди билмай тиним,  
Олам тинглар муҳташам сукунатни бузмайин.

Кўзлар ўнгидан ўтар қалдироқли ўша тонг,  
Уша қиш, ўша аёз,  
Қалдироққа жўр овоз,  
Оқсарой минбаридан Ленин урган ўша бонг:  
«Кўзғолон кечикса гар,  
Улим билан баробар!»  
Кўзғолон кечиккан йўқ, келганди айни фурсат.  
Қон бериб, қурбон бериб,  
Ҳар қадамда жон бериб,  
Қишлик сарой ҳам қўлда... Янграр садо қатма-қат:  
«Октябрь инқилоби, Октябрь инқилоби,  
Дунё тарихининг сен янги давр — янги боби!»  
Емғир ёғар, ҳовлида тошганди ариқча ҳам,  
Оқар эди пилдираб,  
Оқар эди жилдираб,  
Ленин жўшиб сўйларди шак қўймай тариқча ҳам.

Қалтис пайт, икки дунё келиб қолди бетма-бет,  
Юрагининг довлиги,  
Танти, беаёвлиги,  
Ленин чекарди имзо кетма-кет янги декрет.  
Диктатура — ишчига,  
Ер-сув борки — қўшчига!  
Янги дунё эгаси — қўли қадоқ меҳнаткаш,  
Корхона, жами бойлик,  
Чексиз юрт, ўрмон, сойлик —  
Тер тўкканлар эркида! Жар солинг: «Яраш-яраш!»  
Мана шундоқ бошланди қалдироқли ўша тонг.  
Оламга ардоқ ҳозир,  
Ўзига ўзи нозир,  
Асрларга кетгуси тумтароқли ўша бонг...  
Ёмғир ёғарди сим-сим,  
Ёғар эди бетиним.  
Оломон ўртасидан оҳишта чиқиб биров,  
Ленинга тўғри юрди.  
Бир нафас хаёл сурди,  
Эғнида ёмғирликни ечганди шу пайт дарров,  
Ленин кифтига ёпиб,  
Деди зўрға сўз топиб:  
«Тумовлайсиз-ку, Ильич, қани кийиб олдинг-чи!  
Йўқ демай, пайсалламай, елкангизга солинг-чи!»  
Билмадим, не келганди оқсоқол хаёлига,  
Матросмиди ё аскар,  
Дехқонми ё чилангар,  
Барча кўзлардан олқинш ёғар асрим чолига...  
Эндратчилар секин юрт-юртига йўл олди,  
Уша чол ёмғирлиги Ленин эғнида қолди.  
Ёмғир ёғарди сим-сим,  
Ёғар жим ва бетиним...

1966, июль, Ленинград, Смольний.

## ТАРОНА

### I

Чўлда сарсон,  
Чарчоқ, ҳайрон,  
Томчи сувга зор карвон янглиғ,  
Кўзида ёш,  
Дилида тош,  
Занжирбанд ё паҳлавон янглиғ,  
Мапглай тери,  
Ота ери —  
Зўравонга фақат ем бўлмиш,  
Меҳнати — бол,  
Маъжун мисол  
Келмишакка фақат эм бўлмиш,  
Боғдан жудо,  
Тоғдан жудо,  
Эрки боғлиқ ким эди, хўш, ким?  
Исёнга шай,  
Суронга шай,  
Бағри доғлиқ ким эди, хўш ким?  
— Менинг шўрлик ва нолон халқим!



## II

...Инқилоб, бу,  
Оламтоб бу,  
Кенг жаҳонга татир ёллуғи.  
Эрк бу, бахт бу,  
Тенгсиз вақт бу,  
Зор инсонга татир ёруғи!  
Еллуғ олиб,  
Ёруғ олиб,  
Йўлга тушган, йўлидан қайтмас,  
Шўх тарона,  
Соз замона,  
Бахт куйидан ўзга куй айтмас,  
Ўлкаси боғ,  
Пахтаси тоғ,  
Ленинчи, мард, соҳиб даврон ким?  
Ҳам давлатли,  
Ҳам шавкатли,  
Тенг, учағон, девкор инсон ким?  
— Менинг бахти беармон халқим!

*7 ноябрь, 1966.*

## АЛЕР

Косагул, қани, тўлдир  
Янги йил бодасидан,  
Сипқарайлик бу гал ҳам  
Йил боши шарафига,  
Қўшиқчи, қани куйла  
Севинч ифодасидан,  
Эллик мучалга татир  
Бахт ёши шарафига,  
Эллик мучал — эллик йил —  
Исчоғлиқ чўнг, улуғвор...  
Илк коса Тошкентимнинг  
Бардоши шарафига,  
Илк коса, жўражонлар,  
Уша уста бинокор,  
Юртимнинг юз бир дўсти —  
Қардоши шарафига!

Ярқирайвер, аёвлим,  
Қуёшли жумҳурият,  
Писандмас кўчкин, бало,  
На зилзила, на вабо.  
Пахтакор юрт дилида  
Бу йил ҳам эзгу ният,  
Тўрт миллиондай рақамга

Жон бермиш ўзбек бобо,  
Жарангла, ҳей, лиммо-лим  
Шўх давра косалари,  
Фазогир қўлларида  
Олис ойнинг сурати.  
Шарқда кўкламдай кезса  
Баҳор раққосалари,  
Бу тинчлик қасидаси,  
Бу замон зарурати...

Бу замон зарурати —  
Оламнинг кўзи очиқ,  
Чиранма чиркин дунё,  
Чиранма чиркин дунё!  
Эрка зор кўҳна олам —  
Ғариб чайла, олачиқ,  
Эй, сен, зулмат ўрдаси,  
Сурбет, булғанчиқ, риё...  
Жаҳонга титроқ солур  
Ҳақ-ҳақиқат товуши,  
Тунов кун Ленин билан  
Отатурк гурунгида.  
Наҳот сенда тирилса  
Бақироқ фашист товуши,  
Гўдаклар ноласида,  
Онажонлар мунгида,  
Океан кетида пускан  
Жаллод, сенга қарғиш бор,  
Жазавангдан жазиллар  
Жездек тоқат, тошдек сабр.  
Наҳот Вьетнам юртида  
Ҳануз кўкка учса зор,  
Ём-ёмлардан юз баттар  
Жаҳон жонига бу жабр.

Эй муҳит қирғоғида  
Қаққайган қоя мисол  
Сохта эрк обидаси,  
Йиқил, тезроқ йиқил, ҳей!  
Номусинг пучак ҳозир,  
Сен бир мужассам завол,  
Сен бу кун фақат соя,  
Тезроқ гўрга тиқил, ҳей!

Кўпиртириб коса тут  
Янги йил шаробидан,  
Ноҳақлик абжақ охир  
Бу дунёда, соқийё.  
Дўстларим, сипқарайлик  
Ўзбек майи нобидан,  
Севгилим розимасман  
Қарамасанг то қийё...  
Арчанинг яшиллиги,  
Гўдаклар қаҳқаҳаси,  
Дахлсиз она тупроқ —  
Чегарачилар учун,  
Биз бор бўлсак, йўқ бўлур  
Ёвузлик дағдағаси,  
Ота-ю она, сингил,  
Жон эгачилар учун,  
Машинасоз, кимёгар,  
Довюракли дорбозлар,  
Жафокаш шу оламда  
Эрк жангчилари учун,  
Уша ўктам фазокор,  
Уша семурғ парвозлар,  
Эрк шайдоси Африқо  
Барзангилари учун,

Қани, ҳа, сипқарайлик,  
Юртдошлар — замондошлар,  
Йўқ бўлсин уввос-чуввос,  
Қўшиқ ва соз бор бўлсин,  
Йил боши базмига кўрк  
Қора қошлар, жондошлар,  
Алёр, ҳо, алёр бўлсин!

*1 январь, 1967.*

## МИХАИЛ ИВАНОВИЧ КАЛИНИН

Бош яланг турибсан-ку, чулгамиш хаёл,  
Балки қутлуғ шаҳримга ҳурматингдандир.  
Манглай тери наҳримга ҳурматингдандир,  
Эй сен, кўп оқсоқолга улуг оқсоқол...

Жумҳурият бешиги бошида эдинг —  
Энг синоқли, хатарнок ану паллада.  
Коммунистлар намозгўй<sup>1</sup>, ихчам саллада,  
Ўша илк йўловчилар қошида эдинг.

Бу юрт кўп оёқ ости бўлди, хор бўлди,  
Қожорлардан қутулмай, келур жўжилар,  
Жуңғорлар даф бўлмайин, келур бўжилар,  
Келгиндига кенг-мўлу бизга тор бўлди.

«Ана, оқпошшо!» — деса ноғиҳон кампир,  
Йигидан тинар эди гўдак ўша зум.  
Не-не кўрағон кўзга тўлар эди қум,  
Ҳаёт ёвуз ва аччиқ, гўё қалампир.

Томошабоғ эшиги — осифлиқ лавҳа:  
«Солдатлар, сартлар, итлар учун қатоғон!»

---

<sup>1</sup> Инқилобнинг биринчи йилларида намозгўй коммунистлар ҳам бўлганлигига ишора.

Киндик қони тўкилган юртда ломакон,  
Дилда — портлашга тайёр бўғиқ дод, навҳа.

Ишқилоб наърасидан Шарқ ҳам уйғониб,  
Куч олди, дармон олди Ленин сўзидан,  
Не дармон, қудрат олди унинг ўзидан.  
Эрк ва тенглик ишқида юраги ёниб.

Меҳнаткаш Шарққа келдинг олис элингдан,  
Меҳнаткашга сирдош, дўст, чин маслаҳатгўй,  
Не дўст, қилоғуз<sup>1</sup> эдинг, бирга қурдинг ўй,  
Доно элчи эдинг сен устоз Лениндан.

Не элчи, сен Лениннинг ўнг қўли эдинг,  
Сардорлар сирасида синовлик сардор,  
Гирдобларда чўкмаган мард яловбардор,  
Партиянинг нақ нордай чўнг ўғли эдинг.

Эй большевик аллома, ҳақ сўз, донишманд,  
Шаҳрим тўрида ҳамон турасан тикка,  
Кўз солгандай ҳар кўча, ҳар бир эшикка,  
Михаил Иванович, азиз жигарбанд.

Юртимга жигарбандсан, номинг ҳам баланд,  
Гўёки ҳамишалик ўлмас етакчи,  
Гўёки мушкулларда дарҳол кўмакчи,  
Юксак минбарда ўйнинг ўзбекларга банд.

Михаил Иванович, гувоҳсан бахтга,  
Шаҳрим, далам, чўлларим — кўзлар қувончи,

---

<sup>1</sup> Қилоғуз — йўл кўрсатувчи.

Не қувонч, олис Шарқнинг толе таянчи,  
Михаил Иванович, кўрксан пойтахтга...

Сенга эгилиб ўтар она ҳам, гўдак ҳам, чол,  
Сенга эгилиб кўяр ҳар гоҳ бир Охунбобо,  
Михаил Иванович, сочингни силар сабо,  
Марҳабо, ҳамон ўзинг чўнглاردан чўнг оқсоқол

1967.



## НАВОИЙ КҶЧАСИДА

Қулоқ сол бу кўча саргузаштига:  
Хирот қалъасидан бошланур боши,  
У ёғи уланур Ироқ даштига,  
Беш аср ёши.  
Қулоқ сол бу кўча саргузаштига:  
Кўприксиз бир ҳатлаб Жайхун белидан,  
Қовжироқ қумларнинг боқмай шаштига,  
Марви шоҳижаҳон — туркман элидан,  
Бир қўниб, илгари қарай чопар тез.  
Чўллардан айланиб, сувсоқ ва ҳорғин,  
Тепалар, чўнқирлар келур йўлда кез,  
Элатлар дуч келур — барлос ё оргин,  
Тўғри Самарқандга солар кўча йўл.  
Кейин ўтиб Темур дарвозасидан,  
Яна қум, яна туз, яна ўзан мўл,  
Жаҳон ҳайрон бўлиб овозасидан,  
Ёйилиб ётибди яшил Мирзачўл.  
Тўғри кесиб ўтар чўлдан бу кўча,  
Боғу роғ, ё денгиз, ё қўлбола кўл.  
Ёнлатиб ўтади кўлдан бу кўча...  
Тошкент қучоғида ястанур охир,  
Бир ёнида ўша ойнаи жаҳон,  
Кунма-кун кўркига кўрк қўшиб ҳозир,  
Ярқирар, кўчалар ичида жонон...

Бир ёнида янги Санъат Сароёи,  
Шу кўчада гўё чўнг фан, илм кучи,  
Бир ён қизил майдон — салтанат жойи,  
Ленин кўчасига туташар учи...

Кечалар бесаноқ кўкимтир юлдуз,  
Чўнг пойтахт кўксида балқиб кўринур,  
Бир-бир ўтаверар қутлуғ не кундуз,  
Тинчимас кўл янглиғ чалқиб кўринур.  
Беш асрдан келди шу замонага,  
Беш юз асрларга кетгуси шу тарз.  
Жиндек ўхшаб кетар шўх афсонага,  
Афсонадан ҳатлаб ўтгуси шу тарз...

Навоийнинг ўзи ўйчан ташлар кўз,  
Гавҳардай ярқирар эзгу кўчаси.  
Не ҳожат кўп сўз,—  
Элининг бахтига кўзгу кўчаси.

1967.

## АФРОСИЁБ

Ясси-ясси дўнглардан  
Утаман хаёл чулғаб,  
Утаман оғир-оғир  
Боболар замонига.  
Ҳар одим эзгу китоб,  
Нокас кетмагай булғаб,  
Тўтиёдек тунроқ бу,  
Жон бўлайин жонига.  
Уйғон, алп боболарим,  
Бош кўтар вайронадан,  
Оғир, бадбахт даврда  
Кўксингиз бўлиб қалқон,  
Бало устига бало  
Ёғилиб замонадан,  
Бардоши тоғ бўлса ҳам,  
Не кошона тўс-талқон...  
Кошона ҳам, кулба ҳам  
Ёнгинларда жингиртоб,  
Санъат ҳам, санъаткор ҳам  
Тушар қул бозорига,  
Боболарим кўргони —  
Табаррук Афросиёб,  
Қандай чидайман у давр,  
Шаддод давр озорига...

Ясси-ясси дўнглардан  
Утсам мени ўй чулгар,  
Ялпоқ гишт, синиқ сопол,  
Шу қувур, шу нақш, сурат,  
Қолдиқ девордан боқсанг,  
Олисларни кўз илгар,  
Наҳотки Қутайбага  
Бадавийлик зарурат?  
Наҳотки Чингиз учун  
Фақат бузмоқ бермиш завқ.  
Мўъживакор уста ҳам,  
Чўлоқ ҳам қўли боғлиқ,  
Оқсоқ бобом мўғулга  
Таққунча лаънатий тавқ,  
Бутун бир юрт, чўнг ўлка  
Кун кўрмиш дили доғлиқ.  
Йўнилган тош парчаси,  
Мис баркашнинг нақшида,  
Чизмасида афсона,  
Афсона ўқир менга  
Вайронада барчаси,—  
Дилга соламан, тажанг,  
Синмасайди сархона...  
Оқсоқ арслон ўйида  
Уша тож-тахт гавғоси.  
Мўғул — олинмаган ўч,  
Оқ ўрда-ю Кўк ўрда,  
Самовий бўёқларда  
Самарқанд, Бухороси,  
Тўхтамиш ва Эдигай,  
Кўп ўтмас бўлур бурда.  
Улуғбек бобо, уйғон,  
Суюк Самарқанд-да шу:

Давронга хос кўрк берур  
Кун сайин янги даврон,  
Суюк шахринг давримга  
Юз қатла суюк, эзгу.  
Эгаси ўзинг билган  
Уша заҳматкаш инсон.  
Уша заҳматкаш инсон —  
Улуғ, девкор, жувонмард,  
Самарқанд — рўйи замин  
Кўрки бўлгай, шубҳа йўқ,  
Шавкатига юқмайди  
Бундан кейин асло гард,  
Тинч ухланг, алп боболар,  
Кўнглингиз ҳам бўлсин тўқ.  
Тинч ухла, чўпон-чўлуқ,  
Бобо деҳдон, ҳунарманд,  
Тинч ухла, наққош, рассом,  
Темирчи ва чилангар,  
Чинакам ер юзининг  
Кўрки бўлур Самарқанд,  
Тинч ухла, қадим дунё,  
Шаҳид сардор ва аскар.

Тинч ухла, алп боболар,  
Боболар тупроғида,  
Самарқанд — меҳнатчининг  
Гавҳардай қароғида...

*Самарқанд, 1967.*

## КУЛ ТЕПА

Онам кўзларида чексиз мунг, озор,  
Қотма ҳайкал гўё сўлгин сиёғи.  
Кул тепанинг кул ранг бир белгиси бор  
Сўлгин сиёғида... Бадбахт умр доғи.  
Онам кўзларида ҳасрат ва армон,  
Кул тепага чиқиб боқар узоққа.  
О, беаёв ёзмиш, жиндак бер омон,  
Талпинар тушгандай каптар тузоққа.  
Онам кўзларида зил қайғу, мотам,  
Тиззасига бошим қўйиб йиғлайман.  
Ота аталмиш зот бўлмади отам,  
Онам билан, нетай, тўйиб йиғлайман.  
«Боргин, болажоним, ёруғликка чоп,  
Менга пана ҳозир Кул тепа бағри.  
Ёруғликка чопгин ва бахтингни топ,  
Сени аясин-да тақдирнинг қаҳри!»  
Мен кетдим, Кул тепа қолди ва онам,  
Мени аяган йўқ тақдир унчалик.  
Ҳар нечук, ёруғлик эмас бегонам,  
Бир бахтли бўлур-да бўлса шунчалик...  
Онам қабрин топсам агар, дердимки:  
«Орзу қилган у бахт авжда-ку, кўз сол!»  
(Менга дарддош эмас қинқайса кимки.)  
Онам эшитиши аниқ, бўлманг лол,

Онам эшитиши аниқ, йўқ шубҳам.  
Онам жилмайгуси зил уйқусида,  
Мунглағ кўзларида шу дам қуриб нам.  
Шу дам нур кўрингай сўлгин тусида.  
Йиғлайман онамни ҳар гоҳ эсласам,  
Қаторда куйчиман, куйда тирик жон,  
Менга жилмаяди тушларимда ҳам  
Бобон калоним — оқсоч Туркистон...

1967.

## ЛОЛАЗОР

Наврӯз. Лолазор бўз. Чечаклар кӯз-кӯз.  
Олис адрларда, дўнгларда лола,  
Ҳар лола — тупроқдан ишқий рисола,  
Ҳар лола — қўшиқчи, қувноқ қиз бола,  
Ҳар лола кўркида ярқирар наврӯз.

Лола очолдингми, Кул тепам, сен ҳам?  
Эй, онам менга кӯз тиккан шўрлик дўнг,  
Онамнинг толен бўлмади ҳеч ўнг,  
Лола очилар пайт кўнгли қор ва тўнг,  
Тонг чоғи дала ҳам кӯз ёшдан нам...

Елкамда фарзандлик қарзим ҳануз бор,  
Менга олис — Бағдод, мақтовли Кобил,  
Менга писанд эмас қалъаи Бобил,  
Мени ўйламагин унча ноқобил,  
Бобо юртим Ясси, шавкатли Утроп!

Не-не саз қўшиқда ёд этгум ҳали,  
Эй асов, бепардоз, соғ, она тилим,  
Булоқдай тиниғим, дурдона тилим,  
Бешигим, пок дилим, жонона тилим,  
Не-не саз қўшиқда шод этгум ҳали.

1967.



## ҚОРХАТ

Қор ёғар элаб-элаб,  
Оламни оққа белаб.  
Какликлар тоғдан тушиб,  
Донсиз, панасиз ушиб,  
Тўп-тўп тўлар оғилга,  
Гўё қўноқ торғилга...  
Молчилар ҳам телпаклик,  
Емлар тузлик, кепаклик.  
Тонгдан таралур говур,  
Қўралар усти ҳовур...  
Тутун учар туйнукдан,  
Келиб уйлик-уйликдан —  
Чор устунлик оқ уйда,  
(Еш-ялангга қиш тўй-да!)  
Базм бошланур тушданоқ  
Йўллар муз, йўллар тайғоқ  
Аёв билмайди аёз,  
Гашти бор ажиб ва соз.  
Қувлар-чи, қорхат битар:  
Кимдир олисга кетар,  
Кимдир тушар тузоққа,  
Ё бўрдоқи бузоққа,  
Ё қўчқор, ёки қўйга,  
(Боққанди атаб тўйга.)

Еки жўн бир зиёфат...  
Қорхат шундоқ шўх офат.  
Лоақал сўяр улоқ,  
Бўза оқар нақ булоқ,  
Ҳеч бўлмаса кулчатой,  
Ё сариғмой, аччиқ чой,  
Мундоғроқ — чалпак, кулча.  
(Илинган-да ўғилча!)  
Ё бўғирсоқ, ё манти,  
Манти тортади танти.  
Ё палов, ё чучвара,  
Қуртоба ҳам кўп сара,  
Еки қирғовул кабоб.  
(Бари савобу савоб.)  
Тўқ зиёфатдан кейин,  
Уйда ўтириш қийин.  
Отланишар отларга,  
Танишга-ю, ётларга,  
Қудага, қудағайга,  
(Сўзлари ўдағайга)  
Боришар қалин қорда,  
Сув музлар сой, анҳорда  
Пода қировга ботур,  
Қорда шаталоқ отур.  
Буғ бурқираб бурнидан,  
Туролмайин ўрнидан,  
Пишиллаб не-не ҳўкиз,  
Изгириқ эсар ғиз-ғиз...

Мактабдан қайта туриб,  
Йўлни тепага буриб,  
Қор отишар ўғлонлар,  
Оловдек болажонлар...  
Кечқурунлар — аланга.

Ой сочур оппоқ танга.  
Алангада айланиб,  
Не ўйинга шайланиб,  
Туришар йигит-яланг,  
Чилдирмалар вада-ванг.  
Ўйин қизир тонггача,  
Хўроз урган бонггача...

Эшик қоқар йўловчи,  
Бозорчи ёки овчи.  
— Келинчак, дастурхон ёз,  
Патиру қатламанг оз,  
Олиб кел қази-қарта,  
(Айтмайман икки марта)  
Ҳалим гўжа ёки ҳасб,  
(Ҳасб емоқ яхши касб!)  
Қовурдоқ ёки норин,  
(Оғриса ҳамки қорин.)  
Ё майли, нўхат шўрва!..  
Бу ёқда лим-лим тўрва,  
Йўловчи отига ем,  
Зисфат гўёки эм.  
Терлаб ўқишар олқиш,  
Қишлоқда шундоқ-да қиш..

1967.

## ЗАРАНГ КОСА СИНИҒИ

Яшил дўнг этагида  
Заранг коса синиғи...  
Нортуялар маст бўлмиш  
Кўкламмикан, ёзмикан,  
Ёки қора сондан қор —  
Қишмикан, аёзмикан,  
Кўкимтир бўзамикан  
Ё қимизнинг тиниғи?  
Қимизнинг тиниғидан  
Эсдалик заранг коса,  
Яшил дўнг этагида  
Қирқ жўра лавра қуриб,  
Дўмбиралик бахши ҳам  
Тўрғайга жўр оқ уриб,  
Товус янглиғ товланмиш  
Ширакайф, шўх раққоса.  
Қўлдан тушдими нохос,  
Улоқтирдими ё маст,  
Шу коса синиғида  
Дўмбиранинг тасвири,  
Шу коса синиғида  
боболарғи тақдири,  
Шу коса не замонлар  
Ўтди экан дастма-даст?

Дўмбира тасвирида,  
Кўринмай ниҳояси,  
Жаранглар қирқ бир қисса —  
«Гўр ўғли» ҳикояси...

1967.

## ЙУЛИНГ УЗУН...

Кўчадан келур шовқин,  
Шўх қаҳқаҳа, шўх говур.  
Кўчада ярқироқ тун,  
Чанг, туман кам ҳайтовур,  
Шўх қаҳқаҳа, шўх говур.

Кўчада қувноқ ялла,  
Куйлар йигирма ёшим.  
Куйлавергин баралла,  
Менинг мангу сирдошим,  
Куйла, йигирма ёшим...

Қувнар навқирон наслим  
Салқин сой қиргоғида.  
Сайр этар менинг аслим —  
Майдонида, боғида,  
Салқин сой қиргоғида.

Сухбату соз, хушвақт базм,  
Ҳар гўшада ёр васли.  
Олисдан соламан разм,  
Куз ҳам айни ишқ фасли,  
Ҳар гўшада ёр васли...

Ер васлига зору зор,  
Номурод кетган ҳам бор.  
Ноҳақ, бевақт ва бекор  
Армонда ўтган ҳам бор,  
Номурод кетган ҳам бор.

Чақимнинг чақмоғи йўқ,  
Оғуси, озори шай.  
Чақимчининг соғи йўқ,  
Илондек шум кори шай,  
Оғуси, озори шай.

Кўчадан келур шовқин,  
Шўх қаҳқаҳа, шўх говур.  
Кўчада ярқироқ тун,  
Чанг, туман кам ҳайтовур,  
Шўх қаҳқаҳа, шўх говур.

Мени чорлайди чоғи,  
Олис йигирма ёшим.  
Нима экан сўроғи,  
Не демоқчи сирдошим,  
Олис йигирма ёшим?

Қувна, ёш жўрам, дилшод,  
Йигитлик қадрига ет.  
Ўтди қора гирдибод,  
Йўлинг узун, тўғри кет,  
Йигитлик қадрига ет.

Қувна, ёш жўрам, яйра,  
Она юрт қадрига ет.  
Ўзингни тигдай қайра,

Дуч бўлса магар безбет.  
Она юрт қадрига ет...

Кўчадан келур шовқин,  
Шўх говур тонгга довур.  
Кўчада ярқироқ тун,  
Куз эмас, гўё совур,  
Шўх говур тонгга довур.

Мени ҳам чорлар чоғи  
Уша йигирма ёшим,  
Нима экан сўроғи,  
Не демоқчи сирдошим —  
Олис йигирма ёшим?..

1967.



## ПУШКИН УЙИДА

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида...

Неча вақт... Бир даврон ўтди чамамда,  
Ҳануз ўша уйда — қишми ёки куз,  
Ёрилиб кетгудай хит, ўксик ҳануз,  
Бўғзида фарёду, дили аламда.

Қора булут ўтар шаҳар бошидан,  
Шўх, бетийиқ базмдан ҳозир қайтгандай,  
Тагин оғулироқ бир ҳажв айтгандай,  
Ҳорғинлик кўринур чимириқ қошидан.

Неча йил... давр ўтар чигил ва дилхун,  
Ҳануз гийбатларга тўлармикан бож,  
Оқар сувдай беқадр, дилхун, ноилож,  
Кўзларида ғазаб, сиймоси сўлғин.

Шоҳлар эрмагига туғмабди замон,  
Шикастанафс, лекин адл соз чолдинг,  
Хушомаддан йироқ ва озод қолдинг,  
Шай эдинг эрк учун бағишлашга жон.

Эркини улуғлади тенги кам созинг,  
Рус халқининг асрий нидоси бўлди,

Рус қалбининг акси садоси бўлди —  
Шунинг учун сенинг жаранг овозинг.

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида.  
Сени деб ранжидийда, эзгу, ёниқ дил,  
Мен жондон кечдим-ку қирқ биринчи йил,  
Сен севган шу шаҳар бўсағасида...

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида...

*Ленинград, 1967, июнь.*

## КУЗ

Эй, сузгун кўзларингдан,  
Кўзларим узолмайман,  
Таҳрир керакмас ғазал —  
Бир сўз ҳам бузолмайман.  
Қандоқ жодугар кўз бу,  
Киприк эмас — қундуз бу,  
Оламга тугилгандай  
Айни саҳар юлдуз бу...  
На парисан, на малак,  
На оҳу, на тўлин ой,  
Сен бўлакча сулувсан,  
Уландай жўн бир чирой.  
Бутун хаёлим сенда,  
Қўлингда ихтиёрим,  
Уйламаки, бу қўшиқ  
Ранж ёки оҳу зорим.  
Йўқ, сенга эгилади  
Ҳануз эгилмаган бош,  
Эй, олис йўлда йўлдош,  
Эй, холис йўлда йўлдош  
Елғиз ёрлақавчимсан  
Йўқ, йўқ, маъбудам ўзинг,  
Сен ўзинг — икки кўзинг...

1967.

## ИСТАРДИМКИ..

Олтин бұлсам,  
Қулоғингга сирға бұлурмидим,  
Түй кунлари  
Тақармидинг, кошки андақ тақсанг.  
Ҳеч бұлмаса,  
Уша оқшом бирга бұлармидим...  
Арча бұлсам,  
Тарашадай майли эди ёқсанг.

Майли эди,  
Ҳеч бұлмаса қумғон қайнатолам,  
Қиш кунлари  
Ловиллатсам гулбарг ёноғингни,  
Ёки асил  
Инжу бўлиб кўзинг ўйнатолам,  
Қаратолам  
Қора чўғдай ял-ял қароғингни...

Истардимки,  
Ҳеч бұлмаса, қўшиқ бұлсам содда,  
Суюнганда  
Тўлиб-тўлиб тилга олармидинг,  
Уксинганда,  
Мунгғайганда дилга солармидинг,

Балки шундоқ

Талай маҳал қолар эдим ёдда...

Не бўлайин?

Ёқут мисол тоғда ётаймикин,

Қани эди

Тоғиб келса мени йўловчилар,

Йўловчилар —

Ёниқ дилни дилга уловчилар,

Ё денгизда

Инжу бўлиб қумга ботаймикин?

Қумдан тоғиб,

Узукка кўз қилармидинг, қайдам,

Истардимки...

Ёниб турсам бармоғингда, дилдор.

Ё балиқдай

Доим қолай қармоғингда, дилдор...

Истардимки...

Лоқал бир силармидинг, қайдам.

Истардимки...

Йўқ, истама... Кўнглим, олтин бўлма,

Ёқут бўлма,

Арча бўлма, тупроқ бўлган дуруст,

Лоқал ёр

Босиб ўтар, шундоқ бўлган дуруст,

Бари ахир

Тупроқдан-ку. Балли, кўнглим, ўлма.

1967.

## МАЙЛИ

Нима етмай қолди икковимизга, ёр,  
Дилда не ғубор?  
Наҳот шу кенг дунё бугун бизга тор,  
Қандоқ қутқу бор!  
Ахир жаҳонга тенг юрт-ку ўртада,  
Наҳот бўлишсак?  
Нима етмай қолди, дил недан зада,  
Наҳот уришсак!  
Майли, бўлишайлик — боғларни сен ол,  
Қўл менга қолсин.  
Дарёларни сен ол, тоғларни сен ол,  
Қўл менга қолсин.  
Агар кўлларни ҳам оламан десанг,  
Сой қолсин менга.  
Агар қуёшга қўл соламан десанг,  
Ой қолсин менга.  
Агар ой ҳам керак дер экансан, ол,  
Юлдуздан қўл торт.  
Оқ тунлар айшини сургин бемалол,  
Кундуздан қўл торт.

Шароб сенга бўлсин, чой менга қолсин,  
Ёки айрони.  
Сарой сенга, четроқ жой менга қолсин,

Сайғоқ, жайрони..  
Самарқанди сен ол, Туркистон менга,  
Е майли, Сайрам.  
Ушанинг ўзи ҳам бир жаҳон менга,  
Бир тўй, бир байрам.  
Олавер, олавер, барисини ол,  
Ошиқ индамас,  
Барини олгину, менга-чи, Ойхол,  
Узинг қолсанг бас.

1967.

## АГАР...

Агар тўйда эмас, байрамда эмас,  
Тўкин кузда ёки кўкламда эмас,  
Ё қаҳқаҳа жаранг берганда эмас,  
Ё чамандан чечак терганда эмас,  
Тўсат қора бўрон турганида ҳам,  
Бошгинамда ғавғо қурганида ҳам,  
Ёки бало тоши отилар чоқда,  
Болгинамга қатрон қатилар чоқда —  
Бугунгидек қувноқ келсайдинг агар,  
Шундоқ келишингни билсайдим, дилбар,  
Дер эдим: оламда мендақаси кам!

\* \* \*

Келгин оқ кунда ҳам, қора тунда ҳам...  
1967.



## ШУНДОҒАМ СЕВАМАНКИ...

Шундоғам севаманки  
Сени Фарғонагинам!  
Не билай, борми ўзи  
Бу оламда ўхшашинг?  
Асл тупроқ, қутлуғ юрт —  
Сўлим, дилрабо, шинам,  
Жондай азиз, азалдан  
Ардоқли меҳнаткашинг...

Шундоғам севаманки,  
Сени Фарғонагинам!  
Чўққилар бўса олур  
Оқ булутлар тўшидан,  
Оқ булутдай юксалур  
Оқ момиқ чўққилар ҳам —  
Дарёларнинг жўшидан,  
Ачдижону ўшидан...

Шундоғам севаманки  
Сени Фарғонагинам!  
Баҳор баҳра олгудай  
Тансиқ, ўтлуғ нафасинг.  
Паридай тиниққинам,  
Тенгсиз жононагинам,

Тонгги тушдай фусункор  
Сен тўқимиш атласинг...

Шундоғам севаманки  
Сени Фарғонагинам!  
Сени бир кўрган киши  
Улгунча шайдо-ю лол,  
Жаннатда йўқ гўзаллик  
Сенинг жамолингга жам,  
Хазинадек тўпроқсан,  
Бараканг ҳам безавол...

Шундоғам севаманки  
Сени Фарғонагинам!  
Сен замонлар қалбида  
Шўх қўшиқ, жараиғ нидо.  
Етти иқлим тожида  
Эй гавҳар донагинам,  
Кўзим қароғидасан,  
Не жон — жонлар ҳам фидо...

Шундоғам севаманки...

1967.

## ИУЛ ҚУШИҚЛАРИДАН

Урда кўпригидан қарайман сувга,  
Сув оқар, сув оқар — жимиллар оқшом.  
Гўё кўз ташлайман оқар кўзгуга,  
Лавҳа-лавҳа ўтар ўсмирлик айём.  
Урда кўпригидан қарайман сувга,  
Жилмаяр бесаноқ кўкимтир чироқ,  
Шаҳар гўё чўмар ажиб ёғдуга,  
Қандоғам жилвагар бежирим қиргоқ.  
Урда кўпригидан қарайман сувга,  
Мовий мавжлар гўё қалин сирдошим.  
Гувоҳ-да ушалмиш не-не орзуга,  
Менинг олов умрим-комсомол ёшим.  
Урда кўпригидан қарайман сувга,  
Шу кўприк ўзи ҳам ёрқин ёдгорлик.  
Тўлар алп пойтахтим оқшом кулгуга,  
Янграр мақомларда бахт, миннатдорлик.



...Селкиларди бир кез омонат кўприк,  
Замонидай қинғир, чирик тахталар.  
Ғарибона, қалтис, ўзи-ўзига юк,  
Жон ҳовучлаб ўтмиш бағри лахталар.

Шу кўприкдан ўтмиш юпун йиллар ҳам,  
Суронли инқилоб, замон гувоҳи.  
Сирот кўпригидан хавфи эмас кам,  
Кўҳналиги эди бутун гувоҳи...  
Қора чироқлардан ёғиб мунг, озор,  
Ваҳм тараларди Тупроққўрғондан.  
Тўллар ҳам ўқлоғлиқ, қатоғон, гаддор,  
Босриқ туш ўрмалар ямоқ йўрғондан.  
Бўғиқ фарёд эди куйда авж парда,  
Кунлар зардоб эди бўйни йўғондан.  
Занжирлар шалдироқ, эл тамом зада,  
Йўллар кўринмасди тоғдай тўғондан.

\* \* \*

Қулатдик, ушатдик, йўқотдик бутун,  
Қинғир кўприклардан қолдирмадик из.  
Янги кўприк қурдик асрлар учун,  
Янги дунёларга солдик йўл-негиз...

\* \* \*

Бош эгаман сенга, ишчи синфим,  
Бош эгаман, халқим — заҳматкаш, девкор.  
Бахтинг бўлмас ёрти, бахтинг бўлмас ним,  
Инқилоб ҳамиша йўлларингда ёр.  
Инқилобдан туғилмиш сеҳрга кўз сол:  
Тоғ-тоғ асрий юкни ағдаролдик-ку.  
Ўрда кўприги ҳам гапми, милжинг чол,  
Чўлпон юлдузига кўприк солдик-ку.

Ноябрь, 1967.

## ҚУШ ТИЛИ

(Мўмин Бобонинг яхши невараларидан  
митти Алишерга атаганларим)

Қушлар, ҳей, кетманг узоқ,  
Қўймайман сизга тузоқ.  
Бўзтўрғай,

бўзлашайлик.

Турумтой,

сўзлашайлик.

Қалдирғоч,

қувлашайлик.

Бетилмоч,

қувнашайлик.

Саъваой,

сайрашайлик.

Сойма-сой

яйрашайлик.

Қушлар, ҳей, кетманг узоқ,

Қўймайман сизга тузоқ.

Чўчиманг, ҳой чумчуқлар,

Лайлагу чуғурчиқлар,

Кўкқарға-ю, зарғалдоқ,

Булдуруқ ҳам тувалоқ,

Суқсур, оққув, тустовуқ,

Сайранглар менга ёвуқ.

Уйламангки, отгум тош,

Уйламангки, мен бебош...

Кетманг йироқ, қушлар, ҳей,  
Гўё ёруғ тушлар, ҳей.  
Қуш юрти — мен севган юрт,  
Тўқай, толзор, қапчиғай,  
Мендан қочма, ҳой бургут,  
Дўстлашайлик, қарчиғай.  
Каклик, тўти, бедана,  
Сепай тариқ, седана,  
Келинг, ҳа, сирлашайлик,  
Келинг, ҳа, тиллашайлик.  
Узоқлашманг қушлар, ҳей,  
Гўё ёруғ тушлар, ҳей.  
Қафасга солмайман, йўқ,  
Кўнглингизни тутинг тўқ.  
Тотув, иноқ бўлгум бор,  
Тилингизни билгум бор.  
Бу бола тантиқ, деманг,  
Яъни бемантиқ, деманг.  
Тантиқлигим эмас бу,  
Мундақа ўйламанг хом.  
Тилингиз биларқан-ку  
Ахир Алишер бобом.

Бобомдай бўлсам дейман.  
Қуш тилин билсам, дейман.

1967.

## ГУЛЧИ

— Нима дерлар бунн, ада?

— Гул қайчи.

— Не қиялсиз майдончада...

Кўрай-чи!

— Бутаяпман, бўтагинам,

Кўра қол.

— Бутасам-чи, дада, менам.

— Мана, ол!

Майли, бўтам! Майли, белим

кучи бўл.

Гулни севгин. Бу ҳам ҳунар.

Гулчи бўл!

1967.

## ҲАТТОКИ...

Ҳаттоки, пучак ҳам тама қилмовдим,  
Кунларим-ку ахир гавҳардан ортиқ.  
Сира ўйламовдим, чама қилмовдим,  
Не кун, ҳар дақиқам қутлуғ бир тортиқ.

Қуёш нурларидан тўқилган янглиғ,  
Не дақиқа, ҳатто сониямда қут.  
Қуёш нурларидан сўқилган<sup>1</sup> янглиғ,  
Ҳамёним жаранглик, тўла, борман... бут...

Сенга дилим қарздор, авизим — онам,  
Сенга илҳомим ҳам қарздор умрбод.  
Ёғинлик йиллар ҳам ёд, дилларда ёд,  
Қарздорман, Ватаним, юртим, жононам.

Ҳаттоки, пучак ҳам тама қилмовдим...

1967.

---

<sup>1</sup> Зарб қилинган.



## ИИБОШИ УЛАНЛАРИДАН

Ерти аср йил боши...  
Наъра торт, ҳей шоввозлар...  
Дуч бўлур ҳали талай  
Саратонлар, аёзлар.  
Дуч бўлур ҳали талай  
Чилторлар, таранг созлар,  
Дуч бўлур ҳали талай  
Шўх ўланлар, шаҳнозлар...  
Суюнчи, суюк ўлкам,  
Карвонларинг хатарсиз,  
Йўлда тагин довонлар  
Еруғ кўкламлар, ёзлар.  
Қутлуғ манглай терингдан  
Йил келмади зафарсиз,  
Олдингда тагин тўйлар,  
Қувноқ базм, дилнавозлар.  
Олдингда олис, лекин  
Еруғ ва донгил бир йўл,  
Олдингда оғир меҳнат,  
Янги-янги парвозлар.  
Шавкатли меҳнатингда  
Ҳикмат ҳам, омад ҳам мўл,  
Алпга хос қадамларга —  
Алпга хос поёндозлар...

Девкорим, зафар ёрим,  
Байроқдорим, аёвлим,  
Ленин бор ҳамиша ёр!  
Тош терсин найрангбозлар.  
Ҳали олқиш дер жаҳон,  
Мардим — қалби оловлим,  
Ҳали мақтовинг бўлур  
Девонлару баёзлар.  
Жонон юрт, доврўгингга  
Қойил ҳатто не сурбет,  
Ҳайрат бармоғин тишлар  
Ҳали не-не устозлар.  
Алёр, ўзбек майдан  
Сунгил соқий кетма-кет,  
Ерти аср йил боши  
Олинг, ҳа, довулбозлар!

*Декабрь, 1968.*

## БИРИНЧИ САБОҚ

...Сал ўтди шекилли, ёшинг еттидан,  
Сени бошлаб боргум бугун мактабга.  
Бугундан дўст бўлгунг илму адабга,  
Бобонг садқа сендай зийрак миттидан.  
Қўлингда бойлам гул, бўйнингда осма,  
Донғил дарвозадан ўтасан илк гал.  
Жиндак тортинчоқсан, қизаргайсан сал,  
Энгил-бошинг янги, белинга тасма.  
Бугун ҳам улкан тўй жумҳуриятда,  
Қўшиқдан жаранглар каттакон ҳовли.  
Баринг етти яшар — дўндиқ, аёвли,  
Боболар туришар қутлуғ ниятда.  
Бугун дарс айтгуси бийрон опоқи.  
Сочлари қирқ ўрим, жиддий, хушбичим.  
Биринчи сабоққа қулоқ солгин жим,  
Лениндан бошланур бугун сабоғи:

...Ленин сенинг бахтинг деб  
Кечганди ўз бахтидан,  
Сенинг келажагинг деб  
Аямовди жонни ҳам.  
Бағишлаб тўқсон тўққиз  
улушини вақтидан...

Одамзод тарихида  
Ундай инсон камдан-кам!  
Сурати ҳам осиглиқ  
Уйларимиз тўрида,  
Сенинг ўша ҳеч сўнмас  
Бахт байроғинг Лениндан,  
Бўй чўзиб, тақар бўлсанг,  
Бўйинбоғинг Лениндан,  
Ленин ахир не улуғ  
Боболарнинг зўри-да...  
Ленинга зиғирдай ўхшай ол, ўғлон!  
Эл йўлига гуллар тўшай ол, ўғлон!

\* \* \*

...Ленин сени деб кетди  
Суюк дарё бўйидан,  
Ленин сени деб тушди  
Зах зиндонга, қамоққа.  
Ленин сени деб кетди  
Она сути — уйдан,  
Ҳар қамоқ, ҳар жудолик  
Ўхшар эди сиртмоққа...  
Ленин сени деб қолди  
Шушенда ҳам неча йил,  
Олис, қорли ва аёз  
Саян этакларида  
Йўқликдан-йўқчиликдан  
Дил синар гоҳо чил-чил,  
Зиндон катакларида...  
Олис ва ёт элларда  
У чекмаган қийноқ кам,

Не-не зил зарблардан  
Утди қоя бардоши.  
Дунёнинг донолиги  
Жаҳондай қалбида жам.  
Юзга яқинлашмоқда  
Ушандоқ бобо ёши...  
Ғалаба байроғидан  
Ленин қараб туради,  
Унинг ёнига борар  
Учар бўлса фазогир,  
Не-не мушкулотда ҳам  
Олдинда у юради.  
У борки, ечилгуси  
Жами тилсим, жами сир.  
У боболар бобоси,  
Барчага маслаҳатлўй,  
Лениндан кўп миннатдор  
Уйроқ заҳматқаш жаҳон!  
Иккилоб ўлкаси бу,  
Ҳар йили бир асрий тўй,  
Жаҳоннинг умиди ҳам  
Шу чўнг юртда, болажон.  
Қутлуғ жумҳурият ҳам  
Лениндан сенга мерос,  
Ус, юксал, чўққилар ош,  
Муносиб эга бўлгин.  
Ёвузлар кўтарса ҳам  
Ҳали юз айюҳаннос,  
Ягона, ёруғ йўл шу —  
Бобонг-ла бирга бўлгин.  
Йўлингги машғаладай  
Ёритгуси бу сабоқ,  
То юзга киргунингча  
Сақла, ўғлон, эсингда.

Довонлардан мардона  
Утолгайсан, бӯталоқ,  
Улғайганигда Ленин  
Порлаб турсин кўксингда.  
Ленинга зигирдай ўхшай ол, ўғлон!  
Эрк йўлига гуллар тўшай ол, ўғлон!

*1 сентябрь, 1968.*

## САМАРҚАНД ШЕЪРЛАРИДАН

Сен менинг тарихимда ўразлик номсан,  
Сен менинг тарихимда эзгу айёмсан.  
Сен менинг тарихимда май тўлиқ жомсан,  
Сен менинг қўшиғимсан, мангу мақомсан.  
Йўқ, на Нуҳсан, на Золсан, на Лут, на Сомсан.  
Уша бобокентимсан, девзот бобомсан,  
Оҳ, нечоғлик суюксан, соз, дилоромсан,  
Сўлим Самарқанд!

Сен Семизкентимсан-ку, қадим Семизкент,  
Аслида ёлғизмассан, ошкор эгиз кент.  
Манглай тер дарёсидан бахти денгиз кент,  
Эркин Шарқ сийнасида қуёш менгиз кент.  
Эй, менинг ёруғ чашмам, нури чексиз кент.  
Мерос кентлар тожисан, суюк, тенгсиз кент,  
Менга ҳаёт татимас эди сенсиз кент,  
Сўлим Самарқанд!

Ажиб ўлкам ҳуснида ажиб, тенгсиз хол,  
Ярқироқ камолингга не-не дунё лол.  
Эй, кўзим қорачиги, юксал безавол,  
Заҳматкаш, эй мушти тош, покдил ва ҳалол.

Нони, тузи табаррук, суви зилол, бол,  
Ялмоғизга, ёвузга ҳамиша қаттол.  
Мақтовига поён йўқ, етук баркамол,  
Сўлим Самарқанд!

*Ноябрь, 1968.*



## ОНА ЮРТ

Тупроғинг зар,  
Тошинг гавҳар,  
деган ҳам бор.  
Яғонасан,  
Жононасан,  
деган ҳам бор.

Меҳриғиё,  
Қандай зебо,  
деган ҳам кўп.  
Бебаҳосан,  
Тўтиёсан,  
деган ҳам кўп.

Биров ундоқ,  
Биров бундоқ тўқир мақтов.  
Ундоғаммас,  
Бундоғаммас, азиз ва дов,

Кўлу тоғлик,  
Боғу роғлик ўзбек элим.  
Момо юрти,  
Бобо юрти, чамбил белим,

Зару гавҳар — ялтироқ тош,  
недир олмос,  
Сен биз учун ҳам нон, ҳам ош,  
мангу мерос.  
Авлодларга мерос тупроқ,  
олтин бешик.  
Келса қардош, келса қўноқ,  
ланғирт эшик.  
Тирикликда диёримсан,  
бол ва оқ сут.  
Улсам агар мазоримсан,  
эй, Она юрт!

1968.

## ДУНЕ БИР СОЗ ҚҰШИҚДАН...

Евузликка жиндак ҳам жой қолмасайди,  
Қанийди...  
Ҳар ювуқсиз ёқага чанг солмасайди,  
Қанийди...

Мағзин ҳаром қилмаса сўздаги чинлик,  
Сохта учқун бўлмаса кўздаги чинлик,  
На кўзда, на сўздаги, ўздаги чинлик,  
Қанийди...

Кўзга губор чекмаса шипринди — қўқим,  
Ўзин тулпор билмаса қирчанғи — сўқим.  
Бахмалдан бичишмаса эшакка тўқим,  
Қанийди...

Уруғи ушиб кетса тирик боқимлар,  
Одамни хор этмаса ғараз, чақимлар,  
Лойқаланмай оқса-чи тиниқ оқимлар,  
Қанийди...

Дунё бир соз қўшиқдан завқ ололсайди,  
Бир чолғу чалолсайди, бир тор чалсайди,  
Одамийлик шиормас, жон бўлолсайди,  
Қанийди...

У паллада қоларди на бевақт йиғи,  
На ранж, на дўқ, на озор, на дил оғриғи,  
На сурбет тухматларнинг заҳарли тиғи,  
Қанийди...

У вақт тансиқ бўлмасди на хап, на долчин,  
На жазо ва на сазо, на тепки, олчин,  
Қошки тез бўла қолса ёруғ хаёл чин,  
Қанийди...

1968.



# ДОСТОНЛАР





## НОМУС

*Экскаватор ёнида*

Чўзилиб оқади  
Сўнгсиз осмонда —  
Мармар булутлардай  
Тонг туманлари.  
Сузилиб отади  
Қора ўрмонда —  
Тим яшил ўтлардай  
Шимол тонглари...  
Оҳ, шимол тонглари,  
Шимол тонглари!  
Мармар совуқларини  
Келтирманг ҳали.  
Қўйинг, гурилласин  
Ижод бонглари,  
Муз-ла дарёларни  
Тўлдирманг ҳали...

Яшил шуълалар қучиб,  
Бахмал чечаклар очиб,  
Ҳали шовқин урсин  
Меҳнат онлари.  
Кўкда наъралар учиб,  
Ижод қудратин сочиб,

Шу гўзалликда турсин  
Москва ўрмонлари...  
Оҳ, Москва ўрмонлари,  
Москва ўрмонлари!  
Қирларнинг, водийларнинг  
Қора сочлари бўлиб,  
Сахий, бой табиатнинг  
Кенг қулочлари тўлиб,  
Янграр қўйнингизда  
Меҳнат оҳанглари.  
Кўгарилур ҳар тонг бошингизда  
Ипак ҳарир шимол туманлари...  
Шимол туманлари-ла,  
Шимол тонглари-ла  
Бўшлиқларга тўлур  
Экскаваторнинг бонглари...

Ҳар тонг оппоқ туманлар  
Қанот ёйган чоқда,  
Қора, қалин ўрмонлар  
Шафақ ютган чоқда —  
У ишга даъват этиб,  
Тарқатар шер товушини.  
Ерни, кўкни титратиб  
Кўтаради бошини.  
Булутларга улашур  
Қора тутун сочлари.  
Тошлар ила талашур  
Хартуми, қулочлари...  
Кўзида қудрат нури —  
Юрагида зўр мотор;  
Қурилишнинг ғурури —  
Улкан экскаватор...  
Унинг танг қоладиган



Мўъжиз механикаси,  
Гавғолар соладиган  
Дабдабали шер саси  
Донбасс кўмирларидан  
Қувват, дармон олади,  
Боку нефтлари-ла  
Доим гур-гур ёнади.  
Хартумлари бир ошиб,  
Яна тушиб муттасил,  
Ерни ўпирар шошиб,  
Тошларни қилур чил-чил...  
Унинг занжирларини  
Аста тўғрилаб — жўнлаб,  
Унинг ҳаракатини  
Малолсиз, расо ўнглаб,  
Кўринади бир одам  
Қорамайга бўялиб,  
Ташлайди енгил қадам,  
Юради веҳн солиб...  
Бу — оғир ҳам салобат  
Пўлат тан жониворнинг  
Шу чигил силсилаен  
Сеннинг қўлингдамидир?  
Бу — оғир ва маҳобат  
Улкан, қоп-қора девнинг  
Бутун сир, мўъжизаси  
Ихтиёрингдамидир?  
Сен уни тарбиялаб,  
Устирган устозмисан?  
Бу қояга келтириб  
Қўндирган шоввозмисан?  
Унинг ҳар мурватини  
Авайлайсан — бурасан,  
Бутун ҳаракатини

Кўриб-билиб турасан,  
Гоҳ қўлга болға олиб,  
Оҳиста бир урасан,  
Гоҳ остда, гоҳ устида  
Айрилмасдан юрасан...  
Нега ҳар губорини  
Тоза суради десам;  
Чаладиган торими —  
Яхши билади десам;  
Айрилмасдан ёнида  
Доим туради десам;  
Суқланиб тўсат-тўсат  
Қараб қолади десам;  
Сен унинг яқин дўсти,  
Нодир механикмидинг!  
Техника эгаллаган,  
Илғор ударникмидинг?  
Кел, сўйла, қандай қилиб  
Билдинг оғир тилини?  
Сўйла-чи қандай бўлиб  
Бунинг ғайрат селини —  
Қора ер қаршисига  
Шундай йўллата олдинг?  
Бу гигантга қачондан  
Қалин дўст бўлиб қолдинг?

## У м р ҳ и к о я с и

### I

Жабҳага кетганидан  
Қайта келмади отам,  
Бир кун хабар олдикки,  
Текканмиш душман ўқи...

Қоронғи чайламизда  
Онам-ла тутдик мотам;  
Юракларни эзарди  
Тақдирнинг шумлик дўқи...

Онам деди:— Қулуним,  
Юрагимнинг парчаси!  
Энди нима қиламиз,  
Отанг ўтди дунёдан.  
Отанг эди бахтимиз,  
Умидимиз барчаси...  
Кўнглимда қора тикан,  
Қутулмадим жафодан.

Энди нима қиламиз,  
Кимга борамиз йиғлаб?  
Ким бизга қайрилади,  
Очлик, қаҳат тўрт томон...  
Онам узоқ йиғлади,  
Кекса қалбини тиглаб.  
Уйда йўқ бир қисим дон,  
Ҳаттоки бир парча нон...

Уфқлар қонга тўлиб,  
Туманларда тонг отар.  
Жулдур-жулдур яланғоч  
Кезаман кўчаларда.  
Очликдан икки кўзим  
Қорайиб, ичга ботар,  
Оч ётаман онам-ла  
Бу қора кечаларда...

Ҳолсиз онам пичирлаб,  
Фалакдан зорланади:

—«Гўрида тикка турсин,  
Улсин Ислоом қўрбоши!»  
Боқсам сўлган юзига  
Юракларим ёнади;  
Томчи-томчи тўкилур  
Кўзларимнинг қон ёши...

Онамнинг қарғишлари  
Тутундай учди, изсиз...  
Мен эса кўчаларда  
Сарсон, тиланиб юрдим.  
Узун-узун тунларда  
Чайламизда кимсасиз,  
Икков қоларди... «нон!» деб,  
Тонгга қадар ўтирдим.

Узимни ҳар ён урдим,  
Ҳар кўчага бир кирдим.  
Аста-секин улфатим  
Бир тўда етим бўлди.  
Уғриликка юз бурдим,  
Саёқ ва дайди юрдим,  
Юрагимда кимгадир  
Бир мудҳиш ғазаб тўлди...

Тўғри келган жойларда  
Чўнтаклар кесилади,  
Қочамиз абжир, чаққон  
Қувганда ортимиздан...  
Кечқурун барча бир-бир  
Ҳар кўчадан келади,  
Ҳамма зарар кўради  
Абжир қўлларимиздан...

Гоҳо уйга келаман,  
Онамнинг сўлгин юзи...  
— «Болам! Дайди, саёқлик  
Эмас-ку сенга лойиқ!»  
Кўзларимга тушади  
Унинг меҳрибон кўзи...  
Қочаман худди айиқ,  
Чора нима, халойиқ?!

Гоҳо ўтириб қолсам,  
Онамнинг ўғит сўзи:  
Очлик бўғар бўлса ҳам,  
Болам, шу ҳунардан қайт!  
Титрайди, қалтирайди  
Тоқат этолмай ўзи...  
Титрайман, қалтирайман,  
Мен ҳам бетоқат шу пайт...

Қайси ер тўғри келса —  
Ўшал ётоғимиздир,  
Етти етим бир бўлиб  
Ўтказдик кечаларни...  
Ишимиз тиланчилик,  
Киссалар — овимиздир,  
Раҳмсизча йиғлатдик,  
Ўғирлаб нечаларни...

Бир кун бекат ёнида,  
Ёмғир тегмас панада —  
Ётардик, ухлашардик,  
Бизни тутишиб олди...  
Қарасам бир мен эмас,  
Болалар тўда-тўда,  
Талай милиция қуршаб,

Бир томонга йўл солди...  
«Болалар уйи» экан —  
Биз тўпланган бу ҳовли,  
Тўрт кун ҳам туролмадим,  
Кўчага қараб қочдим.  
Эсларимдан чиқмайди  
У қора кунлар ҳали,  
Онам бошида титраб,  
Еш ўрнига қон сочдим.

Келсам, ёлғиз чайлада  
Онам ётибди жонсиз...  
Мудҳиш! Қараб бўлмайди,  
Бутун тани кўкармиш.  
Эҳ, сен жаллодсан, очлик!  
Сен қароқчи, омонсиз,  
Сенинг панжангда онам  
Талашиб жонни бермиш.

Бутунлай келмай кетдим,  
Чайламизни тарк этдим,  
Яна маконим кўча —  
Манзилим кўча бўлди,  
Мен ҳаётнинг бу оғир  
Сўқмоқларидан ўтдим,  
Юракда орзуларим  
Урнига зардоб тўлди.

## II

Улғайган сари кўнглим  
Ювилди заҳарларда,  
Заҳарки, бир томчиси  
Этар бегумон хуноб.

Тентираб бекатларда,  
Йўлларда, шаҳарларда —  
Кўрганим бўлди қайғу,  
Кўрганим бўлди азоб.

Оламлар ёнсин, куйсин  
Ўтларига оҳимнинг...  
Фалаклар барбод бўлсин  
Ғазабларим заҳрида!  
Нафрат!.. Кимга тегади  
Лаънат ўқларим менинг,  
Тахтларинг вайрон келсин  
Фалак, етим қаҳрида...

Онам пичирлаб гоҳо  
Ўқирди сура — оят...  
Егдирар эди баъзан  
Кимларгадир қарғишлар.  
Мен ўзимга — бир бало,  
Кимга қилай шикоят?  
Умрим ўтар дарбадар,  
Ўтади ёзу қишлар...

Биров ширин сўз айтмас,  
Кўнглини олай демас...  
Одамлардан қочаман,  
Ёввойи бир ҳолим бор!  
Ёввойи ҳолим кўриб,  
Биров ёнимга келмас,  
Сочларим ўсиб кетган,  
Таним кир, кўмир, ғубор...

Улғайган сари бўлдим  
Бир жониворки ёвуз...

Қўлимга тушган овни  
Олар бўлдим панжага.  
Тенгдошларим ичида  
Бўлмас мендай ялмоғиз,  
Тугал бир йўлбосарман,  
Ёшим борди нечага?

Ун олтидан ошмовдим,  
Она сутим оғзимда...  
Ҳунарим йўл тўсарлик,  
Қўлимда пўлат ханжар...  
Шиддат, ваҳшийлик бари  
Акс этади юзимда,  
Маконим сиёҳ унгур,  
Ер ости, қир, холи жар...

Шаҳар кўчаларида  
Қанчаларни қақшатдим.  
Қор этмас эди асло  
Титраб, ялнишлари.  
Қишлоқ кечаларида  
Тутолмас эди ҳеч ким,  
Қорсиз эди панжамда  
Додлаб, толпинишлари...

Қунларим шундай ўтди,  
Қамоқ бўлди маконим,  
Неча бор уриб қочдим,  
Дашномлар қилмади қор.  
Ўғирлик нони эди —  
Еган бир бурда ноним,  
На уят, на қитдек ор...



Юрагимда кимгадир  
Ғазаб оловланади,  
Бўғмоқ, осмон орзуси  
Ёвузлик юрагимда.  
Менинг ёвуз юрагим  
Заҳар билан тўлади,  
Билмайманки, ёруғ кун  
Менга қаерда, кимда?

Балки, ёруғ кун йўқдир,  
Булут орқасидадир...  
Балки, кулаётгандир,  
Кўрмагандир кўзларим...  
Балки, у ханжаримнинг  
Тиғи — нафасидадир...  
Қайдасиз бахтим менинг,  
Ярқироқ юлдузларим?

### III

. . . . .  
Турмуш тўлқинларида  
Тўлқинга қарши оқдим,  
Оқ денгизстройда  
Кўрдим бир кун ўзимни.  
Тек ётмадим, ҳунарим —  
Чақмоғин яна чақдим,  
Бироқ, сувларда кўрдим  
Шунда қора юзимни.

Тек ётмадим, қийнадим,  
Тортиб олиб едим нон,  
Узгаларнинг меҳнати

Бўлди менинг овқатим.  
Шимол тунлари туман,  
Шимол тонглари туман  
Шимол қуёшларининг  
Заркокили бир қатим...  
Шимол қуёши, қайдам,  
Замҳарирдан қўрқарми?  
Урмонлар, кўллар аро  
Юради шамол танҳо...  
Шимол саҳроларининг  
Кўрган, билгани қорми?  
Юлдузлар ярқирашар  
Ложувард кўкда гоҳо...

Сўзимнинг ёлғони йўқ,  
Сонсиз одам авлоди —  
Шунда, қора совуқда,  
Табиат ваҳшатиди, —  
Бирга ҳужум этади,  
Кўкларга учиб доди,  
Ер титрайди; одамлар,  
Фахр этур меҳнатиди...

Меҳнат — ҳаётга зийнат,  
Кўркамлиқ бахш этади,  
Меҳнат ерда саройлар,  
Гигантлар қилур барпо...  
Меҳнат тоғлар бағрини,  
Ер бағрини титади,  
Меҳнат — кишилиқка бахт,  
Меҳнат — кишига вафол..

Фақат, мен ҳануз, ҳануз  
Дайдиман, дарбадарман.

Меҳнатни рад қиламан,  
Меҳнат душманим менинг.  
Мен турмуш чеҳрасида  
Бир губорман — кадарман,  
Ҳануз ишламай емоқ  
Ўқим — камоним менинг...

Баъзида оч қоламан,  
Баъзида бўламан тўқ.  
Бари жинояткорлар,  
Қарасам, айланамда...  
Эвоҳ, менинг кунимда  
Нега жиндак маъно йўқ?  
Калтак ўрни, ўқ доғи  
Қўл-оёғим, танамда...

Менга тақдир шумикан?  
Менга ҳукм шумикан?..  
Умрим шундай ўтарми,  
Жиноятда — ваҳшатда?  
Ханжарим — бахтиммикан,  
Менга ҳоким шумикан?  
Қачонгача қоламан  
Ҳалокатда — даҳшатда?..

Даҳшат юрар йўлимда,  
Даҳшат юрар ичимда.  
Умрим гул очолмайин  
Даҳшатларда қолурми?  
Даҳшат кундузларимда,  
Даҳшат қора кучимда,  
Эсиз, даҳшатда умрим  
Охир — абад сўлурми?

Бир кун ёнимга келди  
Қизил таққан бир одам.  
Командирим эди бу,  
Мен билан этар суҳбат!  
— «Дўндириб, ураймикан!»  
Деб отдим ёвуз қадам.  
Мулойим боқишлари  
Мени боғлади — фақат...

Ёшликда ота-она  
Меҳри кулган кўзларим  
Кўлдай чуқур кўзига  
Тўлқиндай тўлиб оқди;  
Биринчи карра уят —  
Қизаришда юзларим,  
Ерга боқдим, кўзлари —  
Хукмдай қатъий боқди.

Ҳам жиддий, ҳам мулойим  
Суҳбатини бошлади,  
Мен уни ўлгунимча  
Сақлайман хотирамда.  
У менинг ўмузимдан  
Бир отадай ушлади;  
Биринчи шафқат кўрдим  
Гўё бутун умримда...

— «Нега ишни рад қилдинг,  
Ишламайсанми, Ашур?  
Қара, барча каналда,  
Ҳамма эл толпинади...  
Уйла — қандай йигитсан,  
Наҳот сенга ярашур?»

Нечук сенинг юрагинг  
Толпинмайди, синади?

Кўрасанми? Айлананг  
Коллектив бир меҳнатнинг  
Иродасига маҳкум...  
Омонсиз панжасида...  
Кўрасанми, очади  
Сирини табиатнинг,  
Ҳаволар садо берур  
Бу тўлқин нафасида...

Барчаси сенга ўхшаш  
Турмушдан этак силкиб,  
Ваҳшат тўлқинларида  
Сарсари оққанлардир...  
Баъзида қорни тўйган,  
Баъзида оҳлар чекиб,  
Ҳаётга панжарадан  
Қўл силтаб боққанлардир...

Бунда бор: чин мунофиқ,  
Душман, асл қора куч,  
Бироқ, сеп барчасидан  
Бир қадар айрилсан.  
Кўзингни оч, ўйлаб кўр:  
Ўтган умринг бари пуч,  
Қачонгача сен душман  
Жабҳасида қолсан?

Мен унинг орқасидан  
Тўғри каналга тушдим,  
Кўлимга лом олдим,  
Ҳужум бошладим ерга.

Бўйним ёр бермаса ҳам,  
Мардлар каби талашдим,  
Ломда, куракда бирдай  
Ботдим пешона терга...

Пешона терим оқди!  
Бутун губорим, кирим —  
Пешона терларимга —  
Кўшилиб оққан янглиғ...  
Ўлгунимча унутмас  
Бу кунларни хотирим,  
Бу кунлар саодатим  
Чирогин ёққан янглиғ...

Оқденгизстройда  
Чекистлар тарбияси  
Менинг келажагимга  
Бир ёруғ дарча бўлди.  
Айланамда зўр шовқин,  
Машиналар наъраси,  
«Оқденгиз — Болтиқ» менга  
Бахт очган кўча бўлди...

Меҳнат — ҳаётга зийнат,  
Кўркамлик бахш этади,  
Меҳнат ернинг устида  
Гигантлар қилур барпо...  
Кунларим шу чизикда  
Сурон билан ўтади.  
У касбим учди ҳаёт —  
Дафтаримдан сартапо...

Аста-аста кечалар  
«Алифбо»ни варақлаб,

Эгри-бугри ҳарфларнинг  
Ўртасида қоламан.  
Баъзан юзларим кулиб,  
Кўнглим ёриб — чарақлаб  
Истиқболнинг энг ширин —  
Хаёлига толаман...

Ҳам жиддий, ҳам мулойим  
Суҳбат ўтказган одам!  
Мен сени ўлгунимча  
Чиқармайман эсимдан...  
Меҳнат оқимларида  
Отиб мардона қадам,  
Қураман — бахт оламан,  
Қувонаман ичимда...

Бригадада баъзан  
Рекорд қўяман танҳо,  
Тўнг қирғоқларни қазиб,  
Ғалтакда ташиб тупроқ...  
Кучимга суқланади  
У одам келиб гоҳо,  
Кўрадики, тош титрар  
Зарбимда худди япроқ.

Меҳнатга ишқим кетди...  
Қандай оғир йўллардан,  
Азоб-уқубатлардан  
Қадам ташлаб етганим!  
Мақон сўраб гўрлардан,  
Юлдуз излаб тунлардан;  
Сўлай деган чоғимда —  
Қўлларидан тутганим!

Меҳнат — ҳаётга зийнат,  
Қўркамлик бахш этади,  
Меҳнат курра устида  
Қурралар қилур барпо...  
Қунларим шу чизикда  
Шовқин билан ўтади,  
У кунлар ўчди менинг  
Қўзларимдан сартапо...

#### IV

Ударниклар сафида,  
Мен ҳам мактабга юрдим.  
Савод чиқардим аста,  
Қулоч отдим тўлқинда...  
Қулоч отдим тўлқинда...  
Ўзим ҳам тўлқин ўрдим  
Қун сари онгим ўсди,  
Ботмай ўтдим ўпқинда...

Уҳ, нечоғлик оғир бу,  
Тоғ қадар вазмини бор...  
Юракда янги фикр  
Шундай туғилар экан.  
Мардона кечган йўлим  
Эмасди шарм, эмас ор,  
Букун бахтларим кулган...  
Букун умидим улкан.

Ўйлайсанки: мен осон —  
Келдимми бу ўринга...  
Йўқ, учурим — сойлардан  
Бир-бир ўтиб келганман.  
Пушаймонлар қиламан  
У бемаъни умримга...



Эсиз, йилларча туман  
Қучсгида сўлганман!

Айтган билан тугамас,  
Кел, қисқарсин ҳикоя...  
Шундоқ қилиб мен аста  
Илғор қурувчи бўлдим,  
Янги фикр, янги ўй —  
Онгимда топди воя,  
Ёруғ умидлар ила  
Дарёдай тошиб-тўлдим.

Ер қазиб юрганимда,  
Бригадамиз бир кун —  
Сувни ўтказадиган —  
Каналга ишга тушди.  
Шунда наъралар чекиб,  
Таратиб қора тутун —  
Турган бир офат кўрдим,  
Ҳушим бошимдан учди...

Шер десам, жуда базўр,  
Фиа десам ундан улкан,  
Бу қанақа жонивор,  
Бу нима бало ўзи?  
Пишқариб, зарбаси-ла  
Қилади тошни талқон,  
Жонивормикин десам,  
Манглайида йўқ кўзи...

Қўрқиб ҳам ажабланиб  
Келдим унинг ёнига...  
— Экскаватор! — деди  
Кулди-да, бригадир.

Ўтдим у томонига,  
Ўтдим бу томонига,  
Бу нима бало экан,  
Бу хартумлар негадир?

Ҳар кун рекорд қўяман —  
Ер қазишда илгорман...  
Ишим битдими — турмай  
Яқинлашаман аста.  
Ҳай, ажойиб машина!  
Сенга танҳо хушторман;  
Сирларингни оч менга,  
Қолмайин қалби хаста...

Қандай улкан ғайрат бу,  
Бу қандай маҳкам қулоч?  
Темирдай қаттиқ ерни  
Қумдай осон олади,  
Қандай сирли қувват бу,  
Оч, менга сирларинг оч!  
Суқланиб тикиламан  
Кўз нурларим толади...

Оқ денгизстройни  
Битирган бахтли бир кун,  
Байроқлар тўлқинланар —  
Сувга пароход кирган...  
Музыкалар куйлайди,  
Канал кулади, шовқин...  
Суюнч тўлқинларида  
Жимирлаб кетади тан;

Шимол совуқларини  
Йўлга киргиза олган,

Шимол тилсимларини  
Очолган бир ўрду —  
Суюнч байрамидадир,  
Бу шараф, қандай улкан!  
Биз қазган каналлардан  
Оқаётир симоб сув...

Шундай шарафли кунда,  
Улуғ зафарли кунда,  
Механикка ёрдамчи  
Йўлланмасини олдим.  
Бахтиёр йигит эдим,  
Англайсанми, мен шунда,  
Тун бўйи бу мўъжиза  
Енидан кетмай қолдим.

Ёрдамчиликда юриб,  
Ошна бўлдим ўзига.  
Ичи-тошини кўрдим,  
Севдим мурватларини...  
Қулоқ солдим механик —  
Александр сўзига,  
Уқдим ҳар бир сўзини,  
Бор маслаҳатларини...

Баъзан менга ишониб,  
Топшириб кетар бўлди;  
Суюнчим ҳаддан ошиб,  
Қолар бўлдим бошқариб...  
Бир кун менга механик  
Меҳр-ла боқиб кулди:  
— Ашур! Курсда ўқигин,  
Ҳар кун қолмайин бориб...

Тарбиячимга келиб,  
Арзимни қилдим баён,  
У қўлларимдан тутиб,  
Тикка боқди кўзимга.  
Ен! Менинг ўтмишларим,  
Қора умрим ён, ён, ён!..  
Қўллари ўмузимда.  
Келдим асл ўзимга!  
— Балли, азамат, ўқи!  
Бу — ҳақиқий илғорлик,  
Ҳам ишда, ҳам ўқишда  
Илғор бўлсанг — яхшидир!  
Истиқболнинг ёруғдир,  
Йўқ энди хокисорлик..  
Ўқи, ударник йигит!  
Бу — мард йигит ишидир!

Ҳар кун кечқурун бориб,  
Лекциялар тинглайман,—  
Жуда оғир, машаққат  
Тош чайнагандай оғир!  
Александрга келиб —  
Такрорлайман, англайман,  
Техниканинг тилига  
Зўрлаб тушундим охир.

Шағал қазган қўлларим  
Қалам ҳам тута олди  
Кўзларим ёш ўрнига  
Қон тўкишни қилди тарк.  
Руль буришда билаклар,  
Бармоқлар моҳир бўлди.  
Иродам қаршисида —  
Шундай гигант — титроқ барг...

Олти ойда мен уни  
Ўрганиб олдим бутун,  
Мўъжизаси — бор сири  
Равшан ва аён бўлди.  
Бу тугмасини боссам —  
Чиқарар қора тутун.  
Бу ричагини бурсам —  
Хартумин ерга солди...

Мана, кўр! Қир кўксида  
Бир бургутдай ўтирган,  
Йўқ, фил... йўқ, ўхшаши йўқ,  
Тенгсиз бир қаҳрамон — бу!  
Йигирманчи асрнинг  
Техникаси туғдирган,  
Моторларнинг саркори —  
Ажойиб зўравон — бу!

Табиатга ҳужумда  
Илғор сафда туради,  
Одам ўғлининг пўлат  
Сипари-қалқонидир.  
Тингла, нақадар мағрур...  
Шердай наъра уради,  
Бу қурилиш фахридир!  
Бу қурилиш жонидир!

Меҳнат — ҳаётда зийнат,  
Кўркемлик яратади,  
Меҳнат — Ватан кўксида  
Гигантлар қилур барпо.  
Меҳнат шарафим менинг,  
Қалбим тоза тутатади,

Меҳнат номусим менинг,  
Меҳнат эмас бевафо.

Бевафо йилларимнинг  
Жафосидан озодман,  
Гавҳардай асрагумдир  
Синфим номусини...  
Меҳнатим номусимдир,  
Мана, не учун шодман,  
Бахш этдим Ватанимга  
Қайнар ёшлик ҳиссимни!

Бахш этаман Ватанга  
Йигитлик кунларимни;  
Ғайратим, баҳор умрим  
Бахтиёр Ватанимга!  
Жўшқин ёшлик қувватим,  
Ижод тугунларимни  
Бераман, улуғ ўлка,  
Албат бир-бирлаб сенга!..

Меҳрим шунга боғланган,  
Ишқим шунга чоғланган,  
Волга сувлари келгач  
Пойтахт қучоғига,  
Улуғ Ватаним бўйлаб  
Довруқлар таратаман,  
Шу ила боражакман  
Шўх Чирчиқ қирғоғига!

Оқ денгизни Болтиққа  
Қўша олган ғайратим  
Бир тўлқин уриб кўрсин  
Чирчиқ соҳилларида...

Буюк Волга каналда —  
Ўзиб чиққан гиротим,  
Буюк — қора гигантим,  
Оқ, ижод селларида!

Биламан: энди мен ким?  
Дўстим ким, душманим ким?  
Англадим: ўз-ўзимга  
Қарши офат эканман.  
Бу кун юрак қонимда  
Ватанга севги ҳоким,  
Шу онг бошимда ҳоким,  
Мана, билсанг қимман мен!

Мана, Волгастрой!  
Ёйган кенг қулочини,  
Мана, улуғ иншоот  
Тугашдадир шиддат-ла.  
Булуғларга улайди  
Қора тутун сочини,  
Машинам — юракларни  
Титратувчи қувват-ла...

Мен уни ишга солиб,  
Энергиялар олиб,  
Қора ерда ғор қазиб,  
Тортаман тупроғини...  
Мен уни қўзғатаман,  
Қўлларим кучга тўлиб,  
Оламиз ер кўзининг —  
Гавҳарини, ёғини...

Қураяпмиз энг сўнгги,  
Энг гўзал платина,

Ҳайрат бармогин тишлаб  
Қолсин қариган аср...  
Пойтахт ёнбошида —  
Сув кўли-зўр ойна,  
Фақат... иродамизга  
Қулдир бу тилсим, бу сир.

## С ў н г

Чўзилиб оқади  
Сўнгсиз осмонда —  
Мармар булутлардай  
Тонг туманлари;  
Сузилиб отади  
Қора ўрмонда —  
Тим яшил ўтлардай  
Шимол тонглари...

Кўкда нағмалар учиб,  
Меҳнат шовқинлар сочиб,  
Бетин гуриллашда  
Меҳнат бонглари...  
Яшил шуълалар қучиб,  
Бахмал чечаклар очиб,  
Яшнашда, гуллашда  
Москва ўрмонлари.

Эҳ, Москва ўрмонлари,  
Москва ўрмонлари!  
Қирларнинг, водийларнинг  
Қора сочлари бўлиб —  
Ҳар тонг янграр қўйнингизда  
Меҳнат оҳанглари,



Сахий, бой табиатнинг  
Қулочлари тўлиб.

Кўтарилур ҳар тонг —  
Чизгисиз бошингизда  
Оқ ҳарир, ипак  
Шимол туманлари  
Шимол туманлари-ла,  
Шимол тонглари-ла  
Бўшлиқларга тўлур  
Ижод бонглари...

Мураккаб техниканг,  
Пўлат қўлларинг  
Отажак Ватан бўйлаб  
Гигант қадамлар...  
Оламга довруғ бўлур  
Ёруғ йўлларинг,  
Юксалтдинг тубанлардан  
Сонсиз одамлар...

*Волгастрой, 1934.*

## АЖДАР

Эмиш: қадим чоқда — ўтган замонда,  
Инсон кўкдан ўраз кутган замонда,  
Қуюқ қоронғида ётган бир давр,  
Ғафлат гирдобига ботган бир давр —  
Дарёдан нарида, чўлдан нарида,  
Юксак қора тошнинг қия бағрида —  
Мавжида ярқираб қуёш сирғаси,  
Оқаркан кўк булоқ — ҳаёт жилғаси...

Тиниқ оқимлари — дардлар давоси,  
Кумуш жарангидай тиниқ навоси —  
Ёйилиб кетаркан увалар бўйлаб,  
Ҳамиша ёқимли куйини куйлаб —  
Кўзларни боғларкан эрка мавжига,  
Қушлар чиқишаркан қўшиқ авжига.  
Бир ёни — кўз етмас кўк яланг дала,  
Бир ёни — тепалик, қуш гала-гала.  
Йўлчилар тунаркан соз тепасида,  
Қулунлар ўтларкан кўк майсасида:  
Бир чинор бор экан чашма қошида,  
Қушлар қўноқларкан тунда бошида.  
Сояга мўл экан боғзорлар таги,  
Экинзор бўларкан сувнинг этаги...

Табиат етганда баҳор тўйига,  
Болалар келишиб унинг бўйига —  
Бинафша, қизғалдоқ теришар экан,  
Офтобда болқишар, эришар экан,  
Булоқни қўймасдан жимжит куйига,  
Чўмилишар экан кўм-кўк сувига...  
Кечаси юлдузлар тушиб ўйнаркан,  
Ой нури тагида шошиб ўйнаркан;  
Кундузи ялтираб қуёш — олтин соч —  
Сувда чўмиларкан... бир тўп қалдирғоч —  
Сайраркан... Учирма палапонлари,  
Она қалдирғочнинг жонажонлари —  
Қайрилма қошлардай қанотлари-ла,  
Ўқишган ғазали — баётлари-ла  
Ҳайратда қўяркан тўрғай бахшини,  
Тўрғай чайқаб жиға таққан бошини —  
Басма-басга узун бир куй куйларкан,  
Чексиз кўк яйловни мафтун айларкан

Тушда чўпон келиб чашма бошига,  
Ёнбошлаб мрамардай силлиқ тошига  
Қўзи, қўйларни кавшатар экан,  
Ҳам қотган нонини ушатар экан,  
Ботириб ер экан муздай сувига.  
Аммо... офат тушмиш чашма бўйига:  
Қайнаган қумларда дунёга келмиш,  
Пушти оғулардан-заққумдан бўлмиш —  
Бир бало, бир офат, бадсурат — хунук,  
Оғзидан очилган қора бир туйнук —  
Кўзлари оловли, тишлари ханжар  
Баҳайбат, жез бадан, улкан бир аждар...  
Чирмашиб ётармиш кекса чинорга,  
Баъзан ўрмалармиш тик жарда ғорга:  
Тушиб сув ичармиш кумуш булоқдан,

Подалар ҳуркармиш кўриб авлоқдан...  
Қушлар ҳам тарк этмиш чинор бошини,  
Чўпон соғинармиш мраммар тошини,  
Йўловчи йўламас эмиш ёнига,  
Мерган чағ сололмас эмиш жонига.  
Дов солган ботирлар келолмай яқин,  
Олмос ханжарларга мазор бўлмиш қин...  
Ҳам ёвуз, ҳам айёр, ўта кетган қув,  
Аждар оғусидан қораймиш кўк сув,  
Сувни заҳарламиш келган фалокат,  
Эл учун юз бермиш шундай ҳалокат...  
Майсалар, кўкатлар қуриган эмиш,  
Юрт ҳеч нажот топмай юриган эмиш;  
Кўк яланг айланган эмиш бир даштга,  
Баҳайбат бу бало боқмай ҳаш-пашга —  
Кечаси келармиш кишилар сари,  
Оналар қочармиш йиғлаб сар-сари;  
Оталар зарбига тоб беролмасдан,  
Аждар қаршисида тик туrolмасдан,  
Яроғларин ташлаб кетармиш нари,  
Чангалзор ёқларнинг мудҳиш аждари —  
Ҳар кеча бир гўдак қонига ташна,  
Ҳар кеча бир одам жонига гушна...

Нажот тополмайин кўрқинч балодан,  
Тушга ҳам кирмаган бу можародан,  
Йиғилишиб арзга бормиш эл шоҳга,  
Бошларини уриб олтин даргоҳга —  
Кўзларнинг ёшини булоқдай тўкиб,  
Тизларини тахти олдида букиб,—  
Демиш:—«Бало келди аймоғимизга,  
Заҳар қўшди еган қаймоғимизга,  
Бир офат юз берди чашма бўйида,  
Маза ҳам қолмади тотли сувида...

Какраларга қолди қўйларнинг кунни,  
Қурбонсиз ўтмайди фуқаро туши.  
Қуриди кўк яланг, қуриди яйлов,  
Барига ўт кетди гўё беаёв.  
Ҳар кеча бир гўдак боши кетади,  
Қон бўлиб кўзларнинг ёши кетади. .  
Ноламиз кўкларга етади, шоҳим  
Бир нажот берсангиз нетади, шоҳим!»  
«Бандага ҳар кунни солади тангри!  
Тангри балосини олади тангри!—  
Дабди шоҳ— Тинч қўйинг, уни тувлаатманг,  
Қулорим нолангиз билан гувлатманг.  
Ўсмаса битта ҳам гиёҳ, не чора,  
Ҳайбатидан диллар сиёҳ, не чора!  
Подалар яйлоқсиз қолур, не чора,  
Аймоғим тойлоқсиз қолур, не чора!  
Аждарга йўламанг, булоқ бўйидан  
Келмасин... ичманглар унинг сувидан.  
Ҳар кеча тинчликни бузмаслик учун,  
Ҳайбати жигарни узмаслик учун,  
Ҳар кунни келтириб ташланг бир гўдак,  
Гўдакки, аждаҳо бўлсин тўйгудак.  
Боринг, яратганга қилинг илтижо,  
Нажот худодандир ҳам шундан балол!»

Юрт-чи, чўнг қасрнинг бўсағасида,  
Барининг қўллари тир ёқасида  
Зўр сурон солибди, лекин йўқ нафи.  
«Ҳар кеча бир гўдак боланинг дафи!»  
Шу сўздан ўзгаси кирмас қулоққа  
Юрт ҳам мусибат-ла қайтмиш булоққа.  
Юртни ўраб олмиш мислсиз қаҳат,  
Юраклар барг каби тиграр, йўқ тоқат...  
Ҳар кунни бир гўдак ташланар эмиш,

Оталарнинг кўзи ёшланар эмиш;  
Баракали тупроқ қақшаган эмиш,  
Янтоқзор бир даштга ўхшаган эмиш.  
Йўлларида ўтмасмиш карвон туяси,  
Бу аймақ бўлмишдир бойқуш уяси...

Навбат етган экан чўпон ўғлига,  
Кўз ёш-ла термилиб дала йўлига,  
Тўлганиб йиғлабди бечора чўпон,  
Ғазаби томирда урармиш тўфон:  
«— Якка ўғилгинам, ёлғиз тулпорим,  
Белимнинг қуввати, олқорим, норим!  
Наҳотки жудалик тушар бошима,  
Заҳар қўшиларми ичган ошима...  
Чироғим, келдими сенга ҳам кезак?»  
Титрармиш гўёки юз йиллик безгак;

Унгурда яшаркан, темирчи бир чол,  
Кекса доно экан оқсоч, оқсоқол;  
Чўпон шу томонга ташлабди қадам,  
Қаршисига чиққан суюмли одам  
Чўпонга уқтирмиш: «У — аждар эмас,  
У бир ялмоғиз-ку, ҳеч тўйдим демас...  
Асли бир ялмоғиз-жодугар ўзи,  
Жаҳонни ютаман деб ёнар кўзи...  
Даҳшати, ҳайбати бари сеҳрдан,  
Қалбида қитдек йўқ, раҳму меҳрдан,  
Қор этмас ҳеч яроғ, лекин бир ханжар  
Бор менда, эпласанг нажотдир, магар...  
Ғафат айтиб қўяй, яхши эсда тут:  
Аждар олов сочиб, ўчирганда қут,  
Ханжарингни дадил суғур қинидан  
Ва расолаб санчгин ўнг биқинидан!»  
Чўпон ўпган эмиш доно қўлини,

Уйлаб азизини, ёлғиз ўғлини —  
Қайта келган эмиш кетган йўлидан,  
Бу йўл чиқар экан бадбахт чўлидан...

Етаклаб ўғлини, белини бойлаб,  
Аждарга йўл солмиш юз хаёл айлаб.  
Аждар кутар эмиш ўз қурбонини,  
Қўмсармиш гўдакнинг ширин қонини;  
Чўпон нарироқдан қарамиш унга:  
— Аввал мен борайин, дебди, ўлимга!  
Барибир ўламан сендан айрилиб,  
Сен кетсанг, қанотим қолар қайрилиб...  
Сен кетсанг, қоматим ёйдай букилур,  
Баҳорим сарғаюр, боғим тўкилур...  
Сен кетсанг, бахтимнинг учар юлдузи.  
Узилар умримнинг якка илдизи...  
Мен ўлай, сен яша, сен қол, чироғим,  
Мен борай, қўлимда олмос яроғим —  
Ханжарим, чўқморим — талашиб кўрай.  
Жон чиқар ерига мўлжаллаб урай,  
Аждар қаршисига жўнамиш чўпон,  
Ёлғиз ўғилчаси боқармиш ҳайрон.  
Мардона-мардона ташлармиш одим,  
Аждар шикорини кутар эмиш жим.  
Лекин дарров ханжар ҳидин олибди,  
Қушандаси келар-пайқаб қолибди,  
Ушқириб, оғзидан сочибди олов,  
Чўпон ҳам жон тикиб, солмиш катта дов,  
Юз йўла юмалаб, умбалоқ ошиб,  
Куйганига боқмай яна ёндошиб,  
Қора терга тушиб, томоғи қуриб,  
Ёлғизини ўйлаб, юз бор оҳ уриб,  
Ахир ўнг биқиндан қадабди ханжар,  
Тўлғониб, чалқадан тушибди аждар,

Чўқмор-ла урибди тошдай бошига,  
Ўзи ҳам қулабди жарнинг тошига...  
Боласи дод солиб келганимиш элга,  
Унинг югуриши йўл бермай елга,  
Юртни тез тўпламиш, этмиш хабардор,  
Яна бир боладан айрилиб зор-зор —  
Инграган юрт ҳайрат бармоғин тишлаб,  
Чопмиш чинор сари, бор-йўқни ташлаб...  
Аждар эмас эмиш, хунук башара,  
Оғзидан оқармиш қони шаршара.  
Ранги дам бўлармиш қора бир тутун,  
Бир зумда кўк олов тус олиб бутун,  
Дамидан кўкларга тутун учармиш,  
Тўлганиб-тўлганиб олов сочармиш.  
Чинорнинг қолмаган эмиш барги-да,  
Чўпон бурда-бурда бўлмиш тагида;  
Булутни ютгудай ёнармиш кўзи,  
Аммо жон азоби чекармиш ўзи;  
Қийналиб-қийналиб, совуған эмиш,  
Тилга келиб шундай сўз деган эмиш:  
«Одамлар бошида тошлар ўйнатдим,  
Ханжар тишларимда бошлар ўйнатдим.  
Қон ичдим, қон кечдим тўйдим демайин,  
Зулмга чегара қўйдим демайин.  
Лекин темирчининг ўчли ханжари —  
Ўтди, тилиб ўтди юракдан нари,  
Ҳийламга, сеҳримга афсуски, офат —  
Чўпон ҳамласидан келди оқибат...»

Бир зумда сочлари тарқоқ жодугар —  
Боз одам тусига келмиш шум аждар  
Ханжарни ололмай ботган еридан,  
Куч топмай жадаллаб қилган сеҳридан,



Оҳ чекиб ўлмишдир чашма бошида;  
Қора доғ қолмишдир мрамор тошида...  
Унинг жафосидан нажот топмиш эл,  
Мардона чўпонга олқиш ёғар сел;  
Чашмани тозалаб жоду заҳридан,  
Макру сеҳридан;  
Юрт тагин аймақни айламиш обод,  
Ҳар йил мард чўпонни қилар эмиш ёд.  
Кумуш мавжлари-ла оқармиш чашма;  
Кўм-кўк далаларга қилиб карашма,  
Яна йўлчиларга бўлмиш қўноқ жой,  
Кечаси ўйнармиш тушиб сувга ой...  
Байрамда бўлғуси бир кўнгилхушлик,  
Чўпон бола келиб қилармиш тушлик...  
Кундузи ялтираб қуёш олтин соч,  
Жарларга қўнармиш бир тўп қалдирғоч —  
Тўрғайлар ўқирмиш севинч ҳавоси,  
Қирларга кетармиш ҳаёт навоси...

Бу қўшиқ кечмишнинг бир афсонаси;  
Бобом сўйлаб берган келиб хонаси.  
Бу қора кунларнинг қўрқинч нақлидир,  
Бобом қолдиришга менга ҳақлидир.

1935.

## ДИЛКУШО

### I

. . . . .

Субҳидам салқини эсди боғлардан,  
Оқ туман оқади қиё тоғлардан;  
Оҳиста сўкилур саҳар ёқаси,  
Ёришиб кўринур денгиз орқаси.  
Булбуллар сайрашур гулзор айланиб,  
Еллар боғ ичини юз бор айланиб —  
Қитиқлашиб ўтар гунча баргини;  
Ё ахтариб кетар қир чечагини,  
Ёки макон этар зайтун тагини,  
Ёки паноҳ тутар тоғ этагини,  
Ёки тол тагида ухлаган қизнинг  
Сочини тўзитиб қочади нари,  
Мавжларига тегиб тинчсиз денгизнинг  
Яна гулзор тараф кетар сарсари.  
Ёки бешикдаги бола юзига  
Салқин қанотини урар оҳиста.  
Ё кўзи тушади сулув кўзига,  
У ҳали уйқуда, лаблари писта.  
Уйқуда қишлоқлар, саҳро, биёбон,  
Уйқуда пештоқлар, уйқуда шаҳар.  
Уйқуда оқ сарой, яшил хиёбон,  
Аста сўкишдадир ёқасин саҳар.

Сўфи минорадан чўзади азон,  
 Амир чиқиб келар ланжу паришон.  
 Тун бўйи қадаҳлар уриштирган қўл,  
 Бир зум ибодатга маҳжум ноилож...  
 Нақшин табиатга кўз ташлади ул,  
 Кўнглини овлаган нечук бир гултож?  
 Ёки бекларидан келмаган хирож?  
 Нега у дарғазаб, ўйланур фақат,  
 Ё дилни боғламиш ўзга сунбул соч?  
 Ё тунги базмлар зериктирмишми,  
 Ёки Бухороси тушмиш, эсига?  
 Ё уни қийнаган даҳшатли тушми,  
 Қандай ғазаб изи қўнган тусига?  
 Ёки хаёлида мажҳул бир ният,  
 Ё кечаги меҳмон, олифта хоним —  
 Эҳтиёт олтинга қўл солдимикан?  
 Ким бебош қалбига қадар солди, ким?  
 Ёки «нодон элат» қўзғалдимикан?  
 Ё айнаб қолдими кофир оқ пошшо,  
 Вайрон қилмоқчими тахту бахтини?  
 Ўзи бу элларда айлар томоша,  
 Бузмоқчи бўлдим қилган аҳдини?  
 Ё у тангрисини айламоқда ёд,  
 Жаннатдаги кўшким бўлсин деб обод?  
 Ёки пайғамбардан тилар шафоат.  
 Ёки таҳоратсиз ўтдими тоат?  
 Дам меҳробга тикар бежо кўзини,  
 Дам четга буради ғамгин юзини —  
 Қўшни боғчалардан ахтаргани на?  
 Ё бетоб бўлдим, хастами яна?  
 Йўқ, бетоб эмас ҳеч, иши жо-бажо,  
 Бухоро тахтига у соҳиб танҳо.  
 Оқ пошшодан унча ғаш эмас кўнгил,  
 Ахир, зар сарупо кийгизган-ку ул,

Пешкаш бўлган-ку унга Бухоро,  
 Тортиқлари келган жонига оро...  
 На тахти хавфда-ю, на ўлка талон,  
 На юрти кўтарган қарши қўзғолол.  
 Ахир, бекларнинг қамчиси қон-ку.  
 Кўз ёшларнинг ҳар бир томчиси қон-ку.  
 На тунги базмлар, на кетган олтин,  
 На бадмаст лаҳзалар, на меҳмон хотин  
 Унинг тош кўнглига солмаган кадар.  
 Унинг хазинаси ҳали тўла зар.  
 Ялта боғларида кўшқу кошона,  
 Ҳою ҳавасларга ҳар кун парвона...  
 Заррин хоналарда у ҳоким танҳо,  
 Қилгулиги махфий, қилмиши пинҳон...  
 Базмига князлар, бойлар келади,  
 Қасрига сулувлар, ойлар келади.  
 Олтин товоқларда тортилуру овқат,  
 Ёкут қадаҳларда гупура бода.  
 Жойида салтанат, жойида шавкат,  
 Шалоқ ҳаёти бор бу сайроғоҳда.  
 Фақат...  
 Қўшни боғда бир қиз кўрмиш ногаҳон.  
 Баднафси дил ўртар, тошар ҳаром қон;  
 Сочлари жингалак, кўзлари хумор,  
 Тоғдаги оҳудек бир шўхлиги бор,  
 Юзида барқ урар ойдек жамоли,  
 Лабида ягона ҳиндуваш холи;  
 Дунё жафосидан ҳали беҳабар,  
 Уйноқи дилига кўнмаган кадар —  
 Ҳали ўн тўртга ҳам кирмаган барно,  
 Ялта гулзорида бир гули раъно...  
 У, қизни кўрди-ю, кўнгли бўлди банд  
 Эрон маликаси бу кеча ҳарчанд —  
 Ишва-ю, поз ила ёқмади жонга,

У ҳануз кўз узмас, боқар бир ёнга...  
Бегуноҳ боғбоннинг ёлғиз фарзанди,  
Якка овунчоғи — умр пайванди;  
Бола ҳаётига ҳали тўймаган,  
Ширин шўхликларин ҳали қўймаган,  
Қизгина, не гамга бўлдинг мубтало,  
Сенга кўз ташлабди беинсоф бало...  
Унинг гавҳари бор, унинг зари бор,  
Унинг ҳийласи бор, ёмон шарри бор.  
Унинг оқ пошшоси — суянчиғи бор...  
Оқ пошшонинг хунрез, заҳар тийғи бор.  
Унинг Бухороси, шўрлик юрти бор,  
Унинг юрт кўнглига қўйган ўти бор.  
Унинг мирғзаби сиртлондай ёвуз,  
Нола қаршисида кўнгли тош ва муз.  
Унинг ўрдаси бор, унинг қасри бор,  
Балохўр, тош кўнгли, нодон асри бор,  
Унинг зиндонлари томуғдан баттар,  
Унинг кишани бор — умрга хатар.  
Гало боғбон, нега товладинг бўйин,  
Ғазаби боғингдан кўтарса қуюн —  
Додингни кимларга айтасан гадо?  
У, ахир бир элни айлаган адо,  
У, ахир Бухоро тахтида амир.  
У яна оқ пошшо вақтида амир...  
Хаёллар из солди пешанасига —  
Аста кетар экан ўз хонасига —  
Ғазаби кўнглида олди аланга:  
«Сенми, бермайдиган қизингни менга?»  
Узоқ Бадахшоннинг дилраболари  
Менинг ҳарамимда тарашади соч,  
Зарафшон бўйлари, Марв уволари  
Пари қизларидан беришади бож...  
Жория-бекларнинг қизи ҳарамга,

Канизак — Бухоро нозанинлари.  
Эрон нигорлари келур ўрдамга,  
Хар кеча қўйнимда янги бир пари...  
Хашамат қадрига етмаган жинни,  
Хасратга қўймоқчи бўласан кимни?  
Сенми бермайдиган қизингни менга?»

## II

Осмон юзида ҳарир гўшанга,—  
Зарбоф сарупога ўралган сулув,  
Сочлари денгизда судралган сулув,—  
Қундузнинг дийдаси — келинчак қуёш,  
Уфқ дарчасидан чиқармишди бош;  
Осмон юзини сайргоҳ айлаб,  
Фируза бўшлиқдан ўтар авайлаб.  
Уфққа ястанган эди чексиз сув,  
Овунчоқ бўлмади на у, на-да бу...  
Боғчалар устидан боқди йироққа,  
Булутга бош қўйган азамат тоққа:  
«Айпетр» бошида туркум оқ булут,  
Ҳаволарда оғир учади бургут;  
Бургут ўз панжасини йиққани янглиқ,  
Муштини сиқди у, кўзлари қонлиқ...  
Боғлардан келади қушлар навоси,  
Ҳеч қайси бўлмади кўнгил давоси.  
Маҳрамига тикди тинган кўзини,  
Май, деди, қадаҳга урди ўзини...  
Кул ранг туман эди кўк юзи букун,  
Қрим боғчалари фаровон, тўкин,  
Унда тер тўкади то кечга қадар —  
Бели букилмаган боғбон — падар.  
Унда золим бекнинг гулгун мулки бор,  
Хар кеча тўй, базм, ўйин-кулги бор.

Унда икки хўжа бирдай ҳукмрон,  
Унда олтин ўзи соҳибиқирон...

Қўшиқлар келади узумзорлардан,  
Хабар бериб ўтар сўнгсиз зорлардан.  
Қоядан ялтираб тушар шалола,  
Қушлар қўшиғида янграйди нола.  
Чўпон най чалади атлас тепада,  
Богбон нонуштасин қилар қапада...  
Қизи сув келтирди булоқ бошидан,  
Уйининг зийнати кичик ёшидан...  
Тошлоқ ер устида ям-яшил богча,  
Унинг кўз олдида ўсган ҳар шохча.  
Унда олуча бор, олма бор, нок бор,  
Қаҳрабо узумли бир талай ток бор,  
Унда ҳалол меҳнат, пешона тери,  
Пешона теридан гулламиш ери...  
Тош девор ўраган — ўзича қалъа,  
Шу қалъа ичида яшар қиз бола,  
Ўзига яраша ўтган кунни бор,  
Оқ мрамор тонглари, ойли туни бор.  
Гоҳо келадиган йиғин — тўйи бор.  
Тўйларда айтгали мунгли куйи бор.  
Нонуштаси қолиб ўйга ботди чол,  
Амир таклифига жавоб топмас, лол.  
Юз хаёл келарди якка бошига,  
Таскин тополмасди дил бардошига:  
— «Норасида қизни нетмакчи ҳайвон,  
Хотини бир гала — ўзи битта жон,  
Тағин қасри тўла ғулом, канизак...  
Бўй етмаган қизга келдими кезак?  
Бу қандай адолат, бу қандай инсоф,  
Бошимга қуласа яхши Кўҳи Қоф!  
Унинг олтинлари менга не даркор,

Қизимнинг ҳаётда ҳали ҳақи бор.  
Офатингдан сақла, ё парвардигор!  
Норасида қизга қўл солди бадкор.  
Шу кунни кўргунча, ўлганим яхши!»  
Кўздан ихтиёрсиз тўкилар ёши,—  
Қайрилиб қизини кўрди боғбон,  
Енгил тортган каби бўлди шу замон...  
Қизи шўх олқордай сапчиб ўйнарди.  
Гулларга сув сочиб-қочиб ўйнарди.  
Кўнгли жиндаккина топдими ором,  
Е ваҳший орзуга бўлаёзди ром:  
У аста турди-ю, йўл солди боққа —  
Меваси тизилган ҳар бир бутоққа —  
Падар кўзи билан ташлар эди кўз,  
Аммо чол бўғзида тикилган бир сўз,  
Бир сўзки, дунёга татир шиддати,  
Элга дoston бўлур унинг ҳиддати...  
Бир сўзки, боболар айтмаган ҳануз,  
Асрлар қалбида сақланган бир сўз:  
— «Бермайман қизимни тортса ҳам дорга,  
Ундан кўра ўзим отаман жарга!»

### III

. . . . .  
Ўзгачадир қаср бу оқшом,  
Нилуфар боғ ўта чарогон.  
Ҳар гўшада ўзга бир ҳашам,  
Букун хурсанд эҳтиросли жон.  
Шошиб ўтар жориялари,  
Канизаклар тузар дастурхон.  
Таъзимкорди маҳрамлар бари —  
Дабдабага бағишлайди шон.  
Ойнинг мармар кокили тўзмиш,



Чўмилгали тушмиш денгизга.  
Денгиз кўҳна куйини чўзмиш,  
Мафтун бўлиб сувдаги қизга.  
Танбур товши бошлади сарбоз,  
Чалинг, чалинг, сарбоз чалинг боз.  
У муродга етган бу кеча.  
Шунга ўта хурсанд бу кеча.  
Билмайсанми, сувда юзган ой,  
Сув қизидай сочи тўзган ой!  
Сенга ўхшаш соҳибжамол қиз,  
У тиллари шакар ва бол қиз —  
Тоғ кийиги каби шўх пари —  
Юрагида дарди йўқ пари —  
Борбоннинг ёлғиз фарзанди,  
Арзандаси, умр пайванди —  
Жингалак соч, бегуноҳ бола,  
Тоғда ўсган бағри қон лола —  
Кўп кунларким, қасрда қамол,  
Асирликда гулдайин жамол...  
Нимага ой, тўлғаниб қолдинг?  
Хаёлларга чулғаниб қолдинг?  
Ёки эшинг келди ёдингга,  
Ким етади энди додингга?  
Сен денгизда сочинг ювасан,  
Ё, самода танҳо шувасан,  
У-чи, холи қасрда тутқун,  
Кўз ёшлари равондир ҳар кун.  
Шўхлиги йўқ, сочини юлар,  
На сўз айтар, на жиндак кулар,  
Кўргандирсан эшингни балки,  
Етди унга зolimниг илки!  
Сен булутга яширинган кеча,  
Ғожиадан кечикдинг пича.  
Сотқин одам, ёлланган одам,

Кўнглига тош боғлаган одам —  
Беҳуш қизни ўғирлаб келди,  
Зулумотга бир офтоб келди...  
Гадо боғбон, шўрлик пешона,  
Юз эшикка бўлди парвона,  
Кўкка чиқди доду фиғони,  
Наинки сен билмадинг они?  
Уша кундан бери қиз тутқун,  
Хилват уйда сақланар тун-кун,  
Арз этади бад ҳирсин ҳамон,  
Бағишламоқ бўлур гўё жон.  
Унамайди, қиз дод солади,  
Юзларини ўйиб олади,  
Момоларнинг сўзи этмай кор,  
Еш тўкади бечора зор-зор...  
Наинки сен билмадинг ойхон?  
Мана букун ҳирсда ёнар жон,  
На шарият ёдига келар,  
На ўзга ғов олдига келар,  
На худодан сўраган изин —  
Қучмоқчидир боғбоннинг қизин...  
Ўзгачадир қаср бу оқшом,  
Нилуфар боғ чиройи ортмиш.  
Ҳар гўшада ўзга бир ҳашам,  
Қаср ишрат шавқига ботмиш.  
Шошиб ўтар жориялари,  
Канизаклар тузар дастурхон,  
Қўл қовушган маҳрамлар бари  
Дабдабага бағишлайди шон.  
На отанинг ризоси бунда,  
На бечора она хабардор,  
Наҳотки шу қаробахт тунда  
Маъсум ҳаёт топталур беор...

Мана шундай хонлар одати.  
Узгаларнинг бор саодати —  
Оёқлари остида поймол.  
Кўҳна дунё, қари тарих, зол! —  
Сийнанг мунча аламга тўла,  
Аламларинг оламга тўла...

Зиндонларда чуриydi одам,  
Нон ўрнига тош ейди одам —  
Ҳарамларда зўрланади қиз;  
Жонивордай хўрланади қиз,  
Уввос тортиб йиғлайди она,  
Доғли бағрин тиглайди она,  
Тўлғанади бетоқат дунё.  
Ўз бахтига ўзи ёт дунё,  
Наинки сен хабарсиз, ойхон?  
Мана шундай шод бўлади хон!  
Ота-она бўзлар, қон йиғлар.  
Юрак йиғлар, бутун жон йиғлар.  
Денгиз йиғлар, биёбон йиғлар,  
Осмон йиғлар, кенг жаҳон йиғлар...

. . . . .

Сўфи чўзиб айтади азон,  
Чиқиб келар амир шу замон.  
Гаранг боши саждага кетур.  
Хаёлидан Бухоро ўтур!  
Сайр энди теккан жонига,  
Йўл солмоқчи ўз маконига;  
У ерда тахт, у ердадир шон.  
У ердадир ўрда, дор, зиндон,  
Қулларига берди у фармон:

. . . . .

Қуёш чиқди денгиз кетидан,  
Ёруғ тўкиб ёрқин бетидан.  
Кўрди ерда ваҳшат изини —  
У, муштипар боғбон қизини —  
Пайқаб қолди наҳанг оғзида,  
Унсиз фарёд қотган бўғзида.  
Ғазаб билан сузди осмонга,  
Қуёш тўкди жаҳаннам ўти.  
Тўлғоқ тутиб тўлғонди денгиз,  
Пайдо бўлди ғазаб булути.  
Булут қуйди... аммо қасрни  
Олиб кетолмади тошқинлар.  
Тунда ўтган бу машъум сирни  
Ювиб ўтолмади тошқинлар...  
Наъра чекди қаҳри-ла денгиз  
Тўлқинларин урди соҳилга.  
Тарихларда қолди қора из,  
Кўчиб юрар эллардан элга...  
Қирғоғидан ошолмай денгиз  
Жимжит қолди, зўр армон қолди.  
Сўлган чечак каби сўлди қиз;  
Ота қолди, ғариб жон қолди.  
«Айпетр»нинг чўққиларида  
Туман қолди, зор-фиғон қолди.  
Булбулларнинг қўшиқларида  
Нола қолди, бир туғён қолди.  
Ғарибларнинг ўксиз дилида  
Бир ўч қолди, беомон қолди.  
Ғадоларнинг бадбахт элида  
Қўзғалажак бир бўрон қолди.  
Саҳарларнинг мармар юзида  
Битта коса тўла қон қолди.  
Боболарнинг ўлмас сўзида,  
Тарихларда шу дoston қолди.

## IV

Турди амир уйқудан сўзон  
Шароб ичди биллур косадан.  
Кўзи тушди кўчага томон,  
Сархуш боқди у «Махоса»дан,  
Гадо кўрди у дарвозада,  
Турар эди эрта саҳардан,  
«Ким бу, нечун санқир афтода,  
Йўлчимикан узоқ шаҳардан?  
Ҳожими ё сарсон қаландар?  
Е ўлпондан қочган бандими?  
Е ҳиндуми, жоду-сеҳргар?  
Е талаби бирон жандами?  
Кайф йўқотган ё кўкнорими,  
Е қуламикин дуога келган?  
Еки ўзга бир арзи борми,  
Е ўғрими дунёга келган?»  
Йўқ! Бу на қаландар, на дуогўй қул,  
На ҳожи, на жоду, на шафқат талаб!  
На қочқин, на ўғри, на безори ул,  
На кайфсиз кўкнори, на бир беадаб!  
На жанда сўрайди, на бир бурда нон,  
На исён қўзгаган бирон осий бу!  
На амир қасдига тушан мард ўғлон,  
Зўрланган бир қизнинг ўз отаси бу!

Эгнида жанда-ю, қўлида асо,  
Фарзандини ахтарган сайёҳ,  
Йўллар ўтмиш чарчамай расо,  
Қалби тўла армон оҳу воҳ.  
Талаби — қиз, талаби — фарзанд,

Боғидан узилган гулнинг дардида.  
Кекса кўнгил фарзандига банд,  
Оламни куйдирар оҳи сардида.  
Амир пайқаб, юмди кўзини,  
Кўз олдидан ўтди бир сурат,  
Йўқотгандай бўлди ўзини,  
Чилим!— деди тажанг шу фурсат...  
Хотирига келди узоқ юрт,  
Боғларига соябон булут,  
Қояларга бош қўйган денгиз,  
Ўша қасру, у кеча, у қиз...

Кўз олдида ҳали у кеча,  
Бечора қиз тўлганиб пича.  
Оғушида сўлди, берди жон,  
Бадмаст кўзлар тўлиқ қора қон:  
— Йўқотингиз, ҳайдангиз! Дарҳол!  
Дарвозадан ҳайдалди бу чол...

Қаср эшигида қиз ҳайкали бор.  
Мазлума кўзида қон-ёш ҳали бор.  
Маъсум нигоҳлари кўзида зоҳир.  
Табиат, нақадар шоиру моҳир —  
Ки, шундай шоҳ асар ярата олмиш,  
Сунбул сочларини орқага солмиш...  
Шундай бир сулувлиқ берган бу юзга,  
Аммо бадтолеи нетган ўксизга!  
Ўша машъум кеча, шодиёна тун,  
Қанча бадбахтларга бир ғамхона тун,  
Амирнинг ҳирсига бўлмишди қурбон,  
Еввойи оғушда бермиш ғариб жон.  
Қишлоқ мотамсаро, эл мотамсаро,

Булут мотамсаро, сел мотамсаро,  
Денгиз йиғлаганмиш, тоғ йиғлаганмиш,  
Субҳидам уйғониб боғ йиғлаганмиш...  
Аммо, на раҳм бор ва на адолат,  
Элни золим шундай этмишдир ғорат.

*1937, Ялта.*

## СУВ ҚИЗИ

(Эртак)

Юлдузлар-ла чарогон кеча...  
Урмонларга боқар ўроқ ой,  
Йўллариингга боқдим, эркатой,  
Сен кечикдинг ваъдага пича.

Сен кечикдинг тоқат тоқ бўлди,  
Аста бордим булоқ бошига,  
Қулоқ солдим қушлар товшига,  
Сен кечикдинг, тонгги чоқ бўлди,

Оёқ қўйдим қиргоқ тошига,  
Сен келмадинг пайт адоқ бўлди,  
Машриқ ранги секин оқ бўлди,  
Салом бердим тонг наққошига.

Мана келдинг ёнимга бу кеч,  
Сўйлаб бердинг қайғули қисса;  
Мен қиссангдан олайини қисса,  
Лекин сирдай сақлай олмам ҳеч.

Мен бу ҳазин куйингни, дилбар,  
Битта-битта олай қаламга,  
Битта-битта ёйи оламга;  
Наслларга қолсин бу хабар.



Куйла, сулув! Сочлари қора...  
Бу — ўтмишдан қонли бир япроқ,  
Не балолар кўрди бу тупроқ,  
Куйла эркам, сўйла ошкора!

\* \* \*

Қадим чоқда, денгиз бўйида,  
Қафасида — ғариб уйида  
Эртадан кеч уннаб, тер тўкиб,  
Юз энкайиб, белини букиб,  
Ҳаёт кўрган экан битта чол,  
Дарахт тикиб тақир тошлоққа,  
Чекар экан заҳмат якка ҳол,  
Уйи узоқ экан қишлоққа.  
Аммо унинг парваришидан  
Қамолига етқарган дарахт,  
Қис тоғнинг қирра тошидан  
Тартиб олар экан бу чол бахт.  
Шарбат оқар экан боғидан,  
Мўл бўларкан олмаю анор.  
Тер тўқаркан баҳор чоғидан,  
Қанда қилмай то ёққунча қор.

Бўлар экан чолнинг бир қизи,  
Шамшод унинг бўйига хуштор.  
Лаби pista, юзи қирмизи,  
Дастор олма каби заб нақшдор.  
Сочларига наҳақ мажнунтол.  
Қўшиғига булбуллар хумор.  
Кўзи шахло ва тиллари бол,  
Тенгсиз экан ой каби дийдор.

Юзидаги нақшини олма  
Отган экан гул ёноғидан,  
Қайрилма қош, беллари толма,—  
Элга дoston гўдак чоғидан.

Чолнинг якка юпанчи экан,  
Нуридийда экан Орзи қиз.  
Кўрган кўзнинг қувончи экан,  
Кўрган йигит қолмас севгисиз...

Овозаси таралган экан,  
Хатто Кўҳи Қофнинг тоғидан —  
Неча марта сўралган экан,  
Совчи келиб девлар шоҳидан.  
Бир кўргали келишар экан  
Денгизнинг ҳам нарғи ёғидан.  
Бир кўрмоққа тиришар экан  
Бўйини чўзиб ҳар ким боғидан.

Қиз ҳар куни субҳидам чоғи  
Сув олғали тоғдан тушаркан.  
Қиё тошда — ошна булоғи  
Улфат экан, шўх учрашаркан,  
Узоқ қолиб чашма бошида  
Кўз ташларкан денгизга томон.  
Қушлар сайрар экан бошида,  
Денгиз усти қуюқ бир туман.  
Туман ёриб келаркан кема,  
Ким билади аллақайлардан,  
Ким билади, ахтарар нима,  
Сарсон бўлиб узоқ жойларда...  
Ким билади, Орзи қиз нега  
Бунча суяр денгиз бўйини,  
Балки булоқ сирдош дардига,

Нима экан бўлган ўйини?  
Нега тикар сувга кўзини,  
Кимни кутар бунча интизор,  
Кўрмоқчими сувда юзини.  
Юзи кундан чиройли ҳазор.  
Ё чашманинг барқут бўйлари  
Илк севгининг уйғонган ери,  
Шунга ўла узоқ ўйлари,  
Шуми узоқ қолмоқнинг сирин!  
Худди ўзи, ана дилрабо  
Кулги ўйнар қора холида.  
Сочларидан ўпганда сабо  
Ёри ўтар гул хаёлидан...

Танти йигит, ўктам чавандоз,  
Ахир унга шунда дуч келмиш.  
Ваъда берган, бўса олган боз,  
Илк севгиси дилга хуш келмиш.  
Аввал баҳор тонг чоқларида,  
Сув бўйида шунга хаёл банд.  
Табиатнинг гул боғларида  
Йигит ишқи ташламиш каманд.  
Кўзи тушар келган кемага,  
Кўзи тушар денгизга ҳарчанд;  
Аммо хаёл банд ваҳимага,  
Кўнгли дилдор кўнглига пайванд.  
Балки унинг севган отаси  
Бермоқчидир севмас йигитга.  
Вайрон бўлиб ёшлик сафоси.  
Келин бўлиб тушмоқчи четга.  
Йўқ, ота ҳам энди унаган,  
Онаси ҳам рози ўшанга.  
Совчилар ҳам келиб тунаган,  
Қалин моли — ўн қўй, юз танга.



У отадан тушмоқчи йироқ,  
Қўшилмоқчи севган ёрига,  
Юрагига чанг солур фироқ,  
Кўз ташлайди булоқ жарига.  
Болалиги, шўх ўйинлари,  
Утган умр тушар ёдига.  
Она меҳри, ота куйлари  
Қолур... Борар кимнинг олдига:  
У, тагин шу денгиз бўйида,  
Ёшлигининг улфати булоқ.  
Аллanelар кезар ўйида,  
Хайрлашар гўё у шу чоқ:  
Хайр, чашма! Мен кетар бўлдим,  
Севган ёрим бу ердан йироқ.  
Севган ёрга болу пар бўлдим,  
Уртамизга тушади фироқ...  
Хайр, денгиз! Хайр, тўқайзор!  
Хайр, қушлар! Яхши қол, боғим!  
Фироқ огир экан ва гаддор,  
Болалигим, шўх қизлик чоғим...

Қиз уйига кетмоқчи бўлди,  
Аммо, ортдан ташланди чангал.  
Типирчилаб, сўнг қиз дод солди,  
Ёт қўл уни кўтарди дангал,  
Оғзин боғлаб солди кемага,  
Кема юзди денгиз юзидан.  
Кимлар экан, қийнар нимага,  
Қўрқувидан кетди ўзидан.

Кўз ёши-ла онаси қолди,  
Кўз ёши-ла кекса чол қолди.  
Ғариб, ўксиз хонаси қолди,  
Боғча қолди, суюк тол қолди.  
Муродига ета олмайин,  
Йигит қолди, севган ёр қолди.  
Дилдагини айта олмайин,  
Чашма бўйи зору зор қолди...

\* \* \*

Шу денгизнинг нариги ёғида  
Бўлар экан бераҳм султон.  
Гулзорида, ҳарам боғида  
Канизаклар, сулувлар чунон...  
Али бобо — бераҳм, гаддор,  
Қандай кўнглинг бўлди, бегуноҳ  
Қизни сотдинг султонга беор,  
Дариг, сулув! Фойдасиз оҳ-воҳ...  
Мана, яқин бир йил ўтдики,  
Қаттол султон асираси у.  
Зулмларнинг бормикин чеки,  
Қандай совуқ, зўравон суйгу?  
У соғинар ўз қишлоғини,  
У соғинар булоқ бошини!  
У соғинар гул тошлоғини,  
У соғинар тоғу тошини.  
У соғинар денгиз бўйини,  
У соғинар онажонини!  
У соғинар булбул куйини,  
У соғинар еган нонини...  
У соғинар чол отасини,  
У соғинар севган ёрини.

У соғинар толлар остини,  
Кимга айтар ўксик зорини?

\* \* \*

Кўп ўтмайин ой, кунн тўлиб,  
Бир қиз туғди қрим сулувси.  
Аммо дили аламноқ бўлиб,  
Куз баргидай бўлмишди туси.  
Олтин берган бўйи баробар  
Орзи учун султон ўғрига.  
Кеча-кундуз ёш тўкар дилбар,  
Боласини босиб бағрига.  
Баҳор бўлди, боғлар гул очиб,  
Узоқлардан қанот қоқди ел,  
У, бетоқат қизини қучиб,  
Юрагини олар дардли сел...  
— Йироқлардан учган қалдирғоч,  
Нима хабар келтирдинг менга?  
Деган каби боқар сумбул соч,—  
— Бориб айтгин она юртимга,  
Кўзинг тушса, магар ҳолимга,  
Бориб айтгин ғариб онамга,  
Бориб айтгин севгилигимга,  
Уя солгин ўксиз хонамга...  
Бориб айтгин юраги пора,  
Бахти қаро, бадбахтдан хабар.  
Узга юртда сарсон, овора,  
Тутқунлигим айт, борсанг агар...

\* \* \*

Тўлиб-тошди сабр косась,  
Қизгинани босди бағрига.

Тун ярмидан ўтган чамаси,  
Ўзин отди денгиз қаърига.  
Бечора қиз ўзини отди  
Миноранинг қоқ тепасидан.  
Жимжит кетди, сувларга ботди,  
Қайтиб чиқмай денгиз остидан.

\* \* \*

Кеча ойдин, баҳор айёми,  
Қатра-қатра ёш тўкар булоқ.  
Мармар эди осмон жоми,  
Булутларнинг ранги ўта оқ...  
Қишлоқ ухлар, тўқайзор жимжит,  
Сўқмоқ йўлда оёқ шарпаси.  
Чашма бўйлаб юрарди йигит,  
Узоқларда ошна капаси...  
Чашма бўйлаб юрар у хомуш,  
Қайғуси тоғ, қалби садпора,  
Юрак ўйнар, ақли фаромуш,  
Нима излар экан овора.  
Худди шундай баҳор кунда,  
Ой қўйнида чашма бўйида,  
Эркалатган ёрни қўйнида,  
Ўша хилват — йигит ўйида...  
Наҳот, Орзи буни унутар,  
Наҳот, барбод бўлар муҳаббат.  
Наҳот, ўзга ишқини тутар,  
Ваъда берган эди-ку қат-қат...  
Ваъда берган то ўлгунимча  
Сени дейман, сенга ёрман, деб.  
Худди шундай ойдинди кеча,  
Ўпган эди вафодорман, деб,  
Қишлоқ ухлар, тўқайзор жимжит,

Тинган эди қушларнинг товши,  
Чашма бўйлаб юради йнгит,  
Сувдан чиқди аллаве боши.  
Тош бўлди-ю, қотди ўрнида,  
Кўз узолмай боқди нардан.  
Қизалоқ бор эди қўйнида,  
Хабар берар ошна паридан...

Аста қочди йнгит тўқайга,  
Ўз кўзига ишополмай хит.  
Пари чиқди ошино жойга,  
Титроқ босиб термулар йнгит.  
Бу — ўша-ку, севгили дийдор,  
Бу — ўша-ку, йўқолмиш жонон.  
Бу — ўша-ку, позанин дилдор,  
Бу — ўша-ку, азиз Орзижон...

Нега унинг қўйнида бола,  
Нега чиқди денгиз остидан.  
Нега йнглар, нега бу нола,  
Ранжишлари кимнинг дастидан!  
Е умасми? Сув қизимикан,  
Сочларини ювгали чиққан?  
Е Орзими, шу ўзимикан,  
Айриликлар бағрини сиққан?..

Ҳа! Бу ўша, сулув Орзи қиз,  
Сувдан чиқди баҳор айёми.  
Мақонидир денгиз, зўр денгиз,  
Тортиб турар доимо коми.  
Ерни баъзан соғинар ўксиз,  
Чиқар шунда чашма бўйига.  
Еш тўкади бечора дилсўз,  
Ота-она тушиб ўйига...



\* \* \*

Ҳар йил баҳор гулча очганда,  
Янги янроқ ёйганда боғлар;  
Ой ва юлдуз ёруғ сочганда,  
Ухлаганда айлана тоғлар,  
У чиқармиш, қизи ёнида,  
Қаршилармиш ошино қирғоқ.  
Ойдин туннинг оппоқ қўйнида  
Тикилармиш кўзлари йироқ...  
Жиндак шарпа эшитган замон  
Ташланармиш қайта денгизга.  
Ота-она, севган ёр ҳамон  
Кўз ташлармиш узоқдан қизга...

1937, Ялта.

## ФАРҒОНА

### I

Она водий, олтин тупроқ, Фарғона!  
Юртимизнинг эрам боғи — беғубор.  
Чиройингга кундуз қуёш парвона,  
Кечалари юлдуз хумор, ой хумор...

Улуғвор тоғларнинг баланд шу қадар,  
Бошларини қўйган булут тўшига,  
Ўқ етмас қалъадай, элимга мадор,  
Шу қадар тегади ёвнинг ғашига...

Поёнсиз пахтазор тоғ этаклари —  
Уфққа ястанган очиб гул чирой.  
Жилваси жаннатдир тоғ чечаклари,  
Мавж урар сийнангда сувлар сойма-сой.

Панжарангдир тизма тоғлар занжири,  
Боғларингда ёқут олу, шафтолу,  
Тотли узум, хушхўр анор, анжири...  
Булоқлар оқими — шифоли дору.

Подалар яйлоғи — яшил ўтлоқлар,  
Қирғовулар учар тўқайзорлардан.  
Шарбат қовун берар ясси қумлоқлар,  
Кўлар пайдо бўлар тоғда қорлардан,

Табиат санъаткор, одам ижодкор.  
Жамолингни беҳишт монанд, яратмиш.  
Бу ифтихор, гулгун диёр қайда бор?  
Толенигни даврон баланд яратмиш.

Бир давронки, таърифига қалам лол.  
Қойилдир тарихлар, қари замонлар.  
Бир давронки, қудратига одам лол,  
Даврлар, давронлар бўлур ҳайронлар.

Бир давронки, орзулари жо-бажо,  
Инсонни кўтарган ботқоқ ичидан...  
Лаҳзасига йиллар этар жон фидо,  
Мўъжизалар туғар қудрат кучидан.

Давронки, яратган расо одамзод,  
Сўйлай шу инсон саргузаштидан:  
Азм айласа бўлур тошлоқ ер обод.  
Бугун у кўринур Норин даштидан.

Она водий, олтин тупроқ, Фаргона!  
Ленин етагида бахтинг ёр бўлди,  
Ирода, ихтиёр берди замона,  
Қадим кенглик парвозингга тор бўлди.

Чунки баланд ошиёндир парвозинг,  
Қудратинг, журъатинг барқ урар равон.  
Жаҳонга шон ёйди ғолиб овозинг,  
Хаёл ҳам қилмаган қадим нотавон.

Бу кунинг, баҳоринг, бахтинг шуъладор,  
Эртаги кун ёз уфқидай равшандир.  
Иродангда тошлоқларинг лолазор,  
Ҳимматингдан яйдоқ саҳро гулшандир.

## II

Уйноқлашган аргумоқлар ясовдир,  
Йўллар тўзон, мардлар ўтар мардона.  
Бу полвонлар тузган улуғ ясовдир,  
Бу — қаддини ростлаб олган Фарғона!

Бу оёққа турган танги лашкардир,  
Лашкарбоши партиямдир ягона.  
Қудрат кучи аён, истак ошкордир,  
Тупроқ ва сув жанги томон равона...

Қуёш кулар ойинайн самода,  
Ярқирашар узоқ чўққи қорлари.  
Эл қисмат қўзғар яланг саҳрода,  
Ларзон бўлур тепалари, жарлари.

Ер қарсиллар кетмонларнинг зарбидан,  
Тошлар учар тўзон бўлиб, чапг бўлиб,  
Садо чиқар гўё ернинг қалбидан,  
Сийнаси чок, тўлғанади танг бўлиб.

Яхлит тошлар учар яшин сингари,  
Зилзиладай силкинади қирғоқлар...  
Қалдирайди ўз зарбига маст дори,  
Садосига садо қўшар йироқлар...

Ўт ёргувдай бўлиб ҳаво гулдулар,  
Кўтарилур кўкка қуюн даштидан.  
Ер зир қақшар, қат-қат довон дилдираб,  
Темир қўллар, мард ўғиллар шаштидан!

Аммонал гулгула, гавго солади,  
Қалтирашга тушар кекса биёбоқ.

Елдай келади-ю, селдай олади  
Янги дарё очаётган зўр инсон...

Кетмон урар соқоли оқ оталар,  
Кетмон урар ғайратлари мавжидан.  
Навқиронлар шердай ерни таталар,  
Дашт янграйди қўшиқлари авжидан.

\* \* \*

Биёбонга тўлар ялла садоси,  
Қўнгилларинг очар қувноқ қўшиқлар.  
Оқшомнинг энг ширин, сўлим асноси,  
Ўйин бошлар ялангликда у шўхлар.

Танбур, гижжак, дутор ва чанг жўр бўлур,  
Авжга олур найнинг наво пардаси.  
Қарсақлардан само титрар, дашт тўлур,  
Ларза солур чилдирманинг зардаси,

Очилади ғунчадай қиз жамоли,  
Қушдай енгил учиб ўйнар даврада,  
Мунча барно, хўб тўлибдир камоли,  
Мундай оху борми бирон дарада.

Ошифтадир кўзлар ҳур жавлонига,  
Пахта терган бўлур, шўх хиром этур,  
Ҳай-ҳай, на хуш келди дашт айвонига,  
Жилваси, рафтори дилни ром этур.

Колхозида топган бари бахт, камол:  
Танти, жўмард, якдил ҳур инсон булар.  
Меҳнат ҳалол, ҳур меҳнатдан умри бол,  
Жаҳонга шон ёйган қаҳрамон булар!

### III

Сахро ухлар, ел дим ухлар,  
Олади тун уйқусини.  
Эшитмайин эл жим ухлар  
Турналарнинг қий-қувсини.

Ухлаёлмас тунлар бироқ  
Бош инженер, Теша саркор.  
Тонгга қадар ёнар чироқ,  
Эл ишига куймак даркор.

Қанотини қуш қоқмайин.  
Уйғонар эл полвонлари.  
Еллар майин, лаҳза сайин  
Ёйилар тонг алвонлари.

Меҳнат қизар то кечқурун,  
Тўнтарилар қиё тошлар.  
Қисқа, дейди, шу узун кун,  
Тошни ўйган у наққошлар...

Сизот оқар зовурлардан,  
Отилади шағал ва қум,  
Эригандай ҳовурлардан  
Тош қирқилар гўёки мум.

Ботирларнинг баданлари  
Ялтирайди мисоли мис.  
Келур хаёл қилганлари,  
Ўша кунлар эмас олис.

Янги дарё қандай кўркам:  
Бу бўлади ҳаёт наҳри.

Байрам этар бутун ўлкам,  
Ташналикдан нажот наҳри.

Салом бўлсин ботир авлод,  
Ҳилпирасин қирмизи туғ.  
Ватан айтур муборақбод,  
Зафар қутлуг, замон қутлуг!

#### IV

Ҳали йўллар жимжит эмас,  
Шўх-шўх оқар ҳали сойлар.  
Бўронлардан шовқин келмас,  
Қор уймаган оқ саройлар...

Ел тунлари нолон эмас,  
Пешонадан урмас аёз.  
Ҳали боғлар яланг эмас,  
Қиш навбаҳор сингари соз.

Ғолибона тўй бор эди  
Жаннат днёр Фарғонада.  
Шодиёна куй бор эди  
Ҳар қўрада, ҳар хонада

Ялангларда давра базм,  
Оқшом ёнар машъалалар.  
Янграр ялла ва шўх назм.  
Учарди хуш қаҳқаҳалар.

Майдонларда қизгин сайил,  
Пойга олур бедов отлар.  
Улоққа ҳам қилур майл  
Довюраклар, азаматлар.

Мардлар тўйи қизур чунон,  
Қаҳрамонлар ясов-ясов.  
Шу базмда ботир Дўнан,  
Шу даврада Тожимат дов.

Эл суюнар, байрам этар,  
Тўлқинлапар денгиз гўё.  
Бош тўғонга қарай кетар,  
Сувга тўлар букун дарё.

Жавлон уриб келади сув,  
Сув олдида саркор ўзи.  
Суюнчидан ларзада у,  
Мардонавор боқар кўзи.

Сув олдида эл келади,  
Қўлларида байроқлари.  
Эл мисоли сел келади,  
Титрар дарё қирғоқлари.

Келар шодон, келар куйлаб,  
Дудоқларда шўх ашула.  
Келур сулув дарё бўйлаб,  
Юзларда барқ урар шуъла.

Хур меҳнатнинг қудратига  
Салом берур қўшни тоғлар,  
Эл севинар меҳнатига,  
Севилади бўз тупроқлар.

Сероб бўлур пахтазори,  
Давлат ошур, қувват ошар.  
Ғалабалар ортган сари,  
Ўлка гуллар, ўлка яшар.



Гумбурлайди дашт бўйлари  
Чилдирмалар садосидан.  
Басталанган шўх куйлари  
Ғалабалар ҳавосидан.

Уқилади сўлим ғазал,  
Уқилади «Гул ёр», Баёт».  
Тўйлар гўзал, куйлар гўзал,  
Чунки оқур оби ҳаёт.

Уйин тушар дилоромлар,  
Жаранглайди соз мақоми.  
Сўқишади биллур жомлар,  
Фарғонада тўй аёми.

Не Фарғона, эл тўй қилар,  
Қувнар, ўйнар хушбахт диёр,  
Пешонани зафар силар,  
Мардонавор эл бахтиёр.

Қорақалпоқ яйловлари,  
Хоразмнинг боғларида;  
Бухоронинг қишловлари,  
Зарафшон қирғоқларида,

Янграр ялла, чалинар соз,  
Келур салом навбат-навбат.  
Қашқадарё қўшар овоз,  
Тўй қилурди кенг мамлакат.

Дарё бўйи — тўй, ҳангома,  
Дарё ўзи улуғ зафар.  
Дарё ўзи зафарнома.  
Дарё ўзи бир шоҳ асар.

*1939, Катта Фарғона канали.*

## БАХШИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Қани, сўйла, севган созим!  
Жаранглагил хушовозим!  
Бурунгига кўз ташлагин,  
Утганлаодан сўз бошлагин,  
Эшитгани сўйла бир оз,  
Навонидан кўйла бир оз,  
Тимсолдир «Искандарнома»,  
Номасида кўп ҳангома:  
Шоҳ Искандар замонида,  
Мағриб замин томонида,  
Улкан қирғин бўлган экан,  
Қир ўликка тўлган экан.  
Улган экан мағриб шоҳи,  
Кўкка етиб лашкар оҳи,  
Жой тополмай жон қушига,  
Қочган экан туш-тушига.

Бир ёқ бўлгач катта қирғин.  
Шоҳ Искандар туэмиш йигин.  
Ёрлиқ қилмиш: ҳар ён чопинг,  
Оқил, комил биров топинг,  
Мамлакатга улуғ қилай,  
Кишварини ёруғ қилай!  
Шоҳ Искандар жавоб истар,

Халойиқни ўта қистар,  
Эл биракай айлаб жавоб:  
— Эй подшоҳ, диллар кабоб,  
Ундай одам қолгани йўқ,  
Сўзимизнинг ёлғони йўқ,  
Магар, қолди биров омон,  
У ҳам бўлса телбасимон,  
Уликлардир суҳбатдоши,  
Гиёҳ-кўкат нону оши,  
Тириклардан топмай улфат,  
Кезар танҳо, умри — кулфат...  
Шоҳ Искандар бермиш фармон:  
— Топиб келинг ушбу замон!

Эл гадони бошлаб келди,  
Кўзларини ёшлаб келди,  
Оёқ яланг, боши яланг,  
Гўё итлар қилмиш талон,  
Ёқаси чок, кўкси пора,  
Кўрар кўзга бир бечора,  
Даҳр ишидан сиккан этак,  
Икки қўлда икки суяк.  
Шоҳ Искандар кўрсатди жой.  
Қаршисига келди гадоё:  
— Не суяклар? Маънисин айт!  
Не савдонг бор? Барисин айт!  
Деди: ёлғиз кетар эдим,  
Гўр оралаб ўтар эдим,  
Чаноқларга тушди кўзим,  
Савол бердим ўзга-ўзим:  
Қайси бири подшоникки?  
Қайси бири гадоникки?  
Қиммати бир ўлганида,  
Аммо тирик юрганида,

Бири ғариб, бири устун...  
Бу не жумбоқ, бу не тугун?

Жавоб ёқиб Исқандарга,  
Шундай дебди дарбадарга:  
— Билдим, тилинг узун начанд,  
Ҳимматинг ҳам бўлса баланд,  
Кишварингга шоҳ этайин,  
Мушқулинг кушод этайин...

Дебди: Сукут — ҳиммат менга,  
Тириклигим қиммат менга.  
Истайсанки, шоҳ бўлайин,  
Шоҳларга гадо бўлайин...  
Шоҳо, тахтга йўқ рағбатим,  
Тўрт нарсада бор ҳимматим:  
Айтсам, бири мангу ҳаёт,  
Бўлмасин чек ва тўсқин зот...  
Бири — мангу йигитлик пайт,  
Қарилikka, демасин, қайт...  
Бири — битмас-кетмас давлат,  
Сочиb адо этмас давлат...  
Бири — шодлик, бўлмасин ғам,  
Мангу йироқ юрсин мотам...  
Тўрт тилагим бера олсанг,  
Бериb кўкрак кера қолсанг,  
Фармонингни бажо этай,  
Йўқса қўйгин, бундан кетай...  
Шоҳ Исқандар ҳайрон қолди,  
Бошин букди ўйга толди.

Гадо йўлга тушди дарҳол,  
Чурқ этолмай шоҳ қолди лол...

Созни созлат, бармоқларим!  
 Қилни бўзлат, тирноқларим!  
 Пардаларни озод ушла,  
 Улан, ўлан, дилни хушла.  
 Қўшиқларинг янграта бер,  
 Кўнгилни оч, яйрата бер;  
 Қадим шоир қилган хаёл,  
 Бурунгидан қолган савол,  
 Чигал жумбоқ, мушкул тугун  
 Ечилганин кўрдик бугун...  
 Ким жумбоқни ечган одам,  
 Ким у ўзи, нури олам?  
 Уша учун олқишларим,  
 Илҳомларим, болқишларим.  
 Уша учун, ўша учун!  
 Мақтамасин шоир нечун?  
 Қўли силар бошимизни,  
 Қаримизни, ёшимизни  
 Ёруғ йўлга солган ўша,  
 Кўнгил торин чалган ўша...  
 Ҳар қадами янги кундир,  
 Ҳар баҳори гуно-гундир,  
 Берди ажаб ҳур замона,  
 Бахт олурмиз қона-қона...  
 Одамизод орзусини,  
 Бегубор бахт кўзгусини  
 У яратди, этди барпо.  
 Унда меҳр, унда вафо...  
 Эй тўлқинлан, оқ ўланим,  
 Чақмоқ бўлиб чоқ ўланим,  
 Жўр бўл, қолма тоқ ўланим,  
 Кўнгилларни ёқ ўланим.

Мангу ҳаёт келди элга,  
Мангу давлат келди элга,  
Келди мангу навқирошлик,  
Келди мангу шодумонлик...  
У сабабкор, у халоскор,  
Удир устоз мардонавор,  
Ленин... Ленин ўша устоз;  
Минг қасида ва дoston оз.  
У бор, тоғлар очар конлар,  
У бор, хирмон тўлиқ донлар,  
У деб, денгиз гавҳар берур,  
У деб, дарё даштга келур.  
Удир элга сардор ва бош,  
Шунинг учун эллар қардош.  
Шунинг-чун ҳур одамизод  
Мўъжизалар қилур бунёд,  
Шунинг учун кўнгил тўлиқ,  
Ёвларининг ранги сўлиқ.  
Мушуқлардан олиб ўтар,  
Ҳар қадамда ғолиб ўтар.  
Кўрганмикан кекса жаҳон  
Шундай асл, зўр қаҳрамон,  
Кўрганмикан бирон эл-юрт  
Баладпарвоз шундай бургут?  
Йироқларни қўрар кўзи,  
Жаҳон бўйлаб янграр сўзи...  
Айтилганда унинг номи,  
Жаранглайди фалак жоми.  
Қарсак чалар минг-минг қўллар,  
Учқур қизлар, мард ўғиллар,  
Йигит бўлган минг-минг чоллар,  
Қад кўтарган ойжамоллар,  
Қарсак чалар юз минг овул,  
Чегарада мард қоровул,

Яйловларда зийрак чўпон,  
Далаларда тийрак деҳқон...  
Юлдузларнинг жимиллаши,  
Дарёларнинг лимиллаши,  
Ариқларнинг шоввалари,  
Далаларнинг наволари.  
Заводларнинг қўшиқлари,  
Ватаннинг тинч уфқлари,  
Самолётнинг шовқинлари,  
Зар бошоқлар тўлқинлари,  
Жилваланган оқ саройлар,  
Гулзор бўлган тақир жойлар,  
Кеча озод бўлган эллар,  
Бугун нурга тўлган эллар,  
Гулистонлар, дара, қирғоқ,  
Ҳар яшил тол, ҳар қафт тупроқ  
Сезар улуғ бахт айёми,  
Айтилганда унинг номи...

\* \* \*

Эл айласа гар ихтиёр,  
Чангалзор чаманзор бўлур.  
Тақдирига эга диёр,  
Кун сайин йўғи бор бўлур.  
Камол топар ҳали юз бор,  
Ёвузга жаҳон тор бўлур.  
Партия бор — ғалаба ёр,  
Эл ўқ ўтмас ҳисор бўлур...

1939.

## ОЙСАНАМНИНГ ТҮЙИДА

. . . . .  
Узоқ овуллардан меҳмонлар келди,  
Гўзал келинчаклар, жононлар келди.  
Ой юзлар, қаламдай қийилган қошлар,  
Шерсифат, мардона, шўх, барно ёшлар.  
Лочиндай чапдаст эл чавандозлари,  
Бургутдай забардаст кўп шоввозлари,  
Йигитдай яшарган азамат чоллар,  
Хурматга сазовор оппоқ соқоллар,  
Элининг бахтини ўз бахти билмиш —  
Кекса оналар ҳам бу тўйга келмиш...

Бир томонда пойга, бир ёнда улоқ,  
Гижинглаб кишнашар тўп-тўп аргумоқ,  
Олмос тусқлари кўтарар қуюн,  
Бир ёнда авж олар даврада ўйин,  
Шўх-шўх парвоз этар ўлан овози,  
Бахшининг қўбизи, созанда сози,  
Қўшиққа чирмашар ва юксалар авж,  
Аму тўлқинидай дилда ўйнар мавж...

Кузнинг сўнг кунларин узатур дала,  
Хусини кузга боп тузатур дала.  
Нақадар чиройли саҳронинг кузи,  
Симобдай ялтирар дарёнинг юзи.



Олтин ранг олмишдир жийда тўқайлар,  
Ез кунн сояга мўл, сўлим жойлар,  
Қирғоғи баракат тўлиқ қўр тупроқ,  
Асрлик уйқудан турган ҳур тупроқ,  
Онадай меҳрибон, вафодор сийна,  
Меҳнат қилган сари тўкар хазина.  
Мардона меҳнатда ўгди сахий ёз,  
Энди кенг саҳрода юради аёз.  
Пахта тоғларини қилгин томоша,  
Хаёт қўшиқларин куйла, кул, яша...  
Давлат колхоздадир, топилур мурод,  
Камолга етказар меҳнат умрбод.  
Биров Москва жўнар орден олгани,  
Биров фишт қуйдирар оқ уй солгани,  
Биров чегарага ёзади салом:  
«Совғалар юбордим, чироғим, болам!  
Омон бўл, ўргилай, доим омон бўл,  
Ватанни қўриқла, белга дармон бўл!»  
Биров байрамга деб янги тўн бичар.  
Биров колхоз берган соз уйга кўчар,  
Биров пул дасталар, санолмас ҳайрон,  
Биров ухлаёлмас топиб катта шон.  
Саҳрони тўлдириб келур подалар,  
Қадаҳлардан тошиб тушар бодалар.  
Энди кенг саҳрода тўйлар бошланур,  
Олтин куз шаънига куйлар бошланур.  
Ошиқ маъшуқага ғазал битади,  
Баҳорга ваъдалар вафо кутади...  
Ойсанам, ой юзли овоз Ойсанам,  
Туғилган ўлкаси обод Ойсанам;—  
Шоҳига ўралган, кўзи сузилар,  
Кўрган ҳар йигитнинг бағри узилар.  
Севинчдан ёнади жуфт қора кўзи,  
Қизил олма бўлиб пишибди юзи.

Ойсанамнинг тўйи — элининг тўйи,  
Кўкларга ошади хуррамлик куйи.  
Уни оқишлар кулиб ёш қизлар.  
Колхозчи оналар ва тенгдош қизлар,  
Ойсанам тўйига шавкат қўшади,  
Дўмбира-ю, қўбиз ишга тушади.  
Колхозда илғор Ойсанам, ахир,  
Унинг экинзори қолмади тақир.  
Элига атоқли, меҳнатда ўзмиш,  
Ойсанам ўтмишнинг нормасин бузмиш,  
Гектардан биракай олтмиш беш бўлди,  
Шони юртга тўлди, яхши сўз бўлди.  
Жума ҳам элига танилган йиғит,  
Эл бахтин ўз бахти деб билган йиғит,  
Колхозда ударник — қирда чавақдюз,  
Жумадек баҳодир элда эмас оз...  
Ойсанамнинг тўйи — унинг орзуси.  
Унинг Ойсанамга ишқи, туйғуси  
Аму тўлқинлари каби оҳангдор,  
Унинг Ойсанамга теран ишқи бор.  
Икковлон қовушса қувонади эл,  
Тўйни ҳам элики деб санади эл.  
Тўрда ўтирди кўпни кўрган чол,  
Кўлида қўбизи, куй оқар дарҳол,  
Чол бахши товушин роса қўяди,  
Чол бахши элининг бахтин суяди.  
Бахши кечмишларни хотирга олди,  
Қўбизга жўр бўлиб куй бошлай қолди:  
— «Қани, юртим! Қани, яқин кел!  
Чол бахшига қулоғинг сол, эл.  
Мен умримда кўп замон кўрдим,  
Эли гадо ва нолон кўрдим.  
Айланамда дор, зиндон кўрдим,  
Ҳар гўшада ғариб жон кўрдим.

Қайнар қумда, сўнгсиз саҳрода,  
Ҳар қадамда оҳ-фиғон кўрдим.  
Элни бахтсиз сарсон, афтода,  
Золимларни беомон кўрдим.  
Бий калтаги, бойнинг қамчиси,  
Туққан юртни хор қилди дунё,  
Баданларда қоннинг томчиси,  
Парча нонга зор қилди дунё.  
Гўзал Аму қирғоқларида  
Овуллар бор, экинзорлар бор.  
Яшил боғзор қишлоқларида  
Сулувлар бор, нозли ёрлар бор.  
Гулбиби ном бир нозанин қиз  
Силинмайди ҳануз кўнгилдан.  
Хуснига чол ҳануз букар тиз.  
Шум тақдири айирган элдан.  
Сулувлиги ёйилган эди,  
Достон эди элнинг тилида,  
Сочларида атиргул ҳиди,  
Азиз эди ошиқ кўнглида.  
Қоши қора, кўзлари қора,  
Бўйи қамиш, юзлари анор,  
Хусни бўлди унга бир бало,  
Йигит-яланг етолмайин зор.  
Донги кетди хон қулоғига,  
Бек келди-ю зўр билан олди.  
Элим қолди фироқ доғига.  
Сулув қизни ўрдага солди.  
Саҳро қизи — элнинг эркаси  
Тор қафасга тушди беомон.  
Йигитларнинг бутун серкаси  
Ғазабидан чекишарди жон.  
Хон ўрдаси хотинга тўлиқ,  
Хоразмнинг гўзаллари бор.

Гулбибининг юзлари сўлиқ,  
Титраб қочар, йиғлар зор-зор.  
Дилга ёқмас хоннинг севгиси,  
Ахир унинг ўз севгани бор.  
Ҳар нафасда келур ўлгиси,  
Еш умрида шўрлик бўлди хор...

Қиз унамас, сўзида турди:  
Мунчоқ бўлиб оқди кўз ёши...  
Маҳрамлари боғлашиб урди,  
Энг сўнг қуйи солинди боши.  
Аммо хонни қўймас ёнига,  
Нафрат билан қочар Гулбиби.  
Наҳот етмас дил армонига,  
Бўзлар етим бўтача каби.  
Гулбибидай қизни боғлашиб,  
Чангалга ётқизди яланғоч,  
Бегуноҳ дилини доғлашиб,  
Буюрди хон: «Қайноқ сувни соч!»  
Қайноқ сув тўкилди устидан,  
Самоларга учди носаси.  
Улиб кетди хоннинг дастидан  
Кенг саҳронинг сулув боласи.  
Тўй бўлганда, хушнуд кунларда,  
Гулбибини ёд этинг, қизлар!  
Шўхлик қилиб, ўйнаб, ярақлаб,  
Чол бахшини шод этинг, қизлар.

Давр келди, даврон соз келди,  
Қизалоқлар, шодумон ўйнанг!  
Қиш ўрнига баҳор, ёз келди.  
Қизғалдоқлар, беармон ўйнанг.  
Эркингизни бергандир қўлга  
Октябрда Лениннинг ўзи.

Эл қувониб тушди бу йўлга,  
Машғал бўлди доҳийнинг сўзи.  
Бу сарсон эл, бу овора эл,  
Золимлардан олди ўчини.  
Кундан-кунга қувонади дил.  
Ватанига берар кучини».

Шунда бита қолди бахши достони,  
— Балли, балли!— деди бирдан оломон,—  
Юртимиз ҳақиқат, бахтлар бўстони,  
Арзийди бу юртга фидо қилсак жон.  
Ойсанамнинг тўйи — элнинг ўз тўйи,  
Ойсанамнинг куйи — элнинг ўз куйи.  
Шод қўшиқлар баланд кўклардан ошар,  
Эл бари биракай қувонар, тошар...

*1938, март-апрель.  
Тўрткўл.*

## ҚУЗИ

*Бир ҳикоя*

Бор экан етим бурун,  
Номи Қўзи, бенаво,  
Изларкан илиқ ўрин,  
Уксиз, дардига даво.  
Излар кундуз парча нон,  
Тунлари титрар бедор.  
Излар бахтини сарсон,  
Чўпон, баъзан мардикор.  
Бахт этагин тутқизмас,  
Ғам кутар борса қаён.  
Умид ипини узмас,  
Эс танигандан буён.  
Тер оқизар узун йил,  
Бўлади баттар муҳтож.  
Тошга тегар, синар дил,  
Юрак қони тўлар боғ.  
Умри ёт эшикларда,  
Кўзга чўккан хандаси.  
Гоҳ қишлоқ, гоҳ шаҳарда  
Ҳар даргоҳнинг бандаси.  
Қиларкан гоҳо хаёл,  
Гўё қиши бўлар ёз.  
Кўклам — япроқ ёзар тол,  
Шоҳлар чўзар буй дароз.  
Хаёлида: дил қуши —  
Баҳорга этар парвоз.  
Орзуси — кўнгил ҳуши,

Най чалганда мунг овоз.  
Уйлар: кетай бош олиб,  
Тўкай пешона терим.  
Кўриқ очай куч солиб,  
У бўлгуси ўз ерим.  
Орзуси — Асқар тоғдай,  
Бироқ, қани куч-мадор?  
Муҳтожга ким қўл бергай?  
Кўзини кўкка қадар...  
Шум ёлғизлик ваҳмаси  
Солар мудҳиш қалтироқ.  
Тордир олам саҳнаси,  
Ер қаттиқ, осмон йироқ...  
Хаста кабутарсимон  
Дилда жафо раҳнаси.  
Сўнган умиднинг осмон  
Гўё мудҳиш даҳмаси.  
Елғиз... Лекин ҳар билак —  
Шерникидай бақувват.  
Бахт, қўноқ излар юрак,  
Топсам дер пана, хилват.  
Элдан четдароқ бўлса,  
Гийбат сўздан нарироқ,  
Сероб, соз қирғоқ бўлса,  
Заҳар, оч кўздан йироқ.  
Етим уннаб қиш бўйи,  
Йиғди икки тўрва ноп.  
Келганда баҳор тўйи —  
Чиқди-кетди дашт томон.  
Қаттиқ нондай қоқ дала,  
Ошён умид қушига.  
Сайри — қизгалдоқ, лола;  
Қумлоқ — тўшак тўшига.  
Атрофга узоқ боқар,

Қўли қўйиб қошига,  
Тошлар — ёстиқ бошига.  
Кетмон қаттиқ тушганда,  
Даштни тутар садоси.  
Куни ҳеч бўлмас канда,  
Ер очмоқ муддаоси,  
Чарчаганда чўзилиб —  
Йиғлар якка куйига  
Олар кўнгли бузилиб,  
Бир қўшиқни ўйига:

Ғариблик даштида колон ғарибман.  
Ғариблик даштида ҳайрон қолибман.  
Ғариблардан ғариброқ ким жаҳонда  
Ғариблардан ғариб, сарсон ғарибман.

Тириналган қуёш юзи  
Ғарибларнинг оҳидан,  
Қочарми етим Қўзи  
Оч бўри нигоҳидан?  
Қўриқ айланасида  
Бойлар ери бепоён.  
Чоракор ҳаммасида  
Ишлашар ночор, аён.  
Бари малай — мардикор,  
Отда ўтар хўжаси.  
Одамларни тутар хор,  
Зоғараси, гўжаси.  
Қўзи уннар мардона,  
Йўқ ёрмаси, қайласи.  
Йўқ хароба бошпана,  
Ҳатто бузуқ чайласи.  
Беҳол қумга ёнбошлар,  
Кўк ёқар минг-минг гавҳар.



Ўша ошина тошлар  
Ёстигидир то саҳар.  
Игнада чоҳ қазгандай,  
Очди базўр парча ер.  
Ери-нони ширмондай,  
Имлар, нари кетма, дер.  
Энди унга сув даркор,  
Сув келмайди ариқсиз,  
Ариққа тушди ночор,  
Жулдур, оёқ чориқсиз.  
Офтобнинг тафтида  
Қийналади ёлғиз жоп.  
Оқшом кетмон кифтида —  
Чўкар, қолмайин дармон.  
Кутмайди оназор,  
На ука, на сингил бор,  
Йўқ сирдош, йўқ улфат-ёр,  
Ёлғизлик қандай гаддор!  
Мисдай қизар ёз кунн,  
Ҳансирар бетоқат ер.  
Чиқар гўё тутуни,  
Гўё дер: «сув бер, сув бер!»  
Ариқ қазийди Қўзи,  
Сув очай деб майдонга.  
Ҳар кимнинг таъна сўзи  
Тошдай тегар ёш жонга.  
Қўзижон кетмон урар;  
Онадай азиз ери.  
Балога танти турар,  
Тўкар пешона тери,  
Фарҳоднамо зарбида —  
Қаттиқ тупроқ худди мум.  
Ташналик бор лабида,  
Сув кўринар гоҳо қум.

Гоҳо қайноқ биёбон  
Тўлқинлар сув янглиғ.  
Босар кўзини туман,  
Ташналик ва ҳайронлик...  
Анҳор жилваси офат,  
Ваъда бор, вафо йироқ.  
Чопар гўё асов от,  
Жилов солдирмас, бироқ...  
Кўзи кунлардан бир кун,  
Сувни очди ниҳоят.  
Кундуздай бўлур тун,  
Севинчи тошар ғоят.  
Очган сув бу тупроқда  
Уйнаб жондай келади.  
Ер кутади йироқда,  
Сув жонондай келади.  
Кўзи кетди илдамроқ  
Товонига ботар тош.  
Суюнганин кўрсанг нақ,  
Суюнгандан кўзда ёш.  
Кўзи қўриқ айланар,  
Товши чиқмас, тили лол.  
Йигит ва ер шайланар,  
Сув кутишар ташна ҳол.  
Ер ўзи, йигит кўзи —  
Термулишда интизор:  
«Упқонми, нима ўзи?»  
Кўзи туrolмас, қизар.  
Чопар ариқ ичидан:  
«Нега сувдан йўқ дарак?»  
Из қолмас севинчидан,  
Елдай учар жонсарак.  
Не кўз-ла кўрсин, ҳайҳот!  
Сув оқар ўзга томон.

Қораяр кўзга ҳаёт,  
Оҳидан титрар осмон.  
Ким у тўғон бошида?  
Қуроқбой арзандаси.  
Одамлари қошида,  
Уқдай тегар хандаси.  
«Ичасизми сиз ҳам?» дер,  
Учар қаҳқаҳалари.  
Қўзи сўзлар мисли шер:  
«Сизми эл оғалари?  
Мусулмон, инсофми шу?  
Қани, ҳақиқат қайда?  
Нима бўпти жиндек сув?  
Етарли-ку сув сойда!»  
Тошиб сабр косаси,  
Сув очади Қўзижон.  
Аён юрак ғуссаси,  
Ташналик кўзда аён;  
Армонлар мисли олов,  
Кўзда ёнар бепоён,  
Бошга солди катта дов  
Бой боласи шу замон.  
Миниб ғазаб отига —  
Юрди жазо лашкари.  
Боқмас Қўзи додига,  
Калтак тушар бош сари,  
Бой шунақа сув ичар,  
Сувга қўшиб қон ичар:  
Камбағал оғу ичар.  
Қонин беомон ичар.  
Қўзи қонга булашган,  
Етар ташна тупроқда.  
Қонга чўп-чор илашган.  
Ев кўз солар йироқда.

Офтобнинг ўтида —  
Ер ва йигит ташнадир.  
Даштнинг йироқ четида —  
Сароб гўё чашмадир.  
Қон қуйилар кўзига.  
Дашт, саҳро сув кўринар.  
Боқар само юзига,  
Кенг само сув кўринар.  
Бошга урар қайнар қон,  
Ўтда ёнар вужуди.  
Иситмаси қийнар жон,  
Кўнглидан чиқар дуди...  
Тушди мунгли бошига  
Зўравоннинг қамчиси.  
Биров келмас қошига,  
Ешлари — қон томчиси.  
Кўзғалолмас, бедармон,  
Кўнглида озор ётар.  
Даштда кўринар тўфон,  
Қатрасига зор ётар.  
Бош урар шудгорига,  
Дилда алам ўт қалаб,  
Ўтади юқорига,  
Биров сойни ёқалаб,  
Сув очар Кўзи томон,  
Ачинар дил, кўрганда:  
«Мунча зулм, беимон,  
Худо беҳабар банда!»  
Жавлон урар лойқа сув,  
Титрар бедармон бадан:  
«Чинданми сув, нега бу?  
Бу бахт қайдан, нимадан?  
Мен ўксизнинг кунимга —  
Бағри куйган ким бўлди?»

Куллуқ айтай мен кимга,  
Дили севган ким бўлди?  
Сувмисан, кел ичайин,  
Ер ҳам, мен ҳам ташнаман.  
Қонга ботдим, анчайин,  
Сенинг учун ошна, ман».  
Мажнун Лайли кўксига —  
Бош қўйгандай тўлганар.  
Ҳар на келар эсига,  
Сувда ётиб тан ёнар.  
Ер ичар, ерга қўймай —  
Хаста шер ичар тўсиб,  
Тан ёнар: кўзи тўймай —  
Ичар Қўзи қон қусиб.  
Оғзидан қонлар оқар,  
Лойқа сувлар лола ранг.  
Сўнг бор ноумид боқар,  
Тинмас жон тинар аранг.

\* \* \*

Ҳали ҳам бор ўша ер,  
«Қонқус» экан дашт номи.  
Сўйлайди бўзлаб шоир,  
Гоҳо суҳбат айёми.  
Бу замон ўзга замон,  
Офтоб янглиғ шуъладор.  
Одамизод меҳрибон —  
Бир-бирига ҳамдам, ёр.  
Барча куяр бир учун,  
Бир куяр барча учун.  
Куяр чексиз ер учун,  
Куяр бир парча учун.

1939.

## ДАРЕ БУЙИДА

### I

Зангор самоларга пиллапоядай  
Булутга бош қўймиш оппоқ чўққилар.  
Баракатга тўлиқ водийлар яшил,  
Юртимнинг ғурури ва кўрки булар...  
Этаклари гулзор, тепасида қор,  
Кийик ва алқорлар сакрар тўшида.  
Сийнасида не-не хазиналар бор,  
Одамзод кўрмаган ухлаб тушида.  
Ҳар ёнида ирмоқ, ҳовлиқма сойлар,  
Чўққиларда қиш бор, ёнбағирда куз.  
Одамзод оёғи тегмаган жойлар,  
Кумуш булоқлари ёз чоғлари муз.  
Подаларга соз жой — яшил ўтлоқлар,  
Кўнгила ниманики хушлар — муҳайё,  
Ҳуснига ярашиқ бўлиб ўйноқлар  
Яйдоқ тулпор каби азамат дарё.  
Ҳуснига ой ошиқ, юлдузлар хумор,  
Тўлқинлари тупроқ дардига дармон.  
Фақат, ўзи бебош, шошқин, беқарор,  
Бебошлиги тугал хатарнок, ёмон...  
Йўлни қия солиб оқар, тез оқар.  
Гаштини алишмас бир жаҳон зарга.  
Қадим Сирдарёга жўшқин ишқи бор,  
Бўз қирларни кўп ҳам олмас назарга.

## II

Куёш шуълалари расо товланар  
Кумуш мисол кокилларингда.  
Сўйла, жўшқин дарё, не ҳодиса бор  
Сенинг сўлим соҳилларингда?  
Ҳали отмай туриб салқин тоғ тонги,  
Янграб кетар водий, жим дара.  
Садо солар меҳнат ва ижод бонги,  
Машиналар тортишар наъра.  
Уя солган каби бир лак қалдирғоч,  
Тоғ тўшида қатор оқ уйлар.  
Симёғочлар кўкка кермиш кенг қулоч,  
Янграб садо ва янги куйлар...  
Сўйла, жўшқин дарё, сўйла не гап бор  
Баракали қирғоқларингда?  
Тушни тонгга улаб, кимлар тирмашар —  
Сойларингда, ирмоқларингда?

## III

Дарё жўшқин, дарё асов,  
Тошлар зада — бўлолмай гов,  
Баҳор чоғи тошқинларда  
Оқиб тушар юз бир ўтов.  
Дарё тезоб ва зўравон,  
Тортар гирдоб дамига жон,  
Тик қоялар қулаб тушар,  
Сели ёмон, сели ёмон.  
Сели ҳар йил қурбон истар,  
Уйин истар, жавлон истар;  
Сувга кетган тойчоғини  
Эртой ҳайрон-ҳайрон — истар  
Ҳаёт оқар оқ қоридан,

Ясси қир, лолазоридан,  
Гул ва лола ранг олади  
Бу жойларнинг баҳоридан.  
Бўйларида соз даралар,  
Жилвагар, хушманзаралар,  
Тик жарлардан кечиб қуяр  
Катта-кичик шаршаралар.

#### IV

Сийнангда из ташлаб кечмиш карвонлар,  
Чўкмиш дараларга нор туялари,  
Достонлар ўқийди йўллар, довонлар,  
Ҳар жар ковагида қуш уялари...  
Жаҳонгирлар келиб ёт дидорлардан  
Бекор излабдимиз зар, жавоҳирот  
Ва Искандар нечун теран ғорларда  
Ахтармиш дафина ва оби ҳаёт!  
Бу ясси қирларда боболар ётур,  
Туғмадир ҳар ялпиз, ҳар шох, ҳар набот.  
Бунда қон ирмоқлар оқмиш неча қур.  
Бунда Чингиз ёймиш олти юз минг от.  
Қаттол... чидай олмай номус ўчига,  
Боғларга ўт қўйиб, бузмиш тўғонлар.  
Дарёни оқизмиш қалъа ичига,  
Тупроққа тенг бўлмиш қанча қўрғонлар.  
Шошма, она дарё, шошма мунча ҳам,  
Сен ҳам тушун — мозий ва бугун падиш!  
Шонли кунларингга бошлангич бу дам,  
Даврондан минг рози ҳар қиё, адир...  
Камолга еткизар сени бу даврон,  
Сўлим соҳилингда устозлар келди.  
Сен ўзинг минг йиллар эдинг нигорон,  
Ўғлонларинг келди, шоввозлар келди.



## V

Жийда тўқайларнинг ойдин барглари  
Тонг шудрингларида юзини кўрар.  
Товланар минг бир хил қир чечаклари,  
Сабо сунбулларнинг сочини ўрар.  
Тўрғайлар чириллаб учар осмонга,  
Ҳаволарда юзар она бургутлар,  
Ёлғиз тушмагин, деб булоқ томонга,  
Зебо жўжасини каклик ўгитлар...  
Оқар эди шошқин, телба, шўх дарё,  
Водийни силкитди портлама дори,  
Қулаб тушди бирдан тикка тоғ, қиё,  
Қаранг, на кўрсатур одамзод кори.  
Уялардан учди бир гала чумчуқ.  
Алқорлар ўрнида қотди бир зум кар.  
Чўпонлар лабига тошганди учуқ,  
Қирғоқда бошланди ижодкор саҳар...

## VI

Қиё тепасида бир йигит турар,  
Кенг водий устида ўйчан боқиши.  
Пастда жўшқин дарё ўйнар, гуркирар.  
Хаёлни банд этар сулув оқиши.  
Кафтида тургандай кўринур ҳар ён,  
Адирлар, тўғонлар, йўллар, қўрғонлар.  
Бунда ҳар кафт тупроқ таниш-қадрдон,  
Сулув келинчақлар, қизлар, жононлар...  
— Оҳ, она тупроғим, ўсган, жойларим,  
Товоним тегмаган борми бир адринг?  
Ҳали тоғда янграр шўх ҳой-ҳойларим,  
Кўнглимда сақланар, ҳурматинг, қадринг...  
Болалик умримга сен ўзинг гувоҳ,

Яшил яйловларда мен боқдим пода.  
Ёмғирли кунларда тоғ бағри паноҳ,  
Қирлар, довларда кездим пиёда...  
Ёдига тушади болалик чоғи,  
Ёдига тушади йиғлаган кунлар.  
Ёлғизлик, ўксизлик, ўлимлар доғи,  
Гўдак жигарини тиглаган кунлар.  
Тўлқин қўшиғига қулоқ солади,  
Суқланиб боқади тик жар қирғоқда.  
Товланиб ётади боғлар бежирим,  
Одамзод гуллатган она тупроқда...  
Бу сўлим қирғоққа устозлар келди  
Ва дарёга деди мунча шошмагин.  
Азаматлар келди, шоввозлар келди,  
Пайт келди, ҳаддингдан ортиқ ошмагин!  
Жунунинг беписанд, кўргайсан ҳали,  
Асрий туғёнингни тўсар тўғонлар,  
Бошингни қай тошга ургайсан ҳали,  
Бўлди ўйноқлашинг шунча замонлар!  
Инсон ва табиат жанги эди бу,  
Кунга улашарди водийнинг туни,  
Тутқизмайман,— дерди,— дарё — тентак сув,  
Бўлмагайман асло инсон тутқуни!  
Меҳнат қилар эди беҳисоб одам,  
Тош чақар, ушалар не-не қоялар.  
Хаёллар рўёбга чиқар дамо-дам,  
Инсон ошар эди зинапоялар.  
Ой ўтди, йил ўтди... мана бош тўғон,  
Мана комбинатлар ва янги шаҳар,  
Шаҳарки, эртақдай гўзал, чароғон,  
Қадим харобадан йўқ қитдай асар!  
Авж олар водийда ёруғлик базми,  
Ёруғликнинг чўққи ошган вақти бу.  
Ленин йўлагани, партия азми,

Эркин элнинг аэми — ёруғ бахти бу!  
Муъжизакор ҳаёт яратган кимдир?  
Водий қучоғида не-не кошона,  
Чўпон болалари бугун олимдир,  
Бу қандай тилсимот, қандай афсона!  
Йўқ бу на афсона, на чигил рўё,  
Бу — элим яратган сўлим диёрдир.  
Бу — янги, чароғон забардаст дунё,  
Юртимга чиройдир ва ифтихордир!

Тўлқин қўшиғига қулоқ солади,  
Суқланиб боқади тик жар қирғоқда,  
Товланиб ётади не оқ саройлар,  
Одамзод гуллатган она тупроқда:  
— Она дарё, азиз қирғоқ,  
Яшил тўқай, водий, дара,  
Ёруғ бахтга очдинг қучоқ,  
Эртанг тағин порлоқ, сара...  
Эй гурурим, юртим фахри,  
Гўдаклигим кечмиш нодон.  
Чирчиқ шаҳрим, Чирчиқ шаҳрим,  
Сенда бўлдим етук инсон...  
Қушлар сайрар толзорларда,  
Усар райҳон, қизғалдоқлар.  
Туман тушар — ҳарир парда,  
Яшнаб ётар соз қирғоқлар,  
Капалаклар ўйинга банд,  
Порлар заррин қанотлари.  
Тоғларингки, баланд-баланд,  
Эриб тушар новвотлари...  
Булут ўпган сонсиз мўри,  
Бурқиб ётар зангор тутун.  
Бунда — заводларнинг зўри,  
Кундуз каби ёруғдир тун.

Қандай ўқтам ва ботир эл,  
Қандай гўзал, эркин ҳаёт!  
Севинч оқар гўёки сел,  
Қайда бор бундай тиласимот!  
Бу чинакам олтин диёр,  
Иўқ, на эртак, на ҳаслот!  
Жавнат, дўзах бу элга ёт.  
Меҳнат-ла эл бахтига ёр.  
Ғубори кўзга тўтиё,  
Бахти мангу барқарордир.  
Бу янги, чароғон дунё,  
Юртга чирой, ифтихордир...

1948.

## СУРАТ

*Лирик қисса*

### Улимлардан ҳатлаб...

На олтин, на жавоҳир эдим...  
Армонли бир ёш шоир эдим.  
Зухро бўлмасанг ҳам чиройда,  
Мен ишқингда нақ Тоҳир эдим.

Тошлон ўлди, деган ким ахир?  
Гулдай сўлди, деган ким ахир?  
Ниҳот поймол қутлуг ишқ аҳди,  
Бол бўлурми шунчалар тахир?

Барчинойдай кутганинг қани?  
Зардобу қон ютганинг қани?  
Умр йўлида то юмгунча кўз,  
Бирга-бирга кетганинг қани?

Гуноҳим не? — Жангда бўлганим,  
Қон кечганим, юз бор ўлганим.  
Дийдорингни унутолмайин,  
Улимлардан ҳатлаб кетганим...

### Сурат, сурат!

Оч назарим тушар суратга...  
Сурат, сурат! Нега сен тиласиз?

Термуламан суратда хатга...  
Жангларда ёр эдинг-ку, о, қиз!  
Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?..

Кўзларимга боқасан қийғоч,  
Куласану, кўзларингда ёш.  
Халқа-ҳалқа, тарқоқ сумбул соч,  
Зап қийилган бир жуфт қалам қош.  
Куласану, кўзларингда ёш...

Эсингдами сўнги бўсалар,  
Сенга тоқат тилаганларим,  
Юз очганда аёз бир саҳар,  
Хайр!— деб сочинг силаганларим,  
Сенга тоқат тилаганларим?

Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?  
Сени асраб тўрт йил қўйнимда...  
Топинардим, ўпардим... эсиз!  
Эвоҳ, қандай зил юк бўйнимда,  
Сени асраб тўрт йил қўйнимда...

**Илк бағишловлардан...**

## I

Оқшом тушар... ўнгу сўлда  
Оппоқ-оппоқ хирмонлар;  
Тинмай ўтар катта йўлда  
Хирмон юкли карвонлар.  
Тўлиб кетар кўкка юлдуз...  
Келинлар соч тарашур;  
Сен ҳам ҳорғин, сочи қундуз,  
Сенга ҳордиқ ярашур...

Кўз ташла оқшомнинг сўлим чоғига,  
Кел сен ҳам Ойсулув,  
Кел сен ҳам Ойсулув —  
Сой қирғоғига...

Тун сочидан тутиб шўх ел  
Тортар олис тоғларга.  
Аста-аста таралур эл  
Соя-салқин боғларга..  
Куйиб ўтди бемаҳал сел,  
Кўк чарогон кечқурун;  
Кўшиқ янграр: «Жононим, кел!—  
Ойдин, ёруғ бўлар тун».  
Кўз ташла оқшомнинг сўлим чоғига,  
Кел сен ҳам Ойсулув,  
Кел сен ҳам Ойсулув —  
Сой қирғоғига...

## II

### *Ухшатма*

Сен келгин тонг чоғида,  
Сен келгин нақ тонг мисол,  
Тонг болқиб ёноғингда,  
Кўзларим ўйната ол!..

Сен кел туш пайтида ҳам,  
Дарёда эпкин мисол;  
Сочларим тўзғит бир дам,  
Диани ҳам қўзғата ол!

Сен келгин оқшом, майли,  
Оқшом қўшиғи мисол;

Гүё саҳнада Лайли,  
Завқимни уйғота ол!

Сен келгин ойдин тунда,  
Албатта кел ой мисол;  
Қучоғимга афсундай,  
Тўлин ойдаи тўла қол...

### III

Дилим ранжитса ҳам дўқу дағдаға,  
Боғимда бу оқшом жонон ўйнасин.  
Гулдай чиройидан бўлай садаға,  
Очилиб-сочилиб, чунон ўйнасин.

Жўр бўлсин булбуллар чалган торимга,  
Қўшиқлар куйлайин вафодоримга,  
Суқланай Ойсулув отли ёримга,  
Шўх оҳудай айлаб жавлон ўйнасин.

Хяпча белга боғлаб яшил ранг камар,  
Гуллар-чечаклардан тақсин гулчамбар,  
Тенги кам ўйинчи, тенги кам дилбар..  
Томошага келиб, осмон ўйнасин.

Товусдай товлангин, эй қоши камон..  
Висол чаманида бўлайлик омон;  
Айрилик гуссаси ўлимдан ёмон..  
Қолмайин заррача армон ўйнасин.

### IV

Қўшиқлар тўқисам — нўноқ бўлмаса,  
Сендан ўзга дилга қўноқ бўлмаса!



Куйласам туну кун сулувларингни,  
Куйлаш мумкинми дил қайноқ бўлмаса?

Кўнглим ўксинади, кўнглим синади  
Кўнглим билан кўнглинг иноқ бўлмаса!  
Кўнглим ўксинади учрашганимда  
Ойсулужон шўху қувноқ бўлмаса!

### Сенинг ҳар мақоминг...

Яна толпинишинг кўрдим саҳнада...  
Сенинг ҳар мақоминг — нечоғлиқ таниш!  
У кез учратардим сени панада,  
Дилда ёниш борди, ёниш ва ёниш.

Кейин, тоқатлар-тоқ, кутардик висол,  
Кейин мангуликка беришдик ваъда.  
Кейин, қучоғимга тўлдинг бахт мисол —  
Иннайкин... иннайкин... мен бўлдим дада.

Иннайкин, айрилиқ жафо тошини  
Бизнинг пешонага урди аёвсиз.  
Иннайкин, йироқда қалам қошлимни —  
Соғиндим, соғиндим, соғиндим... Эсиз!

Эсиз, аёз тунлар, уйқусиз тунлар!..  
Жанг ва бурч... Ер ҳажри... Қатма-қат жафо.  
Наҳот мен сени деб бўлдим тутунлар?  
Наҳот, шундоқ дилбар бевурд, бевафо?

Яна толпинишинг кўрдим саҳнада...  
Сенинг ҳар мақоминг менга ошино.  
Ҳозир мен кўрмасам сени панада,  
Шукурлар қиламан минг марта, инон!

## Икки дард

Тушларимда дуч келганда ҳам  
Шўхлигингни асло қўймайсан.  
Дам қаҳ-қаҳу, дам кўзингда нам,  
Бу кулфатдан нечун тўймайсан!

Ҳам нафратим, ҳам аянчим бор,  
Юрак — икки дардга мубтало.  
Ғамзалар... оҳ бекор-ку, бекор...  
Қайта оғир бўлди бу бало!

Кўрмай десам, кўзим кўр эмас,  
Юрмай десам, оёғим бутун.  
Аммо юрак ортиқ жўр эмас,  
Хаёлларда бўламан тутун.

Туғилмаган бўлсайдим, кошки,  
Бўлур эдинг бахтли, эҳтимол.  
Эринг билан, майли, ярашки,  
Эринг ахир... Увол-ку, увол!

## Хат...

Хатинг, жонон, обдан бетаъсир,  
Узилган ип нечук боғланур?  
Узинг ахир, сақлаяпсан сир,  
Уз айбингдан қалбинг доғланур.

Мунча узун, мунча оҳу воҳ,  
Пушаймонга қолдими ўрин?  
Агар сенда бўлмаса гуноҳ,  
Билдирмадинг нега сал бурун?

Базмларнинг гули бўлганинг —  
Елғон бўлса, боқ-чи кўзимга.  
Мақтовларнинг қули бўлганинг —  
Елғон бўлса айт-чи ўзимга!

Қани улар? Сохта муҳаббат?..  
Нега фаҳминг етмайди аввал?  
Соғинишга қолдимми фақат?  
Дунё иши шундоқ... Галма-гал...

### Тақиллатсам...

Кичик уйда ўчмаган чироқ,  
Биламанки, сен ҳали уйғоқ,  
Паришонсан, хаёллар тарқоқ,  
Тун яримдан анча ўтган чоқ,  
Биламанки, сен ҳали уйғоқ.

Биламанки, ўқийсан китоб,  
Шеърим сени этади кабоб.  
Оҳ чекасан, битар тоқат-тоб,  
Биламанки, ёд бўлган бир боб,  
Шеърим сени этади кабоб.

Юрагингда уйғонур у соз,  
Тақиллатсам берасан овоз,  
Хаёлингда қишинг бўлур ёз,  
Аммо, қайтиб кетаман... Аёз...  
Тақиллатсам, берасан овоз.

Биламанки, чиқмас кўнглингдан,  
Не ёмонлик кўрдинг сен мендан?  
Шу важданки ҳар кун синглимдан —  
Сўроқлайсан аҳволимни сан...  
Не ёмонлик кўрдинг сен мендан?..

## Бугун йўлда...

Бугун йўлда дуч келганинда,  
Нега бирдан тўхтадинг, жонон?  
Эринг келар эди ёнингда,  
Сал қолдики чақирсанг: «Тошлон!»

Мен панага олдим ўзимни,  
Сен йўлингга тушдинг ҳайтовур.  
Кўрмаганга солдим ўзимни,  
Жанжал бўлур албатта бир қур.

Шўрлик Тошлон, бечора Тошлон!  
Ғамдийда, ҳей кўзларим, ёшлан!..

## Амон!..

Худди шундай эрта баҳорда  
Учрашгандик икков кечқурун.  
Айрилгандик эрта саҳарда,  
Ҳали иссиқ кўринур ўрин...

Ҳамон ўша чинор — ям-яшил,  
Дарё бўйи — зумрад соябон...  
Безовта бўлди-ку андак дил,  
Амон, хаёл! Амон, ал-амон!..

## Болажон

Эй... Кўзларинг мунча ҳам қийиқ,  
Мунча қийиқ, мунча бетийиқ,  
Киприкларинг мунча ҳам қуюқ,  
Ўғлимга ўхшайсан, болажон!

Билмас ҳатто яқин ҳамхонанг,  
Очармиди юрагин онанг?  
Мен-чи... Мен-чи... Мен-чи, бегонанг...  
Ўғлимга ўхшайсан, болажон!

### Ҳафтада, ойда...

Амаки де, хафа бўлмайман,  
Ота дема, юз берур бало.  
Ҳафтада кел, майли, ўлмайман.  
Фаҳм этарсан ахир бир йўла.

Ҳафтада кел, майли, ойда кел,  
Амаки де, ака де, майли...  
Аммо қолмай албат майда кел,  
Узоқмас-ку, ҳозир Кегайли!..

### Эртак...

... Қиссамизни ёйма оламга,  
Юрагимиз бўлсин жим макон.  
Эртак каби сўйла боламга,  
Маълум бўлсин унга бу дoston...

Муҳаббатнинг гавҳар донасин —  
Ўғирлатган тентаклар, десин.  
Ҳар кун, ҳар кун қистаб онасин:  
— Эртак, эртак, эртаклар!— десин!

### Барини унут!

Яна баҳор, шовиллар анҳор,  
Бошларингда нега йўқ чамбар?  
Яна боғда кезасан танҳо,

Тўлиб-тўлиб йиглайсан магар,  
Бошларингда нега йўқ чамбар?

Гул юзингда ғам кўланкаси,  
Сўзладингни сувга тушингни?  
Адашганлик бўлди ҳаммаси,  
Ялтироқ ранг олди ҳушингни?  
Сўзладингни сувга тушингни?

Нега кўзинг безовта, бетинч,  
Боқишларинг бу қадар мунгли?  
Барин унут, пушаймонинг кеч,  
Оғримасин янги ёр кўнгли...  
Боқишларинг бу қадар мунгли?

Балки, эсга тушди май туни,  
Табиатнинг тўлин ой туни,  
Муҳаббатга жойли-жой туни,  
Вафоларга мўл ва бой туни.  
Табиатнинг тўлин ой туни...

Балки эсда у илк муҳаббат,  
Муҳаббатга қанот бўлган хат?  
Мармар тошга ўйилган каби,  
Кўз олдиндан кетмас у фурсат,  
Муҳаббатга қанот бўлган хат...

### Ёр дегунча...

Ойлар, йиллар қийнади жафонг,  
Жон аядинг, бўлмади вафонг.  
Ёр дегунча, дўст атагунча,  
Десаиғ яхши: «Айлансин онанг...»

Опа дейман, ёр атамайман;  
Ҳайҳот!.. Опа, аяга бойман,  
Мурдор экан юрак нақадар,  
Баъзан танҳо аччиқ йиғлайман.

### Дилда қолди...

Қайдан чиқди бу бало сурат,  
Балоларга мубтало сурат,  
Хотиримга тушди йигитлик,  
Кайфим олди аждаҳо сурат...

Дудоқлари ярқироқ лаъли,  
Пари десам ярашур, бали.  
Шахло кўзлар, қасди жон кўзлар,  
Ёнармисан шу хилда ҳали?

Сўлди бутун ишқим боғлари,  
Йигитликнинг баҳор чоғлари.  
Сен ёнасан, мен ўртанаман,  
Дилда қолди ҳижрон доғлари...

Сен дилдорсан унга ноилож,  
Суюк ёрсан унга ноилож...  
Икки йиллик ширин умрдан —  
Қолдикми шу кунга ноилож?

### Фақат!

Нега кўнглим, бўлдинг бетоқат?  
Тинчлан, дедим сенга неча қат.  
Сўнармиди ғусса оташи —  
Ёзган билан менга баъзан хат?

У — ёшликни соғинар фақат,  
Эсдаликлар жон қийнар фақат.  
Ёшликдаги муҳаббат ўчмас,  
Ажал келса, у тинар фақат...

### Яна сурат...

Сийнанг тоза оқ мрамар каби,  
Мрамар эмас, юмшоқ пар каби.  
Мрамар совуқ аммо бу сийна —  
Дўзах каби, йўқ, баттар каби...

Сийнанг шундоқ... Юрагинг-чи, тош..  
Кўзларинг-чи, беаёв — бебош.  
Шаҳло эмиш... Шаҳло нимаси?  
Оҳ, у кўзлар бир парча қуёш.

Тасвирингга нўноқман, ночор..  
Менга қолди сурат ёдгор..  
Ухшашингни тополмайман ҳеч,  
Бу малоҳат фақат сенда бор.

Ҳаммасидан — кулишинг яхши.  
Дилкаш, мунис туришинг яхши.  
Кўкрагимга бошингни қўйиб,  
Таслим бўлиб туришинг яхши.

1956—57, Қорақалпоғистон.



## ЛЕНИН ВА РАЖАБ БОБО

### I

Авжидайди эрта кўклам,  
Чаман эди чексиз чўллар.  
Сойлар тошқин, сойлар илдам,  
Узалганди узун йўллар.  
Йўл ёқалаб сўнгсиз дала,  
Дала бўйлаб тошар ҳаёт.  
Қушлар учар гала-гала,  
Янграр қўшиқ, янграр баёт...  
Ясси тепа, толзор, ҳовуз,  
Қўғайми бу ё ирғайлар?  
Пастлаб учар қирғий ёвуз,  
Чириллалар бўзтўрғайлар.  
Сигир, қўйлар ўтлашарди,  
Чўпон юрар ортларида.  
Қўзичоқлар ўйнашарди  
Чексиз шудгор сиртларида.  
Келар йилқи кишнашлари  
Тизма қирлар, ўтлоқлардан.  
Қулунларнинг тишлашлари  
Эшитилар овлоқлардан.  
Куйлар эди далада эл,  
Куйлашарди боғларида.  
Ишлашарди боғлашиб бел,  
Мавсумнинг гул чоғларида.

Олам ёрур, димоғлар чоғ,  
Йўлда эди алп бир падар.  
Шаҳар бўлди мунча узоқ,  
Етмаса то тушга қадар...  
Уйлаб борур, куйлаб борур,  
Ўз-ўзига сўйлаб борур,  
Уй дарёсин бўйлаб борур,  
Сайри баҳор айлаб борур.  
Қатта довга тушмоқчи чол,  
Борар шердай тинч, авайлаб,  
Кўнглида бор қанча савол,  
Сўз ахтарар сайлаб-сайлаб.  
Кўкда булут қарвон янглиғ,  
Оқ момикми юклагани?  
Чолни босар гоҳ ҳайронлик,  
Қўрқар оғиз жуфтлагани...

## II

Бу падарга ошно шаҳар,  
Сувин ичмиш мешкобидан.  
Умрларга бўлиб хатар,  
Тош ўрганмиш офтобидан.  
Бу падарга таниш қўрғон,  
Зах ҳужралар, сирли йўллар.  
Чуқур зиндон, похол йўрғон,  
Ойболталар, қонли қўллар.  
Оқ булутдай ўраб салла,  
Боқар ўлим миносаси.  
Кўз олдида ҳар маҳалла,  
Шарқнинг сўлим миносаси.  
Совуқ, ёдир ва тунд тошлар:  
Ҳайбатидан қон уюшар.

Тошга тушиб синган бошлар  
Эсга тушар, эсга тушар...

### III

Кимлар қўли тикламиш ҳисор,  
Кимлар қурмиш музайян сарой,  
Кимлар хушбахт, кимлар хокисор,  
Кимлар қадди букик мисли ёй!—  
Кимлар ичмиш биллурун шароб,  
Кимлар ичмиш бу сассиқ кўлдан?  
Ким номурод, ноком ва хароб,  
Ким ўлиги топилмиш чўлдан?  
Ким измида гулзор, кошона,  
Сулуварки гўё фаришта?  
Кимга оғил ва сомонхона,  
Ким қисмати безгагу ришта?  
Оҳ, бу асрий саргузаштлардан  
Тош диллар ҳам қумдай ушалар...  
Тандир янглиғ лов-лов даштлардан  
Сув ўтказиб келмиш ўшалар!

### IV

Ўтганларни эслаб келар бу чол,  
Бухоро бу, қадим ўз шаҳри...  
Не умрлар бўлди бунда завол,  
Едга тушса, қайнайди қаҳри.  
Кечагина азиз тупроқ учун  
Жангга кирган ўзи довлашиб.  
Ҳарқалай у қолди соғ ва бутун,  
Қанча бало билан ёвлашиб.  
Кечагина тахт бўлди-ку вайрон,  
Шундоқ эди замон талаби.  
Сўнгги хотиралар қилур ҳайрон,

Кўз қуёшдан қамашган каби  
Қандай бахтки, йироқ-йироқлардан  
Кўл чўзолди Лениндай сарвар.  
Қандай бахтки, лою ботқоқлардан  
Юқорига қалқди кўп гавҳар.  
Қандай бахтки, она-Ватанига  
Эга бўлди бенаво қуллар.  
Қандай бахтки, хазон чаманига  
Қайта бошдан ўтқазгай гуллар...  
Қандай бахтки, она юрти учун,  
Ўзи учун тер тўкар инсон.  
Кунлар ўтган сари ҳаёт тўкин,  
Излаб юрмас бўлди парча нон...

## V

Чол шаҳарни кезар, равшан дили,  
Кўчалардан кечар.  
Ҳали ҳориган йўқ, бардам бели,  
Жўмракдан сув ичар.  
Хилпирайди баланд, ёрқин байроқ,  
Хилпирайди ёрқин.  
Байроқда барқ урар чўкич — ўроқ,  
Таратади ёлқин.  
Мактаблардан чиқар, ўйнар ёшлар,  
Ўйнагиси келар.  
Дилин қувноқ ҳислар қўзғай бошлар,  
Куйлагиси келар.  
Кўчаларга ҳуси бўлмиш роса  
Сут ранг беҳад бино.  
Қани, келиб кўрса, қойил бўлса —  
Абу Али Сино!  
Чолнинг завқи тошар, кекса кўнги  
Ғурур билан тўлар.

Куйлаб ўтган барча қиз ва ўғил —  
Фарзандидай бўлар.  
Чол гурури ортар, тўкилган қон  
Кетмабди ҳеч бекор.  
Дадил қадам отар, ўта шодмон,  
Кўзлар боқар хумор.  
Не хуш замон, не хуш даврон бўлди,  
Қанча йиллар кутиб.  
Ғариб кўнгилларга зиё тўлди,  
Қанча йиллар ўтиб.  
Улкан бир бинога келиб етди,  
Тўхтади у дарҳол.  
Ижрокомни сўраб, кириб кетди,  
Ражаб номли бу чол.

## VI

«Ортга боғ ҳам даркор, ниҳол ҳам даркор,  
Камми бу ўлканинг қўриғи, бўзи?  
Мевазор ҳам гапми — жўн тол ҳам даркор,  
Боғ қулат, деган ким! Қани? Ким ўзи!  
Бу ахир хунук-ку, яхши эмас-ку,  
Кесилса гўдакдай асралган боғ-роғ.  
Марказ эшитса-чи, яхши демас-ку,  
Бу қандоқ кўргилик, инқилобга доғ!  
Ўтган йил: қурисин, деди, шоликор.  
Қуришга улгурмай ўрнида қолди.  
Кимдан бу нодонлик, бўлдик-ку безор,  
Бежо буйруқлари дилга шак солди.  
Ким ўзи, гаплашиб қўяй мен ёлғиз,  
Нега меҳнаткашни қўймас тинчгина?!  
Нега санча берар жонга жуводиз!»  
Хит бўлар чол қаҳри сизмас ичига,  
Ижроком раиси доғулинамо:

— Ражабсиз-да, ўша тинчимас Ражаб,  
 Ражаб бўлганда ҳам ажабдан-ажаб...  
 Майли-ку, марказдан буйруқ бор, аммо...  
 Сиз, ота марказга доим қаршисиз,  
 Қуруқ бу гаплардан нима ҳам битар?  
 Сиз ахир улугсиз, шўро бошисиз,  
 Шундай қилмасангиз бошингиз кетар!  
 Чол дағ-дағ қалтирар, кўрқувдан эмас,  
 Йўқ, қалби ўртанар, ёнар гумонда.  
 — Бас,— дейди,— чўзмагин, сўзни чўзма, бас!  
 Дод солмоқчи янглиғ жон ғалаёнда.  
 Гув-гув чарх сингари айланур боши,  
 Қишлоғини ўйлар, боғларни ўйлар.  
 Кимнидир ахтарар, портлар бардоши:  
 «Ҳамон елкадами ўша шумрўйлар?»  
 Неча кун овора бўлиб чол тажанг,  
 Уйига йўл олди, кўп бесаранжом.  
 Уйланар, ўз-ўзи билан қилар жанг,  
 Бўғзидан ош ўтмас, не чигил айём...  
 Андишада ёнар, марказ наҳотки  
 Боғни қулат деса? Шу боғларни-я?!  
 Бунда қандоқ сир бор, юз бир ҳайҳотки...  
 Дили ишонмайди: не бўлди, ия!

## VII

Чол кўзида ғурури аён,  
 Ажиб сурат олар қўйнидан.  
 Икки қўллаб олар пуртуғён,  
 Зилтош тушар гўё бўйнидан...  
 Бу — Ражаб чол давлати эди.  
 Яъни Ленин сурати эди.  
 Ноёб сурат ўша кечқурун  
 Дарчадан ҳам анча баландроқ,

Уй тўридан олди саз ўрин.  
Кўз узолмай тикилар узоқ...

## VIII

Чол олдида ямоқ «Алифбо»,  
Тонгга қадар тутаб жинчи роқ,  
Киприк қоқмай, ёзар у расо,  
Қинғир-қийшиқ, чала-ю тўмтоқ:  
«Ўртоқ Ленин, бориб етсин ёзганим,  
Сен ишончим, сен суянчим, қўллагин.  
Очиқ айтгин, наҳотки бу озганим,  
Озган бўлсам, йўлга солгин, йўллагин.  
Эс танибман — куним учун малайман,  
Қолдимикан мен кирмаган кўча ҳеч?  
Билиб қўйгин — кимман ўзим, қалайман,  
Дилим очай, бўлса ҳамки анча кеч...  
Қўш ҳайдадим, мола босдим, мардикор,  
Юз эшикда аравакаш, югурдак  
Юз эшикда қарол ёки жиловдор,  
Товонимда юз ёбондан чўкиртак...  
Меҳнатимдан тўқсон бўлар тўққизи,  
Бек пуч ёнғоқ тўлдиради қўйнимга.  
Қўшда ўлди бино қўйган ҳўкизи,  
Бўйинтуруқ солди менинг бўйнимга.  
Не қилайлик, бошга тушса — қўрар кўз.  
Хўкиз бўлиб тортдим шунда омоч ҳам.  
Бегим учун боғ-роғ бўлди қанча бўз,  
Қиймас, лекин менга қинғир ёғоч ҳам.  
Ғалла ташиб юрганимда хирмондан,  
Филдай чўвур қулади-ку суруниб.  
Хўжайиним ардоқларди нақ жондан,  
Зўриққандан ўлди ахир уруниб.  
Ўша юкни тортиб келдим ботқоқдан,

Шу-шу бўлди: Ражаб гов ҳам лейдилаар.  
Хўжайинлар безор мендай чатоқдан.  
Алғов-далғов, баъзан дов ҳам дсйдилаар.  
Талай менинг лақабим ҳам атоғим,  
Елкам ҳали сира ерга текканмас.  
Уртоқ Ленин менинг битта чатоғим:  
Зўравошга Ражаб бўйин экканмас.  
Кези келса тақачиман ё деҳқон.  
Кези келса, ҳам мол боқдим, ҳам туя.  
Неча маҳал пахса уриб, едим нон,  
Шу чоққача сўзламадим ножўя.  
Ўсиб-унган жойим тенгсиз Бухоро,  
Манглай терим сингган тупроқ — ота юрт.  
Ясан-тусан, ўзи енгсиз Бухоро,  
Боғларида олмаси бор ва олмурт...  
Хазина юрт, ёмби-ёмби зарн мўл,  
Мен тер тўккан боғу роғ ҳам оз эмас,  
Нимаки дунёда бор — бари мўл,  
Юрагимга солган доғ ҳам оз эмас.  
Эллигимда аскар бўлдим, қон кечдим,  
Фрунзени кўрганлардан бири мен.  
Эрк ташнаси, этик билан сув кечдим,  
Давронда давр сурганлардан бири мен.  
Уртоқ Ленин, маълум бўлсин ёзганим,  
Мендайларга мададчисан, қўллай қол.  
Очиқ айтгил, наҳотки бу озганим,  
Озган бўлсам, тўғри йўлга йўллай қол.  
Чақим эмас, шикоят ё нолишим,  
Бошпанам бор, шукур, уйим — қўрам бор.  
Ўз новим бор, ўз тўшагим — болишим,  
Ўз қишлоғим, ўз гаштагим, жўрам бор.  
Ҳаммамизга келди тенглик, келди файз,  
Ер ҳам олдик, сув ҳам олдик бобма-боб.  
Қирқ кишига татигандай бир майиз,



Ёруғликка бошламоқда инқилоб...  
Гапим узун, вақтинг тигиз, нетайин,  
«Боғ қулат!»—деб буйруқ келди қисқаси.  
Рост гап бўлса, дарров бажо этайин,  
Узингдами шундай қоғоз нусхаси?  
Уртоқ Ленин, наҳот боғлар қирқилса?  
Сув бўлса бас, ер танқисмас унча ҳам.  
Розимасман, алп чишорлар йиқилса.  
Увол ахир—не гул, ҳатто гунча ҳам.  
Бухорога борган билан бўлмади,  
Бир сўзлиман, бўлолмайман ялинчоқ.  
Ижрокомдан қайсар кўнглим тўлмади,  
Ёруғ кунда ёпинган-ку ёпинчоқ...  
Хато кетмай, сақлагин эй яратган!  
Бу ўша-ку, қочқин бекнинг ноиб.  
Бир аймоқни ўз сўзига қаратган,  
Қамчисидан қон томганинг гойиб...  
Қарчигай зот еттик бўлмас қарғага.  
Арслон изин босармиди ҳеч кучук!  
Юрагимни очсам сендек дарғага,  
Жилов кимда, фармон берар у нечук?  
Уртоқ Ленин, бу қисқароқ ёганим,  
Мендайларга йўлбошчисан, йўллавор.  
Очиқ айтгин, наҳотки бу озганим,  
Озган бўлсам, дариг тутма, қўллавор.  
Боғлар, ахир мунчоқ-мунчоқ қора тер,  
Гўдак ҳусни, даво-ку бу юз дардга.  
Боғларсиз ҳам экинга мўл бизда ер,  
Нима дейман, боғ кес, деган номардга?  
Уртоқ Ленин, мен ўтирмай бўлиб без,  
Ажабликда ажабтовур ажабман.  
Вақтинг бўлса, жавобини жўнат тез,  
Бухорода бобокентлик Ражабман».  
Елкасидан тушгандай зил тош.

Сўлиш олур тонг ҳавосидан.  
Қандоқ зарба кутмоқда бу бош  
Тағин тақдир можаросидан!  
Кўкаламзор далага боқиб,  
Чол жиддийт олди юзига.  
Бир нафасда тағин тутақиб:  
— Боғ кесмайман!— деди ўзига...

## IX

Бобо тушди ишга тағин,  
Кеч қайтади даласидан.  
Севар боғин, ҳар бутоғин  
Кўзларининг қорасидай.  
Ҳар нимадан аъло турар  
Янги замон берган бу бахт.  
Иш бошида ўзи юрар,  
Ҳаммасига топади вақт.  
— Сутга ўхшар,— дейди тупроқ,—  
Худди сутдай қаймоқ тутар.  
Ҳайдамасанг уни кўпроқ,  
Қаймоғи ҳам бенаф кетар.  
Бобо дарров ҳозир бўлар  
Қолоқ элат тепасида:  
Баъзан ўзи кетмон урар,  
Меҳнат қизир теграсида.  
Мақоллари дармон белга,  
Ҳар сўзи бир ҳикмат элга.  
Шафақ қизғиш, уфқ заррин,  
Қирмизи ранг олур булут.  
Сувлар тиниқ, ҳаво сарин,  
Ҳар қайрағоч, ҳар асрий тут —  
Чол кўзига жуда қиммат,  
Меҳр қўйиб боқар боғбон.

Қанча меҳнат, қанча ҳиммат,  
Даркор бўлса — жон ҳам қурбон.  
Анов чинор, улкан чинор...  
Гўдакликдан азиз ёдгор,  
Соясида не сирлар бор,  
Гўдаликдай жозибадор.  
Салқин оғуш очади тун,  
Гавҳар тошлар ёқар само.  
Чол уйқуси қочар бутун,  
Дилни ёқар ўша «аммо»...

## Х

Тарқалмиш талай миш-миш,  
Эмиш Ражаб гуноҳкор.  
Кимдир унга қайрар тиш,  
Лекин чол мардонавор:  
— Майли, гуноҳкор қилсин,  
Кайфим бўлмас чалакам.  
Боғ-роғ у ёқда турсин,  
Кесмайман тол чивиқ ҳам!

«Эрта қамалар эмиш,  
Индин сўралар эмиш...»  
Атрофда фақат миш-миш,  
Чол тетик, авжида иш.  
— Тиришганинг тўқмоғи  
Тошга чега қоқар! — дер.  
Яшнар дала-ю боғи,  
Иш бошида кекса шер.  
— Чумчуқдан қўрққан одам  
Тариқ экмас! — дер бобо.  
Кўнгли тўқ, бели маҳкам,  
Лекин юзи қаҳрабо:

«Ростдан янглишдиммикин?  
Не бало бўлди ахир?  
Қалтис олишдиммикин?  
Шуниси оғир, оғир...»  
Дилда саросима бор,  
Қийналар дов юраги.  
Кўнгли оқ, соқоли қор,  
Ленин эди тираги...

## XI

Бежавоб қолмади хат,  
Даври соз, даврони соз,  
Жони қийналган фурсат  
Келиб қолди оқ қоғоз.  
Хабар ногаҳон бўлди,  
Довруқ бир жаҳон бўлди,  
Чигиллар аён бўлди,  
Олам чарогон бўлди.  
Ленин ёзган эдики:  
«Элга боғ ҳам кўп даркор!»  
Чол шодлигин йўқ чеки:  
— Оламда ҳақиқат бор!  
Ленин ёзган қоғозда:  
«Сергак бўлингиз, дебди,  
Саратону аёзда  
Ҳали йўлингиз, дебди.  
Ҳа, бу йўл ўнгай эмас,  
Ҳали анча ғовлар бор,  
Тайёр, илиқ жой эмас.  
Ҳали талай довлар бор.  
Тайсалламанг, мард бўлинг,  
Тўка беринг тагин тер,  
Қўшчилар, ҳамдард бўлинг.

Ер очинг, ер очинг, ер...»  
Боғлар қирқилсин деган  
Одам қирқилди ўзи.  
Ленин заб доно экан,  
Узоқни кўрар кўзи.  
Саҳарда уйғонишиб,  
Оқшом қайтишар бўлди.  
Енишиб, тўлғанишиб,  
Қўшиқ айтишар бўлди:  
Бир-бирининг ортидан  
Ўтар йилу палласи,  
Ҳамма рози бахтидан:  
— Бор бўлсин чол калласи!

1938—1965.

## МУНДАРИЖА

### Ш Е Ъ Р Л А Р

Сени улуглайман . . . . .	7	Қирғизистон . . . . .	81
Божобон . . . . .	9	Чағалай . . . . .	83
Сой бўйи — яланг қумлоқ . . . . .	11	Мен сени . . . . .	85
Гилос . . . . .	12	Қирғиз халқига . . . . .	87
Пиёла . . . . .	13	Маҳтумқули тўйида . . . . .	88
Қайрағоч . . . . .	14	Бахтиёрлик . . . . .	90
Кўл бўйида . . . . .	16	Алёр . . . . .	93
Аму балғи . . . . .	20	Киприқларим . . . . .	95
Кегайлидан . . . . .	21	Гавҳар . . . . .	96
Барқут . . . . .	22	Уйғон, шоир . . . . .	98
Енгажон . . . . .	24	Қозоғим . . . . .	101
Ҳодиса . . . . .	25	Қайдадир булоқ . . . . .	103
Дўст қабрида . . . . .	28	Олтин қўнғиз . . . . .	104
Шаҳар . . . . .	30	Балиқ ови . . . . .	105
Саҳрои . . . . .	32	Тўрғай . . . . .	107
Сажда эмас . . . . .	34	Утпараст сингари . . . . .	109
Булут . . . . .	40	Балиқлик бўйида . . . . .	110
Тонгдан ҳам чиройли . . . . .	42	Оқсоқол . . . . .	111
Қора соч . . . . .	43	Қор қўмсаш . . . . .	113
Сулув ёа . . . . .	45	Абай-бобой . . . . .	116
Юлдуз . . . . .	46	Мухтор оға мотамда . . . . .	118
Бу шундоқ улкан юртки . . . . .	47	Собит оға . . . . .	119
Ларза . . . . .	51	Гул кўчат . . . . .	121
Қирқ бир . . . . .	52	Қимиз . . . . .	125
Улуғ икқилоб . . . . .	53	Кончи чироғи . . . . .	127
Сенга, республикам . . . . .	55	Қарқаралик . . . . .	129
Қорақалпоқда Тошкентни соғиниш . . . . .	58	Келинг . . . . .	130
Бизга келинг . . . . .	63	Рашк . . . . .	132
Дўстимнинг умр йўлдоши . . . . .	66	Тортиқ . . . . .	133
Қалдирғоч . . . . .	68	Тўқсон икки . . . . .	135
Олмаотанинг қиши . . . . .	70	1917 . . . . .	137
Эл-юрт мақтовни . . . . .	71	Амакним . . . . .	139
Булут . . . . .	75	Ленин жилмайиши . . . . .	141
Жўжа . . . . .	76	Шамдон . . . . .	146
Онагинам . . . . .	77	Олис Фарғонадам . . . . .	147
Украинамсан . . . . .	80	Сағана . . . . .	150
		Куба оролидан . . . . .	153

Қиш эди . . . . .	155	Кўклам элчиси . . . . .	243
Соч оқлиги — кўнгила оқ- лиги . . . . .	156	Кўнгиломоч . . . . .	245
Саккизинчи . . . . .	157	Булоқ . . . . .	247
Бибимарям . . . . .	159	Гўдақлигим . . . . .	249
Жавоб ўрнида . . . . .	162	Епиғлиқ нонми булар . . . . .	253
Пардалик . . . . .	165	Чўпон . . . . .	254
Боқини . . . . .	167	Шумғия . . . . .	256
Барно . . . . .	168	Гултож . . . . .	258
Опоқи . . . . .	169	Кучоқ . . . . .	260
Фидел Тошкент денғизида . . . . .	173	Келмагин . . . . .	262
Тарсаки . . . . .	177	Илҳом парисига . . . . .	263
Устозга атаганим . . . . .	180	Чигит . . . . .	264
Дорулфунун хиёбонида . . . . .	182	Тоғдай таянчим ҳам . . . . .	266
Сирдарё . . . . .	185	Оқиш . . . . .	270
Чўл кечаси . . . . .	188	Салқин саҳар . . . . .	272
Олхўри . . . . .	190	Соз . . . . .	274
Бихишт . . . . .	192	Ҳар кун . . . . .	276
Ўқимишли . . . . .	196	Емғирлик . . . . .	277
Денгиз тинчимади . . . . .	201	Тарона . . . . .	280
Сен баргида . . . . .	202	Алёр . . . . .	282
Чоллар . . . . .	203	Михаил Иванович Ка- линин . . . . .	286
Чўл чечаклари . . . . .	205	Навой кўчасида . . . . .	289
Мағну олов . . . . .	206	Афрасиёб . . . . .	291
Чанқоқлик . . . . .	209	Кул тепа . . . . .	294
Най . . . . .	212	Долазор . . . . .	296
Кўнгаим . . . . .	214	Қорхат . . . . .	297
Ёз ёмғири . . . . .	216	Заранг коса синиғи . . . . .	300
Аразлик . . . . .	217	Йўлинг узун . . . . .	302
Кўшиқ . . . . .	218	Пушкин уйида . . . . .	305
Сув ва Сулув . . . . .	219	Кўз . . . . .	307
Ушандоқ . . . . .	221	Истардимки . . . . .	308
Дийдор . . . . .	223	Майли . . . . .	310
Тўн . . . . .	227	Агар . . . . .	312
Мен келганда . . . . .	233	Шундоғам севаманки . . . . .	313
Анғиз . . . . .	235	Тўй қўшиқларидан . . . . .	315
Ҳали ҳам . . . . .	236	Қуш тили . . . . .	317
Ов . . . . .	237	Гулчи . . . . .	319
Қалдирғоч . . . . .	239	Ҳаттоки . . . . .	220
Сой . . . . .	240	Йилбоши ўланларидан . . . . .	321
Шудринг . . . . .	241	Биринчи сабоқ . . . . .	323

Самарқанд шеърларидан . . . . .	327
Она юрт . . . . .	329
Дунё бир соз қўшиқдан . . . . .	331

**ДОСТОНЛАР**

Номус . . . . .	335
Аждар . . . . .	362
Диалкушо . . . . .	370

Сув қизи . . . . .	384
Фаргона . . . . .	394
Бахшнинг айтганлари . . . . .	402
Ойсанамнинг тўйида . . . . .	408
Қўзи . . . . .	414
Дарё бўйида . . . . .	422
Сурат . . . . .	429
Ленин ва Ражаб бобо . . . . .	441

На узбекском языке

**МИРТЕМИР**

Сочинение в 3-х томах

**ТОМ II**

СТИХИ И ПОЭМЫ

Редактор И. ГОФУРОВ

Расом Э. ИСҲОҚОВ

Расмлар редактори Г. ФРОЛОВ

Техн. редактор М. МИРЗААҲМЕДОВ

Корректор Ш. ЗУҲРИДИНОВ

Босмахонага берилди 22/III—1971 й. Босишга рухсат этилди 20/IX—1971 й. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма а. 13,80. Шарҳли босма а. 19,50. Нашр а. 15,8+0,16 вкл. Тиражи 10 000. Ғ. 12859. Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шарҳнома № 230—69.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 1 қўроғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1971 й. Заказ № 620. Баҳоси 2 с. 21 т.

Уз  
57

МИРТЕМИР.

Асарлар 2 томли. Т. Бадний адабиёт нашр, 1971.  
Т. 3. Шеърлар ва достонлар.

456 бет, Тиражи 10 000.

Индекс 7-4-3